159.9:004(075)
У-47

Бахриддин Умаров
Муяссар Ахмедова

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Бахриддин Умаров
Муяссар Ахмедова

ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК

Ижтимоий-гуманитар олий таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

Проверено

ТОШКЕНТ
CHASHMA PRINT
2013

УЎК: 159.9:004(075)
КБК: 76.0
У-47

Масъул муҳаррир Н.Қ.Жўраев - сиёсий фанлар доктори, профессор

Тақризчилар: Р.Самаров - фалсафа фанлари доктори, профессор
Н.Комилова - психология фанлари номзоди, доцент
К.Калонов - социология фанлари номзоди, доцент

У-47 Умаров, Бахриддин
Очиқ ахборот тизимларида ахборот- психологик хавфсизлик: ўқув қўлланма / Б.Умаров, М. Ахмедова ; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ; Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ун-ти : – Т. Chashma Print, 2013. – 252 б.

Мазкур дарсликда очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик, глобаллашув жараёни ва ахборот хавфсизлиги, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлигидаги манбалар ва уларнинг турлари, ахборот психологик-хавфсизлик ва интернет, оммавий ахборот воситалари ва ахборот қарама–қаршилиги, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг компонентлари ва мазмуни, ахборот - психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий йўналишлари ва усуллари, очиқ оммавий ахборот тизимлари шароитида шахснинг психологик ўз-ўзини ҳимоялашини таъминлаш каби масалалар ёритишга ҳаракат қилинди.

Ўқув қўлланманинг асосий мақсади талабаларда очиқ ахборот тизимида ахборот оқимини қабул қилишда самарали психологик ҳимоялаш (ўз-ўзини ҳимоялашда) учун маҳорат ва билимни (назарий, услубий) шакллантиришдир. ОТМнинг талабалари (фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, психология, социология, журналистика, филология йўналишидаги талабалар) мазкур қўлланмани чуқур ўрганишлари натижасида келажакда олган билимларидан фойдаланиб жамиятни ва давлатни маълум соҳа йўналишида ахборот-психологик ҳимоялашга, шунингдек, ушбу соҳадаги билимларни юқори даражада илмий-услубий тадқиқ қилишга қодир мутахассислар тайёрлашга имконият яратади. Қолаверса, бугунги кунда кундалик халқаро муносабатларда "ахборот уруши", "ахборот қарама-қаршилиги", "ахборот босими" ва ҳ.к. каби тушунчалар кўп ишлатилаётган бир пайтда ахборот ҳуружидан ҳимоялаш бўйича чоралар кўришга ундайди.

452859

УЎК: 159.9:004(075)
КБК: 76.0

Ушбу қўлланма Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган. (2012 йил 1 - сонли баённома).

© Б.Умаров, М. Ахмедова, 2013й.

СЎЗ БОШИ

XXI аср тезкор, кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиши ҳаётнинг деярли барча соҳаларига ва инсон фаолиятига кириб бориши ахборот маконининг глобаллашуви, бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатган ва кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилади. Мамлакат ичидаги ва ташқи дунёдаги фаол ахборот алмашувига одамлар эҳтиёжининг ортиб бориши яққол сезилмоқда. Ахборот соҳасининг бундай тезлик билан ривожланиши, унинг жамоатчилик ва давлат ҳаётидаги турли хил йўналишларда кенг тарзда ишлатилиши, янги босқичдаги одамзот тараққиётини аниқлаб берувчи муҳим омилларнинг бири бўла олади.

Ахборот соҳасининг тез суръатлар билан ўсиши, автоматлаштириш усулларининг ривожлантирилиши компьютерлар яратилиши ва кишилар ҳаёти турли соҳаларини компьютерлаштирилишига олиб келди.

Тиғиз ахборотлашган жамиятда "шахс – жамият – давлат" алоқадорлиги, уларнинг ўзаро узвийлиги ва яхлитлигини таъминлаш бирмунча қийинлашади. Чунки ахборот оқими тезлашгани ва ахборотлар гирдобида яшаш каби мураккаб, зиддиятли вазиятнинг юзага келиши бевосита шахс тафаккурининг, инсон дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, ҳар бир фуқаро ўз шахсий нуқтаи назари, ўз қарашлари, маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий имкониятлари доирасидагина фаолият кўрсатади, ўз олами ҳудудида яшайди ва ташқи оламга ўз ақли доирасида шахсий муносабатини билдиради. Ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий-биологик камолотидан ва руҳий эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзига мос ахборотни қабул қилади, уни таҳлил этади. Унинг атрофида мушоҳада юритади, фикрлайди ва ана шу таҳлиллар асосида ўзининг шахсий хулосасига эга бўлади. Натижада у ёки бу тарздаги ўз нуқтаи назарини шакллантиради.

Демак, ҳар бир ахборот мазмуни, моҳияти, таъсир этиш даражаси, жамиятга фойдали ёки зарарлилиги, кишини эзгуликка ёки ёвузликка даъват этиши билан "шахс – жамият – давлат" мутаносиблилигига ижобий ёки салбий таъсир этади. Ана шу жиҳатдан қараганда миллий манфаатларни асраш, ривожлантиришда ахборот - психологик хавфсизликни таъминлашнинг роли жуда муҳим. Шу мақсаддан келиб чиқиб, ёшларимизда бу ғояни тўғри талқин қилиш, фикр-мулоҳазаларини бойитиш учун илмий изланишлар, тадқиқотлар ташкил қилиниши, ушбу соҳа бўйича турли илмий китоблар яратилиши давр талабларидан бири ҳисобланади. Ушбу яратилган дарслик шу йўналишдаги амалий ишлардан бири сифатида дунёга келди.

“Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик” курси бўйича тайёрланган мазкур ўқув қўлланмада бу соҳа ҳақидаги бир қатор ўрганилган масалалар таҳлил қилинган ҳамда кейинги йилларда мазкур соҳа бўйича олиб борилган илмий изланишлар ҳақида маълумотлар тафсилотлари берилган.

Ўқув қўлланма очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик асослари бўйича мухтасар билимларни бериш, унинг ҳар мавзуси якунида тавсия этилган топшириқлар, машқлар, тестлар ва мустақил бажариш учун берилган мавзулар талабаларни ўз устида ишлашга ўргатади ва бу йўналишдаги бошқа масалаларни ҳам мустақил ўрганиш ва ахборий психологик таҳдид масалаларини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Муаллифлар ҳар бир ўқувчи китобни мутоалаа қилиш жараёнида унда кўтарилган муаммоларга бефарқ қолмайди, жаҳонда ва мустақил юртимизда рўй бераётган оламшумул воқеалар моҳиятини англашда ҳамда уларга нисбатан фаол ҳаётий мавқенинг шаклланишида кўмакдош бўлади, деб умид қиладилар.

Муаллифлар

1-МАВЗУ. ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК КУРСИГА КИРИШ

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни

Очиқ ахборот тизимларида хавфсизлик муаммолари. *Ахборот тушунчаси, ахборот босимлари, ахборот манбалари, ахборот технологияси, ахборотдан фойдаланиш мақсади ва унинг оқибатлари*

Курснинг предмети, мақсад ва вазифаси. *Мазкур курсни ўқитишнинг мақсади ҳамда ахборот соҳасидаги психологик хавфсизлик муаммолари*

Ахборот–психологик хавфсизлик курсининг асосий тушунчалари. *Ахборот соҳасидаги миллий мафаатлар, очиқ ахборот тизимлари, оммавий ахборот воситалари, ахборий таҳдид, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга тазйиқ, ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига тазйиқ*

Таянч тушунча ва атамалар

Очиқ ахборот тизимларида хавфсизлик муаммолари, ахборот тушунчаси, ахборот босимлари, ахборот манбалари, ахборот технологияси, ахборотдан фойдаланиш мақсади ва унинг оқибатлари, ахборот соҳасидаги психологик хавфсизлик муаммолари, ахборот соҳасидаги миллий мафаатлар, очиқ ахборот тизимлари, оммавий ахборот воситалари, ахборий таҳдид, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга, ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига тазйиқ, ахборот қарама-қаршилиги, жамиятнинг ахборий хавфсизлиги, давлатнинг ахборий хавфсизлиги.

1.1. Очиқ ахборот тизимларида хавфсизлик муаммолари

Тезкор тараққиёт одатий тамойиллар қатори вақт ва макон мутаносиблигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Барча фаолият жараёнларида янгича ёндашув ва ривожланиш стратегияларининг шаклланиши инсонлар ва минтақаларнинг яккаликдан яхлитликка юз буришига олиб келди. Бу эса ўз навбатида "одамларни маълум бир манфаатларга хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги ахборот босимларининг доимий таъсири остида яшашга мажбур қилмоқда"[1].

[1] И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т.: "Шарқ", 1998, 33-бет.

Бугунги кунда ахборот жуда кенг тарқалган бўлиб, ҳар тарафлама ранг-баранг маъноларда тушунилади. У иштирок этмаган билим соҳасини топиш қийин. XXI аср ахборотнинг назарий ва амалий ижоди энг чўққисига етган аср ҳисобланади. Шунинг учун ҳам XXI асрни ахборот асри деб таъкидлашмоқда.

Ахборотга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Ахборот манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар мажмуи.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат ахборот инфраструктурасининг ривожланиши жамият ва давлатнинг ҳамма жабҳаларини, жумладан, одамларнинг дунёқарашини ва уларнинг меҳнат, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда иштирок этиши шартларини ўзгартириб, жамият ривожланишини тезлаштиради. Ҳар хил ахборот технологиялари, автоматлаштирилган тизимлар ва маълумотлар базаси давлат тузилмалари, иқтисодиётни ва мамлакат мудофаасини бошқаришнинг ажралмас қисми бўлиб қолган.

Бошқа маҳсулотларга ўхшаб ахборот ҳам ўз фойдаланувчиларига, харидорларига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам у маълум бир мижозларига эга. Ахборот қабул қилувчилар ва ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган хусусиятларига эга бўлиши лозим. Мижозлар нуқтаи назарига кўра, фойдаланилаётган ахборотнинг сифати қўшимча молявий ва маънавий самара бериши керак. Кузатувчилар нуқтаи назаридан эса, муҳим тижорат сирининг сақланиши, ишлаб чиқариш бозорида товарларни сотиш ва хизмат кўрсатишда, омадли рақботлашишга имкон бериш керак. Бу табиийки, сир сақланиши керак бўлган ахборотни ҳимоя қилишга таъсир кўрсатишни талаб этади.

Инсоният ахборот оқими тобора тезлашган, ер шари аҳолиси кайфияти, руҳияти, мақсад ва интилишлари, қолаверса, бутун тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир бўлган ахборот технологияси вужудга келган бир даврда яшамоқда. Бу ҳозирги замон тамаддунининг ўзига хос ютуғи бўлиб, халқлар, мамлакатлар, давлатлар ўзаро муномабатларини тобора яқинлаштиришга, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини бошқаришга, дунёвий кайфият, дунёвий руҳият ва маслакнинг вужудга келишига хизмат қиладиган мўъжизакор ҳодисадир.

Бироқ тамаддунининг ана шундай улкан, кенг миқёсли ва серқирра ютуғидан ким қандай мақсадларда фойдаланаяпти? Унинг беқиёс ва қудратли кучи нималарга ишлатаяпти? – деган ҳақли савол ҳам муаммога айланмоқда[2].

Ахборотнинг фойдаланиш мақсадига кўра оқибати келиб чиқади. Яъни ахборотлар ижобий ва салбий мақсадларни кўзлаб қўлланилиши

[2] Жўраев Н.Қ. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Тошкент, "Маънавият", 2008.

мумкин. Салбий мақсадни кўзлаб фойдаланилган ахборотлар зарарли оқибатларни келтириб чиқаради. Булар жамиятга, давлатга, шахсга қаратилган бўлиши мумкин.

Тиғиз ахборотлашган жамиятда "шахс-жамият-давлат" алоқадорлиги, уларнинг ўзаро узвийлиги ва яхлитлигини таъминлаш бир мунча қийинлашади. Чунки ахборот оқими тезлашгани ва ахборотлар гирдорбида яшаш каби мураккаб, зиддиятли вазиятнинг юзага келиши бевосита шахс тафаккурининг, инсон дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда, ривожланган техника даврида турли хил маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали тез ва осон топиш мумкин. Жумладан, бузғунчилик, тажовузкорлик, ноахлоқий хулқни шакиллантирувчи маълумотлар ҳам анчагина. Айниқса, бундай манбалар ўсиб келаётган ёш авлодлар онгига таъсир кўрсатаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Ахборот орқали юзага келган психологик можаролар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси жамиятни салбий ахборот-психологик хуруждан ишончли сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизмини яратиш билан белгиланади.

Ҳар бир янги ахборот-психологик можаро ҳимоя қилинаётган жамият учун янги тахдидларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Демак, тахдид қанча кўп бўлса, қўрқув, ҳадик ва ишончсизлик шунча кўпаяди. Ана шундай маънавий, руҳий, ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, жамият кайфиятини мувофиқлаштириб, йўналтириб, бошқариб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот-психологик хавфсизлик – бу бевосита сиёсий можароларнинг олдини олиш, энг аввало, инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқароларарo муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантириш, ахборот қуролидан замонавий инсонпарвар тафаккурни, ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик имкониятларини шакллантиришни тақозо этади.

Жамиятни бошқариш, ҳозирги замон меъёрлари асосида кишилик тараққиётини таъминлашнинг янги усул ва услубларини қидириб топиш зарур. Жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ахборот тизимини бошқариш каби қатор, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган йўналишларда бошқарувнинг энг мақбул услубини топиш, бевосита ҳокимият ва унга ишонч, жамият ва давлат тараққиётини таъминлашда фуқаролар якдиллиги, маънавий ва ғоявий жиҳатдан бирлигини таъминлашни тақозо этади.

Оммавий ахборот воситалари таъсиридаги бузғунчи ёки онгни зарарловчи ғояларнинг олдини олиш фақат ёш авлоднинг таълим-тарбиясига эътиборни кенгайтириш ва тўғри ташкил этиш ҳамда сифатли

таъсирни кучайтиришдан иборат. Бунда, албатта, педагоглар, психологлар, жамоатчилик, ота-она каби болага маъсул шахсаларнинг билим савияси ва ҳаётий тажрибалари аҳамиятлидир.

Оммавий ахборот тизими айни пайтда очиқ ахборот тизими ҳисобланади. Чунки дунё миқёсида ахборот тарқатишни маълум давлатдан ёки бир жойдан туриб, назорат қилиб, тартибга солиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу тизим очиқ оммавий ахборот тизими деб номланади.

Очиқ ахборот тизими деганда ахборот воситалари ва унда берилаётган ахборотларнинг ошкоралиги, дунё ахборот майдонида ахборот алмашинув жараёнининг жамият эҳтиёжи сифатида намоён бўлиши ва ахборотларнинг шахс ҳаёти-фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бориши жараёни тушунилади.

Жамият шу даражада шаклланиши лозимки, унинг аъзолари тиғиз ахборотлар бозоридан умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Ахборот олиш кафолати бу бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга даҳлдор бўлган қадриятга айланмоғи лозим. Ана шундай шароитда қандай мазмундаги ахборотни тарқатишни ман этиш, жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи порнография, маиший бузуқлик, шахслар мавқеи, обрўси ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг норасмий, виждон билан боғлиқ бўлган, соғлом ақл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрларни вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этади.

XX асрнинг иккинчи ярми тезкор, кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даври, ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига ва инсон фаолиятига кириб бориши, шунингдек, ахборот маконининг глобаллашуви, бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатган ва кўрсатаётган омили сифатида эътироф этилмоқда. Эътиборли жиҳати, мамлакат ичида ва ташқи дунёда фаол ахборот алмашувига одамлар эҳтиёжи жуда ортиб бормоқда. Ахборот соҳасининг бундай тезлик билан ривожланиши, унинг потенциали ва имкониятларининг ўсиши, жамоатчилик ва давлат ҳаётидаги турли хил йўналишларда кенг тарзда ишлатилиши, янги – XXI асрдаги одамзот тараққиётини аниқлаб берувчи муҳим омилларадан бири бўлишига асосдир.

Шунингдек, охирги йилларда ахборот ресурслари давлатлараро тўқнашув, геосиёсий мақсадларга эришиш учун майдон сифатида фаол фойдаланилмоқда. Бу айниқса, мазкур соҳада сезиларли даражада

манфаат келтирадиган замонавий ахборот технологияларга эга ривожланган давлатларга хосдир.

Бугунги кунда кундалик халқаро муносабатларда "ахборот уруши", "ахборот қарама-қаршилиги", "ахборот босими" каби тушунчалар кўп ишлатилаётганлиги аҳолини ахборот хуружидан ҳимоялаш бўйича чоралар кўриш муҳимлигини янада оширади. Ушбу муаммонинг долзарблиги яна шундаки, ҳозирда одамлар (шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият) онги шаклланишида маълум даражада оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборот ресурсларининг таъсиридадир.

Шунинг учун, айниқса очиқ ахборот тизими шароитида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот, ахборот-психологик хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг аҳамияти янада ошади. Айни вақтда, ахборот тизими имкониятларини миллий манфаатларни ҳимоялаш ва ривожлантириш, шунингдек, глобал ахборот маконида давлатнинг манфаатларини амалга ошириш учун қулай шароит яратиш йўлида фойдаланиш жуда муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, ахборот соҳаси – жамоатчилик соҳасидаги мустақил йўналиш сифатида – ривожланишнинг бошланғич босқичида, табиийки, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш масалаларини ўрганиш, бу борада етук мутахассисларни тайёрлаш илм-фан фаолиятида деярли янги йўналиш ҳисобланади. Ушбу маънода жаҳонда биз ўрганишимиз, таҳлил қилишимиз ва давлатнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишимиз лозим бўлган маълум даражада тажриба тўпланган.

1.2. Курснинг предмети, мақсади ва вазифаси

Ҳозирги вақтда деярли барча давлатлар ахборот соҳасида тадрижий ривожланиши ва турли хил тазйиқлар мавжуд бўлган шароитларда унинг амал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича фаолиятни кучайтирдилар. Шунинг учун XXI-асрни ахборот технологиялари асри, деб бежиз айтмаяптилар. Бу маънода Акинавада 2000 йил 22 июлда жаҳоннинг ривожланган 8 мамлакати томонидан имзоланган глобал ахборот жамияти хартиясини эслаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур хартия янги аср жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг муҳим омили бўлиб, ахборот-коммуникация технологиялари ҳисобланишидан яққол далолат беради. Илмий техника тараққиёти инсоният ва жамият моддий эҳтиёжларини қондириш учун улкан имкониятлар яратди. Янги юқори технологиялар жамият аъзолари турмушини исталган маҳсулот билан таъминлашга саноат хизмат соҳасини жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш имконини беради. Ахборот яратиш ва тарқатиш соҳасида ҳам илгари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган суръат ва кўламга эришилди.

Кишилар ўртасида хабар етказишни таъминлашга қодир ҳисоблаш техникаси ахборот алоқа тизими, интернет тизими, шунингдек, бошқа ахборот технологиялари инсон ва жамият ҳаёти ва фаолиятида ахборотнинг аҳамиятини кескин ошириб юборди. Ҳозирги кунда ижтимоий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш ўртасида мутаносиблик мавжуд бўлган жамиятгина ҳар томонлама уйғун такомиллаштириш мумкин. Шунинг учун ҳар қандай жамият ўзининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ахборотга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжини тўлиқроқ қондиришга интилади. Юқорида айтиб ўтилгандек, бугунга келиб илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ривожланишнинг миқёси мазкур соҳаларда тўпланган ва алмашинаётган ахборотлар, уларнинг алмашиниш суръати ва ўзлаштирилиш тезлиги билан белгиланади.

Глобаллашаётган дунёда ахборот халқлараро ва давлатлараро муносабатларда катта аҳамият касб этади. Яъни, у жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ҳам ижобий, ҳам салбий куч сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу маънода техникавий-технологик соҳада катта имкониятга эга бўлган мамлакатлар қулай шароитга эга бўладилар. Мана шу устунлик туфайли улар ўз шахсий манфаатларига мос келувчи қадриятларни, нуқтаи назарларни, ғояларни, фикрларни илгари суришлари мумкин ва сурмоқдалар ҳам. Шунга кўра кўпгина давлатларда глобаллашувга қарши ҳаракатлар юзага келмоқда, булар ягона жаҳон уйғунлашган ахборот майдонини тузишни рад этмоқдалар. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, глобаллашувга қарши ҳаракатнинг ўзи тобора глобал ҳаракат тусини олмоқда. Замонамизнинг ўзига хос жиҳатларидан бўлиб, ҳар қандай маҳаллий ҳодиса ёки воқеа замонавий ахборот технологиялари туфайли глобал ҳодиса ёки воқеага айланмоқда.

Жаҳон миқёсида кезиб юрувчи бундай ахборотлар муайян давлат манфаатларига таъсир этмай қолмайди. Бу фақат шу ахборот тарқаладиган алоҳида олинган бир мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий ва жараёнлардан дарак бериши билангина эмас, балки бошқа мамлакатларнинг мазкур хабарлар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган аудиторияси буларни ўз давлатидаги ҳолатга қиёслаши билан ҳам мазкур мамлакат манфаатларига ҳам таъсир этади. Шу сабабли давлатлар, хукуматлар ўртасида айрим келишмовчиликлар вақти-вақти билан юзага чиқиб туриши мумкин. Бунда ким ҳақ ёки ким ноҳақ эканлигини аниқлаш ҳар доим ҳам осон бўлавермайди.

Буларнинг барчаси ахборот жараёнларининг глобаллашуви билан боғлиқ муаммолар долзарблигини яна бир карра таъкидлайди. Аммо мазкур муаммолар туфайли ахборот ишлаб чиқариш ва тарқатиш имкониятлари тенгсизлиги пайдо бўлади. Бу объектив вазиятни шундай деб қабул қилмоқ керак. Мамлакатлар бу борадаги ўз устунликларини

шахсий манфаатларида фойдаланишлари бошқа гап. Мана шундай вақтда муносабатларда кескинлик юзага келади, у кўп ҳолларда ахборот курашига ёки бошқаяа қилиб айтганда психологик урушга айланиб кетади. Очиқ ахборот тизимларида ахборий-психологик хавфсизликни таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб талабидир. Ҳар бир давлат бунинг устида бош қотирмоқда. Бу жаҳондаги янги геосиёсий тақсимот, янги минтақавий низоларнинг юзага келиши, миллатчилик, шовинизм, дин ниқобидаги экстремизм, экологик ҳалокатнинг таҳдиди кучайиши, спид, парранда грипи ва бошқа юқумли касалликларнинг тарқалиши билан боғлиқдир.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси учун ҳам мазкур муаммолар муҳим эканлиги алоҳида таъкидлайди. Бунинг долзарблиги давлатимиз учун миллий мустақилликни янада мустаҳкамлаш, иқтисод ва бозор муносабатларини тадрижий ривожланишини таъминлаш, ижтимоий ислоҳатларни чуқурлаштиришда яққол кўринади. Бунда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, миллий анъаналарни ҳаётга қайтариш, бағрикенгликни тарбиялаш ҳам катта аҳамият касб этади. Маълумки, мустақил дунё қарашга эга маъломотли кишиларгина турли хил талқиндаги ахборотга руҳан барқарор қаршилик кўрсата оладилар. Бу биринчидан. Иккинчидан, мана шундай кишиларгина тегишли муҳит яратишлари ва миллий ғояларнинг дарғалари бўлишлари мумкин.

Курснинг предмети бўлиб, аудиторияда очиқ ахборот тизимларида айланувчи ахборотларни баҳолашга психологик иммунитет ва онгли равишда оқилона ёндашишни тарбиялаш мақсадида очиқ ахборот тизимларидаги долзарб ахборий - психоогик хавфсизлик муаммоларини идрок этиш ҳисобланади. Мазкур муаммонинг муҳимлигини яна юқори технологик коммуникация воситалари амал қилаёган шароитларда айрим кишилар, жамият, давлат, жаҳон ҳамжамияти хулқ-атвори ва ҳаракатини ҳатто биргина ахборот канали ёрдамида бошқаришни амалга оширишнинг улкан имконияти пайдо бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тўфон, астероидлар яқинлашиб келаётган ҳақидаги биргина хабар сайёрамизга зарар етказиши, ҳатто ундаги ҳаётни барбод қилиши мумкин. Лекин бундай ҳодисалар тез-тез юз бериб турмайди. Булардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкин эмас. бир ёки бир гуруҳ мамлакатларнинг миллий манфаатлари ҳақида сўз борса, бу бошқа гап. Бундай ҳолатда манфаатдор мамлакат зарур натижага эга бўлиш учун интилиб, ҳам мамлакат ичкарисида ҳам халқаро майдонда ахборий тадбир ўтказади. Бугунги кунга келиб, иқтисодий, сиёсий ва бошқа мақсадларга эришиш учун ҳарбий устунлик ёки кучнинг ўзи етарли эмас. рақиб томонга ахборий-психологик тазйиқ ўтказиш ҳам зарур бўлади. Ироққа қарши биринчи ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳам, иккинчисида ҳам

шундай бўлган эди. Совет Иттифоқи парчалангандан сўнг айрим давлатлардаги рангли инқилоблар вақтида ҳам шудай ҳолат кузатилаган эди. Афсуски, бу ҳол бизнинг замонамизда халқаро муносабатларнинг кўринишларидан бирига айланмоқда. Шунинг учун психологик тазйиқ ўтказишни минимум даражага келтириш учун ҳозирда бирор жамиятга таъсир ўтказиш мақсадида фойдаланилаётган шакл, усул ва йўсинларни ўрганиш шундай таъсирга учраши мумкин бўлган айрим давлатлар, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ниҳоятда муҳимдир. Аудитория у ёки бу ахборотдан қандай мақсад кўзлагани, кимнинг манфаатига хизмат қилишини аниқ белгилашни ўрганиш талаб этилади.

Мана шунинг учун ҳам мазкур муаммоларни ўрганишда ахборотнинг шакли ва моҳияти; ахборот хавфсизлигини таъминлаш; очиқ ахборот тизимларининг ўзига хослиги; шахс, жамият ва давлат ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш манбалари ва турлари; ахборот соҳасидаги миллий хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти ва тамойиллари; ОАВ ва ахборий қарама-қаршилик; ахборот-психологик хавсизликни таъминлашда асосий йўналиш ва усуллари; очиқ ахборот тизимларида шахснинг ўз-ўзини ҳимоя қилиши; жамоатчилик фикри ва жамият ахборий-психологик хавсизлиги; Ўзбекистон ОАВлари ва жамиятнинг психологик хавфсизлиги каби мавзуларини ойдинлаштириш талаб этилади.

Юқорида санаб ўтилган мавзуларни ўрганишда ахборот, ахборий хавфсизлик, миллий манфаатлар, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга бўлган хавф ва унинг манбалари, жамоатчилик фикри, очиқ ахборот тизимлари, глобаллашув, ахборий қарама-қаршилик, ахборот-психологик кураш, ОАВлари, онглилик, идрок этиш, акс эттириш, манипуляция қилиш, психологик қўпорувчилик, ижтимоий тарғибот, жамоатчилик онги, инсонни хуфёна бошқариш ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратиш жоиз.

Психология, социология, фалсафа, сиёсатшунослик ОАВ назарияларидан олинган бу тушунча ва терминлар фанни чуқурроқ тушунишга, унинг асосий мазмунини, усуллари ва йўсинларини, яъни очиқ ахборот тизимларида фойдаланаётган усулларни идрок этишга, демак, ижобий ғояларни салбий ғоялардан фарқлай олишга кўмаклашади. Маълумки, ҳар қандай далил, ҳодиса ёки воқеа турлича талқин этилиши шунга боғлиқ тарзда аудитория томонидан қабул этилиши ҳам мумкин. Шунинг учун аввал бошиданоқ, тушунчавий аппаратни белгилаб олиш, уни шарҳлаш лозим, шундан келиб чиққан ҳолда бирор ҳодиса ёки воқеани биз қандай идрок этишимиз ва талқинимизни беришимиз даркор.

1.3. Ахборот–психологик хавфсизлик курсининг асосий тушунчалари

Ахборот агентликлари, газеталар, журналлар, журнал тарзидгаи нашрлар, бошқа нашр маҳсулотлар, радио, телевидение, аудио ва видеомаҳсулотлар **Очиқ ахборот тизимлари (ОАТ)** ҳисобланади. Интернет, матбуот хизмати, жамоатчилик билан алоқалар, давлат, жамоатчилик ва бошқа ташкилотлар ва муассасалар, реклама агентликлари бўйича тузилмалар ҳам шулар жумласидандир.

ОАВлари бўлиб, вақтли матбуот, ахборот тарқатишнинг аудио ва видео воситалари, ахборот агентликлари, интернет-журналистикаси ҳисобланади. ОАВ ОАТнинг муҳим асосий қисмини ташкил этади.

Жамоатчилик фикри – бу, ҳозирги пайт учун долзарб бўлган турмуш муаммоларига кишиларнинг муносабатини ифода этувчи ижтимоий онг шаклидир. Аслида тезкор бўлган онгнинг бу шакли юқори даражада жамият турли институтлари томонидан кўрсатилаётган таъсир остидадир. Демак, жамоатчилик фикрининг шаклланишида манипулятив ҳаракатларнинг таъсири каттадир.

Жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш (чалғитиш) муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Бунда манипуляция қилиш (чалғитиш) тушунчасининг нисбийлиги ҳақида айтиб ўтиш керак. Чунки исталган томон жамоатчилик фикрига ҳар қандай таъсирни манипуляция деб баҳолаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги жамиятда ягона бўлган ижтимоий фикр шаклланиши эҳтимолдан йироқдир. Демократиянинг тамойилларидан бири мана шудир.

Ахборот моддий дунёнинг организмда ёки организмлар жамоасида акс этган ҳамда улар томонидан атроф-муҳит ўзгаришларига мослашиш учун фойдаланиладиган моддий дунё объектларининг аксидир. У маълумотлар, хабарлар шаклида намоён бўлади. Маълумотлар моддий дунё объектлари бирлашмаси акси натижада ҳосил бўлади. Хабарлар эса бошқа организмларга хабар етказиш учун юзага келади.

Очиқ ахборот тизимларида ***"хабар"*** термини кишилар, ижтимоий гуруҳлар, умуман жамият қуршаб турган оламда мўлжал топа билиши учун ижтимоий аҳамиятга эга хабар маъно ифодасини беради. Шунингдек, муайян жамият ижтимоий табиати белгилаб берадиган маънавий қадриятларни қарор топдириш учун хизмат қилади.

Миллий манфаатлар бу-давлат томонидан тан олинган ҳамда шахс, жамият ва давлат ижтимоий манфаатларининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган мутаносиблашган мажмуидир. Буларни амалга ошириш муайян тарихий шароитда миллатнинг мавжудлиги, хавфсизлиги ва кафолати ҳисобланади.

Жамият манфаатлари – жамият ривожланишидаги кучли зиддиятларни ҳал этишда, миллий ўзига хосликни сақлашда намоён бўладиган жамият эҳтиёжи ҳисобланади.

Давлат манфаати жамият ишларини бошқаришни сифатли амалга оширишга, миллий ўзига хосликни сақлашга бўлган давлат эҳтиёжидир.

Ўзини намоён эта билиш, жамият ишларида қатнашишлик, этник ўзига хосликни сақлаш шахсий эҳтиёжларни намоён бўлиши-шахснинг ижтимоий манфаатлари ҳисобланади.

Жамиятнинг ахборий хавфсизлиги унинг маънавий, иқтисодий, сиёсий соҳаларига, маданий қадриятларига, инсонлар хулқ-атворини ижтимоий тартибга солувчиларга, ахборот инфратузилмаларига ва булар ёрдамида узатилаётган хабарларга зарар етказиш мумкин эмаслигидан иборатдир.

Давлатнинг ахборий хавфсизлиги предмети ахборот ва жамият ахборот инфратузилмаларидан ташкил топган жамият ишларини бошқаришни бажариш бўйича давлат фаолиятига зара етказиш мумкин эмаслигидан иборат.

Тазйиқ – бу, ўзаро муносабатлар объектлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни объектлардан бирининг салбий томонга куч билан ўзгартириш критиш мақсадида зарар етказиш йўли билан ҳал этишга ўринишдир.

Миллий манфаатларга тазйиқ деганда мамлакат миллий манфаатларини амалга оширнишга тўсқинлик қилувчи миллий қадриятлар ва миллий турмуш тарзига хавф туғдирувчи шарт-шароитлар мажмуи тушунилади.

Ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга тазйиқ деганда ахборот соҳасида ва манфаатларни амалга ошириш бўйича фаолиятда миллий манфаатлар объектларига зарар етказиш хавфини туғдирувчи шарт-шароитлар мажмуи англаналади. Яъни, ахборий фаолият соҳасида инсон ва фуқаро ҳуқуқий мавқеини амалга оширишга, ахборотлар, ахборий инфратузилмага, шунингдек, мазкур объектлар билан боғлиқ миллий манфаатларни амалга ошириш бўйича фаолиятга зарар еткзиш тазйиқидир.

Ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига тазйиқ деганда инсон ва фуқаронинг очиқ ахборотга эга бўлиши, қонун билан тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишда фойдаланишига бўлган ҳуқуқини чеклаш тушунилади. Булар эса шахсий хавфсизлик маънавий ва ақлий ривожланишни таъминловчи ахборотлар ҳисобланади. Бундан ташқари индивидуал, *"вертуал ахборот"* майдонини, унинг руҳий фаолиятига таъсир этиш технологияларидан фойдаланиш имконини шакллантириш ҳисобига жамоатчилик онгини чалғитиш имконини

кенгайтириш шахснинг манфаатларига бўлган энг хавфли тажовуз ҳисобланади.

Ахборот тизимини ва алоқа тармоқларини, жамият ҳаётини таъминловчи ўта муҳим инфратузилмаларни мураккаблаштириш ахборот соҳасидаги жамият манфаатларига бўлган тазйиқ манбаларидан бири ҳисобланади.

Бу тазйиқлар атайин ёки англанмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари улар техниканинг ва программа таъминотининг хатоси ёки ишламай қолиши туфайли, жиноятчи тўдалар ёки унсурлар томонидан мазкур инфратузилмага зарарли таъсир сифатида намоён бўлиши мумкин.

Яна бир тазйиқ манбаи бўлиб, ОАВларнинг мулкдорлар учун унча катта бўлмаган гуруҳи қўлида тўпланиши ҳисобланади. Булар тазйиғи остида ижтимоий аҳамиятга молик бирор ҳодиса сохталаштирилиши ҳамда жамоатчилик фикри чалғитилиши мумкин, шунингдек, ёт қадриятларни тиқиштириш йўли билан жамият ахлоқий қадриятларига путур етказиш мумкин.

"Ахборий қурол"ни тарқатиш ва бу соҳада "қуролланиш пойгаси"ни кучайтириш ҳам ахборот соҳасидаги давлат манфаатлари учун хавф манбаи ҳисобланади. Бундай хавфлар давлат сири ҳисобланган, бошқа махфий ахборотлардан иборат бўлган маълумотларга қонунга хилоф равишда эга бўлишдан иборатдир. Маълумки, буларнинг ошкор бўлиши шубҳасиз, давлат манфаатларига зарар етказади.

Ахборий қарама-қаршилик – бу, аудиторияга атроф-дунёдаги бирор ҳодисага нисбатан муносабатда бўлишга ўз қарашлари, фикрини тиқиштириш ҳамда қарши томон ғояси ва нуқтаи назарини инкор этиш роли билан таъсир этишга интилишдир.

Ахборий психологик кураш – бу, бошқа мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳида мавжуд ижтимоий тузумни бўшаштириш, жамият ахлоқини издан чиқариш, ривожланиш миллий дастурига путур етказиш, шунингдек ўз қадриятлари ва турмуш тарзини тўғридан-тўғри экспорт қилиш мақсадида ахборот хизмати ва қўпорувчилик билан шуғулланувчи хизматларни ўзаро ҳамкорлигидир.

Омма онгига у ёки бу қадриятларни психологик жиҳатдан таъсир кўрсатишида ахборий воситаларидан фойдаланиш ахборот манипуляцияси, ахборот ишлатиб мақсадга эришишдир.

1.4. Резюме

Шундай қилиб, ахборот хавфсизлиги бугунги кунда ахборий хуружлар авж олиб турган бир пайтда, шахсни, давлатни ва жамиятни турли хил ахборий таъсирлардан ҳимоя қилиш глобал муаммолардан бирилигича қолмоқда. Шунинг учун ахборот хавфсизлиги муаммолари ҳақидаги билимлар, малака ва кўникмалар билан талабаларнинг қуроллантирилиши уларнинг турли хил ёт ва бузғунчи ғояларга берилиб кетишларининг олдини олишда муҳим ҳисобланади.

1.5. Боб юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ахборот нима?
2. Ахборий таҳдид деганда нимани тушунасиз?
3. Курсни ўқитишнинг зарурияти нимада деб биласиз?
4. Очиқ ахборот тизими нима?
5. Оммавий ахборот воситалари нима?
6. Оммавий ахборот воситаларининг вазифаси нималардан иборат?
7. Ахборий тазйиқ турларини кўрсатиб ўтинг?
8. Ахборий психологик кураш деганда нимани тушунасиз?

2- МАВЗУ. АХБОРОТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ: МУАММО ВА ЮТУҚЛАР

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни

1. Ахборотлашув жараёнининг жамият тараққиётига таъсири. *Ахбортлашув жараёни, техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва маиший хизмат, маданият соҳаларидаги ахборотлашув, иқтисодий ҳаётда - ахборотнинг товарга айланиши, ижтимоий ҳаётда - ахборот турмуш, ҳаёт даражаси ўзгаришининг асосий омилига айланиши, сиёсий соҳада – кенг миқёсда фикр алмашишга замин яратувчи хилма-хил ахборотларни эркин олишга йўл очилиши.*

2. Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш -давр талаби сифатида*. Ахборот истеъмоли маданияти, ахборот истеъмоли маданиятининг шахсга боғлиқ хусусиятлари, ахборотлашган жамиятда ёшларни ахборот истеъмоли маданиятига ўргатишнинг психологик масалалари.*

3. Ахборотлашган жамиятда ёшлар психологиясига таъсир этувчи омиллар *(интернет мисолида). Ахборотнинг инсон руҳиятига таъсири масаласи, интернет аддиктлари.*

4. Ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий асослари. *Фуқаролик ҳуқуқи қонунчилигида ахборот тушунчасининг объект сифатида қабул қилиниши, "Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолотлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.*

Таянч тушунча ва атамалар: ахборот, ахборотлаштириш, информацион жараёнлар, ахборот тизими, ахборот ресурслари, ахборот маданияти, ахборот истеъмоли маданияти.

2.1. Ахборотлашув жараёнининг жамият тараққиётига таъсири

Ахборотлашув жараёни жамиятдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатади. Ғарб социологлари фикрига кўра, ахборотлашган жамият:

- техника соҳасида - ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва маиший ҳаётган ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши;
- иқтисодий ҳаётда - ахборотнинг товарга айланиши;
- ижтимоий ҳаётда - ахборот турмуш, ҳаёт даражаси ўзгаришининг асосий омилига айланиши;

O'zDJTU
AXBOROT-RESURS
MARKAZI
№ 45859

- сиёсий соҳада – кенг миқёсда фикр алмашишга замин яратувчи хилма-хил ахборотларни эркин олишга йўл очилиши;
- маданият соҳасида - ахборот алмашинуви давр эҳтиёжларига жавоб берадиган нормалар ва қадриятларнинг шаклланиши билан характерланади.

Айни пайтда ахборотлашган жамият:

- уйда ишлашнинг кенгайишига, транспорт ҳаракатининг камайишига ва бунинг оқибатида табиатга тушадиган "юк"нинг кескин қисқаришига олиб келади;
- иш кунининг қисқариши, одамларнинг уйда кўпроқ бўлишига оилавий муҳитнинг барқарорлашишига замин яратади;
- кейинги юз йилликларда кишилар шахар яшаш ва ишлаш учун энг қулай макон, деган хулосага келдилар. Ахборотлашув жараёни эса, қишлоқдан туриб ҳам бутун олам билан мулоқот қилиш, энг обрўли ташкилотларда ишлаш, шаҳар аҳолиси баҳраманд бўлаётган маданият ютуқларини истифода этиш имконини яратади. Бу эса, ўз навбатида нисбатан осуда ва тинч бўлган, табиатга яқин қишлоқларга қайтиш ёки у ерда доимий қолиш учун замин яратади;
- масофавий таълим билим олишнинг энг қулай шаклига айланиш баробарида, аҳолининг кенг қатламлари учун ҳатто энг элитар олий таълим муассасалари эшикларининг очилишига замин яратади. Содда қилиб айтганда, маълумотлилик кўп даражада инсоннинг хоҳиш иродасига боғлиқ бўлиб қолади.

Айни пайтда, ахборотлашув жараёни бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда:

"Юмшоқ эротика"дан тортиб "очиқ порнография"гача бўлган ҳодисалар билан боғлиқ муаммолар ана шулар жумласидандир. Бундай ҳолатларнинг олдини тўла-тўкис олиб бўлмайди. Зеро, ахборот тармоқларининг узилишларсиз ишлаши унинг муҳим сифатий белгиси ҳисобланади. Ва бу жараён доимий такомиллашувни бошдан кечирмоқда. Демак, юқоридаги каби муаммолар йўлига қанчалик тўсиқ қўйилмасин доимо уларни айланиб ўтиш имконияти мавжуд бўлади.

Яна бир муаммо муаллифлик ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ. Шундай экан, ахборот тармоғида кўпчилик кўра олмайдиган худудлар юзага келиши табиий. Бугунги кунда компаниялар ўз ахборотларини ҳимоя қилиш ва рухсат этилмаган ташрифнинг олдини олиш учун катта маблағлар сарфланаётгани ҳам шундан.

Шу билан бирга муайян ахборотлани яширишдан тортиб, уни ноқонуний равишда эълон қилишгача бўлган кўринишларда намоён бўладиган суистеъмолликлар ҳам келиб чиқиши мумкин.

Ахборот турли ижтимоий қатламлар, профессионал ва миллий гуруҳлар вакилларига ҳар хил таъсир қилиш баробарида уни суистеъмол

қилиш амалиёти турли гуруҳларда бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бу энг аввало, ахборот манбаи минимал (телевидение, радио), айримларда эса кенг (интернет, янги телекоммуникациялар тизими) бўлиши мумкин.

Мутахассислар фикрига кўра, бугунги кунда жамиятда айнан ахборотни олиш, унга йўл топиш соҳасида кескин бўлиниш, табақалашув содир бўлмоқда.

Ёшлар ўзининг ҳаракатчанлиги ва янгиликка интилувчанлиги ҳамда ўз вақт ресурсига эгалиги туфайли юқори даражада коммуникатив фаоллик кўрсатишади. Бошқа гуруҳларда эса, нисбатан пассивлик кузатилади. Уларга хос бундай хусусиятлар салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу биринчи гуруҳ учун тобора фаоллашаётган агрессив сиёсий таъирга берилиб кетиш хавфини мавжудлигида, иккинчи гуруҳнинг эса, позитив мазмунга эга ахборотлар таъсиридан ташқарида қолишда ифодаланади.

2.2. Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш – давр талаби сифатида

Иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ахборотлар таъсирлашуви ижтимоий ҳаётнинг мазмунан бойиши, такомиллашувининг муҳим омили ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қарганда, бугунги кунда ахборот алмашинуви инсоният тараққиётининг муҳим шартига айланди дейиш мумкин.

Ўз даврида оғзаки нутқнинг пайдо бўлиши билан ахборот узатиш имкониятлари кенгайган бўлса, ёзма нутқ ривожи бу борада ўзига хос янги босқични бошлаб берган эди. Ҳозирги фан – техника тараққиёти, интеграция ва глобаллашув шароитида эса ахборот маконида туб сифатий ҳолат кечмоқда. Эндиликда, ахборот узатиш нафақат хилма-хил (радио, телевидение, матбуот, телефон, факс, поста, интернет ва бошқалар) шакллари, балки, ўта тезкорлиги билан ҳам жамият тараққиётининг олдинги даврларидан фарқ қилади. Бундай шароитда, ахборот истеъмоли жараёнида ҳам янги тенеденциялар кузатилмоқда.

"Кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади" деган фикрнинг пайдо бўлишига ҳам ахборотнинг юқоридаги хусусиятлари сабаб бўлмоқда.

Ижтимоий макон – бу, айни вақтда ахборот макони ҳамдир. Глобаллашув шароитида ахборот ҳажмининг катталиги, уларнинг замонавий тезкор воситалари орқали тарқатилаётган ахборот соҳасининг ижтимоий маконнинг бошқа шаклларидан тубдан фарқ қилишини таъминламоқда. Хусусан, замонавий оммавий ахборот воситалари (айниқса интернет тизими) орқали тарқатилаётган хабар ва

маълумотларга турли сиёсий тақиқлар, давлат чегаралари тўсиқ бўла олмайди.

Ахборот истеъмоли, аниқроғи, маънавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳодисадир. Ахборот истеъмоли хизматлар истеъмолининг ўзига хос шакли ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай хизматни истеъмол қилишдан аввал унинг сифати, нархи, фойдаси, қулайлиги ва бошқа шу хусусиятлари ҳам инобатган олинади. Масалан, таклифи камайиб кетган хизматларнинг истеъмол даражаси юқори бўлиб, уларга талаб кучаяди. Мазкур хусусиятлар ахборот истеъмоли жараёнига ҳам хосдир. Бироқ, маънавий неъмат бўлган ахборотни истеъмол қилиш ўзига хос томонлари билан ҳам ажралиб туришини таъкидлаш жоиз. Хусусан, ахборот конкрет шахс, ижтимоий гуруҳ, мтиллат, жамият ва давлат томонидан истеъмол қилинадики, мазкур даражаларда истеъмол жараёнлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, бирон шахс учун қизиқарли бўлган маълумот, муайян ижтимоий қатлам ёки гуруҳ учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Шунингдек, ахборот макон ва замон хусусиятларига ҳам эга. Чунончи, ғарбда ўта оммабоп бўлган ахборотлар, Шарқ халқлари томонидан кам истеъмол қилиниши мумкин. Бундан ташқари, маълум бир тарихий даврда катта қизиқиш билан кутиб олинган маълумотлар вақт ўтиши билан одатий ҳолга айланиши ва ижтимоий ҳаётда бу тарзда инъикос этмаслиги мумкин.

Ахборот истеъмоли, ким томонидан истеъмол қилинишидан қатъи назар, қабул қилиш, тушуниш, талқин этиш каби бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган босқичларда амалга ошади.

Бугунги кунда, ахборот истеъмоли жараёни ҳам ўзига хос маданиятни тақозо этмоқдаки, маданиятнинг бундай шакли инсоният маънавий маданиятининг таркибий қисмига айланиши зарур.

Ахборот истеъмоли маданияти глобаллашув жараёнларининг характерли хусусиятларидан бири бўлган, интернет тармоғи жадал ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун, ҳозирги давр кишиси олдида ахборот танлаш имконияти шу қадар юқорики, унинг талабини қондира олмайдиган маълумотлар бир зумда қимматини йўқотиши аниқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги даврда ахборот истеъмоли аввалгилардан тубдан фарқ қилади.

Шубҳасиз, зарур ахборотларга эга бўлиш давр талаби. Бироқ, бугунги кунда, шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият ва давлатнинг ўзи ҳақида ахборотларни тарқатиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг икки асосий жиҳати мавжуд. Биринчидан, масалан, интернет тармоғи имкониятлари кенгайиб бораётган ҳозирги дврда, улардан мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлашда

кенг фойдаланиш зарур. Республикамиз Президенти И.А Каримов таъкидлаганларидек, "бу борада ишни тўғри ташкил этиш учун интернетдан самарали фойдаланиш, уни ўзимизнинг маълумотлар билан тўлдириш керак... бизнинг заиф томонимиз шундаки, интернет Ўзбекистон билан боғлиқ маълумотлар жуда кам. Нега деганда, бизда бу жараённинг техникаси ва технологияси талаб даражасида эмас. Миллий қадриятларимиз, тарих ва меросимиз, бугунги фан, санъат ва адабиётимизнинг энг яхши намуналарини интернетга киритиш дастури ишлаб чиқилмаган"[3]. Иккинчи муҳим жиҳати шундаки, юртимиз ҳаётига доир айрим нохолис, тор доирадаги манфаатлардан келиб чиқиб тарқатилаётган маълумотларга жавобан ахборотларни глобал миқёсда тарғиб-ташвиқ этиш ташқи ахборот хуружларига қарши ўзига хос қалқон вазифасини бажаради. Бу эса, турли геосиёсий манфаатлар доирасидаги ахборот хуружлари таъсирини камайтириш ва миллий ахборот макони хавфсизлиги таъминланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Бунинг учун, кишиларда ахборот истеъмоли маданиятини юксак даражада шакллантиришга эришиш зарур. Шундагина маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни нотўғри талқин этишнинг олди олинади. Энг муҳими эса, ахборот истеъмоли маданиятига эга инсон, жамият, халқ ва миллат ғаразли манфаатлар доирасидаги геохабарлар таъсирига тушиб қолмайди. Албатта, ахборот истеъмоли маданиятининг шалланиши мураккаб жараён бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тизимли равишда саъй-ҳаракатларни олиб боришни тақозо этади.

Ахборот истеъмоли маданияти ҳам маданиятнинг бошқа шакллари каби бир қатор функцияларни бажаради. Коммуникатив, регулятив (тартибга солиш), ахборот, аксиологик (баҳолаш) каби функциялар шулар жумласидандир. Биз таҳлил этаётган муаммо доирасида ахборот истеъмоли маданиятининг аксиологик функцияси алоҳида аҳамиятга эга. Маслан, интернет орқали жуда кўп ижобий маълумотлар билан бирга, Шарқ маданиятига, хусусан, кишиларимиз хулқу одобига салбий таъсир этувчи ахборотларнинг ҳам узатилаётганлиги табиийки, кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз ғоявий тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин. Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш орқалигина бундай таъсирларнинг олдини олиш мумкин. Шунингдек, "биз баъзан Ғарб маданияти тўховсиз кириб келаётгани ҳақида таассуф билан гапирамиз. Бу шундай кучли оқимки, унга қарши чиқиш жуда мушкул. Бунинг фақат битта йўли бор. У ҳам бўлса, Интернетга ўзимизга мос бўлган маълумотларни ўз вақтида киритишдан иборат"[4].

Ҳамма гап мазкур ресурсдан ким ва қандай мақсадларда фойдаланишида.

---

[3] Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд.-Т., Ўзбекистон. 2005.-Б. 301-302

[4] Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд.-Т., Ўзбекистон. 2005.-Б. 304

Бошқача айтганда, тармоқдан иллат қидириш билан овора бўлмасдан, унинг имкониятларидан юртимиз шон-шуҳратини дунё миқёсида кенг ёйиш йўлида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки интернет виртуал, аммо, объектив ҳодисадир. Унинг ҳаётимизга кириб келишини назорат қилиб бўлмайди. Одамларимизни интернет тизимидан узоқроқ тутишга интилиш эмас, балки, ундан оқилона фойдаланишга ўргатиш, ахборот истеъмоли маданиятини юксалтиришга ҳаракат қилишимиз тўғри бўлади. Зеро, кишиларда ахборот истеъмоли маданияти шаклланган бўлса, миллий қадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларни "...баҳолаш пайтида, албатта, ҳар бир шахснинг ўз қарашлари, қадриятлар тизими муҳим роль ўйнайди. Лекин, аксарият ҳолларда бундай пайтда, айниқса, баҳоланилаётган ҳодиса ўзга маданиятга тегишли бўлса, ўзимиз мансуб бўлган маданият руҳимизга синдирган қадриятлар тизими устувор бўлади ва бутун бўй-басти билан ўзлигини намоён қилади...маданиятнинг баҳолаш функцияси туфайли танланиш содир бўлади, маданиятдаги барқарорлик, ҳар бир даврдаги айниқлик, ўзига хослик, айни пайтда, давомийлик, ворислик таъминланади"[5]

Шунинг учун, ҳозирги даврда аҳолимиз, айниқса ёшларимизнинг ахборот узатишнинг замонавий техникаси ва технологиясини мукаммал даражада ўзлаштириши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун мамлакатимизда интернетдан фойдаланиш тизимини янада ривожлантириш билан бирга, мазкур тармоққа миллий манфаатларимиз акс этган ахборотларни турли шакл ва тилларда киритиб бориш зарур. Зеро, жамиятимиз ҳаётининг турли соҳалари тўғрисида ахборот берувчи объектив, жозибадор маълумотларни интернет саҳифаларидан кенг ўрин эгаллаши, Ўзбекистон глобл ахборот маконидаги ўрнининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

2.3. Ахборотлашган жамиятда ёшлар психологиясига таъсир этувчи омиллар. (Интернет мисолида)

Ҳар қандай замонавий давлатда ахборот ҳамиша жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни истеъмолчига холис етказиб бериш ва кишиларнинг онги, дунёқараши, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда асосий восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнида ҳаётимизнинг бирор бир соҳасини ОАВ сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирда интернет ҳам ОАВнинг бир кўриниши сифатида талқин қилинмоқда. Интернет тармоғи орқали кун

[5] Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация.-Фарғона, 2000.-Б.37

давомида қанчадан-қанча ахборотлар қабул қилинади. Интернет (International Network- халқаро компьютер тармоғи) бу - вақт, макон ва жўғрофий чегараларнинг мавжудлигига қарамай, компьютер ва кичик тизимларнинг ўзаро алоқа боғлаб глобал ахборот инфратузилмасини шакллантирувчи бутунжаҳон компьютер тармоғидир.[6]

Ҳар куни миллионлаб одамлар интернетда ҳар хил мақсадларда фойдаланади. Ўзбекистонда фойдаланувчиларнинг асосий қисми электрон почталардан фойдаланиш учун Интернетни ишлатади. Интернет қиммат бўлмаган, журналистиканинг ривожи учун катта таъсир кўрсатаётган кучли тизимдир.

2005 йилнинг май ойида СНН телекомпанияси 400 нафар олим ва соҳа мутахассислари ўртасида "Сизнингча, сўнгги чорак асрда қилинган энг муҳим ихтиро қайси?" саволи билан сўровнома ўтказди. Сўров натижаларига кўра, сунъий йўлдошлар, ҳарбий мудофаа технологиялари, биотехнологиялар, лазер нури, инсон гени соҳасида эришилган улкан муваффақиятларни ортда қолдирган ҳолда биринчи ўринни интернет олишга муваффақ бўлди[7].

Ҳозирда Интернет ҳамма учун фойдаланилиши мумкин бўлган оператив коммуникация воситасидир. Анъанавий ОАВдан фарқли ўлароқ Интернет марказлаштирилмаган тизимдир, яъни ҳар бир хоҳлаган киши Интернетда бошқалар билан мулоқатга киришиши, маълумот олиши ва ўз маълумотини чоп қилиши мумкин. Бундай фаолиятлар интернетда тез ва арзон амалга оширилади. Гўёки у ахборотлар макони. Биз шу ахборот маконидан ўзимизга керакли янгилик ва хабарларни, маълумотларни олишимиз ёки уларни ўрнатишимиз мумкин. Хўш, *ахборот макони* нима?

Ахборот макони – бу, кўзга кўринмайдиган бир вертуал омилдир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, у интеллектуал – маънавий ҳодисалар сирасига киради. У моддий ишлаб чиқариш эмас, балки билим ҳамда ақлнинг маҳсулидир. Шу боисдан уни ижтимоий тараққиётдаги ўрнига кўра илм-фан билангина қиёслаш мумкин. Жисмга, умуман моддийликка адад, ҳажм, оғирлик, узунлик ва кенглик сингари ўлчовлар ҳос бўлса, ахборот эса аксинча ундай хоссаларга эга эмас. Бу жиҳатдан ахборот олами ҳадсиз ва ҳудудсиздир.[8]

Статистик маълумотларга қараганда, ҳар куни 75 млн киши интернетда фақатгина e-mail дан фойдаланар экан. Интернетда қай мақсадда фойдаланаётганларни агар фоиз кўрсаткичида кўрсатсак, шундан:

95% e-mail жўнатишади;

---

[6] Д.Рашидова. Н. Муратова. Интернет журналистикаси Т.: 2007 й. 9-бет

[7] «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 11 май сони

[8] А.Мусахоний. Ахборот макони пайдо бўлиши мумкинми? // Жамият ва бошқарув, 2006 й. №1

74% янгиликлар олади;
80% ўз хоббилари бўйича маълумотлар олади;
56% on-line хизматларидан фойдаланади ва ундан нарсалар харид қилади;
37% on-line ўйинлар ўйнайди , мусиқалар эшитади ва компютерга ёзиб олади;
28% диний маълумотлар олади;
23% форум ва чатдан фойдаланади;
20% on-line аукциондан фойдаланади; [9]

Ўзбекистонда интернетдан тўлақонли фойдаланиш имконияти камроқ. Чунки, уй шароитида интернетдан фойдаланувчилар озликни ташкил қилади. Аммо, кўп жойларда интернет - клублар фаолият юритади. У барча аҳоли учун мўлжалланган. Аммо, бу каби жойларда биз кўпинча вояга етмаган ёш болаларни учратамиз. Ўтказилган сўровномада маълум бўлишича, интернет - клубларга асосан 4-5 ёшдан 13 ёшгача бўлган ёш болалар on-line ўйинлар ўйнаш, 11-17 ёшдагилар "chat" ва «e-mail» да янги дўстлар орттириш, мулоқот қилиш ва мусиқа ёзиб олиш учун кирар эканлар.

Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг ёшлар маънавиятига таъсири, ҳавф-хатарлари тўғрисида ҳам сўз юритишга тўғри келади. Жаҳоннинг бир неча мамлакатларида уюшган жиноий гуруҳлар ва террорчи ташкилотларнинг сайтлари мавжудки, улар орқали нафақат ахборот алмашинуви, балки ёшларнинг турмуш тарзига, урф-одатларимизга мутлақо тўғри келмайдиган ёт ғоялар ва амаллар тарғиб қилиняпти. Интернетнинг ҳар юзинчи саҳифасининг порнографик мазмунга эга эканлиги ёш авлоднинг тарбиясига, хулқ-одобига зарар етказиши табиий. Чиқарилаётган on-line ўйинлардан хам манфаат фақатгина фоида олиш эмас, балки ёшларнинг маънавиятга таъсир қилишдир. Интернетдан фойдаланувчиларнинг аксарияти бу каби сайтларга билиб ёки билмасдан кириб қоладилар. Умуман, нотаниш сайтларга кириб қолиш сабабларини фоиз кўрсаткичида олиб қарасак, шулардан:

1% баннер, реклама орқали;
1.2% e-mail адреслар орқали;
4.1% ТВ рекламалар орқали;
2.1% тўсатдан;
4.4% журналдаги рекламалар орқали;
20% баъзи суҳбатлдар таъсирида ;
46% интернетдаги қидирув тизимлар орқали амалга оширилади.[10]

---

[9] www.google.uz
[10] www.google.uz

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, замонавий ёшларимиз орасида баъзилари, интернетга маълумот олишнинг асосий манбаи ва коммуникациянинг бош воситаси, деб қарайдилар.

Интернетнинг фойдаланувчилар учун яратиладиган қулайликларидан яна бири, бу - махфийликдир. Психологларнинг таъкидлашича, баъзи одамлар реал ҳаётда ўз ҳиссиётларини ошкор этишга тортинганидан интернетда ўтиришни маъқул кўришади. Статистик маълумотларга қараганда, блокларга[11] (интернетда кундалик дафтар) ўз ҳиссиётларини киритаётганларнинг 52% ни аёллар, 48% ни эркаклар ташкил этар экан. Буларнинг кўпчилиги, ***Интернет аддиктлари***[12] (Интернетсиз яшай олмайдиганлар) реал ҳаётдан сиқилгани учун виртуал ҳаёт-Интернетга киришни маъқул кўрар эканлар. Психологларнинг фикрича, атрофдагилар билан муносабатга кириша олмайдиганлар компьютерда ўзларини эркин сезишар экан. Чунки уларга ҳеч ким тазйиқ ўтказа олмайди.

Ёш болаларнинг интернетдан кўп фойдаланиши ижобий томон билан биргаликда бир қанча салбий томонларни ҳам келтириб чиқаради. Оддийгина мисол, телевизор орқали бирор бир ҳаёсиз ёки қўрқинчли кинолар берилса, ота-оналар фарзандларига буни кўришни тақиқлашади. Лекин комьпютердаги «Fear.2», «Doom3», «Wanted» каби қонхўрликлар, отишмалар, қотиллик-у хунрезликдан иборат ўйинларни ўйнашга рухсат беришади. Вақт ўтган сайин бу ўйинлар болага ҳам физиологик ва психологик жиҳатлар салбий таъсир кўрсатишини кўпгина мутахассисларимиз айтиб ўтишган. Психиатрларнинг фикрига кўра, бу касаллик фанда «лудомания» дейилади. Асосан, болалар ва ўсмирлар орасида учрайди. Уйқунинг бузилиши, хулқнинг ўзгариши, жиззакилик, қўнимсизлик, компьютер ўйинларига буткул қарамлик, ўқиш ва уй ишларидан бош тортиш каби аломатлари сезилади.[13] Агар буни физиологик жиҳатдан олиб қарасак, нур таъсирида кўз хиралашиши, жисмоний ҳаракатларнинг сусайиши, танада қон айланиш тизимининг бузилиши, ҳаттоки наслга ҳам салбий таъсир қилиши эҳтимоли мавжд.

Мутахассисларнинг фикрича, бу каби ўйинлар болаларнинг психологиясида инсон руҳий ҳолатини тушуниш хусусиятининг сусайишига, мулоқот кўникмаларининг йўқолишига, ачинмаслик ва шафқатсизлик хусусиятининг кучайишига, эгоизмнинг ривожланиши каби омилларнинг юзага чиқишига сабаб бўлади. Бу салбий сабабларни кўпчилик болалар ва уларнинг ота-оналари билсалар ҳам бунга эътиборсиз муносабатда бўладилар. Бунинг эвазига болаларнинг

---

[11] Баъзи сайтларнинг блоки мавжуд бўлади. Бунда инсон ўз кундалик дафтарини очади. Ўз ҳиссиётларини бутун дунё билан ўртоқлашади.

[12] Интернет аддиктлари – Интернет гиёҳванди, Интернетсиз яшай олмайдиганлар маъносида.

[13] «Миллатга янги иллат хавф солаяптими?» Д. Собирова. «Даракчи» газетаси №19 07.05.2009 й.

ўйинқароқ бўлиб қолиши, турли ёт ғояларга тез оғиб кетиш ҳоллари кўп учрайди.

Энг ашаддий компьютер аддиктлари Жанубий Кореяда қайд этилиб, шу пайтгача бу давлатда 10 нафар бола ўйин даврида юраги ёрилиб ўлган, интернет клубларидан бирида ўйинга тақлид қилиш оқибатида қотиллик рўй берган. Ҳозир Кореялик болаларнинг 2,1 % интернетоманияга (интернетга меъёридан ортиқ шуғулланиш эвазига пайдо бўлган касаллик) чалинган бўлса, 80 % муолажага муҳтож , 20-24 % эса шифохоналарда ётиб даволаниши керак.

АҚШда болаларнинг ҳар ўнтадан биттаси компьютер ва видеоўйинларига қарам бўлиш касаллигига чалинган. Ўйинга муккасидан кетган болаларда клиник касалликларнинг ўн биттадан олтитаси аниқланган. Комьпютер ўйинлари ишқибозлари оилада, мактабда тенгдошлари билан муносабатда қийинчиликка дуч келишаяпти. Ҳатто, айрим болалар ўйин дискини сотиб олиш учун пул ўғирлашаяпти. Ўйинга муккасидан кетиш Американинг «руҳий касалликлар статистик маълумотномаси»га ҳамон киритилмагани ажабланарли. Мутахассисларнинг фикрича, бу касаллик ҳам, албатта киритилади. Бугунги кунда дунёда миллиарддан ортиқ комьпютер мавжуд бўлса, шулардан 250 миллионтаси компьютер ўйингоҳи соҳибларига тегишли. Ўтган йили Америкаликлар ўйинларни ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришнинг ўзига 21 млрд. доллар сарфлашган.[14]

Ҳозирда интернет орқали тарқалаётган ва йил сайин тобора кенг хилма-хил тус олаётган вертуал зўравонликлар, шунингдек, электрон ОАВ (оммавий ахборот воситалари)ларида тасвирланаётган жангари манзаралар, ёшларнинг маънавий ривожи ва тафаккурига таъсир қилмоқда. Айни пайтда интернет тармоғи ҳаётимизга таҳдид ҳам олиб келмоқда. Ахборот уруши кейинги пайтларда «ахборот терроризми» деб ҳам аталмоқда. Интернетда тарқалаётган кўплаб маълумотларнинг амалдаги конунчиликка зидлиги бу соҳадаги муаммо кўплаб давлатлар олдига интернет тўғрисида қонуний ҳужжатлар қабул қилишни зарурат қилиб қўйди. Шунинг учун айрим мамлакатларда интернет тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилинган бўлса, баъзи мамлакатларда бу тўғрисида ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилган. Жумладан, АҚШда интернет козинолари, болалар порнографиясини тақиқловчи алоҳида қонунлар қабул қилинди. Россия, Швеция ва бир қатор Европа давлатларида интернет қароқчилигига қарши кураш тўғрисидаги махсус қонун қабул қилинган. Республикамизга ҳам бу тармоқни тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар ва ҳуқуқий меъёрлар, «Реклама тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Почта алоқаси

[14] «Миллатга янги иллат хавф солаяптими?» Д. Собирова. «Даракчи» газетаси №19 07.05.2009й

тўғрисида»ги , «Электрон ҳужжатлар айланмаси тўғрисида»ги қонунлар қисман белгилаб қўйилган.[15]

Бу қонунлар бироз бўлса-да, ахборот хуружининг олдини олиши мумкин. Аммо, болаларнинг on-line ўйинларидан кам фойдаланиши учун махсус қонунлар йўқ. Бу ота-она ва педагог зиммасидадир. Болаларда асосан мактаб даврида турли сохаларга қизиқиш уйғонади. Мактабларда "Компьютер асослари" фани ўқитилади. Шахар, туман, чекка-чекка қишлоқларда шу фан ўқитилиш баробарида мактаб ёшидаги болаларга интернет ва унинг чексиз имкониятлари мавжудлигини, шу билан биргаликда унинг салбий томонлари ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилиши лозим. Мактаб компьютерларини интернет тармоғига улаш мақсадга бўлиб, ўқувчиларга интернетдан қандай фойдаланиш йўлларини, маълумотлар қидиришни, чет мамлакатларда ўз тенгқурлари билан мулоқотни қандай амалга ошириш лозимлиги борасида маълумотлар бериш керак. Шунда мактаб ёшидаги болалар фақат дарсликлар билан чекланмай, интернетдаги хабарлардан ва янгиликлардан ҳам хабардор бўлиб турадилар. Бунинг натижасида, интернет – клубларда фақат ўйин ўйнаш ва вақтини ўтказиш учун кирганлар сони камайиб, интернетни ахборот макони деб ўйловчиларнинг сони тобора ошган бўлар эди.

Интернетнинг чексиз имкониятларидан тўлақонли фойдаланиб, давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва жаҳонга танилиши учун ҳаракат қилишимиз зарур. Демак, биз интернетдан умумиллий манфаатга хизмат қиладиган ва унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотларни танлаб, таҳлил қилиб фойдалансак, салбий ва нохолис ахборотлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олган бўлар эдик.

2. 4. Ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда ахборот жуда кенг ва ҳар тарафлама тушунилади. У иштирок этмаган билим соҳасини топиш қийин. Жуда катта ахборотлар "информация" яъни "ахборот" тушунчаси майдони ҳақиқатдан ҳам одамларни маҳкам ўраб олади.

Хўш, ўзи аслида ахборот нима? Ахборот-шахс, факт, предмет, воқеа-ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар.

Маълумки, ахборот ҳар хил бўлиши мумкин, яъни узатилган маълумотлар, компъютерда сақланган ахборотлар, кўчирмалар, хат ёки эсдалик ёзувлар, архивлар, формулалар, схемалар, диаграммалар,

[15] "Ёшлар ва интернет" О.Топилдиев. // Жамият ва бошқарув, 2008 й., №2 36-бет

маҳсулот моделлари, асл намуналар, диссертациялар, суд ишлари ва бошқалар.

Бошқа маҳсулотларга ўхшаб информация ҳам ўз фойдаланувчиларига, харидорларига эга. Шунинг учун ҳам у маълум бир мижозларига эга. Ахборот қабул қилувчилар ва ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган хусусиятларига эга. Мижозлар нуқтаи назарига кўра, фойдаланаётган информациянинг сифати қўшимча молявий ва маънавий самара бериши керак. Тарқатувчилар нуқтаи назаридан эса, ахборот муҳим тижорат сирининг сақланиши, ишлаб чиқариш бозорида товарларни сотиш ва хизмат кўрсатишда, омадли рақботлашишга имкон бериш керак. Бу табиийки, сир сақланиши керак бўлган ахборотни ҳимоя қилишга таъсир кўрсатишни талаб этади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат ахборот инфраструктурасининг ривожланиши жамият ва давлатнинг ҳамма жабҳаларини, жумладан, одамларнинг дунёқарашини ва уларнинг меҳнат, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда иштирок этиши шартларини ўзгартириб, жамият ривожланишини тезлаштиради. Ҳар хил ахборот технологиялари, автоматлаштирилган системалар ва маълумотлар базаси давлат структураларини, иқтисодиётни ва мамалакат мудофаасини бошқаришнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Бугунги кунда халқаро майдонда иқтисодий ва ахборот салоҳиятнининг ўрни ва унга бўлган талаб ошиб бормоқда.

Фуқаролик ҳуқуқи қонунчилигимизда ҳам бошқа объектлар сингари ахборот тушунчаси объект сифатида қабул қилинди. Ахборот ўз бозорига эга. Бозорга эга бу товар моддий бойликларига ва қийматига эга янги кўринишдаги объект ҳисобланади. Биз уни кўз билан кўрмасак-да ёки тасаввур қилмасакда, қўлимиз билан ушламасак-да маълум бир қийматга эга. Ўша бозорларда ўзининг ҳаракатланувчи кучига эгалиги, айниқса, хорижий мамлакатларда айрибошланиши билан бугунги кунда катта қийматга эга бўлиб бораяпти. Қолаверса у даромад манбаи бўлиб, янги объект ҳисобланади. "Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ахборотнинг ўзи нима, унинг ҳуқуқ эгаси, мулкдори ким, улар ўртасидаги муносабатлар қандай тартибга солинади, умуман ахборот билан бўлган муносабатлар қай даражада ўрнатилади деган масалаларга ойдинлик киритилган. Яъни, таъкидлаб ўтган асосий тушунчаларга қуйидаги таърифлар берилган.

Ушбу қонунда ахборотнинг қандай тайёрланиши, қандай айрибошланиши, ахборотни тайёрловчи ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатлар қандай фарқланиши, умуман давлатга тегишли ахборотлар, хусусий ахборотлар, хавфли ахборотлар, хавфсиз ахборотлар каби қатор қоидалар ўрнатилган бўлиб, бу бевосита ахборотнинг объект эканлигини

тан олдиради. Демак, шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мана шу тўпланган маълум бир моддий қийматга эга бўлган, кишиларнинг онги, тафаккури, тасаввурига таъсир этадиган у ёки бу кўринишдаги фикрни шакллантиришга хизмат қиладиган ахборотлар мажмуи: босма ахборотлар, даврий нашрлар, эфирдаги ахборотлар (РВ, ТВ), электрон тизим яъни, интернет тармоғидаги ахборотлар бўладими, бу ахборотларни ички ва ташқи манбалардан ҳимоя қилиш зарур. Бу муносабатлар "ахборот хуружи" деган тушунча билан таърифланади. Демак, ахборот хавфсизлиги дегани, республика ҳудудида мавжуд бўлган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролар умуман жамиятда истеъмолда бўлган ахборотларнинг эркин ва қонуний айланувини ҳимоя қилиш ва таъминлашдир.

Ўзбекистонда тайёрланадиган ахборотнинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида, хорижий мамлакатларда эркин айланишини таъминлашда амалдаги қонунлар ва халқаро ҳуқуқий меъёрлардаги ҳужжатларга амал этилишидан келиб чиқадиган муносабатларга таянилади. Яъни, содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, ҳар бир кишининг соғлиги, саломатлиги, қандай ҳимоя қилинадиган, таъминланадиган бўлса, унинг онги ва тафаккурига киритиладиган ахборотларнинг тўғрилиги мана шундай таъминланиши керак. Демак, ушбу фаннинг ўқитилишидан мақсад ҳам талабаларга яъни, келажакдаги бўлажак журналистлар, ижтимоий-гуманитар фан соҳалари мутахассисларига давлат сирини, миллий ахборот хавфсизлигини қандай сақлаш ва таъминлаш кераклигини тушунтириш. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қуйилади:

1. Миллий ва ахборот хавфсизлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўриб чиқиш;
2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, дунё миқёсидаги сиёсий ўрни, ролини ўрганиш;
3. Ахборотга хавф соладиган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;
4. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш усулларини ўзлаштириш;
5. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;
6. Давлат сиёсати даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Ахборот хавфсизлиги республика ҳудудидаги мавжуд давлат бошқарувини, жамият бошқарувини издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай ахборотларга қарши кураш тизимининг ташкил этилиши, десак ҳам бўлади.

2.5. Резюме

Ахбортлашув жараёни шундай жараёнки, у техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва маиший хизмат, маданият соҳаларида жадал суръатларда кечмоқда. Шунингдек, ахборотлашув, иқтисодий ҳаётда - ахборотнинг товарга айланиши, ижтимоий ҳаётда - ахборот турмуш, ҳаёт даражаси ўзгаришининг асосий омилига айланиши, сиёсий соҳада – кенг миқёсда фикр алмашишга замин яратувчи хилма-хил ахборотлар учун эркин олишга йўл очилмоқда.

Ахборотлашган жамиятда ёшлар психологиясига таъсир этувчи омиллар сифатида интернет, компьютер технологиялари яққол намоён бўлмоқда. Бу ахборотнинг инсон руҳиятига таъсири масаласини ўрганишни тақоза қилмоқда.

Фуқаролик ҳуқуқи қонунчилигида ахборот тушунчасининг объект сифатида қабул қилиниши юртимизда ахборот тизимларининг қонуний асосини яратиб берди.



2.6. Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Ахборот маданияти деганда нимани тушунасиз?

2. Ахборот истеъмоли маданияти деганда нимани тушунасиз?

3. Информацион жараёнлар нималардан ташкил топади?

4. Ахборотлашув жараёнининг жамиятдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга таъсирини қайси соҳаларда кўришимиз мумкин?

5. Ахборотга хавф соладиган омилларнисанаб беринг?

6. Ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий асослари деганда нимани тушунасиз?

7. ОАВ (интернетнинг)нинг ёшлар онгига ижобий ва салбий таъсири хусусида нима дея оласиз?

3-МАВЗУ. АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛЛАШУВ. ЗАМОНАВИЙ ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ТАВСИФИ

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни

1. Глобаллашув тушунчасининг таснифи. *Глобаллашув – XXI аср ҳамжамиятининг ижтимоий - сиёсий ҳаётидаги муҳим хусусият сифатида, глобаллашувга берилган турли хил таърифлар, глобаллашув-муттасил давом этадиган тарихий жараён, глобаллашув - жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни, глобаллашув - миллий чегараларнинг "ювилиб кетиш" жараёни сифатида ва маънавий – маърифий, иқтисодий, маънавий, сиёсий соҳалардаги глобаллашув.*

2. Глобаллашув ва ахборотнинг психологик хавфсизлиги. *Глобаллашувнинг ахборот маконига ижобий ва салбий таъсирлари, замонавий босқичда оммавий ахборот глобаллашувининг маъноси ва асосий хусусияти.*

3. Глобаллашув жараёнида оммавий ахборот хавфсизлиги психологияси. *Ахборот макони глобаллашуви шароитида миллий хавфсизлик масалалари.*

4. Жамиятнинг ахборот инфратузилмаси. *Ахборот технологиялари, ахборот заҳиралари ва ахборот марказлари ҳақида тушунча, оммавий очиқ ахборот тизимларининг таркиби.*

5. Оммавий ахборот воситаларининг замонавий тизими. *Замонавий босқичда оммавий ахборот воситалари эволюцияси ва улар ривожланишидаги интерактив босқич, ахборот хавфсизлиги психологияси*

Таянч тушунча ва атамалар: глобаллашув, глобалистлар, аксилглобалистлар, ахборот маконининг глобаллашуви, маънавий–маърифий, иқтисодий, маънавий, сиёсий соҳалардаги глобаллашув, жамиятнинг ахборот инфратузилмаси, интернет, протокол, гиперматн.

3.1. Глобаллашув тушунчасининг таснифи

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла иҳоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Ҳаттоки, халқлараро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда

тураман, деган мамлакатлар унинг таъсирига кўпроқ учраб қолиши мумкин. Бундай ғайриихтиёрий таъсир натижаси кўпинча салбий бўлади. Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаётган таъсири ҳам турличадир. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳодисани чуқур ўрганмай туриб унга мослашиш, керак бўлганда, унинг йўналишини тегишли тарзда ўзгартириш мумкин эмас.

Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни мукаммал ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисоди ва маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимига бошқарувсиз қайиқ сингари топшириб қўйиш билан баравар бўлади.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказаётган тадқиқотларга кўз югуртириш бу соҳадаги ишлар энди бошланаётганидан гувоҳлик беради.

Глобаллашувга қисқа таъриф бермоқчи бўлсак, уни турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши дейиш мумкин.

Глобаллшувга берилган таърифлар жуда кўп. Лекин унинг хусусиятини тўлароқ қамраб олган бизнингча, француз тадқиқотчиси Б.Банди берган таъриф. Унда глобаллашув жараёнининг уч ўлчовли эканига урғу берилади:

- Глобаллашув - муттасил давом этадиган тарихий жараён;
- Глобаллашув - жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;
- Глобаллашув - миллий чегараларнинг "ювилиб кетиш" жараёни.

Б. Банди таърифида келтирилган глобаллашув ўлчовларининг ҳар учаласига нисбатан ҳам муайян эътирозлар билдириш мумкин. Лекин, жаҳонда юз бераётган жараёнларни кузатсак, мазкур ўлчовларнинг унда мавжуд эканини кўрамиз.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисоди сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган: *"Мен уйимнинг дарвоза эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини истамайман".*

Глобаллашувнинг ўзи мураккаб жараён экани, унинг турли мамлакатлар иқтисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказаётган таъсири яна ҳам мураккаб бўлгани сабабли унга нисбатан ҳам жаҳонга бир-бирига нисбатан қарама-қарши бўлган икки гуруҳ: глобалистлар ва аксилглобалистлар гуруҳлари вужудга келди.

Глобалистлар тарафдорлари глобалистлар, деб аталади. Улар орасида давлат арбоблари, сиёсатдонлар, саноатчи ва ишбилармонлар кўпроқ учрайди. Глобаллашув мухолифлари эса аксилглобалистлар номини олган бўлиб улар орасида кўпроқ сўл кучлар, касаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари бор. МДҲ ҳудудида аксилглобалистлар Россия Федерацияси ҳудудида фаол ҳаракат олиб бормоқдалар. Улар доимий равишда турли анжуманлар, семинарлар ўтказиб турадилар.

ХХ аср ўрталарида глобаллашувнинг институционаллашуви, яъни ташкиллашуви кучайгандан кейин бу жараённинг ўзи ҳам кескин тезлашди ва кучайди. Институционаллашувнинг кучайганини Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тараққиёти ва тикланиш банки каби улкан ташкилотларнинг вужудга келгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Глобаллашувнинг тезлашиши ва кучайишига жавоб сифатида аксилглобалистларнинг фаолияти ҳам кучайиб кетди. Улар глобаллашувнинг фақат салбий оқибатларига эмас, умуман унинг ўзига қарши чиқа бошладилар. Масалан, Россиялик файласуф ва ёзувчи А.Зиновьев "Аксилглобализм векторлари" номли анжуманда сўзлаган нутқида шундай дейди: "Глобаллшув янги жаҳон урушидир. У янги типдаги жаҳон уруши. Бу урушда тирик қолишнинг қаршилик кўрсатишдан бошқа йўлини кўрмаяпман. Фақат қаршилик!",- деган эди.

"Аксилглобализм векторлари" анжуманидаги яна бирн маърузачи А.Паршев эса глобаллашувга қуйидагича таъриф беради: *"Аслида глобаллашувнинг асосий мазмуни бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қўшимча қийматини, дунёдаги асосий заҳираларини ўзлаштиришдан иборат".*

Таҳлил шуни кўрстадики, глобализм тарафдорлари ҳам, душманлари ҳам асосий эътиборни иқтисодиёт соҳасига қаратишади. Глобаллашувнинг манаъвиятга таъсири ва маънавий глобаллашув масалалари социология, фалсафа, маданий антропология фанларида ўзининг аксини етарли даражада топгани йўқ.

Маънавиятни ҳам бир уйга қиёсласак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ёт ғоялар, оқимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимоя чоралари кўришимиз табиий. Четдан ўтказиладиган мафкуравий

таъсирга қарши химоя чоралари куришдан аввал кандай таъсирларни маъқуллаш лозиму, қандайларини рад этиш кераклигини аниқлаб олиш лозим. Ҳозирги кунда бирорта ҳам миллий маънавият йўқки, у бошқа халқлар маънавиятидан тула ихоталанган булса. Ҳатто, Австралия чакалакзорлари, Африка саванналари ва Жанубий чангалзорларда турмуш кечираётган кабилалар ҳам қўшни қабилалар ва замонавий тамаддун таъсирини ўзида ҳис қилиб туради. Қолаверса тарихни таҳлил қилиш бошқа халқлар маънавиятидан баҳраманд бўлган халқлар маънавияти юксакликларга кўтарилгандан гувоҳлик беради.

Ўрта Осиё халқлари маданияти ва маънавияти Шарқ ва Ғарб туташтирган карвон йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган. Муҳими шундаки, халқимиз Ғарб ва Шарқ маънавиятидан баҳраманд бўлиб уларнинг ижобий томонларини ўзлаштирибгина қолмай, уларга ижодий ёндашиб, янги чўққиларга кўтарилди. Бу фикрнинг тасдиғини маънавиятнинг таркибий кисмлари бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат мисолида ҳам кўриш мумкин. Буни фақат Ватанимиз эмас, умумжаҳон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган алломаларимиз ижоди мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, ана шундай аждодларимиздан бири Абу Райхон Беруний Хитой ва Ҳиндистон, Юнонистон ва Рим фалсафасини, табиий фанларини чуқур ўзлаштирган эди. Ҳиндистонда бўлган пайтида у ҳинд фани ва маданиятини ўрганар экан, қадимги манбаларни ўрганиш учун қадимги ҳинд тили-санкритни билиш лозимлигини англайди. У санкритни ўрганишга киришади ва қисқа фурсатда уни чуқур ўзлаштиради. У шунингдек, Юнон ва Рим маданияти ва фанини ўрганиш учун юнон ва лотин тилларини ўрганган.

Жаҳон маданияти тарихида чуқур из қолдирган Абу Наср Форобий ҳам ўнлаб тилларни билган ва ўнлаб халқлар маданияти ва маънавиятини чуқур тадқиқ қилган. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳим жиҳати шундаки, ўша буюк аждодларимиз жаҳон халқлари маънавиятини ўрганибгина қолмай, уларни чуқур таҳлил этишди, тегишли жойларини ривожлантириб, оламшумул кашфиётлар қилишди.

Аждодларимиз тарихи жаҳон халқлари маънавиятига ҳурмат билан қараш, керакли жойларини ўрганиб, ижодий ривожлантириш орқалигина маънавият чўққисига эришиш мумкинлигидан гувоҳлик беради. Бизга таъсир ўтказаётган ёки таъсир ўтказмоқчи бўлаётган ғояларнинг қай бирини қабул қилиш ва қай бирини рад этиш лозимлигини аниқлаш учун жиддий таҳлил лозим. Ана шундай таҳлилни ўтказиш учун эса баъзан эринчоқлик, баъзан уқувсизлик халақит бермоқда. Бунинг окибатида

қабул қилиш керак бўлган ғояларни рад этиш ва рад этиш лозим бўлган ғояларни қабул килиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Шундай ғоялар борки, улар очиқ чеҳра билан эшигимизни тақиллатиб кириб келади. Шундай ғоялар ҳам борки, улар ўғри каби кечаси туйнукдан тушишади.

Эшик қоқиб келадиган ғоялар миллий маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади. Чунки миллий маънавиятлар ўзаро таъсир жараёнида ривожланади. Ҳар қандай халқ маънавияти ривожига назар ташланса унинг бошқа халқлар удум анъаналарини ўзлаштириш ва мослаштириш орқали ривожланганини кўриш мумкин.

Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва яқиндаги қўшниларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида ривожланиб борди. Маънавиятимизнинг ривожланиш тарихини кузатсак, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. XX аср бошларидаги ўзбек маданияти ва маънавияти ва унинг аср охиридаги ҳолати ўртасида анча жиддий тафовут бор. Бу тафовутни адабиёт, санъат, фан, ҳатто оддий юриш-туриш ва кийим-кечак соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

XX аср бошида ўзбек адабиётида драматургия ҳали шаклланмаган эди, демак миллий театр санъати тўғрисида сўз ҳам юритиш мумкин мас эди. Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат сингари маърифатпарварларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли драматургия шакллана бошлади ва кейинроқ театр санъати вужудга келди. Ўша пайтларда театр саънатининг ўзбек миллатининг учун ёт, бегона ғоя деб эълон қилганлар оз эмас эди. Драматургия ва театрни рад қилиш фақат даҳанаки танқид билан чегараланмаган эди. Санъатнинг бу турларини Ўзбекистонга олиб киришга ҳаракат қилаётган инсонларни мазах қилиш, масхаралаш, ҳатто сазойи қилиш ўзларини миллий маънавият ҳимоячилари, деган одамлар томонидан амалга оширилган эди. Ҳамма нарса учун олий ҳакам ҳисобланадиган вақт эса театр саънати миллий руҳиятимиз ва маънавиятимизга ёт, деювчиларнинг ўзлари миллий маънавият ривожига ғов эканини кўрсатди. Ҳозирги кунда ҳар миллион кишига ҳисобланганда театрлар сони бўйича Ўзбекистон дунёдаги энг илғор ўринлардан бирини эгаллайди ва театр миллий маънавиятимизнинг узвий қисмига айланган.

Миллий кийимлар ҳам миллий қадриятлардан бири ҳисобланади. XX аср давомида ана шу қадриятимизнинг тадрижини кузатсак, ғаройиб ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз. Ўтган аср бошларида маҳаллий эркакларнинг қишки кийими телпак, пахталик чопон, пахталик шим ва этикдан, ёзги кийим эса дўппи, кўйлак ёки яктак, оқ лозим ва шиппак ёки кавушдан иборат эди.

Ўша пайтларда европача кийим кийиш, галстук тақиш ёки костюм ва шляпа кийиш у ёқда турсин, миллий кийимга озроқ бўлса ҳам ўзгариш

киритишга уриниш дин пешволари ва миллий ўзлик "ҳимоячи"лари томонидан миллий маънавиятга таҳдид сифатида баҳоланар эди. Масалан, анъанавий тарзда тугма қадалмайдиган яктакка тугма қадаш 1918 йил феврал ойида Бухоро муфтийси томонидан кофирларнинг иши деб эълон қилинди. Ўша пайтда эндигина ривожланиб келаётган вақтли матбуот, яъни газета ва журналларни ўқиш ҳам куфр деб эълон қилинди. XX аср охирига келиб эса миллий ўзликка таҳдид, деб эълон қилинган ўша газета ва журналлар миллий ўзликни ҳимоя қилувчи воситалардан бирига айланди.

Эркакларнинг ҳам аёлларнинг ҳам кийимлари бир аср давомида мутлақо ўзгариб кетди. Ўтган даврда аёлларнинг либоси кенг ва узун кўйлак, камзул ва кавуш-маҳсидан иборат эди. Анъанага кўра, аёллар кўйлаги баданнинг паст - баланд жойларини билинтирмайдиган даражада кенг бўлиши, енглари эса билакларни тўла ёпиб туриши лозим эди. Аёлларнинг шундай кийимлари 30-йилларгача мода бўлиб келди. Ўша пайтларда бирор киши яна 30-40 йиллардан кейин ўзбек аёллари тор кўйлак ва юбка, шим кийиб юришади, деса бошқалар уни ақлдан озганга чиқариб қўйиши ҳеч гап эмас эди. Орадан 40-50 йил ўтар-ўтмас аёллар шунчаки тор кўйлак ва шим эмас, мини юбка, жуда тор шимлар кия бошлашди. Энди кийим уларнинг баданидаги паст-баланд жойларни яширишга эмас, бўртиб турган жойларни яна ҳам бўрттириброқ кўрсатишга хизмат қила бошлади. Аср бошида аёллар баданининг 5-6 % қисми очиқ юрган бўлса, аср охирига келиб ёз пайтларида аёллар баданининг 50-60% қисми очиқ юрадиган бўлди. XX асрнинг сўнгги чорагида аёллар аср бошидаги аёллар либосларини кинофильм ва фотосуратларда кўриб ажабланишади, холос. Буларнинг бари ҳозирги тил билан айтганда глобаллашув, аниқроғи маънавиятдаги глобаллашув натижаси эди.

Кўриб ўтган мисолларимизда эркак ва аёллар либосларидаги ўзгаришлар юз берган ҳар бир босқичда аввалги босқич либосларини ҳимоя қилучи, янгиликларни эса ғарбдан келаётган маънавий таҳдид, деб баҳоловчилар ҳам анчагина бўлган. Мана шу мисоллар глобаллашув жараёнида четдан кириб келаётган ҳодисаларнинг қайси бири маънавиятга таҳдиду, қайси бири ҳаётбахш эканини аниқлаб олиш қийин эканини кўрсатади. Шунинг учун четдан келаётган ҳар қандай ғояни ёт ва вайронкор, деб эълон қилишдан аввал миллий манфаатлар йўлида фойдаланиш мумкин эмаслиги тўғрисида обдон ўйлаш лозим.

Спорт соҳасидаги атамаларни глобаллашув жараёнига ҳам тадбиқ қиладиган бўлсак, вайронкор ғоялардан ҳимояланишнинг энг самарали йўли уларга қарши хужумга ўтишдир. Яъни, биз ёт ғоялардан ҳимояланиш билангина шуғулланмай, ўз ғояларимиз, анъаналаримиз,

турмуш тарзимизни дунёга ёйиш учун ҳаракат қилишимиз зарур. Ҳозирча биз маънавият соҳасида кўпроқ ҳимоя билан бандмиз.

Тарихимиз илм-фан, дин, санъат соҳасида юртимизда етишиб чиққан алломалар бутун дунёга донг таратганидан гувоҳлик беради. Абу Наср Форобий жаҳон фалсафаси ривожига сезиларли ҳисса қўшган бўлса, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замахшарий, Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз жаҳон фанин янг поғоналарга кўтаришди. Исмоил бухороий, ат Термизий, Мотуридий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавийлар эса ҳадис, калом, фиқҳ илмлари ва тасаввуфда порлоқ юлдузлар ҳисобланишади. Амир Темур ва Мирзо Бобурнинг ҳарбий санъати нақадар юксаклигини бутун жаҳон эътироф этган.

Шўролар даврида миллий қадриятларимизни дунёга ёйиш у ёқда турсин, ўз юртимизда қадрлаш ўчун ҳам йўл берилмади, кўпчилик қадриятларимиз эса топталди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўша хўрланган қадриятларимизни тиклаш ва тарғиб қилиш имконига ҳам эга бўлдик. Ўзбек миллий курашини дунёга ёйиш бўйича қилинган ишлар, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ўзбек кураши федерацияларининг тузилиши бунинг яққол мисолидир. Шуни эътироф этиш лозимки, ўзбек курашини дунёга ёйиш бўйича ишларнинг ташаббускори ва ташкилотчиси Президент И.Каримов бўлди. Демак, биз глобаллашув жараёнида пассив қабул қилувчи томонигина бўлмай, фаол тарғиб қилувчиларга ҳам айланишимиз мумкин.

Тарихга назар ташласак, фан ва маданиятимиз, миллий маънавиятимизнинг гуркираб ўсиши билан бирга тушкунлик даврлари ҳам бўлганини кўрамиз. Маслан, Мирзо Бобурдан кейин XX асргача юртимиз дунёни лол қолдирадиган на саркада, на аллома, на шоиру фузало етишиб чиқди. Шу даврда Бобораҳим Машраб ва Огаҳий сингари бир неча шоирларнинг етишиб чиқишини эса бу давр учун қонуният эмас, бахтли тасодиф, деб баҳоламоқ зарур.

Тарихимизнинг сўнгги беш юз йилида аввалги беш юз йилликдаги сингари юзлаб алломалар, шоирлар, лашкарбошилар етишиб чиқмаганининг сабаби нимада, деган саволнинг туғилиши табиий. Бунинг қатор сабаблари бор. Улар орасида халқ руҳияти, ҳарбий вазият ва иқтисодиёт билан боғлиқлари ҳам мавжуд. Иқтисодий сабаблардан энг муҳими бизнингча шундаки, XV аср охирида қилинган географик кашфиётлар натижасида Буюк Ипак йўли ўз аҳамиятини йўқота бошлади, ҳудудимиз савдо йўлларидан четда қолганди ана шундай иқтисодий ва маънавий омиллар тушкунликка олиб келди. Бундан чиқаришимиз лозим бўлган энг муҳим хулоса шундаки, глобаллашув жараёнида четда қолганимиз бизнинг миллий маънавятимизга, руҳиятимизга ижобий эмас, салбий таъсир ўтказди. Демак, биз глобаллашув жараёнида оқилона йўл

тутсак, ҳам инқилобий, ҳам маънавий равнаққа эришишимиз мумкин экан. Оқилона йўл эса глобаллашувни тўла инкор қилиш ёки чапак чалиб кутиб олишда эмас, керак бўлганда унинг йўналишига мослашишда, тегишли пайтда уни ўзимизга мослаштиришда, бунинг учун эса уни муттасил кузатиб бориш ва таҳлил қилишдир.

Миллий маънавиятимизни ва маънавий ўзлигимизни таҳдидларидан ҳимоя қилиш учун миллий истиқлол ғоясидан самаралироқ ва кучлироқ восита йўқ. Шу маслада миллий истиқлол ғоясининг жуда муҳим функцияси, яъни миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш каби муҳим функцияси намоён булади. Миллий истиқлол ғояси ана шу функцияни бажариши учун эса ёшлар ва аҳоли онгида фақат билим, тасаввур сифатида эмас, эътиқод сифатида шаклланиши лозим.

Миллий истиқлол ғоясининг шаклантирилиши ва унинг ўқувчилар, талабалар, кенг аҳоли томонидан ўрганишга киришилиши мамлакатимиз маънавий тараққиётида алоҳида босқични ташкил этади. Аслида миллий истиқлол ғоясининг асослари Президент И.А.Каримов томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ шаклантирилган эди. Лекин, бу ғояни ёшлар ва аҳоли онгига сингдириш учун муайян пойдевор керак эди. Яъни, аввало миллий қадриятларни, миллий маънавиятни тиклаш, миллий ҳурурни ўйғотиш, бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғояси томир отиши ва гўркираб ривожланиши учун замин тайёрлаш лозим эди. Мустақиллик қўлга киритилгандан буён ўтган давр ичида маънавият соҳасида улкан назарий, маърифий ва амалий ишлар бажарилди. Маънавият ва маърифат кенгашлари тузилди, юзлаб мақола ва рисолалар нашр этилди, тадқиқотлар ўтказилди, бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш учун замин яратилди.

Миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда бизнингча баъзан бир ёқламаликка йўл қўйилмоқда. Бу ғояни тарғиб қилишда иштирок этаётган мураббий ва ўқитувчилар, тадқиқотчиларнинг чиқишларида, мақола ва рисолаларида маърифатчилик билан чекланиш кўзга ташланмоқда. Ҳолбуки, маънавиятни ривожлантиришда асосий ёндашув маърифий ёндашув бўлса ҳам миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда бу ёндашув билан чекланиб бўлмайди. Бу ҳол миллий истиқлол ғоясининг хусусиятлари билан ҳам боғлиқ.

Миллий ғоя жамиятни жипслаштирувчи, уни ижтимоий тараққиёт кўндаланг қўяётган масалаларни ҳал қилишга, четдан бўлаётган ғоявий, маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган кучдир. Унинг моҳияти шундаки, у одамлар онгидаги, хотирасидаги ғоялигича қолмай амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у миллий маънавиятни ва

маънавий ўзликни ташқи мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади.

Миллий истиқлол ғоясининг ҳаётимиз жараёнига сингиб кетишини таъминлаш учуи эса, ғоялар амалий харакатларга айланиши жараёнини синчиклаб ўрганиш керак. Бунинг учун даставвал, "Ғоя бевосита амалиётга, амалиёт дастурига айланиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, бу жараён қандай юз беради?" деган саволларга жавоб топиш керак бўлади.

Замонавий психология, ижтимоий психология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар нуқтаи назаридан бу саволга "кўпинча айланмайди" деб жавоб бериш мумкин. Чунки инсон онгида, миясида ўнлаб, юзлаб ва ҳатто минглаб ғоялар бўлади. Уларнинг барчаси амалиётга айланаверса инсон ҳам маънан, ҳам жисмонан майда бўлакларга бўлиниб, парчаланиб кетиши керак эди. Чунки айни бир инсон онгида айни бир пайтнинг ўзида ўнлаб турли хил, жумладан, диний, ахлоқий, сиёсий, илмий, бадиий ва бошқа хил ғоялар бўлиши табиий. Улар бир-бирларини тўлғазиши ва кўпинча бир-бирларига тўла мос келмаслиги мумкин. Натижада, шахс бу ғоялардан энг зарурларини ва ўзи энг тўғри, деб билганларини ажратиб, ҳаётга тадбиқ этиши керак. Ватан ўғил-қизлари қанчалик кўп меҳнат қилиб тер тўксалар, мустақиллик дарахти, унинг илдизлари, илдизлари орасидаги ўқтомир-миллий истиқлол ғояси шунчалик барқ уриб ривожланади. Баён қилинганлардан маълум бўладики, миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда, уни ёшлар ва аҳоли онгига синдиришда маърифий йўл билан чекланиб бўлмайди. Бу йўлни тўла инкор қилиб ҳам бўлмайди, у ҳам зарур. Лекин фақат унинг ўзи билан қаноатланилса, нари борганда истиқлол ғоясини изоҳлаб, тушунтириб бериш мумкин, изоҳ ва тушунтириш йўли билан эса одамларнинг фақат фикрига, хотирасига таъсир ўтказса бўлади.

Миллий истиқлол ғоясини яхши тушуниб олган талаба ёки ўқувчи имтиҳонда "аъло" ёки "яхши" баҳо олши мумкин, лекин унда бу ғояга эътиқод шаклланмаган бўлса бу билимни у тезда унутади. Эътиқод шаклланиши учун фақат билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Эътиқод, хусусан ғоявий эътиқод билим ва ҳис-туйғунинг фарзандидир. Ғоявий эътиқоднинг отаси билим бўлса, онаси ҳис-туйғудир. Улардан бири бўлмаса ғоявий эътиқод ҳам бўлмайди. Шу хусусияти билан ғоявий эътиқод - эътиқоднинг бошқа турларидан, айтайлик диний эътиқоддан фарқ қилади. Диний эътиқод шаклланиши учун дин арконлари тўғрисида чуқур билим бўлиши шарт эмас. Диндорларнинг кўпчилигида ана шундай чуқур диний билим йўқ, лекин уларнинг талай қисмидаги эътиқод билимдон уламоларнинг эътиқодидан кучлироқ бўлиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, диний эътиқод билимни инкор

қилмайди, лекин унда эҳтирос устуворлик қилади. Дин бўйича жуда кўп билимга эга бўлган одамнинг эътиқоди суст ва буннинг аксича, оз билимга эга бўлган одам кучлироқ эътиқодга эга бўлиши мумкин. *Илмга амал қилмаган мулладан бешак, афзалдир устига китоб ортилган эшак – деганда* Шайх Саъдий билимдон, лекин эътиқодсиз муллаларни назарда тутган эди.

Миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда ҳам бизнинг назаримизда талаба ва ўқувчиларга билим беришга кўпроқ ҳаракат қилиниб, эътиқод шакллантириш вазифаси сояда қолмокда. Худди шундай ҳолатни миллий истиқлол ғоясига бағишланган илмий рисолалар, мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги маърифий ёндашув билан чекланишда ҳам кузатиш мумкин. Миллий истиқлол ғояси фанини ўқитишда эътиқодни шакллантириш масалаларига бағишланган рисола у ёкда турсин, кичикроқ мақолани ҳам топиш амри маҳол. Аҳвол шу тахлитда давом этса, эътиқодсиз билимдонлар кўпайиб кетиши мумкин. Билим бўлгани билан эътиқодсиз одамлар бу билимга амал қилмайдилар ва уларнинг Шайх Саъдий таърифлаган устига китоб ортилган махлуқдан фарқи кам қолади.

Миллий истиқлол ғояси эътиқодга айлангандагина мукаммаллик касб этади. Миллий истиқлол ғоясининг ҳақиқатан ҳам миллат, халқ миқёсидаги ғоя эканлигини кўрсатувчи муҳим бир мезон бор: бу унинг ҳар бир фуқаро шахсий этиқодига айланганлигидадир. Бу кўпчилик фуқаролар эътиқодига айлангандагина унинг ҳақиқатан ҳам *миллий* ғоя эканини тасдиқлайди. Миллий истиқлол ғояси ва алоҳида фуқаронинг ғоявий эътиқоди ўртасидаги боғлиқлик шундаки, шахс эътиқоди миллий ғоя негизида шаклланади ва миллий ғоя ўз навбатида алоҳида шахслар эътиқодидан қувват олади, алоҳида шахслар эътиқоди сифатида мавжуд бўлади.

Миллий истиқлол ғоясининг моҳиятига монанд тарзда уни ёшлар ва аҳоли онгига сингдириш бўйича олиб борилаётган ишлар маърифийлик билан чекланмай, эътиқод шакллантиришга йўналтирилса кўнгилдагидай бўларди. Бунинг учун эса эътиқоднинг ўзига хос хусусиятлари, унинг шаклланишидаги босқичлар, мураккабликлар, нозикликларни доимо ёдда тутиш зарур бўлади.

3.2. Глобаллашув ва ахборотнинг психологик хавфсизлиги

Глобаллашув кишилик жамиятидаги маҳаллий аҳамиятга молик маданий, ахборот, иқтисодий, носиёсий маконларнинг бир тизимга бирлашуви жараёнидир. Ер куррасининг турғун транспорт маршрутлари билан бирлаштирилуви, миграция оқимларининг кучайиши, ахборот технологияларининг тараққий этиши ва ҳакозолар шаклланаётган

глобаллашувнинг босқичларидир. Ўтган асрнинг охири бу жараён мисли кўрилмаган даражада жадаллашувига олиб келди ва глобаллашув даври номини олди [16].

Ҳозирги даврда глобаллашув жараёни тобора кенгайиб бормоқда ва бу жаҳон сиёсий маконинг янгича кўриниши ва тараққий этишига таъсир қилди. Жахон сиёсий маконида давлатларнинг глобал ривожланиши бу авваломбор, дунёнинг барча давлатлари ва халқларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик, психологик жиҳатдан биргаликдаги янгича тараққиётидир.

Глобаллашув шароитида авж олган муаммоларнинг ечими ҳамкорликдаги ҳаракатларни талаб қилмоқда. Шунинг учун замонавий халқаро муносабатларо дунё давлатлари ва халқлари ўртасидаги яқинлашув жараёнларини тезлаштириши, ҳар томонлама ҳамкорликни кучайтириши, яхлит бўлган сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий маконларнинг вужудга келиши билан тавсифланади. Ушбу интеграцион жараёнлар доирасида қуйидаги мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши изоҳланади. Булар :

1) Халқаро ижтимоий – сиёсий муаммолар: ядро урушининг олдини олиш; қуролланиши пойгаси даражсини пасайтириш; минтақавий ва давлатлароро можораларни ҳал килиш: умумжаҳон ҳавфсизлик тизимининг мустаҳкамланиши; халқлар ўртасидаги ишончни такомиллаштириш.

2) Халқаро ижтимоий – иқтисодий ва экологик муаммолар: кам ривожланганлик ва у билан боғлиқ бўлган қашшоқлик ҳамда маданий қолоқликни бартарф этиш; энергетик , хомашё, маҳсулот инқирозларини ҳал этиш йўлларини қидириш; тинч мақсадлар учун коинот маконини ва жаҳон океанини ўзлаштириш; ишлаб чиқариш жараёнини экологик хавфсизликни таъминлаш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.

3) Инсон муаммолари: асосий ҳуқуқ эркинликларига риоя қилиш; инсон ҳаёти учун муҳим бўлган шароитларни таъминлаш, ижтимоий муносабатларни демократлаштириш, маданиятни ривожлантириш ва сақлаш; инсон ва табиат, жамият, сиёсат ва халқаро муносабатлар ўртасидаги мувозанатни уйғунлаштириш. Жаҳон ҳамжамияти тажрибаси инсоният тақдирига таъсир этувчи муаммоларни фақатгина бирлашган ҳолда ҳал этиш мумкинлигини кўрсатяпти.

Ҳар бир жамиятда ахборот – психологик хавфсизлик тушунчаси кўп ишлатилади. Бу тушунча аввало қандай пайдо бўлди? Унинг ҳаётийлиги инсоният тақдирига даҳлдорлиги нимада? Ана шундай савол туғилишининг ўзи муаммоларнинг долзарблиги ва ўта кескинлигини

---

[16] Сафаев С.С. «Глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари» Т. 2005, 1-бет

кўрсатади. Бизнингча, ахборот-психологик ҳавфсизлик тушунчаси қуйидагиларда намоён бўлади:

1) Ахборот-психологик ҳавфсизлик бу бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиши орқали уни ўз ақидаларидан, муқаддас идеалларидан, эътиқодларидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашдир. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг даҳсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан, урф – одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий – руҳий таъсир бузғунчи ғоялар ва тажовузкор мафкураларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

2) Ахборот-психологик ҳавфсизликка риоя қилинмаса, унинг таъсирчан чоралари кўрилмаса, бузғунчи ғоялар миллий қадриятларни барбод этиш орқали тарихан мавжуд бўлган халқлар ва миллатларни геноцидга олиб келиши муқаррар.

3) Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот орқали замонавий руҳий таъсир технологияларининг тобора ривожланиб бораётганлиги шахс ва жамият тафаккурининг шаклланишига у ёки бу тарзда кучли таъсир ўтказади. Жамоатчилик фикрининг қай даражада шаклланганлигига, жамиятнинг сиёсий онги, ҳуқуқий билимлар савияси, маънавий-маърифий даражасига қараб, жамиятнинг тараққиётига ёки таназзулига юз тутиши муқаррар.

4) Ижтимоий фикрни шакллантиришда ахборот таъсирини, ахборот технологияларидан фойдаланиш усуллари ва услубларининг тобора кенгайиб бораётганлигини назарда тутсак, ахборот – психологик ҳавфсизлик муаммоси яна ҳам кескинлашиб қолади[17].

Ахборот орқали юзага келган психологик можоралар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси жамиятнинг салбий ахборот-психологик хуруждан сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизмини яратиш билан белгиланади.

Ҳозирги кунда ёшларнинг онгига четидан кириб келаётган ҳар турдаги ахборотлар тез суръатларда таъсир этмокда, сабаби, айрим ёшлар енгил - елпи ахборотларга берилиб, уларни қабул қилиши ҳам осон кечади.

Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси ана шу тарзда маънавий-ахлоқий мезонга айланади. Эркин шахс ва озод кишилик жамоаси бўлган фуқаролик жамияти шароитида ахборот-психологик хавфсизликнинг ўзига хос тизимлари шаклланмоғи лозим. Бу бевосита ОАВ фаолияти ва унга хизмат қиладиган ахборот олувчи, сақловчи ва тарқатувчи ходимларнинг сиёсий савиясига, касб маҳоратига, энг

---

[17] Сафаев С.С. / Тарқатма материал/ «Глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари» Т. 2005 2-3-бетлар

муҳими фуқаролик позициясига, жамият ишига даҳлдорлик туйғусига боғлиқ. Зотан, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг бош мезони ва асосий таянчи – миллатпарварлик, ватанпарварлик, фидокорлик туйғуси! ҳисобланади.[18]

Ҳозирги дунё тараққиётининг қонуниятлари ва глобаллашув жараёнларининг таҳлили дунё шахсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар бўлишидан дарак берувчи «глобал ахборот жамияти» остонасида турганлигини кўрсатмоқда. Бу ҳам ахборот маконидан ва ОАВларидан турли кучларнинг сиёсий ва носиёсий вазифаларни ҳал қилиш учун одатда тушуниладиган «куч ишлатиш» йўли билан эмас, балки бошқача йўл билан фойдаланишга имкон беради.

Шундай қилиб, глобаллашув шароитида ёшларимизнинг ёт ғояларга эргашиб кетиши, улрага қинғир ишларнинг жиддий оқибатлари, жавобгарлиги ва ҳуқуқий асослари ҳақида мукаммал тушунчалар бериш, бу борада тарғибот ишлдарини янада кенгроқ олиб боришимиз лозим .

Ахборот соҳасида ахборот хуружи қизғин авж олган бир пайтда айни ана шу хуружлар моҳиятини, унинг манбаларини, ривожланиш омилларини, илмий тил билан айтганда, конфликтоген жиҳатларини чуқур ўрганиш лозим. Бузғунчи ва ҳужумкор ахборотлар мақсади, иддаоси, уларнинг тагида ётган манфаатлар қанчалик тўғри ўрганилса, уларга шунчалик тўғри ва ишончли зарба бериш мумкин бўлади.

Яна шуни айтиш лозимки, ёшларга турли хилдаги тўгараклар ташкил қилинса, шунда уларнинг бўш вақтлари ҳар қандай енгил-елпи ахборотлар қабул қилишга сарфланмайди.

Тиғиз ахборотлашган жамиятда «шахс- жамият - давлат» алоқадорлиги, уларнинг ўзаро узвийлиги ва яхлитлигини таъминлаш бир мунча қийинлашади. Чунки ахборот оқими тезлашгани ва ахборотлар гирдобида яшаши каби мураккаб, зиддиятли вазиятнинг юзага келиши бевосита шахс тафаккурининг, инсон дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, ҳар бир фуқоро ўз шахсий нуқтаи назари, ўз қарашлари, маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий имкониятлари доирасидагина фаолият кўрсатади, ўз олами ҳудудида яшайди ва ташқи оламга ўз ақли доирасида шахсий муносабатини билдиради. Ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий – биологик камолотидан ва руҳий эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзига мос ахборотни қабул қилади, уни таҳлил этади. Унинг атрофида мушоҳада юритади, фикрлайди ва ана шу таҳлиллар асосида ўзининг шахсий хулосасига эга бўлади. Натижада у ёки бу тарздаги ўз нуқтаи назарини шакллантиради.

---

[18] Жўраев Н.Қ. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Т., 2008.

Демак, хар қандай ахборот мазмуни, моҳияти, таъсир этиш даражаси , жамиятга фойдали ёки зарарлигини, кишини эзгуликка ёки ёвузликка даъват этиши билан «шахс-жамият-давлат» муносиблигига ижобий ёки салбий таъсир этади. Ана шу жиҳатдан қараганда миллий манфаатларни асраш ва ривожлантиришда ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг роли янада ҳам ошади[19].

Бугун инсон ҳаётини ахборот тизимларисиз тасаввур қилиш қийин. Ахборот асрида ҳатто ҳарбий ҳаракатларнинг усул ва услубларига ҳам муайян ўзгартиришлар киртилди. Шу билан бирга, информацион хуружлар авж ола бошлади.

Албатта, ахборот асридаги ҳарбий ҳаракатлар билан информацион урушлар бир-биридан фарқ қилади. Харбий ҳаракатларда ахборот технологиялар операция муваффақиятини таъминловчи восита саналади. Информацион урушда эса ахборотга алоҳида объект, қурол сифатида қаралади.

Глобаллашув асрида бир давлат ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ахборотга эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва уни ҳимоялашга интилади. Шу боис муайян давлат бошқа бир давлатга оид ахбротни қўлга киритса, муайян устунликка эга бўлади.

Оддийгина бир мисол. Бирор давлатнинг телефон тармоғини ишдан чиқариш учун телефон станциясини бомбардимон қилиш мумкин. Айни вақтда зимдан ана шу телефон станциясининг бошқарув тизимини ишдан чиқариш ҳам мумкин. Яъни бомба ўрнини компьютер вируси ҳам бемалол боса олади.

Информацион урушнинг моҳияти шундаки, у ягона мақсад эмас, балки якуний мақсадга эришиш йўлидаги воситасидир. Ҳозирги технологиялар ахборот ўрнига уйдирма тарқатиш, бошқаларни ёлғон ахборотга ишонтириш имконини беради. Бунда уйдирма объекти ёлғонни ҳақиқат деб билади ва охир-оқибат ёлғон тарқатаётган томоннинг манфаатларига мос ҳаракат қила бошлайди. Кундалик ҳаётда учрайдиган фитна ва бўҳтонлар ҳам информацион урушнинг содда кўринишларидир. Айримлар унга лаққа ишонишади. Фақат ҳурфикр инсон гап замирида ғайримақсадлар мавжудлигини илғайди.

Информацион урушнинг таркибий қисмлари ҳам кўп. Масалан, психологик операциялар, дезинформация, воқеани бузиб ёки бўрттириб кўрсатиш орқали одамларнинг бирор фирма ёки компанияга, бирор сиёсий ҳаракатга ва ҳатто ҳукуматга ишончини сўндириш ёки ошириш мумкин (пиар технологиялар).

Информацион хуружнинг ҳавфли томони шундаки, юқорида кўрсатилгандек, у кучли бомбадек таъсир кўрсатади. Бунинг олдини

---

[19] Анвар Бобоев «Ахборот асрида информацион хуружлар» мақоласидан «Ўзбекистон матбуот журнали» 2006 йил, 6-сон, 12-13-14-бетлар

олиш учун шу қуролга қарши айни турдаги қурол билан жавоб қайтариш зарур. Президент Ислом Каримов айтганидек, *мафкурага қарши мафкура, ғояга қарши ғоя билан курашмоқ керак.*

Айниқса, ёшлар онгини ёт мафкура, бузғунчи ғоялардан сақлаш муҳим. Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даржасига кўтарилган. Спорт иншоотлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, турли тўгараклар ташкил қилинмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш учун барча шарт-шароилар яратилмоқда. Жамиятда бирдламлик, бағрикенглик ғоялари кенг тарғиб этилмоқда. Ўзбек халқининг миллий минталитети жамоа бўлиб яшашга, елкадошликка асосаланади. Шу нуқтаи назардан маҳалла инстутининг ривожлантирилаётганлиги муҳим ахамият касб этмоқда. Тўғри, айримлар жазони ўйлаб қонунбузарликдан тийилади. Лекин маҳалла - куйчиликнинг шуниси қимматлики, киши кўпроқ иснодни, юзи ерга қараб қолишини ўйлайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қатор информацион хуружларни бошидан кечирди. Ваҳобийлар ёки Ҳизб-ут-Таҳрир оқими вакиллари билан ҳақиқий мусулмонлар ўртасидаги фарқ бугун яққол юзага чиққан. Бу ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг ахборот хуружларига қарши муносиб жавоб берганлигига бир далилдир. Информацион хуружнинг яна бир намунаси 2005 йилнинг май ойида Андижонда юз берган воқеалардан кейин бошланди. Рангли инқилобларнинг навбатдаги сериясини Фарғона водийсида катта ижтимоий портлаш билан амалга оширмоқчи бўлган ёт кучлар Ўзбекистон халқи бундай фитна ва найрангларга осонликча ўчмаслигини кўргач, мамлакатимизга қарши бўҳтон ёғдириш йўлига ўтиб олди. Уйдирма ва бўҳтонлар гоҳ чет эл оммавий ахборо овоситалари, гоҳ «мустақил журналистлар» томонидан тарқатилади ва, афсуски, ҳамон онда-сонда бўлса-да, давом этаётир. Улар аслида, кимнинг ноғорасига ўйнаши тушунарли. Лекин хорижий мамлакатлардаги айрим сиёсатчилар куракда турмайдиган иғво гапларни қўллаб қувватлагани, беозор айтганда жуда ҳайратланарлидир.

Хўш, информацион хуруж восита экан, унинг замирида ётган якуний мақсад нимадан иборат? Ўзини демократ, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари санайдиган кимсаларни ёллаб, халқ орасида саросима келтириб чиқаришда қандай мақсадлар кўзланиши мумкин? Халифалик ва демократия ниқоби остида улкан табиий ресурларга бой минтақа устидан назорат ўрнатишдек қабиҳ мақсад яширин эмасми?!

Халифаликдан бошлайлик. Қандайдир тўда «халифалик ўрнатиш» мақсадида ғалаён келтириб чиқаради. Кенг омма буни инкор этади, лекин мустақил фикрлай олмайдиган тинч осуда ҳаётнинг қадрини билмайдиган айрим кимсалар уларга эргашади. Бундай вазиятда четдан

бир «саховатпеша» келади. У тинчлик ўрнатиш ва демократияни тантана қилдириш учун келгандек бўлади. Лекин асл мақсади парокандаликни имкон қадар узоқ, иложи бўлса, то ресурслар ташиб кетилгунга қадар чўзишдан иборат бўлади.

Шакл – шамойили қанчалар ўзгача бўлмасин, рангли инқилоблар ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Жамият пароканда бўлади, кейин бир «демократ» ёки бир гуруҳ «демократлар» пайдо бўлиб, гўёки вазиятни изга солади. Юзага келган ҳукумат эса четидаги ҳомийларининг йўриғига юради, табиий, сиёсий, ҳарбий ресурсларни уларнинг ихтиёрига бериб қўяди. Бошқача айтганда, ўз шахсий манфаати учун давлат суверенитетини савдога қўяди. Рангли инқилоб юз берган мамлакатнинг бирортаси ҳали ҳам ўзини ўнглаб ололмагани, ҳали ҳам сиёсий ва иқтисодий ўйинларнинг битмас -туганмас гирдобидан чиқиб ололмаётгани бунга мисолдир.

Ақлли одам ўзгаларнинг хатосидан тегишли хулоса-ю сабоқ чиқаради.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакат хавфсизлиги, Марказий Осиё барқарорлиги кўп жиҳатдан ғоявий ва мафкуравий хуружларга қарши курашга боғлиқ эканлигини халқаро ташкилотлар минбарларидан такрор ва такрор таъкидлаб келади. Хусусан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2005 йил июнь ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган Саммитида мамлакатимиз раҳбари йиғилганлар эътиборини муҳим жиҳатларга қаратди. Кейинги пайтларда рўй бўлган воқеаларда пировард мақсади минтақадаги кучларнинг сиёсий ва иқтисодий мувозанатини ўз фойдасига ўзгартириш ва минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган, узоқни кўзлайдиган катта стратегик пинҳона режанинг факт айрим қирраларигина намоён бўлди.

«Хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан турли таҳдидларнинг кўламигина эмас, балки, қўйилган геополитик мақсадлага эришишнинг маъно-мазмуни, восита ва услублари ҳам, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослиги ва ундаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда тубдан ўзгариб бораётганига эътибор қаратиш жоиз,- деди Ислом Каримов. Бу кучларнинг турли экстремистик ва айримачи тузилмалар билан кўшилиб бораётггани, шунингдек, ашаддий диний ташкилотлардан, гарчи ўзлари бошқа вазиятда уларни террористик ташкилотлар рўйхатига киритиган бўлса-да, ўз мақсадлари йўлида фойдаланишдан ҳам тоймаётгани билан боғлиқ фактлар ҳам жиддий хавотир ўйғотмасдан қолмайди. Бу ўринишлардан кўзда тутилган пировард мақсад - минтақада «бошқариладиган беқарорлик» вазиятини келтириб чиқариш, ижтимоий – сиёсий барқарорликни бузиш ва ўзлари хоҳлаган тараққиёт моделини зўрлаб тиқиштиришдан иборатдир».

Турли фитналарга қўл ўрилди. Ўйинлар иш бермагач, информацион хуружлар ёрдамида юртимизни ўз тизгинига солиш ҳаракатларини

бошлашди. Ваҳолангки, «оғалик курси»сининг ўзи йўқ энди. Ўзбекистон истиқлолининг илк давридаёқ бундай курсини чилпарчин этиб, орқадаги барча кўприкларни ёқиб юборган. Аммо бунга ҳали-ҳануз иқрор бўлмаганлар, аниқроғи, буни ҳазм қилаолмаётганлар бор. Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистонда «Инсон ҳуқуқлари поймол қилинаётганлиги», «диндорлар таъқиб этилаётгани» ҳақида «ташвиш» билдирувчилар топилади. Бундай «жонкуярлар» мамлакатимизда минглаб масжидлар ишлаб тургани, ҳар йили минглаб ватандошларимиз ҳаж ва умра амалларини бажариб келаётгани, Шўро заммонида оёқ ости бўлиб ётган юзлаб зиёратгоҳлар тикланиб, ободонлаштирилганлиги, ислом таълимоти билан шуғулланувчи Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари фаолият кўрсатаётгани ва кўпдан кўп ҳайрли ишлар амалга оширилаётганини негадир тилга олишмайди. Бундай эзгу ишларни кўриб кўрмаганга, эшитиб-эшитмаганга олади. «Мустақил журналистлар» ҳам уларни кўрмайди, тўғрироғи кўришни истамайди. Уйдирмачилар Ўзбекистонга яқин беш – ун йил ичида қадам босмагани ёки умуман келмагани уларнинг куракда турмайдиган «даъволари» дан билиниб туради. Бошқалари учун эса бўҳтон тўқиб, ватанни сотиб тирикчилик қилиш одатга айланган.

Биз шуни биламизки, Ўзбекистонни ўз йўлидан оғдирмоқчи бўлганлар ҳали ҳам бор уларнинг тинч турмаслиги ҳам тайин. Лекин халқимиз юртбошимиз раҳбарлигида ҳаётнинг барча синовларини, жумладан, инфорацион хуружларни ҳам енгиб келмоқда. Чунки ойни этак билан ёпиб бўлмагани каби, ҳар қандай «ғирром ўйин» - информацион хуружлар ҳам барбод бўлиши муқаррардир. Ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олган ва шу йўлдан дадил, каътий бораётган халқимиз эзгу, улуғ мақсадлар йўлида ҳеч қандай бўҳтону, иғволарга учмайди. Шу боис эртанги кунимиз бугундан-да мунаввар бўлишига ишончимиз комил.

3.3. Глобаллашув таъсиридаги ахборот хуружи

Бугунги кунда дунё миқёсида ривожланиб, бутун ер куррасини ўз домига тортиб бораётган глобаллашув айни авж палласига чиқди. Глобаллашув таъсирида ижтимоий иқтисодий соҳалар ҳам, сиёсий қарашлар ҳам, маданий-маърифий ҳаётда ҳам турли ўзгаришлар юз берди. *"Глобаллашув" тушунчасига ягона таъриф берилмаган бўлсада, аммо унга қисқача қилиб, инсонлар ўртасидаги ўзаро таъсир, ягона иқтисодий-молиявий макон ва турли мамлакатлар билан алоқада ахборий майдоннинг кенгайиши дейиш мумкин.* Унинг таъсирида юз берган ўзгаришларни айниқса тараққий этган барча жамиятлар мисолида кўриш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, глобаллашув жараёнида инсон

ахборотнинг яратувчиси, фойдаланувчиси ва қайсидир сиёсий, диний дунёқарашлар, ахлоқий нормалар етказувчисига айланиб қолди. Технологияларнинг эса маиший ҳаётимиздаги тутган ўрни тобора ортиб бораётгани сари вазифаларимиз бир мунча камайиб бормоқда, дунёнинг бу чеккасида туриб, у чеккасидаги маълумотларни билиш имкони ошмоқда. Аммо унинг ортидан кўрилаётган зарарларни бу янгилликлар тўлдира олмаяпти. Глобаллашув келтириб чиқарган асосий муаммолардан бири бу "ахборот ҳужуми" ва "ахборот хавфсизлиги" муаммосининг юзага келганлигидир. Ахборот ҳужуми ва ахборот хавфсизлиги бугунги кунда замонавий тусга эга бўлса-да, аммо улар ўз моҳиятига кўра инсоният тарихида жуда кўп маротаба ва турли кўринишда ишлатилган. Бунга тарихда мисоллар бисёр. Айни дамда, ҳар бир давлат ўзининг барқарор тараққий этишида биринчи навбатда миллий хавфсизликни таъминлашга кўпроқ эътибор қаратмоқда.[20]

Ҳозирда давлатларнинг ўз олдига қўйган энг асосий мақсад ва вазифалари ҳам айнан бундай курашларда ўз фуқаросини ахборий хуружлардан ҳимоя қилиш, маънавият, қадриятларининг йўқ бўлиб кетмаслигига қарши қалқон бўлиб туришидан иборат бўлмоқда.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, мамлакатда кенг қамровли ижтимоий - иқтисодий ислоҳотлар бошланди. Бу ислоҳотларни айниқса, фан ва маданият, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва берилаётган имкониятларда яққол кўриш мумкин. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларни эркин фикрлашга ўргатиш, собиқ тузум ўрнатган қолипларни буткул парчалаб ташлаш эди. Республика президенти И.А.Каримов томонидан миллий истиқлол ғоясининг шакллантирилиши ва унинг кенг жамоатчилик томонидан ўрганилиши, давлатнинг маънавий тараққиётида муҳим аҳамият касб этди. Аммо бу каби ҳаракатларни йўқ қилишга уринишлар ҳам пайдо бўлди. Жумладан, интернетда узатилаётган ёлғон хабарлар, чорловлар айнан инсон онгига, қалбига бевосита таъсир кўрсатмоқдаки, буни психотроп воситалар орқали дунёқарашини тубдан ўзгартиришга, давлатга нисбатан салбий кайфият уйғотишга ўриниш сифатида баҳолаш мумкин.[21]

Маълумки, инсон ахборотсиз яшай олмайди. У ахборот орқалигина маьнавий озуқа олади. Лекин инсон учун ҳамма ахборотнинг ҳам фойдаси бормикин? Бугунги кунда ҳар бир соҳада компютерлаштириш, техниканинг ривожланиши, сўнгги қулайликларда мобил алоқа ҳозирлиги негизида ахборотни эгаллаш вазифалари ётади. Бироқ инсон онгининг маҳсуллари бир вақтнинг ўзида ёмон мақсадларга ҳам сарф этилмоқда. Бунда ахборотдан жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни

---

[20] Жаҳон тараққиёти ва глобаллашиш жараёнида информацион хавфсизлик муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари, 2006 йил ноябр, Т.: 2007й. 2-жилд, 40-бет.

[21] Ўша манба 40-бет.

таъминлаш, давлатларнинг суверен тенглиги тамойилларига амал қилиш, низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби мақсадларга зид равишда фойдаланилмоқда.[22] Буни, айниқса, юксак илмий салоҳиятга эга техникавий ривожланган мамлакатлар алоқа тизимлари ҳийлакорлик билан иқтисодий, сиёсий, ҳарбий сирларни очиш мақсадида тажовузлар уюштирилаётганидан маълум.

Ахборот урушининг қизиқ бир жиҳати ҳам бор. Бундай урушга кам харажат қилиниши, қурол-яроқ жамланмайди ва ҳеч қандай қўшинга ҳожат йўқлигидир. Яна бир хусусияти эса у ҳеч қандай меъёр ва чегара талаб қилмаслигидир. Аслида ҳам ахборотни чегаралаб, жиловлаб бўлмайди.

XXI аср "техника" ривож топган, интернет, сунъий йўлдош орқали узатилаётган алоқани узиб қўйишнинг ҳам иложи йўқ даврдир. Афсуски, бу урушда инсон асосий нишон бўлиб, унинг жисмоний эмас, маънавий ҳаёти шикастланади. Шикаст етган тана аъзосини даволаш мумкин, лекин инсонга етказилган мафкуравий, руҳий зарбани тузатишнинг иложи бўлармикин?

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ахборот терроридаги[23] энг фаол иштирокчилар ҳам айнан ОАВ бўлиб қолмоқда. Улар билиб-билмаган ҳолда бузғунчилик, қўпорувчилик таъсирини янада оширмоқда. Яъни инсонларни вахимага солувчи турли туман ахборотларни етказиш билан бирга айрим ОАВ қўштирноқ ичидаги ташкилотлар ва шахсларга кўмаклашмоқда. Андижон воқеаларини ёритган хориж журналистлари ҳаракатларида ҳам шуни кузатиш мумкин. Катта кўникма ва малакага эга бўлган, замонавий техникани яхши ўзлаштирган бу журналистлар воыеани бир ёқлама, нохолис таҳлил этишларига нима сабаб бўлди? Бунинг сабаби сифатида журналистларнинг ўз касбига бўлган ҳурматлари йўқолганлигини, уларнинг мақсади фақат моддий бойликка эришиш, қандай йўл билан бўлса-да, номи чиққан "уддабурон" журналистга айланиш бўлиб қолганлигини келтириш мумкин. Бу билан биз барча журналистларнинг фаолиятини қоралаш фикридан йироқмиз. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаслигини эслатмоқчимиз.

Ахборотлашган жамиятда бу каби муаммоларни бартараф этиш муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Бу муаммоларни ҳал этишда эса қуйидаги жихатларга эътибор бериш лозим.

Биринчидан, инсонда, энг аввало, ўз ватанига, оиласига, касбига бўлган садоқат ва меҳрни ошириш, умумманфаат йўлида бирлаштириш ҳамда давлат олдида маъсулиятини шакллантириш;

---

[22] Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. Тошкент. Академия 2005, 5-бет.
[23] Ўша манба 8-бет.

Иккинчидан, замонавий технологиялардан тинчлик мақсадида фойдаланиш, тараққиётнинг гуллаб-яшнашига сарф этиш;

Учинчидан, ёшларга миллий маданият ва қадриятларнинг мохиятини англатиш, уларни оммавий маданиятга қарши курашга, "америкача" турмуш, яъни фуқаролик никоҳи ҳамда кийиниш маданиятининг ғарбона шаклини тиқиштираётганларга қарши миллий маданият билан жавоб қайтаришга ўргатиш;

Тўртинчидан, нодавлат телеканаллар орқали кириб келаётган мусиқа, видеоклиплар ва хориж телесериалларининг ўрнига замонга хос ўзбек қўшиқлари ва сериалларини узатиш;

Бешинчидан, интернетда ўзбек тилидаги сайтларни кўпайтириш ҳамда виртуал кутубхоналарни кенгайтириш зарур.

Шунинг билан бирга ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги таъминлаш, уларни махсус тўгаракларда таълим олишларига эришиш лозим. Шундагина улар четдан кириб келаётган турли ахборотларга ишониб қолмайди. Бунинг учун эса ёшлар учун махсус газеталар, кўнгилочар шоулар, маданият кечаларни уюштириш ўз самарасини беради.

3.4. Глобаллашув жараёнида оммавий ахборот воситалари хавфсизлиги

Яшаб турган асримиз биз учун тинч, осудадек кўриниши мумкин. Ҳатто олдингидек қирғинбарот жанглар ҳам камайган гўё. Лекин яхшилаб назар солсак, жанг ҳали ҳам давом этмоқда, бироқ аскарлар ўзгача қуролланишган. Эндиликда бутун дунё жанг майдонига айланган. Ахборот жанги. Танланган қурол ҳам ўта ҳавфли - *СЎЗ.*

Кўпчилик олимлар томонидан XXI аср ахборот асри бўлади деган гаплар айтилаяпти. Нега энди ахборот асри? Социологларнинг уқтиришича, ахборот қайси жамиатда кўпроқ тўпланса ва аҳолининг ахборот олишга бўлган интилиши юқори даражада бўлса, ана ўша жамият тезлик билан ривожланади. Бундан ташқари ахборот соҳасида иш юритувчи экспертларнинг фикрича, ахборот олиш жараёнида инсон миясида секин-аста ўзгаришлар содир бўла бошлайди, сабаби мия бу вақтда ана ўша ахборотни ўзига сингдира бошлайди ва инсонда бирор нарсага нисбатан фикрни ўйғотади. Фикрлар жамланиб, инсонда қарашни шакллантиради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ахборот ядро қуролидан ҳам ҳавфлироқ қуролга айлангани маълум бўлиб қолди. Ўзини қудратли деб билган ҳар бир давлат турли-туман ахборий каналларини, сайтларини яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Бирор бир мамлакатга бостириб киришдан олдин ҳам мана шу "универсал" қуролдан, яъни ахборот хуружидан фойдаланиб қолмоқдалар.

АҚШлик олим, публицист, социолог Олвин Тофлернинг фикрича, инсоният тарихи 3 босқичли назариядан иборат.

1) Аграр босқич. Қадим-қадим замонлардан то XVII асргача бўлган давр. Бу давр ичида инсонлар учун асосий бойлик ер ҳисобланган. Ер эгаси жамиятда ҳукмронлик қилган.

2) Индустриал босқич. XVII асрдан то 1955 йилгача бўлган давр. Бу пайтларда асосий бойлик завод ва фабрикалар бўлган.

3) Учинчи тўлқин ғояси. Бу назария дунёга янгича қарашга асосланган. Ундаги қарашлар электроника, молекуляр тадқиқотлар, космик тадқиқотлар келтирган ютуқлар билан тавсифланади. Бундай дунёқараш индустриал даврдаги фалсафий қарашларни инкор қилади, пул билан ҳокимият аввалги кучини йўқотади. Эндиликда кутилмаган нарсалар қимматга эга бўла бошлайди.

Биз яшаётган даврга келиб эса ахборотнинг қадри ошиб кетди. "Бугунги кунимизда ахборотга эгалик қилиш бутун ер шарини қўлида кўтариб туришга ўхшайди, яъни бу ҳолат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларда тизгинни қўлга олиш билан баробар",[24] - дейди ғарблик мутахассис Рожер Аилес[25].

Глобаллашган дунёда ахборот давлатлараро муносабатларда катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари у бирор бир давлат учун ҳам салбий, ҳам ижобий куч сифатида намоён бўлиши мумкин. Жаҳонда ахборотга эгалик қилиш, ахборот бозорига ўз таъсирини ўтказиш имконига шубҳасиз, техникавий ва молиявий жиҳатдан бақувват давлатлар эришиши мумкин. Бу вазият улар учун ниҳоятда муҳим. Яъни, чет элнинг кўзга кўринган ахборот каналлари, агентликлари ахборот тарқатиш жараёнида ўз манфаатларига мос ғояларни, ўз қадриятларини аста-секинлик билан сингдириб кетмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўпгина давлатларда глобаллашувга қарши ҳаракатлар юзага келмоқда ва улар ягона ахборот майдони тузишни рад этмоқдалар.

Эндиликда ахборот энг арзон ва энг кучли таъсир қилувчи қурол эканини баъзи бир давлатлар тушуниб етдилар. Шунинг учун ҳар бир ахборот агентлиги ёхуд катта-катта телеканаллар бугун ўз номларини ахборот бозорининг энг юқори чизиғидан жой олиши учун ҳаракат қилмоқдалар. Демократия, инсон ҳуқуқлари дея ҳайқиришларнинг тагида барибир ахборий ҳукмронликка бўлган интилиш ётибди. Тизгинни қўлга олиш учун эса ҳар бир кўзга кўринган ахборот канали ўзига хос усулларни ишлаб чиққан.

Ғарб мутахассисларининг фикрига кўра телевидение омма учун энг таъсирли ва ниҳоятда кенг имкониятларга эга. "Эшиттирамиз ва

---

[24] www.quotationspage.com

[25] Рогер Эугене Аилес – 1940 йил 15 майда туғилган. Фох Нецс Чаннел канали президенти. Ричард Никсон, Роналд Рейган ва Жорж Бушнинг медиа маслаҳатчиси вазифасида фаолият юритган.

кўрсатамиз" деган қуролдан усталик билан фойдалана олган телеканал олдида матбуот ҳам, радио ҳам сукут сақлаб қолади. Шунга кўра, телеканалнинг ҳам ўзига хос ҳужум қилиш қуроллари мавжуд.

Метонимия - бутуннинг парчаси. Бу восита орқали асосан ахборот хуружлари уюштирилади. Бирор бир нарса рамзий маънода берилган ҳолда нимагадир шама қилинади. Мисол учун қумсоат билан умрнинг ўткинчилиги, синган қалам тасвири билан журналистларнинг нўноқлиги рамзий маъно касб этиши мумкин. Бу оддийгина мисол. Аммо рамзийлик билан кимнингдир бўридай очлиги, кимнингдир эшакдай қайсарлиги, яна бировнинг уккидай донолигини лаҳзаларда ифодалаб кетиш мумкин. Ёки яна бир мисол. Швецияда социал-демократик партиянинг рамзи атиргул ҳисобланар экан. Швед репортёрлари бир лавҳада бу партия ўз ҳурматини йўқотганини ифодаловчи "сўлиган атиргуллар" лавҳасини берган экан[26].

Ғарб телевидениесида рақамларни, ёки кўламни англатувчи мавҳум сўзлардан деярли фойдаланилмайди. Мисол учун карат, тонна, миллион доллар… Сон қанчалик катта бўлса, у мавҳумлашиб боради. Ғарбда бу рақамларни қуйидагича тушунтиришади: "Қиймати 60 мингта энг зўр шиша баҳосидаги маҳсулот қўлга тушурилди". "Бир миллион долларга 833 бора эл-классико ўйинларини томоша қилиш мумкин".

АҚШнинг CNN канали гарчи мавқе, савия жиҳатидан Англиянинг BBC каналидан анча ортда бўлса ҳам у қамраб олган аудитория BBCдан анча кўп. CNN буни антиқа услуб билан сунъий равишда қўлга киритган. Канал келиб тушган ахборотни қайта ишлаб, ўзи тушунадиган ҳолга келтиргандан сўнг ўзгаларга жуда осон тилда тушунтириб беради.

Журналистлар фикрни қисқа жумлаларда ва энг кўп қўлланиладиган сўзларда етказади. Бу билан эса инглиз тилини мукаммал билмайдиганлар аудиториясини ўзига қаратиб олади. Инглиз тилини мукаммал билмайдиган давлатлар сони қанча? CNNни томоша қилиб тушунадиганлар (маълум маънода), BBCнинг бирорта жумласини таржима қилиб бера олишмайди. Чунки Англия канали ўта жиддий ва улар ҳамма нарсани илмий тилда, мураккаб жумлаларда беришади

Дастлаб CNN канали ташкил этилганда у ишни тўхтовсиз хабар етказишдан бошлаганди. Яъни, CNN каналида ахборотлар тинимсиз 24 соат давомида бериб бориларди. Ана ўша пайтларда CNN каналининг BBC билан рақобат қилиши анча қийин эди. Шунинг учун ҳам у дастлаб АҚШнинг Fox News Channel канали ҳомийлигида фаолият юритди ва аста-секин ўз бўлимларини туза бошлади. Ҳозирда ҳам бу канал турли шаҳарларда жойлашган бўлимлари билан узлуксиз алоқада хабар алмашиниб туради. 2004 йил маълумотларига кўра, 88.2 миллион АҚШ

[26] Эрик Фихтелиус "Десять заповедей журналистики".

аҳолиси ана шу йилда CNN каналини кўриш имкониятига эга бўлишган бўлса, меҳмонхона хоналарининг 890.000 таси бевосита чет элдан келувчи сайёҳлар илтимосига биноан CNN каналига уланган. TB йўналишида бу каналнинг хабарлар билангина иш юритувчи 3.300 га яқин ходимлари фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда АҚШ статистик маълумотларининг қайд этишича, бутун дунёда 170 миллиондан ортиқ оилада CNN канали мавжуд. Унинг тарқатаётган ахборотлари 210 давлатда намойиш этилади. Бу билан у биринчидан, ахборот тарқатиб ўз миссиясини олиб бораётган бўлса, иккинчидан инглиз тилини бутун дунёга тарғиб қилмоқда[27].

CNN эътиборни жалб қилиш учун хилма-хил шиорларни ишлаб чиқди. Масалан 1980 йил ташкил этилган маҳалда " CNN - хабарлар ичида энг ишончлиси" деган шиор биринчи бўлиб эфирда янграган бўлса, ҳозирда телеканалнинг 70 га яқин шиорлари мавжуд. Бу ҳам оммага таъсир қилишнинг ўзига хос бир усули.

EuroNews канали 1993 йил 1-январдан ўз фаолиятини бошлаган. Ахборот бозорида қамраб олган аудиторияси кўлами тахминий 102 давлат. Бу ахборий канал Европа давлатлари ҳаёти, у ерда бўлаётган жараёнлар билан мана шу қитъа вакилларини таништириб бориш мақсадида шартнома асосида тузилган.

Бир қанча Европа давлатларига қарашли бўлган каналлар бўлиб, дастлаб Лион шаҳрида бу каналларни ташкил этиш учун музокаралар олиб борилган ва 11 давлат томонидан ёқлаб чиқишган. Булар:

Кипр	Греция
Франция	Италия
Белгия	Португалия
Ирландия	Испания
Украиния	Финландия

Шундан сўнг 1993 йил 1 январда Лион шаҳрида илк дастурлар ўз ишини бошлади.

EuroNews канали ахборот майдонига кириб келганда ўзига хос услубни қўллай бошлади. Яъни у ҳар бир Европа давлатига ўз тилида ахборот етказишни йўлга қўйди. Бу усул орқали у ниҳоятда кўп томошабинни атрофида тўплаш имконига эга бўлди. Бундан ташқари, EuroNews канали "No Comment"[28] тарзида ахборот етказа бошлади. У бу билан хабарига шарҳ бермаган ҳолда ўзини гўё бетараф тутади. Ҳозир ҳам шу усулдан фойдалиб келмоқда. Жараёнлар экран орқали узатилади, аммо журналист томонидан бир оғиз ҳам сўз айтилмайди. Бу билан канал ўзининг ҳеч қандай манфаатларга оғишмаган ҳолда, холис ахборот етказувчи сифатида кўрсатишга уринмоқда дейиш мумкин. Каналнинг

[27] www.ofcom.org.uk
[28] "No Comment" – шарҳсиз.

тактик усуллари ҳам мана шунда. Шу туфайли EuroNews ахборот канали тезда шуҳрат қозонди. 1997 йилга келиб BBC билан шартнома имзоланди ва Европадаги жараёнларга оид 47% маълумотни шу йили BBC EuroNews каналидан сотиб олди. Аста-секинлик билан EuroNews каналининг мавқеи ошиб борди.

Ҳозирда бу канал Европа давлатлари учун асосий ва ишончли воситага айланди.

BBC телеканалида эса ахборот беришда ундан ҳам устамонлик билан тузилган формулани кўриш мумкин. BBC хабарнинг 85% и бевосита мана шу жараёнга тегишли бўлишини ва атиги 15 фоиз ахборот бошқа воқеаларни содир бўлган ҳодисада мисол келтириш учун ишлатилишини қатъий назорат қилади. Бу ҳам BBC каналининг таъсир кўрсатиш кучини маълум маънода оширади. Сабаби психологларнинг айтишича, инсон мияси қисқа жумлаларни ва бевосита ахборотга тегишли бўлган энг муҳим гапларнигина ушлаб қола олар экан. Бундан ташқари энг биринчи эшитилган хабар онг остига ўтиб кетиши ва кейинги берилган ахборотлар уни маълум даражада тўлдириб бориши таъкидланган. Шунинг учун ҳам хорижий телеканаллар бир-биридан ўзишга, тезроқ информация етказишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиладилар. Улар ўртасидаги рақобат шу даражада кучлики, компьютер вируслари билан иш юритувчи Касперский лабораторияси[29] маълумотларига кўра, 2004-2005 йилларда ишлаб чиқилган 6000га яқин янги турдаги вирусларнинг 32 %и айнан мана шу гигант ахборот каналларига тегишлили бўлиб, ишлаб чиқилган вируслар бошқа рақобатдош каналларга юборилади ва улардаги маълумотларни ўчириб ташлашга уринади. Буни бевосита манфаатлардаги тўқнашув деб номлаш ҳам мумкин. Қуйидаги келтирилган вируслар ахборот тизимларини ишдан чиқарувчи энг хавфли вируслар рўйҳатига киритилган:

SQL Slammer – 2003 йилда тарқатилган бу вирус ер шаридаги 500.000 серверни ишдан чиқарган. Ҳужум бевосита Жанубий Корея давлатига қаратилган эди. Шу сабабли ҳам бу давлат қолган мамлакатларга нисбатан кўпроқ зарар кўрди ва ўн икки соат давомида глобал тармоқдан узилиб қолди.

My Doom (Менинг ҳалокатим) – бу вирус юқорида келтирилган вирусдан бир йил ўтиб тарқатилган. Ҳужум кўзда тутилган давлатларда интернет тезлиги 50 %га пасайиб кетган. Бунинг оқибатида ҳабар алмашиниши жараёни бузилган. Вирус тахминан 50 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар келтирган.

I Love You (Мен сени севаман) – 2000–2004 йилларда ҳуруж қилган бу вирус ниҳоятда даҳшатли кўринишда зарар келтирган. Бир миллионга

[29] Kasperskiy laboratoriyasi – 1997 yil tashkil etilgan viruslarga qarshi dasturlar ishlab chiqaruvchi muassasa.

яқин компьютернинг ишчи тизимига таъсир қилиб, ундаги маълумотларни ўчириб юборган. Кейинчалик вирус келтирган зарар 13-15 миллиард АҚШ доллари экани эълон қилинган.

Blaster – 2004–2005 йилларда АҚШ ахборот марказларига тарқатилган бу вируснинг зарари 10 млрд АҚШ доллари деб қайд этилган. У ниҳоятда кўп компьютерлардаги Microsoft Office тизимида ишловчи папкаларни йўқ қилиб юборган[30]. Ҳозирда ҳам Бластер вируси ҳавфли вируслар сирасига киритилади. Хуллас, бугунги кунда етакчиликни даъво қилаётган оммавий ахборот воситалари ёхуд марказлари қандай қилиб бўлса ҳам ахборот бозоридаги тизгинни ўз қўлига олиш ҳақида жиддий бош қотирмоқда. Ҳатто, бу йўлда биргина муҳим хабар учун ниҳоятда катта пулларни тикиб юборишмоқда. Ўйлаб ўтиришга, хабарларнинг холис ёки нохолис эканини текшириб ўтиришга вақт йўқ. Эндиликда ахборот бемалол товар ўрнида ишлатила бошланди.

Ҳозир кўпгина ривожланаётган давлатлар олдида ўз аҳолисини ахборот билан тўлақонли таъминлаш масаласи турибди. Агар аҳоли миллий телеканалидан ўзига керакли маълумотларни топа олмаса, у шубҳасиз хориж каналларига мурожаат қилади. Хорижий каналлар (айниқса BBC, CNN каби етакчи каналлар) воқеаларни тезлик билан бериш тарафдорлари. Улар учун холислик, ишончлилик принципларини ахборот таркибига киритилмайди. BBC ходимлари билан ўтказилган сўровномага кўра, уларнинг 67% и рўй берганига 4-5 соат бўлган ахборотларни эскирган ахборотлар сирасига қўшишини айтишган.

Уларнинг фикрича, ахборотни узоғи билан икки соат ичида аҳолига етказиш керак. Шунинг учун ҳам хориж ахборот каналлари томонидан жуда кўп нотўғри маълумотлар бериб юборилади. Томошабинда эса бу нарса реал воқеликка тескари қарашни шакллантириб қўйиши мумкин. Хорижий оммавий ахборот воситалари шу даражада тезкорликка интилишадики, ҳатто жараёнларни таҳлил қилишга ҳам вақтларини қизғанишади. Сабаби, уларни бу пайтда янги ахборотлар, хабарлар кутиб турган бўлади. Хўш, қандай қилиб улар бу қадар тезкорликка эришишган? BBC сайтининг статистик маълумотларига кўра[31], бир кеча кундузда (24 соат ичида) бу каналнинг интернет манзилига келиб тушган хатлар сони ўртача 2000-2300 тани ташкил этар экан. Яъни, BBC каналининг кичкина муассасаларда, мактабларда ҳам воқеалар ривожидан хабар бериб турувчи хабарчилари (агентлари) мавжуд экан. Ҳар бир жўнатилган қимматли ахборот учун яхшигина гонорар (хизмат ҳақи) тўлангани сабабли улар кўпроқ ахборот тўплаб жўнатишга ҳаракат қилишади. Хуллас, ҳар бир хорижий етакчи ахборий каналлар шунга ўхшаш дастурларни ишлаб чиққанлар.

---

[30] franksworld.com
[31] www.bbc.co.uk

Ахборот хуружи ёҳуд миллат онгини заҳарлаш фақатгина янгилик етказиш жараёнида содир бўлаётгани йўқ. Оддийгина хорижий реклама ролиги ҳам ёт ҳаёт тарзи, маданиятининг кишилар турмуш тарзига сингишига сабаб бўлмоқда. Мисол учун бундан 10-15 йил илгари ҳеч бир ўзбек юриб турган ҳолатида овқат емас эди. Ҳозирда Mc Donalds, Coca-cola каби маҳсулотлар рекламалар таъсирида тик туриб овқат ейиш (тўғрироғи нотўғри овқатланиш) оддий ҳолатга айланиб қолди. Бу бир кичкина мисол, аммо шундай мисоллар ҳам борки, инсонни жиддий ўйлашга мажбур қилади. Масалан, баъзи рекламалар демократия тушунчаси остида инсонларни бузғунчиликка чорласа, баъзилари Ғарбнинг шаҳвоний ҳаётини кўз-кўз қилади. Бундан 5-6 йил муқаддам Европа давлатларида тамаки маҳсулотини реклама қилиш оммавий ахборот воситалари учун катта даромад манбайига айланди. Жуда кўп каналлар турли-туман сигарета маҳсулотларини реклама қилишга шу қадар ружу қўйишдики, бунинг натижасида мана шу йилларда ёшларнинг ниҳоятда кўп қисми кашандаликка берилиб кетишди. Энг катта хатар ҳам мана шунда.

Бу каби хуружлардан баъзи бир давлатлар ўзларини ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқишган. Масалан, Эрон ҳукумати суний йўлдошга уланишни батамом тақиқлаб қўйган. Ҳатто суний йўлдошга уланиш конституцияда ўлим жазоси берилиши билан белгилаб қўйилган. Жанубий Корея давлатида эса хориж телеканалларини бемалол кўриш мумкин. Лекин аҳолини ёт ғоялардан ҳимоя қилиш учун корейс журналистикаси қайси канал қандай ахборот тарқатаётганини деярли ҳар кунги ахборот кўрсатувларида шарҳлаб боради.

Хуллас, бугун қайнаб-тошаётган ахборот бозорида манфаатларнинг тўқнашиши жуда кескин ва шиддатли вазиятларни юзага келтирмоқда. Мана шу вазиятдан эса баъзи бир устамон оммавий ахборот воситалари фойдаланиб қолишга уринишмоқда.

3.5. Резюме

Шундай қилиб, глобаллашув жамият ҳаётининг барча соҳаларида муҳим ўрин эгаллайди. Глобаллашув орқали жамият, давлатлар ўзаро бир-бири билан ҳар жиҳатдан яқинлашади, ҳамкорлик фаолияти йўлга қўйилади. Бироқ, глобаллашувдан шахсий мақсад йўлида ғаразли ниятлар орқали ҳам фойдаланиш мумкинлигини ҳам унутмаслик керак.

?

3.6. Назорат учун саволлар:

1. Глобаллашув тушунчасига таъриф беринг?
2. Аксилглобалистлар ким ва уларнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Ахборот макони глобаллашуви шароитида миллий хавфсизлик масалалари нималардан иборат?
4. Масс-медиа ва давлат суверенитети деганда нимани тушунасиз?
5. Жамиятнинг ахборот инфратузилмасига таъриф беринг?
6. Ахборот технологиялари, ахборот заҳиралари ва ахборот марказлари тушунчаларини очиб беринг?

4-МАВЗУ. ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни

1. Ахборий–психологик хавфсизлик манбалари. *Шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг манбалари, таҳдиднинг ички ва ташқи манбалари, таркиби ва мазмуни, жамиятнинг ахборот-психологик хавфсизлиги манбалари.*

2. Таҳдидлар ва уларнинг таснифи. *Таҳдидларнинг объекти ва мазмуни, шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид, давлат сиёсатининг ахборот таъминотига таҳдидлар, ахборот ва телекоммуникация воситалари ва тизимлари хавфсизлигига таҳдидлар.*

3. Ахборот–психологик хавфсизликнинг шахсга таъсир этувчи восита ва усуллари. *Инсоннинг ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдидлар ва уларнинг ички ва ташқи манбалари, фуқароларнинг ахборот олиш имконияти, инсоннинг шахсий ҳаётига аралашмаслик, шахсий ва оилавий сир, хат ва ёзишмалар даҳлсизлигининг таъминланиши.*

4. Шахснинг ахборот – психологик хавфсизлигига таҳдиднинг шаклланиш омиллари ва унинг таъсир доираси. *Шахсга ахборот - психологик таъсир кўрсатишнинг - воситалари ва усуллари, шахс ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг шаклланиш омиллари ва уларнинг таъсир кўрсатиш оқибатларининг кучайиши.*

Таянч тушунча ва атамалар: ахборий - психологик таҳдид, таҳдидларнинг турлари, таҳдидлар объекти, ахборий фаолият субъектлари, шахс, жамият ва давлат манфаатлари, таҳдид манбалари, таҳдид воситалари, ахборот - психологик таъсир, миллий ахборот макони.

4.1.Ахборот хавфсизлиги манбаалари

Ахборот хавфсизлигига қисқача ***таъриф*** берадиган бўлсак, уни инсон онги, қалби орқали жамият кайфияти ва руҳиятига салбий, ўз миллий ва инсоний манфаатларига зид ахборот хуружларидан сақланиш воситаси дейиш мумкин. Шу ўринда ахборот психологик хавфсизликка қачон эҳтиёж сезилади? деган саволга жавоб бериб ўтсак.

Юқори технологияларнинг кундан-кун риволжланиб бориши, мавжуд ҳар бир оммавий ахборот воситалари тури кенг аудиторияга

нисбатан таъсирчанлигининг ортиб боришига хизмат қилмоқда: телевидение тасвир, овоз ва мантиқий образли фикрлаш ёрдамида; радио жонли овоз ва мантиқий образли баён; даврий матбуот, мантиқий образли матн ва қисман тасвир ёрдамида. Шунингдек, булар қаторига интернетнинг ривожланиши натижасида он-лайн журналистикасининг пайдо бўлишини ҳам киритиш мумкин.[32]

Ахборот – психологик хавфсизлик тушунчаси ахборот хавфсизлиги объектлари тушунчасини келтириб чиқради. Ахборот хавфсизлиги объектлари қуйидагича тавсифланади.

– сақлаш шакллари қандай бўлишидан қатъий назар, давлат сири, олиш чекланган тижорат сири ва бошқа ошкор қилиб бўлмайдиган маълумотларни ўз ичига олган ахборот маҳсулотлари;

– ҳар хил даража ва кўрсаткичли ахборот тизимларини ўз ичига олган, ахборот маҳсулотларини қайта ишлаш, тарқатиш улардан фойдаланиш тизимлари, ахборот ресурслари (кутубхоналар, архивлар, маълумотлар базалари ва банклари), ахборот технологиялари, ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишнинг тартиб ва жараёнлари, илмий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар;

– ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, сақлаш, узатиш марказларини, воситалари ва технологияларини жумладан, ахборот алмашиш тармоқлари ва телекоммуникациялар, автоматлаштирилган ва телекоммуникациялаштирилган система ва тармоқларини ҳамда ахборотни ҳимоялаш тизими ва воситаларининг ишлашини таъминловчи механизмлар;

– фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ахборот олиш, тарқатиш ва фойдаланиш, яширин, яъни конфидециал ахборотларни ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқи хавфсизлиги объектлари сирасига киради.

Демак, ахборот хавфсизлиги манбалари: ташқи ва ички манбаларга бўлиниши мумкин.

Ташқи манбааларга:

– глобал ахборот мониторингини олиб бориш, ахборот тарқатиш ва фойдаланиш бўйича чел эл давлатлари сиёсатининг амалга оширилиши;

– чет эл махсус ва жосуслик хизматининг фаолияти;

– чет эл сиёсий ва иқтисодий доираларнинг фаолияти;

– халқаро гуруҳлар, тузилмалар ва алоҳида шахсларнинг жиноий ҳаракатлари;

- табиий офатлар ва фожеалар киради.

---

[32] Ф.Мўминов, "Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий тараққиёт". Ўзбекистон матбуоти журнали, 2007 йил, №6.

Ички манбаларга:

– сиёсий, иқтисодий ва жамоат ташкилотларининг, алоҳида шахслар ёки гуруҳларнинг ахборот йиғиш, тарқатиш ва фойдаланиш соҳасидаги ноқонуний фаолиятлари;

– ахборот соҳасида фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келувчи давлат тизимларининг ноқонуний ҳаракатлари;

– ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш бўйича белгиланган тартибни бузиш ҳоллари;

– ахборот системаларини яратувчиларнинг, уларга хизмат кўрсатувчиларнинг ва фойдаланувчиларнинг атайин қилган ҳаракатлари ва кўзда тутилмаган хатолари;

– ахборот системаларининг порграмма-аппарат воситаларининг базавий технологияларини яратиш, синаш ва ишлаб чиқиш бўйича маҳаллий саноатнинг қолоқлиги;

– ахборот ва телекоммуникацион системаларда техник воситаларнинг ишдан чиқиши ва программавий таъминотнинг узулиб туриши.

Умуман ички амалда бўлган ахборот тизимига таъсир этувчи ҳар қандай ички омиллар ички манба ҳисобланади. Ташқи ва ички манбаларнинг аниқланиб олиниши ахборот хавфсизлиги объектларини тушуниб олишга, туркумлашга олиб келади.

Ўзбекистонда ахборот хавфсизлиги объектларига хавфли таъсир ўтказиш – ***ахборот, дастурий-математик, ташкилий-ҳуқуқий ва жисмоний*** усулларга бўлинади.

Ахборот кўринишидаги усуллар:

– ахборот алмашувида манзилига етказиб бериш ва вақтидалиги тартибининг бузилиши;

– ахборотни ноқонуний йиғиш ва фойдаланиш;

– ахборот ресурсларига рухсатсиз кириш;

– ахборот билан манипуляция (ахборотни яширин ёки нотўғри талқин қилиш, дезинформация) ни амалга ошириш;

– ахборот системаларидаги маълумотларни ноқонуний кўчириш;

– фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаатига қарама-қарши бўлган позицияларда туриб оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

– кутубхона, архив, маълумотлар банклари ва базаларидан ахборотларни ўғирлаш;

– ахборотларни қайта ишлаш технологияларини бузиш.

Дастурий - математик усуллар:

– программа маҳсулотлари ҳужжатларида кўрсатилмаган вазифаларни бажарувчи хусусиятларни ушбу маҳсулотларга киргизиш;

– ахборот системалари ёки уларнинг ҳимоя системаларининг нормал ишлашига йўл қўймайдиган программаларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш;

– ахборот системаларидаги маълумотларни йўқ қилиш.

Ташкилий-ҳуқуқий усуллар:

– ахборот йўналишидаги қонунчилик талабларини бажармаслик ва ушбу йўналишдаги зарур меърий-ҳуқуқий қонунларнинг қабул қилинишининг чўзилиши;

– фуқаролар ва ташкилотлар учун муҳим маълумотлари бор бўлган ҳужжатларни олишда ноқонуний чеклаш;

– такомиллашмаган ёки эски ахборот технологияларини ва ахборот воситаларини сотиб олиш.

Жисмоний усуллар:

– ахборот ва алоқа воситаларини йўқ қилиш, ишдан чиқариш, уларга радиоэлекторн босим ўтказиш ёки бузиш;

– компьютер ёки бошқа ахборот сақлаш манбааларини ва воситаларини йўқ қилиш, ишдан чиқариш, вайрон қилиш ёки ўғирлаш;

– ахборотнинг программа ва аппарат калитларини ҳамда криптографик ҳимоя воситаларини ўғирлаш;

– ходимларга таъсир ўтказиш;

– ахборот системаларининг "касалланган" компонентларини етказиб бериш;

– техник каналлар орқали чиқиб кетаётган ахборотни йиғиш;

– техник воситаларда ва хоналарда ахборотни ушлаб қоладиган электрон воситаларини ўрнатиш;

– маълумотларни узатиш ва алоқа тармоқларида ахборотларни ушлаб қолиш, дешифровка қилиш ва ёлғон маълумотларни узатиш;

– пароль-калит системаларига таъсир ўтказиш.

4.2,Таҳдидлар ва уларнинг таснифи

Таҳдидлар: объект ва унга муносабат, келиб чиқиши, таъсир хусусияти, зарар кўлами ва миқдори бўйича тасниф қилинади. *Таҳдидлар аслида турлича бўлиши мумкин: шахс, жамият ва давлатга, ички ва ташқи, катта ва кичик, узоқ ва яқин, сиёсий, харбий, иқтисодий, маданий, экологик, миллий ва бошқ.*

Ахборий фаолиятнинг субъектлари сифатида давлат тузилмалари, оммавий ахборот воситалари, турли катта (корпорация, ассоциация, бирлашма, концерн...) ва кичик (корхона, идора, ваколатхона...) ташкилотлар хизмат қилиши мумкин. Замонавий босқичда, яъни, интернет пайдо бўлганидан кейин, шундай субъект сифатида алоҳида шахслар ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Таҳдид объектларини таснифлашда икки ёндашув мавжуд. Биринчи ва кенг тарқалган нуқтаи назар бўйича бундай объектлар учта: *давлат, жамият ва шахс.* Иккинчи қарашнинг тарафдорлари фикрича, таҳдид объектлари социологик таснифлашга мос тушса, тўғрироқ бўлади. Яъни, бундай объектларга жамият, ижтимоий синф, катта ва кичик ижтимоий гуруҳлар ҳамда шахсларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади.

Таъсир кўрсатиш йўллари таъсир этувчи томонидан объектга мос равишда танланади, барча объектлар учун бир хил усул тўғри келмайди. Давлатга таъсир бир йўл билан амалга оширилса, шахсга таъсир этиш учун бошқача усул танланади.

Зарарнинг кўлами ва миқдори ҳам жуда катта даражадан унча аҳамиятли бўлмаган ҳажмгача бўлиши мумкин,. Бу эса ўз навбатида таъсир этувчининг мақсади, моддий, илмий, психологик ва техник имкониятларига боғлиқ.

Шахс, жамият ва давлат манфаатлари, жамоатчилик фикри ва мамлакат маънавий юксалишига ахборот таҳдиди. Ахборот таҳдиди шундай бир универсал характерга эгаки, унинг барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имконияти бор: шахс дунёқарашига, жамият барқарорлигига, давлат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалғитишга ва охир-оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига ҳам. Чунки ахборотнинг жамият, ташкилот, оила, шахс онгига кириб келиши унча ҳам кўзга ташланмайди. Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унинг ўзи эса мустаҳкам иродали бўлиши зарур. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг асосий қисми эса бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун ахборий-психологик барқарорликка биринчи ўринда ахборот тарқатувчилар яъни, давлат тузилмалари хизматчилари, журналистлар, педагоглар, жамоат ташкилотлари ходимлари ва бошқалар эга бўлиши шарт.

Бу ҳақда ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шундай деган: "Маърифатпарварлик биз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди" (Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: "Ўзбекистон", 2000. 23-24 б.).

Давлат сиёсатини таъминлашдаги ахборий таҳдид. Ахборий таҳдидларнинг энг хавфлиси давлат сиёсатини таъминлашга халақит бераётганларидир. Чунки агар шахсга салбий таъсир тор доирадаги

одамларни қамраб олса, давлат ва жамиятга таҳдид бутун бир мамлакат, халқ тинчлигини хавф остига қўяди. Бу жуда катта ва жиддий муаммодир, шунинг учун биз уни мазкур фанни ўзлаштириш жараёнида турли нуқтаи назардан ўрганмоқдамиз.

Мамлакат ахборот такомилидаги таҳдидлар; ички бозорни ахборот билан таъминлаш; миллий ахборот технологиялари ва ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уни тўплаш. Ахборий таҳдидларга қарши курашнинг яхши йўлларидан бири – мамлакат ўзини ўзи ахборот билан таъминлаши. Албатта, бундай ахборот тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлиши шарт, акс ҳолда жамият аъзолари янада хорижий манбаларга мурожаат этадилар ва бунга ҳеч ким тўсиқлик қилолмайди. Аслида ички худудни ахборот билан етарли даражада таъминлаш унча ҳам қийин эмас, чунки бугунги кунда ахборот технологиялари жуда кенг ишлатилмоқда ва ахборот тарқатадиган субъектлар мамлакатнинг ҳамда дунёнинг турли бурчакларидан хоҳлаган маълумотларни олиб, мамлакат ичида тарқатиши мумкин. Фақат ушбу ишда лоқайдлик ва ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарур. Чунки инсон психологиясининг шундай бир хусусияти борки, агар у бирор бир воқеа бўйича уч-тўрт соат ичида маълумот (жумладан, расмий) ололмаса, пайдо бўлган ахборот бўшлиғини ҳар хил уйдирма ва миш-мишлар тўлдиради.

Ахборот ва телекоммуникация восита ва тизимлари хавфсизлигига таҳдидлар. Биринчи Ироқ уруши пайтида Ироқнинг ўша даврдаги президенти Саддам Ҳусайннинг кучли армияси бор эди. Аммо мазкур армия бир неча кун ичида АҚШ ҳарбийлари томонидан тор-мор қилинди. Бунинг сабаби нимада? Биринчи ўринда АҚШ ҳарбийлари Ироқ армиясининг ҳарбий коммуникацияларини, жумладан, компьютерларини ишдан чиқардилар. Бундай кейин техника ва аскарларни енгиш қийин бўлмади.

Мазкур мисолдан ҳар бир мамлакат ўз ахборот тизимларини хавфсизлигини таъминлаши нақадар муҳим эканлигини англаб олиш қийин эмас. Ахборот асрининг муҳим кўрсаткичларидан бири – давлат ва жамиятнинг барча бўғинлари учун тезкор ахборот алмашинуви биринчи ҳаётий заруратга айланиши. Бу ишни қила олганлар замона билан ҳамнафас яшайди, эплолмаганлар эса орқада қолиб кетаверади ва қолоқлик кундан кунга ошади. Демак, ривожланишни хоҳлаган давлат биринчи ўринда ўз коммуникация тизимлари фаолиятини, бутунлигини, уларни хавфсизлигини таъминлаши зарур.

Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларда давлат ва фуқаролар манфаатини ҳимоялашни назарда тутувчи ахборотлар, сиёсий, ҳарбий, илмий-техник соҳаларидаги ахборотларни сир сақлаш, фуқарорларнинг шахсий ҳаётига доир ахборотларни сир

сақлаш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки ҳисобланган ахборотларни сир сақлаш тартиблари ўз аксини топган.

Ахборот – психологик таъсир воситаси сифатида. Инсон учун ахборот – энг таъсирчан воситадир, чунки унинг онги бор. Мантиқий исбот, қолаверса, ахборот етказишнинг энг оддий усуллари шу қадар катта кучга эгаки, унга ҳеч ким ҳеч нарсани қарши қўя олмайди. Шунинг учун тарғиботи ҳаддан кучли мамлакатнинг аҳолиси фанатикларга ўхшайди. Масалан, Гитлер давридаги немис бюргерлари ҳақиқий ақидапарастлар бўлишган. Инсоннинг табиати шундай яратилганки, у ахборотни қабул қилмасдан, уни тушунишга ҳаракат қилмасдан яшолмайди. ҳар бир одам маълумотни кўради, эшитади, ўқийди ва, энг муҳими, доимо, узлуксиз равишда, кечаю-кундуз ахборотнинг таъсирида яшайди. Шунинг учун ахборот ёрдамида кимгадир руҳий таъсир қилмоқчи бўлганларга агар ушбу инсон ахборотни ўйламасдан қабул қилаверса ўша одамнинг психологияси кўмаклашади.

Шахснинг ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари ва умумий тавсифи: ташқи ва ички таҳдид, унинг тузилиши ҳамда моҳияти. Юқорида айтганимиздек, шахс томонидан ахборотни қабул қилишнинг ҳал этувчи мезони – бу инсоннинг онги борлигидир. Мазкур онгдан фойдаланиб, мантиқий исбот ёрдамида одамга хоҳлаган, энг номаъқул ғояни ҳам "тўғрилигини" исботлаш мумкин, бу қийин эмас. Бунинг учун далилларни усталик танлаб, исбот жараёнини яхши тузиш кифоя. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка таҳдиднинг биринчи манбаси – бу, инсоннинг ўзидир.

Ундан ташқари бошқа манбалар ҳам бор. Улар, энг аввало, ташқи ва ички манбаларга бўлинади. Ташқилари бошқа мамлакатларнинг Ўзбекистон ахборот ҳудудида ҳукмронлилик қилишга йўналтирилган ҳаракатларидан ҳосил бўлади ва турли нохолис сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, жамоавий тузилмалар вакилларининг Ўзбекистон фуқароларига нисбатан салбий таъсир кўрсатишидан иборат. Бундай ҳаракатлар, жумладан, хорижий ОАВ, турли нодавлат, жамоавий ташкилотлар, жамғармалар, гуруҳлар ва ҳ.к. томонидан амалга оширилади.

Ички таҳдидлар сирасига аҳолини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари етарли эмаслиги, фуқаролик жамиятининг институтлари ривожланмаётганлиги ва фуқароларнинг давлат ва нодавлат ташкилотларига мурожаатлари жавобсиз қолиб кетиши, ахборот бозори қандай ривожланиши давлат томонидан назорат қилинмаслиги, фуқаролар давлат тузилмалари фаолияти ҳақида етарли ахборот ололмаслиги ҳамда юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар уларга тушунтириб берилмаслиги ва бошқ. киради.

Шахс руҳиятининг биоижтимоий табиати, унинг хусусияти, шаклланиши ва бошқарилуви, кишининг шахсий тавсифи ва ахборот-психологик хавфсизлик таҳдиди тизимида унинг аҳамияти. Инсон руҳияти биоижтимоий табиатга эга эканлигини кўпчилик билса-да, бу ҳолатга ва бундан келиб чиқадиган оқибатларга унча ҳам эътибор берилмайди. Биоижтимоий табиат эса инсон хулқи ва онги учун етакчи омил. Демак, кенг аудитория билан ишлаш жараёнида психология қонунларини билмасдан самарали фаолият кўрсатиб бўлмайди. Инсон психологиясининг негизини биологик фазилатлар ташкил этади. Одатда биологик жиҳатдан камчиликсиз бўлган оддий одам ижтимоий сифатларга эга бўлишга қодир. Зигмунд Фрейд, Карл Юнг ва шулар каби файласуф-психологлар исботлаб бергани бўйича, инсон онгининг фундаментини онгсиз биологик хусусиятлар (шахсий ва жамоавий онгсизлик) ташкил этади. Шундай экан, ахборот хавфсизлиги соҳасида ихтисослашаётган мутахассислар буни эътиборга олишлари зарур.

Масалан, ҳар бир инсон хулқи, нуқтаи назари ва позицияси турли ахборот ёрдамида ҳар хил бошқарилиши мумкин. Сиёсатшунослар ёки журналистлар бир воқеани, битта фактни шундай талқин қила оладики, ундан кенг аудитория ижобий ёки, тескариси, салбий хулоса чиқариши одатий ҳол бўлиб қолган. Шундай экан, ахборот-психологик хавфсизлик таҳдиди тизимида фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон ОАВ учун энг муҳим омиллар бўлган тезкорлик ва ҳақиқатгўйлик принциплари асосида иш олиб боришлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари. Бундай манбалар кўп, уларнинг асосий қисми шахс ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари таркибида келтирилди. Қўшимча равишда бутун жамият ва миллатга хавф солаётган манбалар сифатида келтириш мумкин, масалан, миллатчиликни, шовинизмни, империявий тафаккур, мафкуравий экспансионизм ва бошқа шу каби иллатларни қўзғатувчи давлатлар, ташкилотлар ва шахсларни келтириш мумкин. (қаранг: Пахрутдинов Ш. Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. Т.: “Akademiya”, 2006. 73 б.).

Ахборотда худудий муносабатлар: ахборот олиш худудини таъминлаш; шахсий ҳаёт ва оила сири, сирли ёзишмалар даҳлсизлигини таъминлаш. Энг аввало айтиш керакки, ахборий хуружни ҳудуд жиҳатдан олтита асосий турга ажратиш мумкин: 1) умумсайёравий (бир қутбли, яъни “однополярный” дунёни ташкил этишга ҳаракат қилувчи давлатлар томонидан амалга оширилади); 2) қитъавий (Осиё ёки бошқа қитъага нисбатан амалга оширилади); 3) регионли (ўзаро чегарадош, масалан, Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан тушунилади); 4) давлат (Ўзбекистон)га нисбатанйўналтирилади; 5) минтақавий (масалан, Фарғона водийси)

хусусиятлар кўзда тутилади; б) маҳаллий (вилоят, шаҳар, туманга нисбатан амалга оширилади).

Табиийки, ҳар бир давлат ўз ахборот ҳудудини ўзи ташкил этади. Бошқа давлат томонидан ушбу мамлакат ҳудудида интенсив равишда ахборот тарқатиш ахборий хуруж ҳисобланади. Бундай ҳаракат ушбу давлатни ўз ахборий маконини ҳақли равишда ҳимоя қилишга ундайди. Ҳимоя қилинадиган соҳаларга давлат ва жамият манфаатларидан ташқари шахсий ҳаёт даҳлсизлигини, оилани асраш ва ёзишмаларни асраш ҳам киради.

Ўзбекистон давлати дунё ҳамжамиятининг тенг вакили сифатида мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб турли йўналишлар бўйича ўз оқилона сиёсатини ишлаб чиқди ва унга амал қилиб келмоқда. Мамлакатимиз ички ва халқаро миқёсидаги ахборот алмашинувида ўзига хос ва мос ҳамда бошқа мамлакатларга зарар етказмайдиган давлат сиёсатидан фойдаланмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, шу сиёсатга мувофиқ иш олиб бориш давлат тузилмалари, ОАВ, жамоат ташкилотлари, қолаверса, бутун мамлакат учун фойда бериши муқаррар. Ушбу сиёсатдан чекланиш эса давлат миқёсидаги бирликка, ҳамжиҳатликка путур етказади.

Маълумки, инсоният ривожланишининг "учинчи тўлқин" босқичида давлатларнинг асосий бойлиги ахборотдир. Демак, ҳар бир мамлакатга ахборот билан ишлайдиган мутахассислар ҳам керак. Одатда бундай одамлар сифатида журналистлар тилга олинади. Лекин бу масаланинг фақат бир қирраси. Ундан ташқари ахборот билан самарали тарзда сиёсатшунослар, политтехнологлар, ўқитувчилар ва бошқалар ҳам ишлайди. Охирги йилларда бундай мутахассислар сафига пиарменлар (жамоатчилик билан алоқалар олиб бориш бўйича мутахассислар) ҳам қўшилди. Лекин ахборот технологиялари ривожланган даврда энг керакли мутахассислар компьютер дастурчиларидир. Ўз давлатини ривожлантирмоқчи бўлган ҳукумат ахборот асрида биринчи ўринда ушбу тоифадаги мутахассиларни тайёрлаш зарурлигини англайди ва кун тартибига қуяди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳам мазкур масала бўйича жадал ҳаракат қилиб, бугунги кунда кўп вилоятлардаги университетлар таркибида шундай мутахассисликни очди, Ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудлардаги филиаллари ташкил этилди. Журналистлар тайёрлаш масаласи бўйича саккиз йил ичида иккита Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

4.3.Ахборот–психологик хавфсизликнинг шахсга таъсир этувчи восита ва усуллари

Ахборот–психологик хавфсизликнинг шахсга таъсир этувчи восита ва усуллари. Ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, тарқатиш механизмлари, жамиятдаги трансформация ва қайталаниши. Ахборот–психологик хавфсизликнинг шахсга таъсир этувчи восита ва усуллари аслида кўп, лекин анъанавий равишда улар учта асосий турга бўлинади: давлат етказадиган, ОАВ ва норасмий мулоқотдаги ахборот. Норасмий ахборот деб, шахс маҳаллада, иш жойида, ўртоқларидан, траспорт воситаларида, гапларда эшитган маълумотларга айтилади.

Ахборот билан ишлаш бир нечта асосий буғинларни ташкил этади, уларнинг иш механизми эса қуйидагидан иборат: 1) маълумотни қабул қилиш, англаб олиш ва эслаб қуйиш; 2) ахборотни англаш ва эслаб қуйиш жараёнида материални қабул қилувчи томонидан унинг билими ва психологиясидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаш ва янгиланган ахборотни шахс хотирасида сақлаш; 3) ахборотни тарқатиш. Ҳар бир босқичнинг ўз қоидалари бор ва уларга риоя қилмаган одам ушбу фаолиятда инқирозга учрашиши аниқ. Ахборотни қабул қилиш энг оддий нарса, лекин бу ерда ҳам, агар эшитиш, кўриш ёки ўқиб олиш учун етарли шароит бўлмаса, кенг омма маълумотни тушунмайди ва эслаб ололмайди. Ахборотни англашга келсак, аудитория вакиллари турли ижтимоий қатламларга тегишли бўлиши туфайли улар барча ахборотни эслаб ололмайди, шунинг учун хорижий журналистлар ўз хабарларини иложи борича содда, қисқа ва аниқ тарзда узатишга ҳаракат қилади, материалнинг асосий ғоясини эса бир неча марта такрорлайди. Улар ҳар бир фуқаро эшитган янгилигини ўзи яшайдиган шароитга қиёслаб тушунишини жуда яхши билади ва узатиладиган маълумотларни айнан ушбу талабга мослаштириб тарқатади. Шунинг учун ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мутахассислар юқорида келтирилган қонуниятларни эътиборга олиб ишлашлари зарур.

Ахборотни тарқатиш механизми эса матбуот, радио, телевидение ва интернетдан иборат катта тизим орқали амалга оширилади.

Трансформацияга келганда айтиш керакки, ҳар бир шахс ва ижтимоий қатлам қабул қилган ахборотини ўзининг ёши, ҳаётий тажрибаси, миллати, билими, касби, жамиятдаги мавқеи нуқтаи назаридан қабул қилиб, ушбу кўрсаткичларга қараб мослаштиради ёки бошқача қилиб айтганда, қабул қилинган маълумот маълум бир трансформацияга учрайди. Одамнинг тажрибаси ва билими қанча кўп бўлса, унга четдан туриб таъсир қилиш имкониятлари шунча кам бўлади.

4.4. Шахс ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг шаклланиш омиллари ва унинг таъсир доираси

Замонавий босқичда шахснинг ахборий-психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг кўлами анча кенг. Буларга, биринчи ўринда шахс қадр-қимматини поймол қилмаслик, фикр ва сўз эркинлигини, адабий, бадиий ва илмий ижод эркинлиги, иккинчидан шахсий ҳаётнинг даҳлсизлигини, шахсий ва оилавий сирни ҳимоясини, учинчидан оммавий ахборот воситалари эркинлиги, ҳар бир киши уларда қонун доирасида ўз фикрини айта олишни келтириш мумкин. Мутахассисларнинг кузатувларига мувофиқ, ОАВда фуқаролар ўз фикрларини эркин айтишлари давлат учун хавфли эмас, одамлар эса уларнинг сўзини бошқалар ҳам эшитишини хоҳлайди ва шунга интилади. Тўртинчидан – маънавий қадриятларга, халқнинг урф-одатларига, жамиятнинг маданий меросига кимнингдир томонидан ҳужум қилиниши ҳам ахборот-психологик таҳдид туридир.

Ахборот кўламини шакллантириш, ички ва халқаро миқёсидаги ахборот алмашинувида давлат сиёсатидан фойдаланиш; ахборот технологиялари оқимига иқтидорли дастурчилар ва бошқа мутахассисларни йўналтириш. Ахборот кўламини шакллантириш жараёнида дунёвий тамойиллардан келиб чиқиш зарур. қайси бир мамлакат ушбу тамойилларни инкор қилса, унинг ахборот тарқатиш жабҳасидаги интилишлари керакли натижа бермайди. Дунёвий тамойил эса биринчи ўринда бугунги ахборот оқимлари жуда катта ҳажмда ва жадал суръатларда тарқатилаётганидан иборат. Бундай шароитни эътиборга олиб, қолаверса, уларга мослашиб иш олиб бориш, сарф-харажатлардан келиб чиқиб, юқорироқ натижа олишга ёрдам беради. қисқа қилиб ушбу фикрни қуйидагича баён қилиш мумкин: агар Ўзбекистонга нисбатан ахборот хуружи рақиблар томонидан катта майдон бўйича, яъни, ноаниқ олиб борилса, Ўзбекистон давлати ва ОАВ ўз ишини аниқ ҳудуд ва аҳоли қатламлари учун режалаштирилган шаклда изчил амалга оширишлари зарур.

4.5. Резюме

Бугунги кунда кундалик халқаро муносабатларда “ахборот уруши”, “ахборот қарама-қаршилиги”, “ахборот босими” ва ҳ.к. каби тушунчалар кўп ишлатилаётганлиги аҳолини ахборот хуружидан ҳимоялаш бўйича чоралар кўриш муҳимлигини янада оширади. Ушбу муаммонинг долзарблиги яна шундаки, ҳозирда одамлар онги (шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият) маълум жаражада оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборот ресурсларининг таъсиридадир. Шунинг учун, айниқса очиқ ахборот тизими шароитида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот,

ахборот-психологик хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг аҳамияти янада ошади. Айни вақтда, ахборот тизими имкониятларини миллий манфаатларни ҳимоялаш ва ривожлантириш, шунингдек, глобал ахборот маконида давлатнинг манфаатларини амалга ошириш учун қулай шароит яратиш йўлида фойдаланиш жуда муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, ахборот соҳаси – жамоатчилик соҳасидаги мустақил йўналиш сифатида – ривожланишнинг бошланғич босқичида, табиийки, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш масалаларини ўрганиш, бу борада етук мутахассисларни тайёрлаш илм-фан фаолиятида деярли янги йўналиш ҳисобланади.

4. 6. Назорат учун саволлар:

?

1. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов маърифатпарварлик ҳақида нима деган? ("Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир" асари (бўйича).

2. Таҳдидлар турлари қандай бўлади?

3. Ахборий-психологик барқарорликка биринчи ўринда ахборот тарқатувчилар эга бўлиши нима билан шартланади?

4. Ахборий таҳдидларга қарши курашнинг йўллари нимадан иборат?

5. Мамлакатнинг ахборот ва телекоммуникация восита ва тизимлари хавфсизлигига таҳдидлар қандай оқибатларга олиб бориши мумкин?

6. Шахс ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг манбалари ва умумий тавсифи нимадан иборат?

7. Шахс руҳиятининг биоижтимоий табиатини тушунтириб беринг?

8. Жамият ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг манбаларини тавсифлаб берин?

9. Ахборот кўламини шакллантириш, ички ва халқаро миқёсидаги ахборот алмашинувида давлат сиёсатидан фойдаланишнинг аҳамиятини тушунтириб беринг&

10. Ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, тарқатиш механизмини ифодалаб беринг?

5-МАВЗУ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни:

1. Дунёда ахборот ўлчовларининг ўрганилиши. *Дунёда ахборот мувозанатнинг ўзгариши, ахборот маконида айрим мамлакатларнинг устуворлик қилиш анъанасининг кучайиши, "Биринчи даражали давлатлар" ва "Давлат сифатида шакллана олмаган" мамлакатлар ҳақидаги афсоналарнинг яратилиши.*

2. ОАВ ахборот–психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида. *Юқори технологиялар ва оммавий коммуникация, ОАВнинг инсон онгига ўзига хос психологик таъсир кўрсатиш технологияси (телеведение, радио, даврий матбуот, интернет), интернетнинг пайдо бўлиши ва онлайн журналистикасининг ривожланиши.*

3. Ахборот уруши. Ахборотқарама қаршилиги. *Ахборот уруши ҳақида тушунча, ахборот урушининг таркиби: психологик, дезинформацион, электрон, ахборот экспанцияси ҳақида тушунча,*

4. Хориж матбуоти, телевидение, радио ва Интернетнинг асосий қадриятлари. Хориж ОАВнинг аҳолига таъсир ўтказиш шакли, усул ва воситалари. *Омма психологияси, ахборот билан манипуляция қилиш ва унинг хусусиятлари, ахборот манипуляциясининг мақсад ва вазифалари, шакллари ва усуллари, "Ахборот истеъмоли маданияти" тушунчаси, ахборот ни қабул қилиш маданиятини шакллантиришнинг аҳамияти.*

Таянч тушунчалар: ахборот ўлчови, ахборот макони, "Биринчи даражали" ва "Давлат сифатида шакллана олмаган" давлатлар, ахборот уруши, ахборот қуроли, дезинформацион, электрон, ахборот экспансияси, ОАВларнинг психологик таъсири, оммавий коммуникация, нейролингвистик дастурлаш, омма психологияси, ахборот манипуляцияси, "ахборот истеъмоли маданияти".

5.1. Дунёда ахборот ўлчовларининг ўрганилиши

Баъзи бир давлатлар ахборот бозоридаги ҳукмронлигининг ошиш тенденцияси, халқлар, давлатлар ва маданиятлар хусусида уларнинг шахсий қарашларини шакллантиришга интилиши. Маълумки, бугунги кунда ахборот оқимлари ҳаддан ташқари жадал ва кенг кўламлидир. Битта мисол: охирги эллик йил ичида жамиятда айланадиган ахборот ҳажми миллион марта кўпайди ва кундан кунга

янада ошиб бормоқда. Бу шундай бир катта рақамки, уни тўла даражада англаб олиш ҳам қийин. Шуни айтиш зарурки, ахборот билан ишлаш имконияти ҳамма давлатларга ҳам хос эмас.

Демак, техникавий жиҳатдан қудратли бўлган давлатлар кучли ахборот технологияларига эга. Шунинг эвазига улар ўзлари ишлаб чиққан ахборотни тарқатиш йўли билан бошқа мамлакатлар устидан олдин ғоявий, кейин эса сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилмоқда. Бундай давлатлар сирасига энг аввало, ривожланган мамлакатлар киради. Мазкур мамлакатларнинг ахборот манбалари сифатида биринчи ўринда давлат ахборот марказлари ва миллий ОАВ хизмат қилади.

Ахборий ҳукмронликнинг мақсади битта – ахборот тарқатадиган мамлакатнинг мафкурасини бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида кенг тарқатиш ва тарғиб қилиш. Лекин бундай вазифа борлиги ҳақида улар очиқ -ойдин айтмайди, аксинча, уни ҳар хил йўллар билан яширади (Масалан, инсон ҳуқуқлари ёки демократик андозалар ниқоби остида).

"Биринчи даражали" ва "ривожланмаган" давлатлар ҳақидаги афсонанинг яратилиш эҳтимоли мавжудлиги. "Биринчи даражали" ва "ривожланмаган" давлат ҳақидаги афсоналар аслида бир неча асрлик тарихга эга. Аммо сайёрамиз мамлакатларини бундай тоифаларга бўлиш учун асос йўқ. Иқтисодий, илмий ва техникавий жиҳатлардан ривожланган мамлакатлар аҳолиси яхши яшайди, деган гапнинг ўзи унча ҳам тўғри эмас. "Яхши яшаш" нима дегани? Моддий бойлик етарлилигими? Унда нега аҳолиси энг узоқ умр кўрадиган иқтисодий ривожланган Япония бир неча ўн йилликлар давомида дунё мамлакатлари ичида ўз жонига қасд қилувчи фуқаролар сони жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради? Нега Самарқанд ва Бухоро тўйларини кўрган француз ва немислар бизнинг урф-одатларимизга ҳавас билан қарайдилар ва "сизларга Европа маданияти керак эмас экан" деган фикрларни билдирадилар? Бу АҚШ профессори Самюэль Хантингтон айтган маданиятлар (цивилизациялар) тўқнашуви эмас, аксинча, улар турфа хилдир.

5.2. ОАВ ахборот-психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида

Афсуски, айрим ОАВ бугунги кунда шундай воситага айланганлар. Ушбу урушда ОАВ ўрни ва ролини аниқлаш учун энг аввало ахборий-психологик урушнинг маъносини англаб олишимиз зарур. "Ахборот уруши" сўзларининг асосчиси физик-олим Томас Рон ҳисобланади, 1976 йилда у ахборотни харбий кучларнинг энг заиф буғини деб таърифлаб, ушбу масалага барча давлат миқёсидаги масъул кишиларни эътиборини

қаратди. Шундан бери мазкур тушунчанинг аҳамияти кундан кунга кучайиб келмоқда.

Бевосита ахборот уруши таърифига келганда биз бир китобдан иқтибос келтирмоқчимиз: "Ахборот уруши деб, ижтимоий, сиёсий, этник ва бошқа тизимларнинг моддий ютуққа эга бўлиш мақсадида бир бирига очиқ ва яширин мақсадли ахборий таъсирларига айтилади. Шу билан бир қаторда ахборот уруши рақиб устидан ахборий ҳукмронликка эришиш ва шунинг эвазига унга моддий, мафкуравий ёки бошкача зарар етказиш учун давлатнинг харбий кучлари, хукумати ҳамда хусусий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган табдирлар ва операциялар мажмуасидир" (Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. 2 - нашр. М.: Горячая линия – Телеком. 2006, 203 б.).

Турли ОАВ (телевидение, радио, даврий матбуот)нинг ўзига хос психологик таъсири. Ҳар бир ОАВ аудиторияга ўзига хос таъсир этиш кучига эга. Интернетгача уларнинг ичида энг самаралиси телевидение эди, чунки у томошабинга уч йўл билан ахборот етказади: тасвир, овоз ва мантиқ. Шунинг учун телевидение оммавий равишда тарқалганидан кейин беш-ўн йил ичида беш юз йиллик тарихга эга бўлган матбуотдан узиб кетди. Радио ҳам катта кучга эга, чунки у икки канал орқали таъсир кўрсатади, овоз ва мантиқ. Унинг афзаллиги – жонли овоз ёрдамида аудитория билан мулоқот қилиш бўлиб, бундай усул ахборот манбаи билан тингловчи ўртасидаги масофани йўқотади. Инсон овозидаги ҳаяжон ва самимийлик радионинг имкониятини кескин оширади.

Матбуотнинг ўқувчи билан мулоқот йўли эса асосан мантиқий исботдан иборат, бундай таъсирга маълум миқдорда расмлар, ранг, сарлавҳалар кўринишлари ҳам қўшилади.

Психологик таъсир технологияси. Юқори технология ва оммавий коммуникация. Психологик таъсир инсоннинг сезгилари билан боғлиқ: кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид сезиш, қўл билан тегиш, фикрлаш ва х.к. Ахборот хавфсизлиги масаласига келганда психологик таъсир кўпроқ ОАВ ёрдамида амалга оширилади, шунинг учун улар мутахассислар томонидан доимий мукаммаллаштирилмоқда. Натижада ривожланган мамлакатлар матбуот, радио ва телевидениенинг барча имкониятларини ўзида мужассамлаштирган интернетдек юқори технологияга эга бўлдилар.

Интернет оммавий коммуникация таъсирини энг баланд поғонага кўтарди. Сайтга жойлаштирилган маълумот бирдан бутун дунё бўйича тарқалиб кетади. Унинг адади (тиражи) эса чексиз. ОАВнинг роли интернетгача ҳам кучли бўлган, энди эса уларнинг таъсири тасаввур қилиб бўлмайдиган даражага етди. ОАВдан ташқари интернет реклама,

маълумотлар етказиш, электрон почта хизматларини ҳам бажаради. Энг қулайи шундаки, интернетдаги маълумот жуда кўп, у арзон ва ўта тезкор.

Интернетнинг пайдо бўлиши ва интернет журналистикасининг такомили. Интернетни кўп мутахассислар ҳарбийларнинг иҳтироси деб айтади. Аслида эса дастлабки босқичда уни АҚШдаги тўртта университет кашф этди. Мазкур университетлар компьютерларини бир тизимга бирлаштириб, ўзаро кутубхоналаридан фойдалана бошладилар. Пентагон эса бундан тез хабар топди. Ва иҳтиронинг имкониятларини ўрганиб, ҳарбий тизимни такомиллаштириш мақсадида олимларни жалб этган ҳолда, уни ўз мақсадларига йўналтирди. Интернетдан журналистлар ҳам фойдалана бошлади. Натижада интернет журналистикаси пайдо бўлди.

Интернет журналистикаси – катта ва муҳим мавзу. Уни бир мавзуда очиб беришнинг иложи йўқ (қаралсин: Калмыков А.А., Коханова Л.А. Интернет-журналистика. М.: ЮНИТИ–ДАНА, 2005). Шунинг учун биз фақат унинг ижобий ва салбий томонларини айтиб ўтамиз. Интернетнинг қулайликлари: арзон, тезкор, техник жиҳатдан материалларни жойлаштириш қийин эмас, маълумотларни катта ҳажмда ўрнатиш мумкин, уларни турли тилларга угириш осон, ахборот чегара ва масофани билмайди ва х.к. Салбий оқибатлари: хоҳлаган одам истаган ахбороти билан виртуал майдонга тўсиқсиз кириб келиши, назорат йўқлиги ва шу туфайли террористик ҳамда порнографик маълумотлар ўта кўплиги, космополитик ғоялар ҳамда "универсал маданият" кенг тарқалиши, давлат роли пасайиши, тармоқ ёрдамида демократик фундаментализм ривожланиши ва бошқ.

Нейролингвистик дастурлаш ва доимий, узлуксиз эфирга узатиладиган телевизион хабарлар натижасида турли миллат ва халқлар онгига таъсирнинг ўсиши. Нейролингвистик дастурлашни айрим мутахассислар (масалан, Г.Г.Почепцов) унга ҳеч нарсани қарши қўйиб бўлмайдиган шприц таъсирига қиёслайдилар. Бундай ўхшатишда маълум бир ҳақиқат бор. Агар бирор-бир ғояни, у ёлғон бўлса ҳам, ОАВ ҳаддан ташкари кўп ва турли шаклларда такрорлаверса, аудитория (гарчи у ушбу ғояга дастлабки босқичда ишонмаган бўлса-да) бориб-бориб кейинча унга ишонадиган бўлади. Ҳар хил услубларда, барча ОАВда маълум бир фикрни такрорлаш одамнинг остки онгига таъсир этади ва у ушбу фикрга ишонайдиган бўлади. Мазкур жараённи мутахассислар нейролингвистик дастурлаш деб атайди.

Агар радио, телевидение ва матбуотда айрим давлат, гуруҳ ёки шахс ҳақида қайта-қайта бирор-бир нотўғри фикр такрорланаверса, турли мамлакатлардаги халқлар, ҳар хил миллатлар унга ишонадилар. Нейролингвистик дастурлаш учун энг қулай ОАВ телевидениедир, чунки у аудиторияга бир пайтни ўзида учта канал орқали ўз таъсирини

ўтказади. АҚШ коммуникативистлари телевидениени ҳатто транквилизаторга ҳам ўхшатадилар.

Янгилик, унинг кўриниши ва шакллари. Чегараланмаган журналистика; янгиликларни тиклаш йўллари, фактларни тартиблаш ва таҳлил этиш, янгиликлар блокининг тартиби.

Янгиликларнинг кўринишлари ҳар хил бўлади: воқеа, ҳодиса, факт, далил, рақам, номлар акс эттирилган хабар, лавҳа, репортаж, маълумотномалар ва х.к. Бугунги кунга келиб янгиликларни етказиш усуллари ғоявий курашнинг катта бир йўналишига айланиб қолди. Ушбу соҳада эса нафақат журналистлар, улар билан бир қаторда сиёсатшунослар, политтехнологлар, иқтисодчилар, психологлар, қисқаси, оммавий ахборотни оммага етказадиган барча мутахассислар фаолият олиб бормоқдалар. Уларнинг маҳорати шу қадар ривожланиб кетдики, янгилик, унинг мазмунидан қатъий назар, қандай хулоса чиқариш керак бўлса, шундай тарзда у аудиторияга етказилади. Фактларни эса керакли тартибда тизимлаштириш қийин эмас, уларнинг кетма-кетлигининг ўзи аудиторияга керакли маълумотни беради ва ахборот етказувчи учун зарур бўлган дунёқарашни шакллантиради.

5.4.Ахборот уруши ва ахборот қарама-қаршилиги

Психологик, электрон ва дезинформацион кўринишдага ахборот уруши; ахборот ҳужуми ва унинг турлари (тўғридан-тўғри, айланма), ахборот тизимининг ишдан чиқиши. Ахборот уруши таърифини биз юқорида келтирган эдик. Ушбу фикрни давом эттирамиз. Ахборот урушининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ахборот қуролини ишлаб чиқиш унча ҳам қиммат эмас ва бу ишни турли соҳа мутахассислари бажариши мумкин. Иккинчидан, чегаралар нисбийлиги: давлатлар, қонуний ва ноқонуний ҳаракатлар, ҳарбий ва ноҳарбий жанглар ўртасида ва ҳ.к. Учинчидан, ҳужумнинг олдини олиш ноиложлиги. Тўртинчидан, зарарни ҳисоблаб чиқиш мураккаблиги. Бешинчидан, ҳарбий блоклар, бирлашмалар тузиш имконияти мавжуд.

Ахборот қуроли, унинг ўзига хослиги, замонавий дунёда уни қўллаш имконияти ва кўлами. Ахборот қуролининг кенг ва тор маъноларда тушунилиши мумкин. Кенг маънода ахборот қуроли деб рақибни керакли йўналишда фикрлашга ундайдиган, унинг нуқтаи назарини ўзгартиришга қодир бўлган ва тегишли ахборот ёрдамида амалга ошириладиган ҳаракатларга айтилади. Тор маънода ахборот қуроли деб ракибнинг ахборот заҳиралари устидан назоратни таъминлайдиган ва унинг телекоммуникациялари тизимларига зарар етказа оладиган техникавий усуллар ва технологияларга айтилади. Демак, ахборот қуроли – бу рақибнинг ахборот ва бошқарув тизимларига таъсир

этувчи махсус мослама ва воситалар. Табиийки, ахборот технологиялари ривожланган мамлакатлар томонидан бундай қуролдан фойдаланиш имкониятлари жуда кенг.

Ахборий қарама-қаршиликнинг мақсади, восита ва шакллари, уни назорат этиш, жамиятнинг умумий ҳолатига келтирадиган психологик зарарлари. Ахборий қарама-қаршиликнинг мақсади – дунёвий (глобал) ахборот майдонида миллий манфаатлар ҳимоясини таъминлаш. Мазкур мақсадга эришиш эса турли мамлакатлар томонидан турлича амалга оширилади: технологик кучли давлатлар ҳукмронлик қилишга интилади, ривожланаётган давлатлар эса ўзини ҳимоялашга ҳаракат қилади. Иккала томон ҳам ўзига қулай келадиган усуллардан фойдаланади.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, технологик жиҳатдан кучли давлатнинг ахборий ҳужуми бошқа мамлакатлар аҳолисига катта психологик зарар етказади. Чунки бундай урушни тўхтатайдиган ва агрессор-давлатга нисбатан чора кўриш учун имконият яратадиган ҳалқаро меъёрий ҳужжат йўқ. Ривожланган мамлакатлар ушбу вазиятдан кенг фойдаланмоқдалар.

Оммавий коммуникация – хориж ОАВда ахборот экспансиясидан ҳимояланиш, фикрлаш ва ўзини тутиш воситаси сифатида. Хорижий ОАВ экспансиясидан ҳимояланиш учун энг қулай чоралардан бири – маҳаллий ОАВ. Ўзбекистон шароитида бунинг учун миллий газета, радио ва телевидениемизнинг имкониятлари бор, фақат улардан самарали фойдаланишимиз зарур. Бунинг учун бош омил ва мустаҳкам асос – миллий истиқлол ғоясидир.

ОАВ доирасида халқаро корпорация; дунё ҳамжамияти ва айрим давлатларда жамоатчилик фикрини шакллантириш механизми сифатида. ОАВ соҳасида бевосита ҳалқаро корпорациялар кам ва улар дунё бўйича ахборот тарқатиш жараёнига катта таъсир кўрсатолмайдилар. Бундай ОАВ сифатида биз "Си-эн-эн" ва "Би-би-си", "Евроньюс" ва ТВ–5, "Ассошиэйтэд Пресс" ва "Франс Пресс", Рейтер ва ИТАР-ТАСС, "Америка овози" ва "Дойче Велле"ларни тилга олишимиз ўринлироқ бўларди. Ушбу ахборот манбалари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Россияга тегишли бўлиб, улар нафақат юқори тезлик ва катта хажмда, шу билан бир қаторда турли тилларда маълумотларни тарқатадилар. Масалан, "Би-би-си" телерадио-корпорациясининг ўзбек тилидаги сайти, "Америка овози" радиостанциясининг эса ўзбек тилидаги бўлими бор. Биз улар ўзбекистон ҳақида тарқатадиган материалларга бефарқ бўла олмаймиз.

5.4. Хориж матбуоти, телевидения, радио ва интернетнинг асосий қадриятлари. Хориж ОАВнинг аҳолига таъсир кўрсатиш йўллари, шакл ва услублари.

Табиийки, бундай ахборот манбалари, энг аввало, иқтисодий жиҳатлардан бақувват давлатлар томонидан уларга хос ва мос бўлган қадриятларни, жумладан, ғарбий кўринишдаги "демократия стандартлари"ни тарқатади. Бу ҳақда қисман юқорида айтиб ўтилди. Бунинг сабаби нимада? деган саволга жавоб қуйидагича бўлиши мумкин. Гап шундаки, ҳар бир ҳалқ ёки миллат тарихий ривожланиб ва шаклланиб келган ва ушбу кўп асрлик жараённинг ўзи қайси бир яшаш усули тўғри ёки нотўғри эканлигини исботлаб берган. Агар у ёки бу халққа қандай яшаш кераклиги мажбуран сингдирилса албатта бундай зўравонлик, жумладан, "демократик фундаментализм" кўпчилик томонидан қабул қилинмайди. Агар хорижий ОАВ ёки ташкилотлар Ўзбекистон ҳудудида умуминсоний қадриятларни тарқатишга ёрдамлашса, улар ўзбекистонликлар томонидан яхши қабул қилинади.

Жамоа руҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ахборот манипуляцияси, унинг мақсад ва вазифалари, қоида, усул ва шакллари. Жамоатчилик фикрига таъсир этувчи ахборотнинг ижтимоий феномени. Оммавий аудиторияга психологик таъсирнинг усул ва шакллари. Алоҳида бир одамнинг руҳияти жамоа руҳиятига тенг эмас, албатта. Энг қизиғи шундаки, жамоа руҳиятида онгсизлик даражаси баландроқ. ОАВ томонидан айтилган гапларга бирдан ишониш, ваҳимага тушиш, салбий информацияга кўпроқ берилиш кайфиятлари анча кучли. Буни Карл Юнг "жамоавий онгсизлик" деб таърифлаган ва бугунги кунда ушбу психологик категорияни топиб, уни исботлаб берилгани Юнгнинг буюк кашфиёти деб ҳисобланади.

Ахборот манипуляциясига келганда, айтиш керакки ушбу муаммо бўйича анчагина китоблар чоп этилган ва улар билан танишиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Биз эса манипуляциянинг айрим кам тилга олинадиган турларини айтиш билан чегараланамиз. Булар: абстракт, тушунарсиз фикрлаш; манба томонидан ахборотни фақат унинг фойдасига бўлган қисмини етказиш; реал фактларни хомаки, нореал хулосалар билан якунлаш; ўз вақтида жавоб бермасдан долзарб муаммони "совутиш" ва ҳ.к.

Ахборотдан фойдаланиш маданияти тушунчаси, тузилиши ва моҳияти. Ахборотдан фойдаланиш маданияти ҳеч қачон ўзидан ўзи пайдо бўлмайди, бундай маданият бир қатор омилларга боғлиқ. Биринчидан, ахборот истеъмолчилари юксак шахсий маданиятга эга бўлишлари лозим. Иккинчидан, ОАВ ва бошқа манбалардан келаётган маълумотнинг мағзини чақиб, муаллифлар мақсадларини англаб олиш

керак. Учинчидан, касбий ўсиш ва шахсий дунёқарашни ривожлатирадиган маълумотларни олиб, кераксиз ахборотни тез эсдан чиқариш зарур ва ҳ.к.

5. 6. Резюме

Ахборий ҳукмронликнинг мақсади битта – ахборот тарқатадиган мамлакатнинг мафкурасини бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида кенг тарқатиш ва тарғиб қилиш. Лекин бундай вазифа борлиги ҳақида улар очиқ -ойдин айтмайди, аксинча, ҳар хил йўллар билан яширадилар. Масалан, инсон ҳуқуқлари ёки демократик андозалар ниқоби остида ўзларининг ғаразли мақсадларини ахборий таъсир орқали амалга оширмоқчи бўладилар. Бундай ҳолат албатта аҳолини ахборот уруши, ахборий таъсирлар ва уларнинг усллари ҳамда ахборот истеъмоли маданияти тўғрисидаги тушунчалар билан қуроллантиришни талаб этади.

5.7. Назорат учун саволлар:

?

1. *Баъзи бир давлатларнинг ахборот бозоридаги ҳукмронлигининг ошиш тенденцияси нимадан иборат ва у қандай шаклда намоён бўлмоқда?*
2. *ОАВга ахборот–психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида қандай тавсиф берар эдингиз?*
3. *Телевидение, радио ва даврий матбуотнинг ўзига хос психологик таъсири ҳақида гапириб беринг?*
4. *Интернетнинг пайдо бўлиши ва интернет журналистикасининг такомили ҳақида нимани биласиз?*
5. *Нейролингвистик дастурлаш жараёнини тушунтириб беринг?*
6. *Ахборот уруши ва ахборот қуролини тавсифлаб беринг?*
7. *Ривожланган мамлакатларнинг халқаро миқёсдаги етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан дунё ҳамжамияти ва турли давлатларда жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсади қандай амалга оширилади?*
8. *Жамоа руҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ахборот манипуляцияси, унинг мақсад ва вазифалари, қоида, усул ва шакллари ҳақида гапириб беринг.*
9. *Ахборотдан фойдаланиш маданияти тушунчасини изоҳлаб беринг?*

6-МАВЗУ. АХБОРОТ СОҲАСИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни

1. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг мазмун ва моҳияти ҳамда зарурияти. *Ўзбекистоннинг дунё ахборот муҳитига кириши, дунё ахборот маконида мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилиш зурурияти, ҳамдўстлик мамлакатлари ва стратегик ҳамкорлар билан ягона ахборот маконини биргаликда яратиш.*

2. Миллий ахборот тизимларини такомиллаштириш муаммолари. *Миллий ахборот тизимлари, Ўзбекистон ягона ахборот тизимининг субъекти сифатида, ахборот бозоридан фойдаланиш муаммолари, ахборот олиш, сақлаш, тарқатишнинг умумиллий ва умуминсоний манфаатлари, ахборий соҳада миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратиш усуллари.*

3. Ахборот тизимидан кириб келаётган салбий таъсиротларга қарши курашиш усуллари. *Салбий ахборотлар таъсирига қарши курашда "Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат" тамойилининг устуворлиги,ахборий таъсирларга қарши кураш усуллари.*

4. Ахборот соҳасида миллий хавсизликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси. *Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибасининг такомиллашиб бориши,ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашда инсонпарварлик тамойили.*

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизими, миллий ахборот тизими, миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратиш усуллари, давлат ахборот сиёсати, миллий таҳдид, миллий хавфсизлик, ижтимоий хавф, сиёсий конфликтология, сиёсий психология.

6 1. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг мазмун ва моҳияти ҳамда зарурияти

Инсоният ахборот оқими тобора тезлашган, ер шари аҳолиси кайфиятини, руҳиятини, мақсад ва интилишларини, қолаверса, бутун тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир бўлган ахборот технологияси вужудга келган бир даврда яшамоқда. Бу ҳозирги замон цивилизациясининг ўзига хос ютуғи. Халқлар, мамлакатлар, давлатлар

ўзаро муносабатларини тобора яқинлаштиришга, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини бошқаришга, дунёвий кайфият, дунёвий руҳият ва маслакнинг вужудга келишига хизмат қиладиган мўжизакор ҳодиса.

Бироқ цивилизациянинг ана шундай улкан, кенг миқёсли ва серқирра ютуғидан ким қандай мақсадларда фойдаланаяпти? Уни беқиёс ва қудратли кучини нималарга ишлатаяпти? -деган ҳақли савол ҳам муаммога айланмоқда.

Умуман олганда инсоният тафаккури кенгайиб, фан-техника тараққиёти жадаллашгани сайин инсоният ўзининг буюк яратувчилик қудратини намоён этмоқда. Шу билан бирга ўзининг бошини ўзи оғритадиган, ўз ҳаётига ўзи таҳдид соладиган, ўз истиқболини мавҳумлаштирадиган ҳолатларга ҳам дуч келмоқда.

Инсоният ёзув ихтиро қилингунга қадар тахминан уч миллион йил оғзаки алоқа қилган бўлса, ундан беш минг йил кейингина саноат асосида китоб босишни ўрганди. Ундан беш юз йил ўтиб телефон, радио ва телевединиега эга бўлди. Анъанавий эшитув – кўрув воситаларидан компьютерларга ўтиш учун эса атиги эллик йилча вақт керак бўлди, холос. Ана шу тарихий ҳақиқатнинг ўзи инсон тафаккури тараққиёти, фан-техника ривожи билан боғлиқ бўлган оламшумул ўзгаришлар динамикасини кўрсатади.

Компьютерларнинг юзага келиши эса бутун ер шарини ягона ахборот маконига айлантирдики, натижада ҳар бир мамлакат тақдири билан ҳам, бутун дунё тақдири билан боғлиқ бўлган воқелик юзага келди.

Бугун Ўзбекистон ана шу ягона ахборот тизимининг фаол субъектига айланди. Унинг дунё билан алоқаси, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларига иштироки, давлатлараро муносабатлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий алоқалари умумжаҳон ахборот тизими таркибида амалга оширилмоқда. Бу бевосита электрон почта, электрон ахборот алмашиш тизими орқали ҳам миллий, ҳам дунёвий муаммоларни ҳал этишда фаолият самарадорлигини оширишда, вақтни тежашда, молиявий харажатларнинг кескин камайишида, қолаверса, замонавий ахборот алмаштириш салоҳиятини намоён қилишда катта самара бермоқда.

Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу бевосита ахборот бозоридан фойдаланаётганда қандай ахборотларни қабул қилиш, қандай ахборотлардан фойдаланиш борасидаги салоҳиятни ҳам тақозо этмоқда. Чунки бозорнинг оддий ҳақиқати шундаки, ҳар ким топганини савдога чиқаради. Сифати, мазаси, ранги, таъми ёки фойдаси жихатидан танлаш харидорнинг ихтиёрида. Ана шу хаётий қонуният нуқтаи назаридан қараганимизда жаҳон ахборот бозорида бизнинг манфаатларимизга зид бўлган, миллий хусусиятларимизни, анъаналаримизни, турмуш тарзимизни рад этадиган ахборотлар ҳам хурж қилмоқда, ҳаётимизга

шиддат билан кириб келмоқда. Бу ўз - ўзидан ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Ҳозирги замон ахборот тизими, унинг жуда кенг имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ахборот олиш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишнинг умуммиллий манфаат ва умуммиллий тараққиёт нуқтаи назаридан бошқарув механизмини яратиш, унинг моҳияти ва унсурларни чуқур англаш зарур бўлиб қолмоқда. Ана шу ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг қуйидаги усулларини қўллаш зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, социологик йўналиш. Бунда ахборот олиш ва тарқатиш жараёнида жамият тараққиётида ахборотнинг ижтимоий воқелик сифатидаги ролидан келиб чикиб жамиятда шаклланаётган ижтимоий онг йўналишлари, ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг оқимларини ўрганишни йўлга қўйиш керак. Аҳоли турли қатламлари қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолатлари асосидаги фикрлаш тарзини аниқлаб бориш зарур.

Иккннчидан, статистик йўналиш. Кўпмиллатли мамлакатда, хусусан, 130 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган, 20 га яқин диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро можароларни, турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган сиёсий низоларни ўрганиб бориш, бу борада аниқ ҳисоб-китобларга, таҳлилий ечимларга эга бўлиш талаб этилади.

Учинчидан, сиёсий конфликтология ва сиёсий психология. Ахборот-психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий можаролар келиб чиқиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларни аниклаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри, сиёсий карашлари, рухияти – ижтимоий-сиёсий психология изчил равишда ўзгариб борилмоғи лозим.

Тўртинчидан, мантиқий-тизимий ва функционал таҳлил. Ахборот тизими, хусусан, ахборот-психологик таъсир ахборот сиёсати тизими ва воситасининг муҳим қисми сифатида баҳоланиши лозим. Воқеликка ана шу тарзда ёндашиб, илмий-таҳлилий, назарий ва амалий хулосалар чиқариш керак. Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот оқими таъсирида шаклланаётган ижтимоий фикр фан нуқтаи назаридан изчил ўрганилмоғи, уиинг предмети ва методологиясини ишлаб чиқиш муҳим бўлиб қолди.

Бешинчидан, ахборот тизимида миллий истиқлол гоясининг устиворлиги. Ҳар қандай фуқаро ахборот бозоридан "маҳсулот" танлаш

жараёнида унинг қалбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл-атворида, буларнинг барчасининг оқибати сифатидаги хатти-ҳаракати ва муносабатида мафкуравий иммунитет устуворлигини таъминлаш зарур.

Албатта, Ўзбекистонда мустақилликнинг ўтган 21 йили мобайнида оммавий ахборот коммуникацияси соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало, ҳар бир фуқаронинг сўз ва фикр эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи Конституция билан кафолатланди, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги бир қатор қонунлар яратилди ва амалда қўлланилмоқда. Мустақил нашрлар сони кескин кўпайди. Буларнинг ҳаммаси мамлакат ички ҳаётида миллий ахборот тизимининг ўзига хос тараққиётидан далолат беради.

Шу билан бирга Ўзбекистон жаҳон ахборот тизимидаи фойдаланишнинг энг замонавий ва тезкор технологиясини жорий этди. Бу нафақат давлат ва ҳокимият, расмий идоралар, балки нодавлат-нотижорат ташкилотлар, ҳатто, алоҳида фуқароларга дунё ахборот бозорига бемалол кириши ва ундан бемалол фойдаланиши имконини беради.

6.2. Миллий ахборот тизимларини такомиллаштириш муаммолари

Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизими бевосита ижтимоий хавф, миллий тахдид, тараққиётга тўғаноқ сифатида баҳоланмоғини ва унга қарши кучли механизмни яратишни тақозо этади. Бунда давлат ахборот сиёсати алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, Ўзбекистонда ахборот тизими, уни бошқариш, ундан фойдаланиш борасида қатор қонунлар бор. Жумладан, ахборот олиш кафолатлари, электрон почта, электрон рақамли имзо тўғрисидаги қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бироқ булар етарли эмас. Чунончи, замонавий ахборот технологиялари тобора такомиллашиб, ривожланиб, ахборот олиш, сақлаш, уни ишлаш ва тарқатишнинг шакллари, усуллари, услублари тобора кенгайиб бормоқдаки, бу бутун кўлами билан амалдаги қонунларда ўз ифодасини топмаган.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ўзбекистонда ҳозирги мавжуд ижтимоий фикр, жамиятнинг умумий сиёсий-маърифий даражаси замонавий ахборот хуружига ва унинг шиддатига дош бериши зарур. Аниқроғи, унинг бутун кўламини, моҳиятини, ахборот остидаги яширин ғояни ва ахборот тарқатувчи манба мақсадини етарли даражада баҳолаш керак. Натижада ахборот бозорида мавжуд бўлган асосли, жиддий, фикрлашга чақирадиган, тараққиётга ёрдам берадиган ахборотларни етарлича қабул қила олиш мумкин. Акс ҳолд, енгил-елпи, шов-шувли, ҳаётимиздаги мавжуд ўткинчи камчилик ва нуқсонларни бўрттириб кўтариб чиққан хабарлар таъсирига тушиб қолиши мумкин. Натижада

жамиятда ялпи ўртача кайфият, озурда руҳият пайдо бўлишига имконият яратилди. Бундай вазиятда миллий ахборот тизимини ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, таъсир доирасини ошириш зарур бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим:

– оммавий ахборот воситаларида ҳозиргача шаклланган тил, услуб ва ифода усулини ўзгартириш лозим. Жозибадор, айни пайтда ҳаётга яқин, энг оддий фуқаро қалби ва руҳиятига мос келадиган халқчил ифода усулини шакллантириш лозим. Бошқача қилиб айтганда, ахборот маконини ҳаётга, одамларга, уларнинг кугдалик ташвишу изтиробларига, янгиланаётган жамият муаммоларига мослаштириш керак;

– жамиятни, унинг ҳар бир аъзосини ахборот воситаларига қизиқишини орттириш йўли билан ахборот орқали юзага келаётган руҳий танглик, маънавий озурдалик, бошқача қилиб айтганда, бузғунчи ғояларга эргашиш кайфияти оммалашиб кетишига чек қўйиш лозим. Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат тамойилининг устиворлигига эришмоқ керак;

– ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари-жамоат ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, улар сўзи ва фикрини таъсирчанлигини ошириш керак. Токи ҳар қандай умуманфаат ва умумтараққиёт йўлида айтилаётган сўз ҳар бир тингловчи қалбига кирсин, онгига сингсин. Уни рағбатлантирсин, руҳлантирсин, миллий якдилликка, миллий бирликка давъат этсин.

6.3. Ахборот тизимидан кириб келаётган салбий таъсиротларга қарши курашиш усуллари

Албатта, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг самарали йўлларидан бири тўғридан тўғри ҳар қандай бузғунчи ғояларга, жамоатчилик фикрини бузадиган хабарларга асосли тарзда қарши тура билиш ва унга қарши тарғибот механизмини самарали бошқаришни таъминлаш.

Ҳозирги замон ахборот тизимида шундай ҳодисалар мавжудки, уларга қарши чиқиш эмас, уни бошқариш, тартибга солиш ҳам мумкин бўлмай қолмоқда. Демак, бундай шароитда энг мақбул ва самарали усулларни ишалб чиқиш зарур. Жумладан:

Биринчидан, жамоатчилик фикрини ўзгартираётган, чалғитаётган вайронкор ахборотлар ташқаридан, ўзига хос ҳимоя қалқонига эга бўлган маконлардан келаётганлигини назарда тутиб, ахборот тарқатиш борасидаги можароларга йўл қўймай, уларга юксак сиёсий ва касбий маданият орқали ёндашиш, бефарқлик, сукут сақлаш, кайфиятига барҳам

бериб, миллий орият, миллий нафсоният билан боғлиқ ҳолдаги тарғиботчилик имкониятимизни намоён этиш йўлидан бориш даркор.

Иккинчидан, шуни назардан топиш керакки, ҳар қандай ҳужумкор ва бузғунчи ғояга қарши ўз вақтида, мўлжални аниқ олиб муносабат билдиришда эҳтиросларга берилмаслик, ортиқча шов-шувларга йўл қўймасдан сиёсий вазминлик ва босиқлик, айни пайтда кучли таъсир ўтказиш усулларини ўзлаштирмоқ лозим.

Ахборот соҳасида ахборот хуружи қизғин авж олган бир пайтда, айни ана шу хуружлар моҳиятини, унинг манбаларини, ривожланиш омилларини, илмий тил билан айтганда конфликтоген жиҳатларини чуқур ўрганиш лозим. Бузғунчи ва ҳужумкор ахборотлар мақсади, иддаоси, уларнинг тагида ётган манфаатлар қанчалик тўғри ўрганилса, уларга шунчалик тўғри ва ишончли зарба бериш мумкин бўлади.

XXI аср цивилизацияси оқибатида инсоният ҳаёти ахборот-психологик таҳдид кучаётган жараённи бошдан кечирмоқда. Бу айниқса, ривожланиш йўлига чиқиб олган Ўзбекистондай ёш мустақил давлатларга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Чунки ҳар қандай асоссиз, бузғунчи ғоя ўтиш даврига хос бўлган жузъий камчиликлар ва ўткинчи ижтимоий-иқтисодий нуқсонларни бўрттириб кўрсатиб, жамоатчилик фикрини чалғитиши, унинг истиқболга ишончини сусайтириб юбориши мумкин. Зотан, бутун жаҳон сиёсати тобора маданийлашиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар инсонийлашиб бораётган бир пайтда оммавий қирғин қуролларидан фойдаланиш ўрнига ахборот-психологик қуроллардан фойдаланиш устувор аҳамият касб этиб бормоқда.

6.4. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси

Миллатларни йўқ қилиш, уларнинг илдизини қирқиб ташлаш, миллий хусусиятлари, анъаналари ва урф-одатларини барбод этиш йўли билан мамлакатларни забт этиш цивилизациявий ҳодисага айланди. Бундай мақсадни амалга оширишда ахборот тизимидан фойдаланиш кенг авж олиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистон эса ана шу жараёнда ўзининг янгидан-янги имкониятларини, ақлий салоҳиятини ўзини ўзи ҳимоя қилиш ва ҳар қандай тажовузларга қарши тура олиш иқтидорини намоён этмоқда. Бироқ бу етарли эмас. Аниқ натижаларга эришиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз:

– инсонни шахс ва фуқаро сифатидаги имкониятларини рўёбга чиқариш ва уни шакллантириш;

– инсоннинг ўзини ўзи ҳимоя қила олиш инстинктини, ўзини ўзи бошқариш салоҳиятини шакллантириш;

– алоҳида одамлар, гуруҳлар, қатламлараро муносабатларни яна ҳам барқарорлаштириш;

– аҳолида жамоалар бирлиги, умумий хонадон-яхлит мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтириш;

– миллатидан ва диний эътиқодидан қатъий назар Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бирн шахснинг келажак учун маъсуллигини таъминлаш;

– келиб чиқиши мумкин бўлган можаролар, келишмовчиликлар асосларини, йўналишларини, уларнинг ривожланиш омилларини ва динамикасини доимий тарзда, узлуксиз равишда ўрганиб бориш.

Албатта, ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистон тажрибаси такомиллашиб бормоқда. Бу бевосита ахборот хуружи авж олаётган, ахборот тарқатиш технологилари тобора такомиллашиб, унинг усул ва услублари янгиланиб бораётган бир пайтда ана шу цивилизациявий жараённинг энг самарали, энг инсонпарвар усулларидан яна ҳам кенгроқ фойдаланиш имкониятларини тақдим этмоқда.

6.5. Резюме

XX асрнинг иккинчи ярми тезкор, кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даври сифатида, ҳаётнинг деярли барча жабҳалари ҳамда инсон фаолиятига кириб бориши, шунингдек, ахборот маконининг глобаллашуви, бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатган ва кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилди. Эътиборли жиҳати, мамлакат ичидаги ва ташқи дунёдаги фаол ахборот алмашувига одамлар эҳтиёжининг жуда ортиб боришидир.

Шунингдек, охирги йилларда ахборот ресурслари давлатлараро тўқнашув, геосиёсий мақсадларга эришиш учун майдон сифатида фаол фойдаланилмоқда. Бу айниқса, мазкур соҳада сезиларли даражада манфаат келтирадиган замонавий ахборот технологияларга эга ривожланган давлатларга хосдир. Ахборот соҳасидаги бундай ҳолатлар мамлакат фуқароларни, жумладан, ёшларни ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги билимларга эга бўлишни талаб этади. Шу сабабдан Ўзбекистоннинг ахборот соҳасидаги ҳаётга молик миллий манфаатлари, ҳозирги дунё ахборот маконидаги манфаатларни ҳимоя қилиш долзарб муаммо ва вазифалар сифатида муҳим устувор масалалардан бири бўлмоғи лозим.

6.6. Назорат учун саволлар:

?

1. Ўзбекистон ягона ахборот тизимининг фаол субъекти деганда нимани тушунасиз?

2. Ахборот соҳасида миллий хавсизликни таъминлаш муаммоси нималардан иборат?

3. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини қандай усулларини мавжуд?

4. Миллий ахборот тизими фаолиятини такомиллаштириш, таъсир доирасини оширишда нималарга эътибор бермоқ лозим?

5. ҳужумкор ва бузғунчи гояга қарши қандай курашиш керак?

6. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашда аниқ натижаларга эришиш учун нималарга эътибор бериш лозим?

7- МАВЗУ. АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАЛАРИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни

1. Ахборотнинг инсон ҳаётига таъсир ўтказиш омиллари. *Ахборот тушунчасининг глобал аҳамият касб этиб бориши, ахборот соҳасининг тез суръатлар билан ўсиши ва "Ахборотли жамият" тушунчаси, ахборотнинг инсон ҳаётига таъсир ўтказиш омиллари ва унинг ҳаётий эҳтиёжга айланиб бориши.*

2. Ахборот соҳасида "шахс – жамият - давлат" ҳамкорлиги. *Тиғиз ахборотлашган жамиятда "шахс – жамият - давлат" ҳамкорлиги мутаносиблигини таъминлаш зарурияти, ахборот соҳасида "шахс – жамият - давлат" ҳамкорлигининг самарали жиҳатлари.*

3. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий, дастурий-техник ва ташкилий – иқтисодий усуллари. *Ахборот – психологик хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий – техник, моддий – молиявий ва замонавий билимларга эга бўлган қобилиятли мутахасисларни тайёрлаш йўналишлари.*

4. Ахборот - психологик хавфсизлик тушунчаси. *Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасининг мазмун ва моҳияти, ахборот – психологик хавфсизликка риоя қилиш амалиёти ва унинг оқибатлари, "Шарқона муносабатлар илми" ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш усуллари сифатида.*

Таянч тушунчалар: информатика, ахборотлашган жамият, шахс-жамият-давлат алоқадорлиги ва мутаносиблиги, тиғиз ахборотлашган жамият, геноцид, ахборот психологик хавфсизлик.

7.1. Ахборотнинг инсон ҳаётига таъсир ўтказиш омиллари

"Ахборот" тушунчаси бугунги кунда глобал моҳият касб этмоқда. У ***инсон*** тафаккурига турли ***йўналишларда*** таъсир ўтказувчи, яхлит инсоният ҳаётини ва тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий гоҳ ижобий моҳият касб этувчи қудратли воситага айланди.

Аслини олганда ахборот тушунчаси дунёқарашни ифодалайдиган барча билимлар соҳасида қадимдан мавжуд бўлган. Кибернетиканинг келиб чиқиши ва ривожланиши бу тушунчани "алоқа" ва "бошқарув" тушунчалари билан бирга кенг қўлланилишига олиб келди. ҳозирги вақтда ахборотларни ҳосил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, кўпайтириш ва

тарқатиш алоҳида илмий соҳани - информатика соҳасини ташкил этади. Бу лотинчада таништириш, тушунтириш, шарқ тилларида эса хабар, ахборот маъносини билдиради.

Ахборот соҳасининг тез суръатлар билан ***ўсиши,*** уни автоматлаштириш усулларининг шиддат билан ривожлантирилиши компьютерларнинг яратилишига ва кишилик ҳаётининг турли соҳаларини компьютерлаштиришга олиб келди. Бу эса ўз навбатида ***бугунги*** кунда ғоятда тезкорлик билан ўсиб бораётган "Ахборотлашган жамият" назариясини майдонга келтирди.

Компьютерлаштирилган дунё, ялпи ахборотлаштирилган глобал тизимнинг вужудга келиши миллатлар, халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди. Ахборот олиш, уни ишлаш, сақлаш ва тарқатиш технологиясининг тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги тараққиёти бугун жиддий ташвишлар туғдирмоқда. Чунки ҳозирги замон компьютерларининг энг сўнгги авлоди ҳар бирининг процессорида 80-100 ***миллион*** транзистор бўлиб, ҳар сонияда икки миллиардгача вазифани бажара олади. Ахборот технологиясининг ана шундай мўъжизаси туфайли хоҳлаган киши ер юзининг хоҳлаган нуқтасидаги одам билан сонияларда алоқа ўрнатиши, муаммони лаҳзаларда ҳал этиши мумкин. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсон фаолиятини, тафаккур тарзини, ахлоқий меъёрларини, оламга муносабатларини, яхлит олганда эса янги юз йилликдаги ***инсоният*** ҳаёти ва тақдирини ифода этади. Бошқача қилиб айтганда, XXI аср ***цивилизацияси*** ахборот хуружи, ахборот-психологик уруш қиёфасида ўзини намоён этмоқда.

Инсониятнинг келажакдаги тақдири ва истиқболи хусусида ўйлар эканмиз, ахборот технологияси моҳияти, унинг тараққиёти, инсон ва инсоният ҳаётига таъсир ўтказиши ***омилларини чуқур*** ўрганишни тақозо этади. Булар қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, инсон фаолиятини мақсадга мувофиқ ҳолда йўлга қўйиш, йўналтириш, умумманфаат атрофида бирлаштириш, жамоа ва жамият ишига даҳлдорлик ***туйғусини*** шакллантириш, инсоният ҳаётини сақлашда масъуллик, унинг тақдирига тақдирдошлик ҳиссини шакллантириш;

иккинчидан, турли феъл - атворга, табиатга эга бўлган, ўз манфаати ***устуворлигига интилаётган*** сиёсий субъектлар ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш. ***Уруш маданиятсизлигидан*** тинчлик маданиятига ўтиш, давлатлараро ва ***минтақалараро муносабатларда*** бир-биридан қочиш эмас, бир-бирига интилиш ***кайфиятини яратиш,*** жаҳон муаммоларини ҳал этишда соғлом ғояларга **тан** бериш руҳиятини ***шакллантириш;***

учинчидан, фан – техника тараққиёти чексиз даражада ривожланаётган бир пайтда унинг кенг имкониятларини умумий

тараққиёт йўлига сафарбар этиш кайфиятининг устуворлигини таъминлаш. Акс ҳолда ғайриахлоқий ва ғайриинсоний кайфиятдаги фуқаро қудратли технологияларни жамият тараққиётига зид бўлган ғоят хатарли мақсадни амалга оширишга ишлатиши мумкин. Бу, айниқса, халқаро терроризм, наркобизнес, диний экстремизм сингари глобал фожеаларни бошқаришда, давлатлараро иқтисодий муносабатларни чалкаштиришда, банк, молия-кредит тизимини издан чиқаришда қўл келади;

тўртинчидан, ахборот технологиясиниг беқиёс имкониятларини, улкан қудратини тўла – тўкис инсон ҳаётига тадбиқ этиш, ***инсон*** тақдирига хизмат қилдиришни таъминлайдиган энг замонавий ва самарали бошқарув механизмини иқтисодий, ижтимоий, маънавий, руҳий ва сиёсий соҳаларда юксак маданият билан унумли фойдаланиш асосида ташкил этиш.

7.2. Ахборот соҳасида "шахс – жамият - давлат" ҳамкорлиги

Тиғиз ахборотлашган жамиятда "шахс-жамият-давлат" алоқадорлиги, уларнинг ўзаро узвийлиги ва яхлитлигини таъминлаш бир мунча қийинлашади. Чунки ахборот оқими тезлашгани ва ахборотлар гирдорбида яшаш каби мураккаб, зиддиятли вазиятнинг юзага келиши бевосита шахс тафаккурининг, инсон дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, ҳар бир фуқаро ўз шахсий нуқтаи назари, ўз қарашлари, маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий имкониятлари доирасидагина фаолият кўрсатади, ўз олами ҳудудида яшайди ва ташқи оламга ўз ақли доирасида шахсий муносабатини билдиради. ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий – биологик камолотидан ва руҳий эҳтиёжидан келиб чиқиб ўзига мос ахборотни қабул қилади, уни таҳлил этади. Шу ахборот атрофида мушоҳада юритади, фикрлайди ва ана шу таҳлиллар асосида ўзининг шахсий хулосасига эга бўлади. Натижада ўз нуқтаи назарини шакллантиради.

Демак, ҳар қандай ахборот мазмуни, моҳияти, таъсир этиш даражаси, жамиятга фойдали ёки зарарлилиги, кишини эзгуликка ёки ёвузликка даъват этиши билан **"шахс-жамият-давлат"** мутаносиблигига у ёки бу тарзда таъсир этади. Ана шу жиҳатдан қараганда миллий манфаатларни асраш ва ривожлантиришда ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти яна ҳам ошади.

7.3. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий, дастурий-техник ва ташкилий-иқтисодий усуллари

Ахборот хавфсизлигига нисбатан тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этишда ҳуқуқий, дастурий-техник ва ташкилий –иқтисодий усуллар қўлланилади.

Ҳуқуқий усуллар жамиятда ахборот муносабатларини тартибга солувчи, ахборот хавфсизлигини таъминловчи комплекс меъёрий-услубий ҳужжатларни ва меъёрий-ҳуқуқий актларни ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Дастурий-техник усуллар қайта ишланаётган ахборотнинг берухсат олинишига йўл қўймаслик ва унинг тарқалиб кетишининг олдини олиш, маълумотларнинг нотўғри талқин қилиниши, йўқотилиши, ўзгаришига ёки ахборот воситаларининг ишини тўхтатишига олиб келувчи таъсирларнинг олдини олиш, дастур ва аппаратларга солинган мосламаларни аниқлаш, техник усуллар билан маълумотларни ушлаб қолишнинг олдини олиш, алоқа каналлари орқали узатишда маълумотларни ҳимоя қилиш воситалари, жумладан криптография (фақат сирини биладиганларгина тушунадиган ёзувлар)ни қўллашни ўз ичига олади.

Ташкилий-иқтисодий усуллар маҳфий ва яширин маълумотларни ҳимоя қилиш системасини яратиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш, ушбу системаларни ахборот хавфсизлиги талаблари бўйича сертификатлаш, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, маълумотларни ҳимоялаш усуллари ва воситаларини стандартлаштириш, ҳимоя қилинган ахборот системаларида ходимлар ҳаракатини назорат қилишни ўз ичига олади.

Ушбу усулларнинг қўлланилиши ахборот хавфсизлигини таъминлашда банд бўлган ва жавобгар ходимларни иқтисодий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳар бир йўналишларда ахборот хавфсизлигининг таъминланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, биринчи навбатда белгиланган вазифаларнинг бажарилиш ўзига хослигига, ахборот хавфсизлигининг ҳар бир соҳасига хос бўлган унсурлар ва бўғинлар мавжудлигига боғлиқ.

Шу боис бу шакл ва усуллардан фаолиятнинг ҳар бир йўналишида ишни махсус ташкиллаштириш, ахборот хавфсизлиги ҳолатига таъсир қилувчи ўзгача омилларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш талаб қилинади.

Акс ҳолда қуйидаги хавфларга учраш мумкин.

Сиёсий йўналишда:

– маҳаллий ва чет эл ОАВ (нашриётлар, радио, телевидение, телекоммуникацион системалар ёрдамида тарқатиладиган электрон

даврий нашрлар) таъсирида аҳоли турли гуруҳларининг умумий фикрлари ва сиёсий қарашлар шаклланишига;

– вақтида ахборот билан таъминланишга боғлиқ бўлган сиёсий, бошқарув қарорларини қабул қилиш тизимига;

– сиёсий ташкилотлар, партиялар, бирлашмалар ва ҳаракатларнинг ОАВ орқали Ўзбекистон Конституциясида тасдиқланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий йўналишдаги ўз дастурларини эркин ифода қилиш ҳуқуқларига;

– давлат ҳокимияти ва бошқарувининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт ҳақида ОАВ, матбуот марказлари, жамоатчилик билан алоқа марказлари ва шу кабилар орқали аҳолига доимий ахборот бериш тизимига;

– жамият фикрини аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилишни ўз ичига олувчи жамоат фикрини шакллантириш тизимига салбий таъсир қилиш мумкин.

Бу шароитда ахборот бозорининг бир бўлаги бўлган ахборот хизматларининг фаолияти доираси қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

- ОАВлардан фойдаланишда сиёсий ҳаётдаги ҳамма субъектларнинг конституцион мажбурият ва ҳуқуқларини амалга оширишга оид муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликнинг, ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни ишлаб чиқиш ва доимий ривожлантириш;
- бошқарув органлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини ахборот-ташвиқот қилишга аралашиш, аҳолига нисбатан ёвуз мақсадда руҳий таъсир кўрсатишга қарши қаратилган ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш ва олиб бориш.

Иқтисодий йўналишда:

- давлат статистика тизимига;
- хусусий шаклдаги ҳамма хўжалик субъектларининг тижорат фаолияти, хизмат ва товарларнинг истеъмол хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар манбааларига;
- молия, биржа, солиқ, божхона маълумотларини, давлат ва тижорат ташкилотларининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва уларни қайта ишлаш тизимига хавф туғилади;

Давлат статистика ҳисоботининг ахборот-ҳисоблаш системаси унинг ахборот ресурсларига берухсат киришдан етарли даражада ҳимояланган бўлиши лозим.

Тижорат фаолияти, хизмат ва товарларнинг истеъмол хусусиятлари тўғрисида яширин ёки ёлғон маълумот берган манбааларнинг жавобгарлигини белгилаб берувчи қонунларнинг йўқлиги хўжалик объектларининг нормал фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, сирли бўлган тижоратга доир маълумотни тарқатиш оқибатида

давлат ва тижорат ташкилотлари фаолиятига сезиларли даражада талофат етказилиши мумкин.

Ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан олдиндан билиб ёки билмай маълумотлар билан ишлаш технологияларига шикаст етказиш, рухсатсиз уларга кириш имкониятларини яратувчи маълумотларни ўғирлаш ва бузиш ҳаракатлари молия, биржа, солиқ, божхона маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш системаларига асосий хавф ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг нормал фаолият юртишига компьютер тизим ва тармоқларидан фойдаланган ҳолда криминал шахслар томонидан содир этилаётган компьютер жиноятлари жиддий хавф туғдиради.

Ҳуқуқ-тартибот йўналишида асосий ахборот хавфсизлиги объектларига ўз фаолиятида махсус ва тезкор хизмат характерига эга маълумотлардан фойдаланувчи ички ишлар, адлия бошқармалари ва ташкилотлари, прокуратура, суд, шунингдек, ушбу тизимларнинг ахборот марказлари ва бошқа бўлинмаларининг (жумладан, жойлардаги бошқарув органлари) ахборот ресурслари киради.

Ҳуқуқ-тартибот йўналишидаги объектларга асосий хавф туғдирувчи ташқи манбалар:

- жиноий ва суистеъмол гуруҳнинг ва алоҳида шахслар жосуслик фаолиятининг ҳамма турлари, жумладан ахборот- техник таъсири;

- жиноий ташкилотлар томонидан ҳуқуқ-тартибот кучларининг вазифалари ва режалари, техник таъминланганлиги, шунингдек, махсус бўлинмалар ва ички ишлар органларининг дислокация жойларини ошкор этувчи маълумотларни йиғишда ОАВ дан фойдаланилиши;

- ички ишлар органлари ва ҳуқуқ-тартибот йўналишидаги бошқа объектларнинг ахборот ресурсларига чекланмаган ҳолда киришга интилаётган жисмоний тижорат ташкилотларининг фаолияти.

Асосий хавф туғдирувчи ички манбаалар:

- картотека ва автоматлаштирилган маълумотлар базасида сақланадиган, жиноятларни очиш ва текширув ишларини олиб боришида фойдаланиладиган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш регламентининг бузилиши;

- ҳуқуқ–тартибот йўналишида ахборот алмашинувининг қонуний ва меъёрий тартибга солинишидаги нуқсонлар;

- тезкор-қидирув, маълумот бериш, криминалистлик ва статистик характерга эга маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлашда ягона усуллар (методология)нинг яратилмагани;

- техник воситалардаги камчиликлар ва ахборот ҳамда телекоммуникация системаларининг дастурий таъминотларидаги узилишлар;

- картотека ва автоматлаштирилган маълумотлар базасида бевосита банд бўлган ходимларнинг атайлаб қилган ҳаракатлари ва хатолари ва ҳ.к.

7.4. Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси

Бизнинг назаримизда ахборот-психологик хавфсизлик бевосита сиёсий можароларнинг олдини олиш, энг аввало, инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқароларо муносабатларини юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантириш, ахборот қуролидан замонавий инсонпарвар тафаккурни, ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик имкониятларини шакллантиришни тақозо этади.

Ахборот хавфсизлик психологияси тушунчаси психология, аникроғи сиёсий психологиянинг илмий категорияси ҳисобланади.

Ахборот – хавфсизлигининг психологик мазмуни ва уни ўрганиш, бугунги кунда ҳал қилиниши мураккаб кечаётган айрим "психологик хуружлар" (ахборот, мафкуравий, маданий таҳдидлар), "терроризм", "диний экстремизм", "сиёсий экспанция", "жамият ва давлат доираида вужудга келиши мумкин бўлган турли зиддиятли вазиятлар"ни мақсадли ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишнинг мақбул йўлларини ишлаб чиқишга имкон яратади. Психологик хавфсизлик доирасида қуйидагилар тушунилади:

- инсон фаолияти доирасида вужудга келиб, унинг хавфсизлигига таъсир ўтказадиган психик жараёнлар;
- инсон ҳаётига таъсир ўтказадиган психик ҳолат;
- фаолиятда намоён бўладиган шахс хусусиятлари.

Жамиятни бошқариш, ҳозирги замон меъёрлари асосида кишилик тараққиётини таъминлашнинг янги усул ва услубларини қидириб топиш зарур. Жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ахборот тизимини бошқариш каби қатор, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган йўналишларда бошқарувнинг энг мақбул услубини топиш, бевосита ҳокимият ва унга ишончнн, жамият ва давлат тараққиётини таъминлашда фуқаролар якдиллигини, маънавий ва ғоявий жиҳатдан бирлигини таъминлаш тақозо этилади.

Жамият шундай шаклланиши лозимки, унинг аъзолари тиғиз ахборотлар бозоридан умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Ахборот олиш кафолати бу бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланмоғи лозим. Ана шундай шароитда қандай мазмундаги ахборотни тарқатишни ман этиш, жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи,

зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи, порнография, маиший бузуқлик, шахслар мавқеига, обрўсига ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг норасмий, виждон билан боғлиқ бўлган, соғлом ақл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрлари вужудга келади.

Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси ана шу тарзда маънавий-ахлоқий мезонга айланади. Эркин шахс ва озод кишилик жамоаси бўлган фуқаролик жамияти шароитида ахборот-психологик хавфсизликнинг ўзига хос тизимларн шаклланмоғи лозим. Бу бевосита ОАВ фаолияти ва унда хизмат қиладиган ахборот олувчи, сақловчи ва тарқатувчи ходимларнинг сиёсий савиясига, касб маҳоратига ва энг муҳими фуқаролик позициясига, жамият ишига дахлдорлик туйғусига боғлиқ. Зотан, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг бош мезони ва асосий таянчи -миллатпарварлик, ватанпарварлик, фидокорлик туйғуси.

Демак, ахборот хуружи тобора авж олиб бораётган, якка тартибда ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон онгига кучли таъсир ўтказаётган, кенг миқёсда олганда эса жамият тараққиёти ва миллат тақдирини ҳал қилишга қодир бўлган, глобал миқёсда эса бутун инсоният ҳаётини кафолатлайдиган, унинг тараққиёти ёки таназзулини белгилашга қодир бўлган тиғиз ахборот тизимини бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Умуман олганда ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси қандай пайдо бўлди? Унинг ҳаётийлиги, инсоният тақдирига дахлдорлиги нимада? Ана шундай савол туғилишининг ўзи муаммонинг долзарблигини ва ўта кескинлигини кўрсатади. Бизнингча ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, ахборот-психологик хавфсизлик - бу бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидаларидан, муқаддас идеалларидан, эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашдир. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг дахлсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан, урф-одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворислиги, миллатнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий-руҳий таъсир, бузғунчи ғоялар ва тажовузкор мафкураларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

Иккинчидан, ахборот-психологик хавфсизликка риоя қилинмаса, унинг таъсирчан чоралари кўрилмаса, бузғунчи ғоялар миллий қадриятларни барбод этиш орқали тарихан мавжуд бўлган халқлар ва миллатларга катта хавф туғдириши муқаррар.

Учинчидан, тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот оркали замонавий руҳий таъсир технологияларининг тобора ривожланиб бораётганлиги шахс ва жамият тафаккурининг шаклланишига у ёки бу тарзда кучли таъсир ўтказади. Жамоатчилик фикрининг қай даражада шаклланганлигига, жамиятнинг сиёсий онги, ҳуқуқий билимлар савияси, маънавий-маърифий даражасига қараб жамият тараққиётга ёки таназзулга юз тутиши муқаррар.

Тўртинчидан, ижтимоий фикрни шакллантиришда ахборот таъсирини, ахборот технологияларидан фойдаланиш усуллари ва услубларининг тобора кенгайиб бораётганлигини назарда тутсак, ахборот-психологик хавфсизлик муаммоси яна ҳам кескинлашиб қолади.

Бешинчидан, мазкур атаманинг моҳияти шундаки, у инсон, жамият тушунчалари доирасидан чиқиб келиб, яхлит инсоният, бутун кишилик тақдири билан боғлиқ бўлган глобал масалаларни ҳам қамраб оладики, натижада ҳозиргача мавжуд бўлган глобал муаммоларнинг энг тажовузкори, энг бузғунчиси ёки аксинча, уларни бартараф этишнинг энг ташаббускори бўлиб қолиши муқаррар. Бу ҳолат халқаро сиёсатда, давлатлараро, минтақалараро муаммоларни ҳал этишда буюк давлатчилик шовинизми авж олиши мумкин бўлган ҳолатларда яна ҳам хавфлироқ моҳият касб этади. Бундай пайтда кўпроқ анъанавий сиёсий мувофиқлаштириш тажрибаларидан кенгроқ фойдаланиш зарур. Яъни шарқона муносабатлар илми (И.Каримов), мулоҳазалилик, мушоҳадалилик, ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларга ақл-идрок йўриғи билан ёндошиш тамойили устивор бўлмоғи лозим.

Ахборот сиёсатини тиғиз ахборотлашган жамият шаклланаётган бир пайтда ҳозирги замонавий талаблардан келиб чиқиб янгилаш, модернизациялаш зарур.

Ахборот орқали юзага келган психологик можаролар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси жамиятни салбий ахборот-психологик хуружидан ишончли сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизмини яратиш билан белгиланади.

Ҳар бир янги ахборот-психологик можаро ҳимоя қилинаётган жамият учун янги тахдидларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Демак, тахдид қанча кўп бўлса, қўрқув, ҳадик ва ишончсизлик шунча кўпаяди. Ана шундай маънавий, руҳий, ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, жамият кайфиятини мувофиқлаштириб, йўналтириб, бошқариб туриш мухим аҳамият касб этади.

Олтинчидан, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси маълум бир халқ, миллат, мамлакат ҳаётида жиддий ижтимоий хавф туғдириши мумкин бўлган замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан тинчлик ва барқарор тараққиёт йўлида унумли фойдаланиш, уни

бошқариш, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий манфаатларга сиёсий тус бермаслик усуллардан фойдаланишни тақозо этади.

Кейинги йилларда республикамиз ахборот ҳудудида чет эл ОАВ кўрсатувлари ва эшиттиришлари кўплаб ошиб, тарқатилаётган даврий нашрларнинг сони чет эл фондлари ва ташкилотлари сони кўпайди. Республика ахборот жабҳаси миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисмига айланди.

Миллий хавфсизликнинг ахборот соҳасидаги асосий йўналишларидан бири-ахборот олиш ва ундан фойдаланишда фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларига риоя қилиш, жамиятнинг маънавий қадриятлари ва миллий анъаналарини, давлатнинг маданий-илмий потенциалини сақлаш ва ривожлантириш, маҳаллий ва халқаро ҳамжамиятга давлат сиёсати ҳақида ҳаққоний маълумотларни етказиш билан боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистоннинг давлат сиёсати, ички ва халқаро ҳаётдаги ҳодисаларга ёндашувини ахборий жиҳатдан кенг ёритишдан иборат.

Ахборот хавфсизлиги талабларига амал қилиш, бюджет маблағларини бирлаштириш ва тежаш, иқтисодий ва молиявий таҳлил бўйича вазифаларни бажариш, солиқ, ижтимоий таъминот хизматлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган йўналишлардан бири бу-махсус ҳудудий тақсимланган автоматлашган ахборот системаси кўринишидаги шахсий маълумотлар, кўчмас мулк ахборотлари, тезкор-қидирув, маълумот бериш, суд материалларини ўз ичига олувчи бирлаштирилган ва ҳимояланган кўп тизимли системани яратишдир.

Фан, техника ва технология йўналишидаги ахборот хавфсизлиги объектлари ҳимоясини ташкил этиш мушкул. Бу ерда жойлардаги ахборот структуралари илмий ва интеллектуал потенциални ноқонуний ўзлаштириш ёки фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида илмий, техник ва технологик маҳсулотларни ноқонуний тарқатиш ёки фойдаланиш бўйича конкрет тавсияларни ишлаб чиқиш системасини такомиллаштириш ва ҳудудий ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан ёрдам бериши мумкин.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган йўналишлар шахснинг, жамиятнинг, давлатнинг ахборот хавфсизлигини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий меъёрлар сифатида қаралади. Бу борада Республикамизда Конституция, қонунлар, низомлар, фармонлар ва бошқа муҳим ҳужжатлар қабул қилинган.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқий, ташкилий ва муҳандис-техник йўналишларини ҳам қамраб олади:

1. Ахборотнинг ҳуқуқий ҳимояси – бу, ахборотнинг ҳимоясини ҳуқуқий асосда таъминлайдиган махсус ҳуқуқий актлар, ҳаракатлар,

тартиб-қоидалар ва чора-тадбирлар ҳисобланади. Ахборотнинг ҳуқуқий ҳимояси халқаро ва давлат ҳуқуқлари доирасида олиб борилади.

Халқаро ҳуқуқларга шартномалар, конвенциялар, махсус битимлар, декларациялар, патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари ва лицензия каби ҳужжатлар киради.

Ички давлат ҳуқуқларига: конституция, қонунлар, фармонлар, қарорлар киради.

Бирор идорага оид ҳуқуқларга: буйруқлар, қўлланмалар, дастурлар, *низомлар, қоидалар, йўриқнома каби ҳужжатлар киради.*

2. Ахборотнинг ташкилий ҳимояси - амалдаги ҳуқуқий нормативлар асосида ишлаб чиқариш фаолияти ва бажарувчилар ўртасидаги маълум бир тартибни сақлаш-регламентация. Аммо, конфиденциал ахборотдан сабабсиз фойдаланиш бундан мустасно.

Ташкилий ҳимояга қуйидагилар киради:

– режим ва қўриқлашни ташкил этиш (ходимлар ва ташқаридан кирувчиларни кириш-чиқишда назорат қилиш механизмини яратиш, ташкилот ходимларининг иш тартиби ва ҳудуддаги ҳаракатини тартибга солиш в.ҳ.);

– ишчилар билан ишлашни ташкиллаштириш (ходимларни танлаш, яширин ахборот билан ишлаш қоидаларини ўргатиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тартибини бузганда қўлланиладиган жазолар билан таништириш в.ҳ.);

– ҳужжатлар билан ишлашни ташкиллаштириш (ҳужжатлар ва ҳужжатлаштирилган ахборот билан ишлаш, яширин ахборотни фойдаланиш, тарқатиш, сақлаш ва йўқ қилиш ҳаракатларининг олдини олиш);

– техник воситалар билан ишлашни ташкиллаштириш;

(яширин ахборотни техник воситалар ёрдамида йиғиш, қайта ишлаш ва сақлашни ташкил этиш)

- ички ва ташқи хавфларни таҳлил қилишга қаратилган ишларни такомиллаштириш (яширин ахборотга таъсир этадиган ички ва ташқи хавфларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳимоясини таъминлашни ташкил этиш).

3. Инженер-техник ҳимоя - ахборотни тарқатиш, йўқотиш яширин эгалик қилиш, ахборот ресурсларига ноқонуний кириш шаклларини ҳимоя қилишга қаратилган махсус чора-тадбирлар, персонал-хизматчилар, техник воситалар ҳисобланади.

Инженер-техник ҳимоя бир неча турга бўлинади:

– объектларга таъсир этиш;

– реализиция (амалга ошириш);

– ҳудудга қараб эгалик қилиш;

– ҳимоя қилишга қаратилган техник воситаларни ҳимоя қилиш;

– ёвуз мақсадлиларнинг таъсир этувчи воситаларидан ҳимоя қилиш.

Ахборотни ҳимоя қилишда қўлланиладиган воситаларнинг таснифи:

1. Жисмоний – ёвуз мақсадлиларнинг мамлакат ахборот манбааларига киришининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, муҳандислик қурилмалари.

2. Аппаратли - техник воситалар орқали ахборотнинг йўқолиши ёки тарқатилишининг олдини олишга қаратилган механик-электрон ва бошқа қурилмалар (масалан, компютерда сақланаётган ахборотнинг четга чиқишининг олдини олиши учун унга порол ўрнатиш ёки бошқа усулларни қўллаш). Аппаратли ҳимоя қилишнинг асосий вазифаси ахборот хавфсизлигини техник воситалар орқали ҳимоя қилишдир.

3. Дастурий яъни программа воситалари - ахборотнинг ҳимоя қилиш функциялари, бутунлиги ва конфиденциаллигини сақлашни амалга оширадиган, умумий ёки махсус таъминлашга киритилган махсус дастурлар тизими.

4. Криптографияли - бу шифрлашнинг техник ва дастурий воситалари. Бунда махсус математик ва алгоритм воситалари орқали узатиш тизимлари ва алоқа тармоқлари, ЭҲМ да сақлаш ва қайта ишлашнинг турли усуллари ҳимоя қилинади. Бу усул ахборот хавфсизлигини таъминлашда муҳим ва ишончли восита ҳисобланади.

5. Бирлашган-умумий - юқорида таъкидлаб ўтилган барча турларнинг ахборотни ҳимоя қилиш йўлида қўлланилиши.

1. Ҳимоянинг жисмоний тизимида механик, электоро механик, электрон, электрон-оптик, радио, радио-техник ва бошқа қурилмалар орқали ахборотнинг тарқалиши ва ундан ноқонуний фойдаланишнинг олди олинади. Бунинг учун қуйидаги вазифалар бажарилиши керак:

– ташкилотни қўриқлаш ва кузатиш;

– бино ва унинг ички хоналарини қўриқлаш ва назорат қилиш;

– молиявий ва ахборот асбоб ускуналарини, маҳсулотларини қўриқлаш;

– бино ва хонага кириш назоратини амалга ошириш.

Ўз навбатида жисмоний ҳимояни уч категорияга бўлиш мумкин: огоҳлантириш воситалари, излаб топиш воситалари ва йўқ этиш воситалари.Масалан, бирор объектнинг девор билан ўралиши бу ҳудудга рухсатсиз кирилмаслигидан огоҳлантиради. Ёнғин эса йўқ қилиш хавфини туғдиради.

2. Аппаратли ҳимояда яширин ахборот манбааларига техник таъсир кўрсатиш, қурилмалар ўрнатиш, ҳимоя воситаларини йўқ қилиш назарда тутилади. Бунда ахборотнинг чиқиш каналларини ёпиш, ҳар хил объектларда, жойларда хавфли каналларининг пайдо бўлишининг олдини

олиш, жосуслик ишларини аниқлаш ва бартараф қилиш ишлари амалга оширилади.

3. Дастурий ҳимояда компьютерни бегоналарнинг киришдан сақлаш назарда тутилади.

Дастурий ҳимояда конфиденциал ахборотнинг хавфсизлигини ҳимоялашдқуйидаги дастурлар қўлланилади:

- ахборот манбаларини рухсат берилмаган шахсларнинг киришдан ҳимоя қилиш;
- ахборотдан нусха кўчиришнинг олдини олиш;
- дастурлардан нусха кўчиришнинг олдини олиш;
- дастурларни вируслардан ҳимоялаш;
- ахборотни вируслардан ҳимоялаш;
- алоқа каналларининг дастурий ҳимояси.

7. 5. Резюме

Бугунги кунда кундалик халқаро муносабатларда “ахборот уруши”, “ахборот қарама-қаршилиги”, “ахборот босими” ва ҳ.к. каби тушунчалар кўп ишлатилаётганлиги аҳолини ахборот хуружидан ҳимоялаш бўйича чоралар кўриш муҳимлигини янада оширади. Ушбу муаммонинг долзарблиги яна шундаки, ҳозирда одамлар онги (шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият) маълум даражада оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборот ресурсларининг таъсиридадир.

Шунинг учун, айниқса очиқ ахборот тизими шароитида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот, ахборот-психологик хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг аҳамияти янада ошади. Айни вақтда, ахборот тизими имкониятларини миллий манфаатларни ҳимоялаш ва ривожлантириш, шунингдек, глобал ахборот маконида давлатнинг манфаатларини амалга ошириш учун қулай шароит яратиш йўлида фойдаланиш жуда муҳим ҳисобланади.

7. 6. Назорат учун саволлар:

1. *Ахборотнинг турли муаммоларни келтириб чиқариш сабаблари нималардан иборат?*
2. *Ахборотнинг инсон ҳаётига таъсир ўтказиш омиллари нималардан иборат?*
3. *«Шахс-жамият-давлат» мутаносиблиги деганда нимани тушунасиз?*
4. *Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси қандай пайдо бўлди?*
5. *Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасининг ҳаётийлиги, инсоният тақдирига даҳлдорлиги нимада?*
6. *Миллий манфаатларни ҳимоя қилишда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш роли қандай?*
7. *Ижтимоий фикрни шакллантираётганда ахборот таъсирининг аҳамияти қандай?*
8. *Ахборот орқали юзага келган психологик можаролар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси нималардан иборат?*

8-МАВЗУ. ОЧИҚ ОММАВИЙ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ШАРОИТИДА ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ЎЗ-ЎЗИНИ ҲИМОЯЛАШИ

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни

1. Шахс руҳий кечинмаларининг ижтимоий борлиқ қадриятларига боғлиқлиги. *Инсон ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маънавий тизимнинг асоси ва бош бўғини, инсоннинг туҳий ҳолати унинг дунёқараши, эътиқоди, ғоялари, жавобгарлик ва жамоатчиликҳисси, моддий таъминланганлиги ва эҳтиёжларининг қондирилишига боғлиқлиги.*

2. Шахс онгида ғоя ва фикрнинг пайдо бўлиши. Мафкура ва психологик хавфсизлик муаммолари. *Ғоя ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ғоя турлари, шакл ва хусусиятлари, миллий истиқлоло ғояси тушунчаси, Мафкура ва унинг хусусиятлари.*

3. Турли ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий хулқи. *Турли ахборот – психологик ҳолатларда инсоннинг ўзини – ўзи тутиши ва унинг асосий компонентлари, шакллари ва психологик ўзини – ўзи ҳимоя қилиш алгоритми, ахборотлар билан боғланиш шароитида психологик ҳимоя воситалари, фойдали ва зарарли ахборотлар тушунчаси.*

5. Шахснинг маънавий - аҳлоқий такомили ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва бошқариш имкониятлари. *Шахснинг маънавий – маърифий ривожланганлик даражаси ахборот – психологик хавфсизликдаги кафолат сифатида, психологик ўзини – ўзи бошқариш.*

6. Таълим билан қамраб олинмаган аҳолига зиёлилар орқали соғлом ғояларни етказиш усуллари. *Таълим билан қамраб олинмаган аҳолига соғлом ғояларни етказиш усуллари, маънавий – маърифий тарғибот, аҳолига психологик таъсир этишнинг босқичлари.*

Таянч тушунча ва атамалар: шахснинг руҳий кечинмалари, гедонистик психология, эгоцентризм, ғоя, мафкура, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси, мафкуравий иммунитет, психологик ҳимоя, психологик ўзини – ўзи бошқариш.

8. 1. Шахс руҳий кечинмаларининг ижтимоий борлиқ қадриятларига боғлиқлиги

Ўз вақтида Ҳиндистоннинг таниқли сиёсий арбоби Махатма Ганди шундай ёзган экан: *"Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман"*. Бу сўзларни бугунги информацион хуружлар ва турли хил маълумотларнинг турли йўллар билан мамлакатимизга, умуман, бошқа мамлакатларга ҳам кириб келиб, у ёки бу минтақада асрлар мобайнида шаклланган қадриятлар, урф-одатлар, эътиқод шаклларига ва тарбия услубларига салбий ёки ижобий таъсири жараёнлари маъносида қўллаш ҳам мумкин. Зеро, дунёга юз очган ёшлар дунё тилларини бемалол эгаллаб, "интернетомания" касалига чалиниш арафасида турган Ўзбекистонга ҳам яхши, ҳам ёмон таъсирлар, хуружлар мавжудлиги шароитида шахснинг ўзини-ўзи психологик жиҳатдан салбий таъсиротлардан ҳимоя қила олиш имкониятларини кенгайтириш энг долзарб муаммолардан биридир.

Яқинда интернет саҳифаларида америкалик сиёсатшунос олим Патрик Бьюкененнинг "Смерть Запада" номли китоби пайдо бўлди. Эътиборга молик жиҳат шуки, катта ҳажмдаги бир китобнинг сўз бошидаёқ, муаллиф яхлит бир миллатлар ва халқлар тақдирига алоқадор бўлган воқеалар, Ғарбнинг тақдирини жамият маънавиятидаги инқирозлар, жумладан, оила ва никоҳ, туғилиш ва аҳолининг табиий ўсиши борасидаги жиҳатлар таҳлилига эътиборни қаратган. Минг таассуф ва афсус билан у Европа Америкача маданиятни қабул қилиб, бугун унинг ҳаёт тарзига сингиб кетганлигига қаршилик кўрсатишга қодир эмаслигини эътироф этади. Бьюкененнинг фикрича, саноати ва юқори технологиялари ривож топган жамиятда одамларнинг бирдан бойиб кетиш, тўкин ҳаётга эришишга бўлган эгоистик интилиши уларнинг асл қадриятларга, жумладан, оила ва никоҳга, ёшлар тарбиясига бўлган муносабатларида кескин инқирозни келтириб чиқарди. Бу ҳолатни у гедонистик психологиянинг асоси деб баҳолаб, унинг оқибати жамиятда қатор ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётганлигини очиқ эътироф этади.

Гедонизмнинг маъноси-шахс ва унинг хулқ-атвори мотивларида фақат нималардандир лаззатланиш, қониқиш олиш ва ўзидаги ички руҳий изтироблардан холи бўлишга интилиш устиворлигидир. Тўғри, аслида инсоннинг тўқ ва фаровон ҳаётга интилиши, бой-бадавлат яшашни хоҳлагани айб эмас, лекин бундай тўкинчилик инсонийликка қарши бўлиши мумкин эмас. Муаллифнинг ташвиши ва уни хавортирга

солган нарса шуки, бундай онг ва шуурдаги ўзгаришлар европа халқларининг энг зарур ва муҳим қадриятларга нисбатан салбий муносабатларида ифодаланади Масалан, бугунги Европада дунёга келаётган болаларнинг ҳар учтасидан биттаси никоҳсиз туғилаётганлиги, туғилишнинг кескин камайиб кетганлиги, умуман аёллар ўзидан соғлом зурриёд қолдиришни истамаётганлиги, маблағи етарли бўла туриб, фарзанд туғилиши ва уни тарбиялашга кетадиган маблағни қизғанаётганлиги яққол намоён бўлмоқда. Умуман Ғарб аёлларининг аксарияти турмушга чиқиб, ўзидан муносиб зурриёд қолдириш ниятидан тобора узоқлашиб бормоқдалар

Олимларни мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, фарзанд туғилиши учун давлат томонидан ажратиладиган нафақаларнинг, суюнчи пуллар миқдорининг орттирилиши, оналар учун алоҳида имтиёзларнинг жорий этилиши ёки бола сони ортгани учун оилага кўрсатиладиган мурувват аёлларни соғлом оила қуриб, унда соғлом фарзандларни тарбиялашга ундармикин, деган савол ўйлантирмоқда ва мулоҳазалар мантиғидан шу нарса аён бўлмоқдаки, замонавий европаликларни бундай имтиёзлардан кўра, мансаб поғоналаридан кўтарилиб, ўз манфаатинигина ўйлаб яшаш кўпроқ қизиқтиради. Чунки замонавий Ғарб ёшлари, хотин-қизлар учун бу каби имтиёзлар бола туғилиши ва бу билан боғлиқ ташвишлар олдида ҳеч гап эмас. Шу каби гедонистик психология бизнинг ёшларимиз онгида пайдо бўлмаслиги, очиқ ахборотлар маконида бемалол турли маълумотларни қабул қилиш имконияти пайдо бўлган ҳозирги шароитда уларни эзгу миқсадларга йўналтириш, уларда соғлом дунёқараш, эртанги кунга ишонч, собит ғоя, соғлом ҳиссиётлар, эл-юрт олдида, оиласи ва яқинлари олдида инсоний жавобгарлик ва юксак масъулият ҳисларини тарбиялаш миллат манфаатига бевосита алоқадор вазифамиздир.

8.2. Шахс онгида ғоя ва фикрнинг пайдо бўлиши. Мафкура ва психологик хавфсизлик муаммолари

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши, давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишига, ўзини бошқа халқлар орасидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига кенг имкон яратмоқда. Тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан бахраманд бўлиш учун қулай замин яратмоқдаки, бу ўз навбатида ўзбек ёшларининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ривожланишига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни ва компьютер технологияларини тез ўрганиб олиш каби иқтидорининг

рўёбга чиқишига, хориж мамлакатларига бориш, улар билан алоқалар ўрнатиш, дунё стандартлари бўйича олий ўқув юртларида тахсил олиш имконини берди. Ана шу алоқалар туфайли миллий меҳмоннавозлик ва саҳоват анъаналари янада ривожланди.

Бунда алоқаларнинг кенгайиши ҳақиқий маънавий ва маданий қадриятларни муносиб баҳолаш имконини берди. ҳозирги ёшлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам учраган кинони кўриб, дуч келган маза-матраси йўқ китобларни ўқиб кетаётгани йўқ Атайлаб юртимизга олиб келинаётган Ғарбнинг сунъийлаштирилган санъатидан, "кенг истеъмол"даги маданиятидан норозилик бизнинг халқ билан бўлаётган деярли барча учрашувларимизда сезилиб турибди. Бундай маҳсулотнинг илгариги "ман этилган неъмат"га хос "лаззати", жозибадорлиги деярли қолмаган. ҳозирги кунда хорижнинг маданий қадриятларидан фойдаланишга анча жиддий ва танлаб ёндашиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда. Лекин очиқ оммавий ахборот воситалари орқали тинимсиз маълумотлар қуйилиб келаётган шароитда онги ҳали шаклланиб улгурмаган фарзандларимиз учун таҳдид ҳам, атайлаб уюштирилаётган мафкуравий тажовузлар ҳам бор.

Шундай шароитда Президентимиз Ислом Каримовнинг фикрлари биз учун ҳамиша далда бўлади: «Энг муҳими, қалбимизда ғуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз. Бизни қўрқитмоқчи бўлаётган ғаламислар шуни билиб қўйсинки, биз ҳеч кимга бош эгмаганмиз ва ҳеч қачон бош эгмаймиз. Бунда бизга миллий ғоямиз ва мафкурамиз ғоявий таянч ва асос бўлади».

Зеро, миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларига жавоб излайди. У инсон фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, иймон - эътиқод туфайли юксак манавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг йўлини ёритиб беради. Истиқлол мафкураси кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукаммал ифодаси, тугал намунаси ҳали-ҳануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизга тасаввур қилишимиз керак. Бу тушунчалар ваатан равнақи,

юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади. Бу мафкура халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шаъну - шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимидир.

Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган миллати, динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эриши, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига давъат қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш-миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари ва истиқболли ғояларидан келиб чиқиб, ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида ***мафкуравий иммунитет*** ҳосил қилиш муҳим долзарб аҳамият касб этган вазифаларимиздандир. Бу ишни бамисоли ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим.

8.3. Очиқ ахборот коммуникация тизимида инсоннинг ахборот таҳдидларини баҳолаш ва хавфсизлигини таъминлаш имкониятлари

Шахс турли мафкуравий таҳдидлардан қандай сақланиши мумкин?

Ушбу масалага ойдинлик киритиш учун аввало эгоцентризм каби тушунчаларга изоҳ бериш даркор. Эгоцентризм сўзи лотинча “ego”-мен ва “centrum”-доира маркази сўзларидан олинган бўлиб, ўз фикр-ўйлари, манфаатлари доирасида қотиб қолган инсоннинг атроф-муҳит ва одамларга оид ўз билимлари ва ўзгаларга муносабатини ўзгартира олмаслигини билдиради. Психологияда эгоцентризмнинг бир қанча турлари мавжуд. Улар билишга оид, ахлоқий, коммуникатив ва бошқаларга бирор хил маълумот бериш жараёнида ўзгаларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимасликдир. Назаримизда, замонавий ахборий хуружлар муаллифларида айнан шу каби эгоцентризм кузатилади ва улар ўзларига ўхшаш фақат ўз манфаатинигина кўзлайдиган авлод онгини қамраб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам шахсга психологик ҳимоя зарур. Психологик ҳимоя бўлиши учун шахсда мустақил фикр бўлиши лозим.

Демак, очиқ ахборотлар таҳдиди шароитида ёшларни тўғри яшашга, ватанпарвар ва инсонпарвар, эркин фикрли бўлишга ўргатиш

орқали уларда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш энг долзарб вазифалардир. Зеро, ўргатиш бир томонлама жараён бўлмай, у «педагог-тарбияланувчи» мулоқоти тизимида кўпроқ *тарбияланувчининг фазилатларига* боғлиқ. Бундай мураккаб ишни ташкил этишда ҳар бир ижтимоий тоифа ёки шахснинг индивидуал - психологик хусусиятларини инобатга олиш зарурати ижтимоий психологияда исботланган. Масалан, агар ўқувчи ёки талабаларни яхлит гуруҳ деб оладиган бўлсак, уларнинг барчаси билан бир вақтда, бир хил самарада ишлаш ва шу орқали уларнинг мустақил тафаккурини ўстириш, соғлом эътиқодини тарбиялашнинг иложи йўқ. иккинчидан, бир гуруҳ талаба ёки ўқувчи учун мақбул ва самарали деб ҳисобланган услубни бошқасида ҳам айнан жорий этишга уриниш бундай шароитларда тескари самара бериши мумкин.

Демак, бугун таълим муассасаларида таълим олаётган, лекин минг афсуски, ўз мустақил фикрига эга бўлмаганлар билан ишлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, хулқ-атвордаги хатоликлар энг аввало фикрлаш тарзидаги хатоликларнинг оқибати бўлгани учун талабаларнинг ***негатив фикрлаш тарзи схемасини*** ўзгартириш лозим.

Иккинчидан, фикрлаш тарзига таъсир кўрсатиш учун педагоглар ўзларининг тушунтириш услубларини, тарбия методларини ўзгартиришлари лозим. Яъни, илгари, юқори тонларда, директив оҳангда, талаба билан мулоқот қилган педагог, энди керак бўлса, «тенгма-тенг», демократик оҳангда, босқичма-босқич хатти-ҳаракатларни биргаликда таҳлил этишга ўтишлари талаб этилади.

Учинчидан, ўқувчи-талабанинг ўз-ўзини идрок қилишини, ўзига бўлган баҳосини ўзгартириш, яъни, талабани ижобий ишларга йўналтириш орқали ўзига бўлган баҳосини ўзгартиришга эришиш керак.

Ниҳоят, шундай вазият яратиш лозимки, ўқувчи ижобий тажриба орттирсин, ўзига, оиласига ёки синфдош дўстларига, мактабига манфаатли иш қилиб олқиш олсин. Яъни, уларни жамоат ишларига кенг жалб этиш амалиётини кенгайтириш, бу ишдан манфаатдорлигини ошириш лозим.

Демак, таълим ва тарбия жараёнида ҳар бир педагог ёшларнинг мустақил фикрлашлари учун шароит яратиш лозим, акс ҳолда унинг онги тайёр шаблонлар, стереотипларга шу қадар ўрганадики, улар охир-оқибат ҳар қандай бидъат ёки ёт ғояларга эргашиб кетаверадиган бўлиб қолади. Яъни, дарсни ташкил этишнинг ноанъанавий усулларига кенг йўл очиш, дарсларда ўқувчилар билан интерактив мулоқотни ташкил этиш улар миясининг яхшироқ ишлаши, қизиқиши ва мустақил фикрлашга ёрдам беради.

Психологик манбалардан яна шу нарса маълумки, ёшлар мустақил фикрлашлари учун таълим жараёнининг ўзида жорий этилган тартибларда бюрократияни минималлаштиришга эришиш керак. Чунки

эски таълим тизими ўқитувчининг айтганини, у ёзган маъруза матнини айнан кўчириб ёзиб келиш, айтиб беришни талаб қиларди. Бу ҳолат мияни автоматик ишлашга, зомби каби ёдланган бир хил қолипда бўлишга ўргатади. Бундай мияда албатта ўзига хос вакуум ҳосил бўладики, бу вакуумга кейинчалик бошқа ёт ғоя ва тушунчалар жуда тез сингади, чунки мия деярли тормозланган, ҳар қандай бошқача хабар унинг миясига осон кириб олади.

Демак, давримиз педагоглардан, раҳбарлардан ўз иш услубларини ўзгартириш, мулоқот қобилиятларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Мазкур ҳолат унинг таъсир кўрсата олиш хислатини самарали бўлишини талаб этади. Бу эса бевосита ёшларда мустақил, эркин тафаккурни ривожланиши учун реал замин бўлади.

Ўқитувчилар ёшларни турли ёмон таъсирлардан асрашда ахлоқий қадриятлардан фойдаланиш ва бунда ахлоқий таъсир кўрсатиш технологиясидан оқилона ўз фаолиятида жорий эта олиши лозим бўлади. Ахлоқийликка ўргатиш, ахлоқан ва маънан юксак бўлиш, умуман тазйиқни, куч ишлатишни рад этади. Маъмурий тазйиқ ёшларни ёт таъсирлардан асраб қололмайди. Бунинг ягона йўли - ўқувчи Билан муносабатда гуманистик тамойилларни жорий этиш, эркин фикр алмашиниш муҳитини яратилишидир. Зеро, мамлакатимизда кўрилаётган эркин фуқаролик жамиятини асосчиси Ислом Каримов бу эзгу ишларни амалага оширишда ҳамиша ёшларга, уларнинг мустақил фикрли, иқтидорларига ишонадилар.

Ахборот-психологик ҳужумнинг вазифалари

Ахборот-психологик ҳужумнинг деструктив вазифалари

Фуқаролар қадриятларига путур етказиш	***Индивидларни маънавий қашшоқлаштириш***
Бузгунчи (агрессив)ликка сафарбар этиш	***Индивид (фуқаро)ларда зарарли, ёт ғояларни шакллантириш***
Жамиятда салбий унсурлар (девиация)нинг ривожига асос яратиш	***Жамият аъзоларида миллий анъаналарга нисбатан салбий муносабатларни шакллантириш***

Ҳужум учун танланган давлат ҳудудида яшовчи турли халқ ва миллат вакилларини давлат тизимига қарши йўналтириб, турли низоларни келтириб чиқариш

8.4. Турли ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий ҳулқи. Психологик ҳимоя тушунчаси.

Очиқ ахборот коммуникацияси жараёнида ёшлар онгига таъсир этаётган ёт ғояларга қарши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишдан аввал ёшларнинг ижтимоий ҳулқда кўзга ташланадиган энг муҳим ҳолатлардан бири ташвишланиш, нимадандир чўчиш ваш у туфайли ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишга интилиш ҳисларини намоён бўлишидир. Чунки агар, ***психологик ҳимоя ҳолатининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлса, бу шахс-ички кечинмаларини ифодаловчи шундай ҳолатки, унда одам ички руҳий мўтадилликни асраш учун ўзидаги хавотирланиш, қўрқув ва хадиксирашларини босишга, улардан халос бўлишга интилади. Психологик ҳимоя-шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик дискомфортни бартараф этишга хизмат қилади.*** Шундай ҳолатларда одам одатда шахслараро муносабатларда ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб қолади. Психологлар ҳимоя механизмларига одатда қуйидагиларни киритадилар:

Психологик ҳимоя механизмлари:

- очиқ ҳис-кечинмаларни ***босиш, кўрсатмасликка уриниш***;
- ***рад этиш***, яъни номаъқул маълумотни очиқ рад этиш, қўшилмаслик;
- ***проекция*** – ўзидаги ҳиссиёт ва кечинмаларни ташқи объектларга кўчириш орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришга мойиллик;
- ***идентификация*** – ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини қўйиш орқали қадриятларни рад этиш ёки танқидсиз ўзлаштириш;
- ***регрессия*** – илгари ҳаётида, масалан, ёшлигида бўлиб ўтган қайсидир воқеларга қайтиш, уларнинг яхши ва маъқулларини яна хотирада тиклаш ва ҳулқда қайтариш орқали ўзида психологик ҳимоя ёки оқловни ташкил этиш;
- ***ёлғизланиш***-жамиятдан ўзини олиб қочиш, ўзидаги ўзгаришларни бошқаларга билдирмасликка интилиш, айрим талабалар ўқишга бормай қўядилар;
- ***рационализация*** – мулоҳаза ва фикр юритиш орқали ўзида ҳимоя инстинктларини пайдо этиш;
- ***конверсия***- мулоқотдаги қандайдир тўсиқлар ёки барьерларни олиб ташлаш учун кутилмаган усулларни қўллаш, масалан, хавотирли информацияни юмористик билан алмаштириш йўли.

8.5. Шахснинг маънавий-аҳлоқий такомили, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва бошқариш имкониятлари

Очиқ ахборот хуружлари вазиятида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилишни бошқаришда айрим жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим. Аввало, ҳар бир инсон учун мустақил фйикр зарурлигини таъкидладик. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда миллий ғурурни тинмай тарбиялашимиз ва бунда ҳар бир фан предмети ва тарбиявий мулоқотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Масалан, Республикамизда нишонланган қатор тантаналар, ўтказилган халқаро тадбирлар ва уларнинг нима учун айнан Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилганлигига ёшлар эътиборини қаратиш уларда миллий ғурурни уйғотади.

Миллий ғурурнинг аҳамияти шундаки, бундай сифати бор инсон бошқаларга қул, ахборот хуружларига тобе бўлмайди.

Учинчидан, миллий ғурури бор инсонда имон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу қадриятлар интернет ва очиқ ахборотлар оламида адаштирмайдиган «компас» ролини ўйнайди. Зеро, «интернет» шундай ўрмонки, унда компассиз юриб бўлмайди». Тўртинчидан, олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларнинг мавқиени, улар айтадиган ҳар бир сўзнинг аниқ мўлжалли бўлишини таъминлаш зарур. Ўқитувчи ахборот қайдай бўлишидан қатъий назар, у қабул қилувчи инсоннинг измида бўлиши, унинг манфаатига хизмат қилиши керак. Бунинг учун ёвуз ниятли, ёт ғояларни тарғиб этувчиларнинг асл ниятларини, улар сайъи - ҳаракатларининг охир-оқибати нима билан тугашини очиқ айтавериш лозим.

Шундай қилиб, ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўлларини ҳар бир мураббий ва талабага етказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун *қуйидагиларни* ёдда тутиш лозим:

А) Аслида атайлаб таъсир этишга мўлжалланган хабарни шахс дарров қабул қилмайди. Чунки, биринчидан, унда илгаридан психологик ҳимоя мавжуд ва иккинчидан, ҳар қандай Янги нарсанинг сингиб кетишида муайян ахборот тўсиқлари ҳам бўлади.

Б) Бундай шароитларда шахс хабарга ҳамма ишонаверсин, менга таъсир қилмайди» деб ўйлайди, лекин маълум маънода шу фикр таъсирида у ахборот таъсирига тушиб қолган бўлади.

В) Ишонтирувчи чақириқларга, масалан, реклама орқали етказилаётган хабарларга ёш болалар жуда ўч бўлади ва айнан улар ота-

онани муайян маҳсулотни харид қилишга кўндиради. 90% оналар айнан реклама қилинган маҳсулотларни болаларига харид қилиб олиб беради. Худди шундай интернетга уланиш, уйида замонавий компьютерга эга бўлиш фикри ҳам болалардан чиқади, бунга ота-онани кўндирадилар ҳам. Бу маънода ёшлар энг ҳимояланмаганлар тоифасига киради.

Г) Хабарнинг асл мақсади аслида маълумот бериш эмас, балки ишонтириш эканлигини тушуниш керак. Одамнинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг турли хабарларга ишонқирамай муносабатда бўлиши ҳам юқори бўлади. Лекин хабарга ишонмаслигимиз қарашимиз бизнинг уни қабул қилишимиз ёки қилмаслигимизни билдирмайди. Яъни, агар биз очиқчасига ёшларга «бу ахборот манбаига ишонманглар, улар атайлаб ёлғон маълумот бермоқда» десак, бу нарса уларнинг шу турли ахборотни қабул қилмасликларини кафолатламайди. Лекин «огоҳлантирилган одам қуролланган, муҳофазали бўлади» деган тамойилдан келиб чиқиб, биринчи огоҳлантиришдан сўнг, яна ўз фикримизни фактлар билан асосласак, улардаги иммунитет кучлироқ бўлади. Аммо шуни назарда тутиш лозимки, огоҳлантириш муддати ҳам роль ўйнайди. Масалан, тажрибаларда бир ҳафта аввал огоҳлантиришнинг таъсири узоқроқ муддатдан кўра камроқ эканлиги маълум бўлган ёки уйда холи, комфорт шароитда қабул қилинган таъсир билан одамлар орасида, кўпчиликнинг ичида ёмон хабарни қабул қилиш фарқланади, чунки ёлғиз уйдаги таъсир скептизмни (шубҳаланишни) кучлироқ намойиш этиши кузатилган.

Иккинчи томондан, бевосита ахборотни қабул қилиш арафасидаги огоҳлантиришлар қарши далиллар топиш вақтини камайтиради, ундан сал аввалроқ огоҳлантириш эса инсон миясида маълумотни қайта ишлашга имкон беради.

Д) Таниш нарсалар ҳақида маълумотга эга бўлган одамни ишонтириш тезроқ амалга ошади. Лекин самарали тактикалардан бири сифатида ахборот каналлари орқали берилаётган маълумотларни ортиқчасига жамият манфаатларига зид эканлиги, уларнинг адолатсиз, худбинларча узатилаётганлиги, нималаридир қонунга хилоф эканлигини қайд этиш мумкин. Яъни, тарбиячи, ўқитувчи очиқ тарзда ўз тнорозилигини баён этиш, тарғиботчи фикрига қарши эканлигини айтиш имконига эга. Бу ҳолат ҳам аудиторияни ўйлашга мажбур этади.

Яна ўзига хос стратегиялардан бири - очиқ ахборот манбалардан кетган маълумотни, ундаги айрим фактларни тан олишдир. Масалан, дарҳақиқат, бизда дарсликларнинг сифати талаб даражасида эмаслигини, маҳаллаларда ночор, нотинч оилалар ҳануз мавжуд эканлиги ва ҳ.к. ва аниқ далиллар билан камчиликларни бартараф этилиши йўллари хусусида фикр билдири лозим.

Бундан ташқари, ўқитувчига хос бўлган усуллардан бири-ўз қарашларига нисбатан иккиланиш позицияси борлигини очиқ тан олиш: «балки мен ноҳақдирман, лекин бу масалада шундай асосларим бор эди...», деб ўз асосларни келтириши ҳам педагогик амалиётда самарали усуллардан ҳисобланади.

8.6. Таълим билан қамраб олинмаган аҳолига зиёлилар орқали соғлом ғояларни етказиш усуллари

Миллий ғоя мамлакатимизда истиқомат қилаётган салкам 30 миллион аҳолига мақсад-муддаолари, истиқболда тинч ва фаровон яшашига кафолат берувчи ғоявий куч бўлиб, у миллатни миллат, халқни халқ этиб бирлаштирувчи кучли омилдир. Бугунги кунда миллий ғоя, миллий мафкура тарғиботи билан кенг жамоатчилик шуғулланмоқда, айниқса, таълим тизимида бир қатор илмий манбалар, дарсликлар яратилиб, ўқув жараёнларида қўлланилмоқда ва ёшларни ўз Ватанига содиқ, мард, фидойи, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлишга ундалмоқда. Лекин мамлакатимизда таълим тизими билан қамраб олинмаган аҳолига ҳам миллий ғояни сингдириш зарурати бор. Таълим билан қамраб олинмаган аҳоли онгида миллий ғурур, ватанпарварлик, юртга садоқат, халқ ишига камарбасталик психологиясини шакллантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардандир.

Миллий ғоя ҳар бир фуқаронинг оиласи, жамият, эл юрт олдидаги бурч ва маъсулиятини қай даражада акс этаётганини белгилайдиган мезондир. Шунинг учун инсонларда мана шу эътиқодни, маъсулиятни кучайтириш учун тарғиботнииг самарали усулларини қўллаш зарур. Тарғиботнинг самарали кечиши учун ўқитувчи қандай омилларга мурожаат этиш керак?

Тарғиботнинг энг самарали йўлларидан бири халқ ичига фаол кириб бориш, яъни маҳаллаларда аҳоли билан юзма-юз бевосита суҳбатлар олиб боришдир. Давра суҳбатларига таниқли эл-юрт ишончини оқлаган олимлар, меҳнат фахрийларини таклиф этиб, инсонларда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни янада кучайтириш мумкин.

Тарғиботнинг самарали кечадиган жараёни таълим тарбияни оила институти орқали олиб бориш ҳам ўз натижасини беради. Инсон дастлабки ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини ўз оиласидан олади. Машҳур рус ёзувчиси Л.Толстой "ҳамма тасаввурларим 5 ёшгача олган таассуротларим йиғиндисидан иборатдир" дегани бежиз эмас. Чунки инсоният илк бора атроф-муҳит ҳақидаги маълумотларни жамиятнинг асосий ўзаги бўлмиш оиладан олади. Оилада яхши тарбия топган бола

мактабда, маҳаллада, жамоат жойларида ҳам ножўя ҳаракат қилмайди. Педагог А.С.Макаренко ота-оналарга қарата шундай деган эди: "Сизнинг хулқ-атворингиз ҳал қилувчи омилдир. Сиз болани фақат у билан гаплашаётганда унга бирор нарсани ўргатаётганда ёки буйруқ бераётганда ўргатаман деб ўйламанг. Сиз уни ҳаётингизнинг ҳар бир сониясида, ҳатто, ўзингиз уйда йўқ чоғингизда ҳам тарбиялайсиз Сизнинг қандай кийинишингиз, бошқа кишилар билан қандай гаплашишингиз, қандай қувонишингиз ва ташвишланишингиз, дўстларга ва душманларга қандай муомала қилишингиз, қандай кулишингиз, қандай газета ўқишингиз бола учун катта аҳамиятга эга. Товушингиздаги озгина ўзгаришни ҳам бола сезади ёки ҳис этади, фикрингиздаги барча бурилишлар кўринмас йўллар орқали унга етиб боради". Демак, фарзандларга оилада таълим тарбия берилаётганда ота-оналарнинг ўзлари улар учун намуна, ибрат бўлишлари керак. Шунинг учун миллий ғояни инсонлар қалбига ва онгига сингдиришни энг аввало оиладан бошлаш керак.

Маънавий-маърифий тарғиботни оилада, маҳаллада, кенг жамоатчиликка ахборот тармоқлари, нотиқлик клублари, жамоат ташкилотлари орқали узатиш мумкин. Бизнинг ижтимоий хулқ-атворимиз, ҳатти-ҳаракатларимиз бизнинг установкаларимиз билан белгиланади. Тарғибот ва ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўриниши бўлиб, агарда тўғри тарғиб қилинса, инсонларни бузғунчи ғоялардан асрайди, установкаларни ўзгартиради.

Ижтимоий сўровлар орқали жамоатчилик фикрини ўрганиб, уларнинг билдирган фикр-мулоҳазалари асосида мафкуравий тарғиботни олиб бориш мумкин. Жамоатчилик фикрини ўрганаётганда асосан учта омилга аҳамият бериш керак. *Биринчи омил* - сўровда иштирок этаётганларни мазкур сўровдан *ижтимоий манфаатдорлиги,* иккинчи омил - *баҳс-мунозарага сабаб бўладиган вазият,* учинчи омил – иштирок этаётганларнинг мазкур *фикрга нисбати аниқ фикрлари* бўлиши керак.

Тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усуллларидан бири *оммавий ахборот воситасидир.* Оммавий ахборот воситалари кенг жамоатчилик фикрига тез ва кучли таъсир эта олади. Чунки ҳар бир оилада оммавий ахборот воситалари хабарларидан фойдаланилади ва инсонларнинг маълумот олиш манбаи бўлган бу восита орқали халқимизга миллий ғояларни сингдириш қулайрокдир.

Биз ҳар куни ишонарли маълумотларга бой бўлган хабарларга дуч келамиз, улардан унчалик муҳим бўлмаган қисми ҳам таъсир этиши мумкин. Бирор бир хабар, ғоя инсоннинг хулқ-атворини ўзгартириши мумкин, бунда *психологик таъсир этишнинг* олти босқичига мурожат қилиш керак:

Таълим билан қамраб олинмаган аудиторияга психологик таъсир этишнинг олти босқичи:

1. **Хабар, ғоя аудиторияга берилиши керак.**
2. **Берилган хабар, фикр аудиториянинг диққатини жалб қилиши керак.**
3. **Аудитория хабар, фикрнинг моҳиятини тушуниши керак.**
4. **Берилган хабардан янги ғоя сифатида хулоса чиқариши керак.**
5. **Янги ғояни ёдда сақлаб қолиш керак.**
6. **Ёдда сақланган ғояни ўзининг хулқ-атворида қўллай олиши керак.**

Урф-одатлар, миллий қадриятларимиз орқали ҳам халқимизга миллий ғояни тарғиб этиш мумкин. Ўзек оилаларининг ўзига хос миллий қадриятлари мавжудки, бу одатлар ер куррасининг ҳамма ерида ҳам топилавермайди. Масалан, оддий овқатланиш маданиятини олайлик. Ҳамма оила аъзолари жам бўлгандан сўнг дастурхонга таом тортилади. Сўнг таомга биринчи бўлиб оиланинг каттаси бува, буви, ота кетма-кетлигида таомга қўл узатилади. Оддий кундалик давом этадиган бу жараёнда ҳам катталарни ҳурмат қилишга, сабр-қаноатли бўлишга ундалади.

Бадиий адабиёт орқали халқимизга сабр-қаноат, ҳаллоллик, ватанпарварлик, садоқат каби фазилатларни қалбларга сингдириш мумкин. "Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак" (Абдулла Қаҳҳор). Мамлакатимиз олим ва ёзувчи, шоирларининг асарларида миллий менталитетимизга мос ғоялардан ўринли мос ва мутаносиб тарзда фойдаланиш зарур.

Ёзувчи А.Қаҳҳор "Бирор бир асар ўқувчида қандай таъсир қолдирса, уни қайси йўлга бошласа, унинг ғояси ўшандадир" деган фикрни билдирган. Дарҳакиқат, ҳозирги кунда ёшларни турли ёт ғояларга берилиб кетмасликлари учун уларни эзгу ғояларига ундаш керак ва бу ғоялар уларнинг маслагига айланишига эришмоқ лозим. Шундагина инсонларни турли бузғунчи ғоялардан сақлай оламиз.

8.7. Резюме

Инсон – ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маънавий тизимнинг асоси ва бош бўғини ҳисобланади. Инсоннинг руҳий ҳолати унинг дунёқараши, эътиқоди, ғоялари, жавобгарлик ва жамоатчилик ҳисси, моддий таъминланганлиги, эҳтиёжларнинг қондирилиши кабиларга боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ғоя ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, шахснинг мафкураси, дунёқараши, тушунча ва ғояларида ифодаланади

Очиқ ахборот-коммуникатив тизимларда шахснинг кўникмаларини шакллаштириш ҳамда тўғри бахолаш ва ахборот-психологик хавфсизлик тахдид белгиларини, таъсир кўрсатишни имкониятларини ва ўз-ўзини химоя қилиш муомаласини тўғри ташкил этиш орқали турли хил ахборий таҳдидлардан ҳимоялаш мумкин.

8. 8. Назорат учун саволлар:

?

1. *Гедонистик психология тушунчаси таъриф беринг?.*
2. *Эгоцентризм тушунчаси ва унинг турлари.*
3. *Мафкура ва психологик хавфсизлик деганда нимани тушунасиз?*
4. *Миллий ғурур тушунчасига таъриф беринг?*
5. *Психологик ҳимоя деганда нимани тушунасиз?*
6. *Ҳимоя механизларига таъриф беринг?*
7. *Психологик таъсир этиш босқичларини санаб ўтинг?*

9-МАВЗУ. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ – ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни

1. Жамоатчилик фикри тушунчаси. *Жамоатчилик фикри жамоатчилик онгининг ижтимоий кўриниши сифатида, жамоатчилик фикри фуқаролик жамияти ҳолатининг ўлчами сифатида, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва уни ўрганиш мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётининг таркибий қисми, жамоатчилик фикрини ўрганиш усуллари.*

2. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизликни таъминлаш. *Жамоатчилик фикри омилига эътибор, ижтимоий фикрни мақсадли шакллантириш, жамоатчилик фикрининг даҳлсизлиги,*

3. Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари. *Ахборот хавфсизлигини таъминлашда, жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнларида миллий менталитетни ҳисобга олиш.*

4. Конфиденциал ахборотнинг тарқалишини тўхтатиш. *Конфиденциал ахборот ҳақида тушунча, конфиденциал ахборотларнинг сир сақланиши, конфиденциал ахборотларнинг сир сақланиши шарт – шароитлари ва зарурияти.*

Таянч тушунча ва атамалар: жамоатчилик фикри, жамоатчилик фикрини шакллантириш, фикр даҳлсизлиги, миллий менталитет, конфиденциал ахборот, сир сақлаш, ахборот хавфсизлиги.

9.1. Жамоатчилик фикри тушунчаси

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи бугунги кунда фавқулодда муҳим аҳамиятга эгадир. Ахборот хавфсизлигини самарали таъминлаш эса жамоатчилик фикри феноменини чуқур англашни тақозо этади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш эҳтиёжи эса бир томондан, давлат ва жамият тузилмаларининг демократия тамойилларига нечоғли асосланишига, иккинчи тамондан эса мавжуд эмпирик манбаларни илмий аналитик мушоҳадалаш, назарий қайта ишлаш, синтезлаш ҳолатларига бевосита боғлиқ, ҳолда шаклланади. Ана шу икки жиҳатлардан бирор бири бўлмаса жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни демократик услубларда шакллантириш ҳам самарали кечмайди. Жамоатчилик фикри ижтимоий онгдан ҳам давлат ёхуд тузумнинг директив қарашларидан ҳам, ёки алоҳида шахс фикр-қарашларидан ҳам фарқ қилади. Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ҳосиласи, жамият турли табақаларининг фикр-

қарашлари, муносабатларининг реал ва умумлашма ифодасидир. Жамоатчилик фикри муайян ижтимоий-сиёсий ҳолат, турмуш тарзи, иқтисодий ўзгаришлар хусусида умумий ёки бир неча хил муносабатларга, мавжуд холатларнинг келиб чиқиш сабаблари, ҳаракатлантирувчи кучлари, муаммонинг ечимига хилоф бўлаётган омиллар борасида эса мутлақо қарама-қарши ҳамда ўзгарувчан қарашларга эга бўлади. Жамоатчилик фикрининг тез ўзгарувчан табиати ҳам уни ижтимоий онгнинг фаол қисми сифатида характерланади.

Айни чоғда, жамоатчилик фикрининг ўзгарувчанлик табиатига таъсир ўтказиш уни муайян меъёрларда ушлаб тура олиш ҳамда мақсадли шакллантириш давлат, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш кафолати ҳам саналади.

Мамлакатда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, мақсадли ижтимоий ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни жамоатчилик фикрида намоён бўлади.

Шу боисдан, жамоатчилик фикрини мазмунсиз асосда, ёҳуд инерцион тарзда шаклланишига йўл қўйиш кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Тарихда собиқ шўролар ҳукуматининг сўнгги лидерлари амалга оширмоқчи бўлган қатор лойиҳалар, ижтимоий ўзгаришлар ислоҳотининг инқирозга юз тутганлиги фикримизнинг далили бўла олади. (Масалан, қайта қуриш дастурини амалга ошириш орқали собиқ сиёсий тузум асосларини мустаҳкамлашга уриниш, Сибир дарёларини буриш, англанган эҳтиёжларини шакллантириш, алкоголизмга қарши кураш харакатлари ва ҳ.к.)

Шу боисдан ҳам, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларини жамоатчилик фикрида қандай намоён бўлаётганлиги, уни қандай шакллантириш, оммани янгиланишлар руҳида тарбиялаш ва энг мухим жиҳатлардан бири бўлган ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари Юртбошимизнинг диққат-эътиборида бўлиб келаётганлиги бежиз эмас.

Яқин ўтмишимиздан маълумки, шўролар даврида жамоатчилик фикрига ҳукуматнинг ҳеч кандай эътирозларга ўрин қолдирмайдиган директив кўрсатмалари, махсус сиёсий-назарий йўналишлар орқали узлуксиз равишда таъсир ўтказилиб келинар эди. Бунинг учун эса ўзига хос икки босқичли таъсир услуби амалга оширилар эди. Биринчи босқичда вертикал таъсир услуби, яъни энг юқоридан энг қуйи бўғинларгача давлат томонидан режалаштирилган ҳукмрон фикр тазйиқи тизимий тартибларда мукаммал дастурлар асосида амалга оширилса, иккинчи босқичда горизонтал таъсир услублари ишга туширилиб, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим тизими муассасалари, жамоат ташкилотларида «буюртма» қилинган сиёсий фикр алоҳида ижтимоий қатламлар онгига мунтазам равишда сингдирилар эди. Ана шу механизмни ҳаракатга келтириш учун эса давлат тизими марказлашган партия ва турли хил

ташаббус гуруҳлари ниқоби остида мунтаззам равишда фаолият юритиб келар эди.

Директив кўрсатмалар таъсири ва тазйиқи остида сиёсий ва маънавий забун бўлган халқ ўз характерида табиий равишда ялпи тазйиқдан ҳимоя стандартларини шакллантирган эди.

Бугунги кунда ана шу услубда, яъни жамоатчилик фикрига режавий тарзда бевосита таъсир ўтказиш амалиёти Хитой, Шимолий Корея, Куба, Ироқ сингари мамлакатларда сақланиб турибди. Аммо, ривожланган Ғарб ва Шарқ мамлакатларида жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг билвосита услублари кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу услуб демократия тамойилларига асосланган бўлиб, асосан оммавий ахборот воситалари, реклама, норасмий лидерлар таъсири, шоу дастурлар ва бошқа омиллар воситасида амалга оширилади.

Фуқаровий жамиятда инсоннинг ўз салоҳиятларини юзага чиқазиш ҳамда ўз-ўзини ҳимоялаш эҳтиёжи учун табиий равишда муайян ижтимоий-сиёсий гуруҳларга аъзо бўлиши тақозо этилади. Бу эса инсонга ўзи аъзо бўлган жамият, партия орқали ташқи воқеликка ижтимоий таъсир этиш имкониятини ҳам юзага келтиради. Ривожланган мамлакатларда жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг умумий (оммавий ахборот воситалари, телевидения, реклама, шоу - дастурлар) ва горизонтал (жамоат ташкилотлари, оила, норасмий лидерлар, корхоналар, партиялар) йўналишлари амал қилиб келади. Айни вақтда таъкидлаш жоизки, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ниқоби остида ахборот хуружини глобаллаштиришга интилишдан иборат деструктив ҳаракат ҳам авж олдирилмоқда Масалан, жамоатчилик фикрини бошқариш деб номланувчи (Public Relation) тизим орқали Америка Қўшма Штатларида жамоатчилик фикрини махсус шакллантириш борасида 200.000 кишидан кўпроқ киши доимий фаолият юритиб келади. Биргина АҚШ мудофаа вазирлиги фаолиятини тарғиб этиш бўйича 15.000 мутахассис ишлайди.

Худди шундай тизим Англия, Франция, Италияда ҳам мавжуд бўлиб, бу мамлакатларда берилаётган ахборотларнинг таъсири, уларнинг аҳолининг турли қатламлари орасида ижтимоийлашуви кўламларини ўрганишга ихтисослашган социолог-психолог штатлари амал қилиб келади. Мисол учун, "Рено" автомобиль заводининг Париждаги илмий лойиҳалаш ва моделлаштириш маркази (марказда 2,5 минг киши фаолият юритади) да 35 кишидан иборат социолог ва психологлар гуруҳи доимий иш олиб боради. Шунга ўхшаш мисолларни бошқа кўплаб йирик мамлакатлар ахборот индустрияси иш тажрибаси орқали ҳам кўрсатиш мумкин.

Ахборот интевенциясининг бугунги моҳияти тоталитар тузум давридаги давлат ва хукмрон партиянинг директив кўрсатмаларини аҳоли онгига тазйиқий сингдириш услубидан фарқ қилади. Бугунги кунда ахборот тайзиқи асосан, билвосита услублар орқали, яъни, санъат ва

маданият, дин, саноат маҳсулотлари, таълим тизими орқали амалга оширилмоқда Ахборот хуружларига қарши кураш жамоатчилик фикри социологияси фанини ривожлантиришни тақозо этади. Ўзбекистонда истиқлол йилларининг илк даврлариданоқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ана шу реал эҳтиёжлар асосида халқнинг маънавий сарчашмалари булокини очиш, ўзлигини намоён этиш имкониятларини тиклаш борасида муҳим қадамлар қўйилди. ***Биринчидан,*** ана шу ижтимоий жараённи ҳам назарий ҳам амалий ўрганишга мутасадди бўлган социология сохасининг илмий-педагогик асослари таркиб топтирилди, ўнлаб ўқув-услубий адабиётлар, монографиялар, илмий тўпламлар нашрдан чиқазилди. ***Иккинчидан,*** социология фанининг илмий-назарий потенциали таркиб топтирилди. ***Учинчидан,*** жамиятнинг турли табақалари орасида ижтимоий фикрни ўрганишга ихтисослашган профессионал нодавлат ташкилотлар тизими шаклланди.

Биргина «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида ўтган беш йил мобайнида 110 дан ортиқ махсус социологик сўровлар ўтказилиб 130 мингдан зиёдроқ киши тадқиқотларга жалб этилди. Агар мамлакатимиздаги ўнлаб ихтисослашган социологик марказлар, ташкилотларнинг мустақил равишда ўтказувчи сўровларига ялпи жалб этилган аҳоли сони тахмин этилса, бу рақам бир неча юз мингдан ошиб кетади.

9.2. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизликни таъминлаш

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини умумий баҳолайдиган бўлсак, бу жараён бугунги кунда ўзининг фаол шаклланиш босқичида эканлигига амин бўламиз.

Хўш, шаклланиш босқичидан ўтиш ҳолатида қандай сабоқларга социология фани ўз эътиборини қаратиши лозим? ***Биринчидан,*** ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларининг тизимий ҳолатда эмаслиги, социологик тадқиқот ўтказиш ишларининг пировард, якуний мақсадга қатьий бўйсундирилмаганлиги, яъни ахборотга бўлган ижтимоий эҳтиёжлар негизида аниқланган фикр-хулосаларнинг тегишли давлат ва нодавлат ташкилотларнинг амалий ҳаракат дастурларига жорий этилмаслиги, ***иккинчидан,*** тадқиқотларнинг етарли профессионал билим ва маҳоратга эга бўлмасдан ўтказишнинг одатий ҳолга айланганлиги жиддий муаммолардан саналади. ***Учинчидан,*** ўтказилган сўров натижалари турли ахборот воситалари, радио ва телевидение орқали халққа етказилмасдан оммалаштирилмай қолмоқда. Бунинг оқибатида эса жамоатчилик фикрини

ўрганиш иши ижтимоий фикрни шакллантиришдан иборат пировард мақсадни тўлақонли хизмат қилаолмаяпти.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов жамоатчилик фикри омилига жиддий эътибор қаратиб, мазкур соҳанинг фуқаролик жамиятини барпо этиш ва жамиятни эркинлаштириш борасида катта имкониятлари мавжудлигини бир неча бор таъкидлаганликлари бежиз эмас. Айниқса, жамоатчилик фикрини мақсадли шакллантириш, аҳоли турли табақалари онгини эзгулик ғоялари руҳида тарбиялаш, маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ тамойилларини устувор мавқеларга кўтаришда социологиянинг ахамиятига бежиз урғу берилмади.

Шу ўринда ижтимоий фикрни шакллантиришда давлатнинг ўрни қандай бўлади, деган ҳақли савол туғилиши табиийдир. Давлат ошкоралик ва демократия шароитида фуқаровий жамият эркинлигини таъминлаш кафолати сифатида намоён бўлади. Бу жараёнларда давлатнинг иштироки фақат ташкилий-ҳуқуқий, техникавий, моддий шароитларни таъминлашга кўмаклашиш билан чегараланади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини эса нодавлат жамоат ташкилотлари, партиялар, илмий муассасалар, социологик марказлар бевосита, тўғридан - тўғри амалга ошириб борадилар.

Хўш, бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий фикрни мақсадли шакллантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида қандай салоҳиятимиз мавжуд? Ҳозирги кунда республикамизда 500 дан ортиқ газета ва 200 га яқин журнал рўйхатга олинган. Пойтахтимизда 5 та телеканал 30 дан ортиқ таҳририят орқали кўрсатувлар тайёрланмоқда. Вилоятларда 10 та телестудия фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг бутун ҳудудлари радио тўлқинлари билан тўла қамраб олинган. Юртимизда ўнлаб радио маҳсулотлар тарқатувчи марказлар куну-тун иш олиб бормоқда.

Айни чоғда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус, халқ таълими тизимида 300 мингдан ортиқроқ зиёлилар армияси мавжуддир.

Шунингдек, мамлакатимизда 12 минг кишидан иборат олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган маданий-маърифий соҳа ходимлари фаолият юритмоқдалар. Барча вилоят ва туман ҳокимликлари қошида «Маънавият ва маърифат» марказлари ишлаб турибди.

Хўш, ана шундай салоҳиятдан қандай фойдаланилмоқда Таассуфки, мазкур имкониятлардан фойдаланиш ҳолати талаб даражасида эмас. Масалан, республикадаги клуб ва маданият уйлари, ахборот-ресурс марказлари, музейлар, маданият ва истироҳат боғларида ишловчи ўн минглаб малакали зиёлилар жамоатчилик фикрини шакллантиришга фаол хизмат қилишлари керак эди. Маданият вазирлиги тасарруфидаги мазкур ташкилотлар, ҳамиша ҳам туманлардаги маънавият ва маърифат марказлари билан бақамти, уйғун

ҳамкорликда фаолият юритмаётирлар. Жойлардаги маданий-маърифий муассасалар фаолияти оммага фақат санъат жанрларини тарғиб этиш, ёшларни бадиий ҳаваскорлик ишларига жалб этиш билан чекланиб қолмоқда Маълумки, клуб муассасалари, телевидение ёки газеталардан фарқ қилиб, конкрет аудитория, реал аҳоли гуруҳлари ўртасида бевосита иш олиб бориш имкониятларига эгадир. Аслида улар аҳоли билан жонли, юзма-юз мулоқотга киришиш, мафкуравий таъсир кўрсатиш имкониятларига кўра бошқа ижтимоий таъсир омилларидан устунроқ мавқега эгадирлар.

9.3. Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари

Социологик тадқиқотлар воситасида ўрганилган жамоатчилик фикрининг дахлсизлиги масаласининг нечоғли муҳимлигини теран англаш ва уни қадрият даражасида баҳолаш хам муҳимдир. Маълумки, телевидение ёки бошқа оммавий ахборот воситалари социологик сўров натижаларидан телевидение ёки газета манфаатлари йўлидагина фойдаланишга интиладилар. Жамиятнинг холис фикри сифатида социологик сўров натижалари минбарлари ташкил этилмаган. Учинчи муаммо жамоатчилик фикрини шакллантиришда миллий менталитет омилидан етарли фойдаланмай келаётганмиздир. Маълумки, ўзбеклар табиатан жамоавий халқ бўлишларига қарамай лидернинг ибратига, раҳбарнинг, обрў-мартабали шахсларнинг намунасига қараб иш қилувчи халқ ҳисобланадилар. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда жойлардаги обрў-эътиборли шахсларга таяниш, уларнинг руҳлантирувчи потенциалидан фойдаланиш имкониятига етарли даражада эътибор берилмай келинмоқда.

Социологик кузатувлар шундан гувоҳлик берадики, ҳозирги пайтда маҳаллалар, туманлар ва хатто ишлаб чиқариш корхоналаридаги маънавий-маърифий масалаларга бағишланган мажлисларда аксарият доимий қатнашувчи бир хил одамлар гуруҳи таркиб топиб қолаётганлиги ҳам эътиборга олиниши зарур. Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмини йўлга қўйиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1. Мамлакатимизда жамоатчилик фикрини фақат ўрганувчи эмас, балки уни шакллантириш ишлари билан ҳам бевосита шуғулланувчи олий малакали кадрлар тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи социология мутахассислигини алоҳида таълим йўналиши сифатида жорий этиш керак.

2. «Истеъдод» жамғармаси орқали олий ўқув юртларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларни ривожланган мамлакатларда

малака оширишлари, хориждаги иш тажрибаларини ўзлаштириш имкониятларини янада кенгайтириш лозим.

3. Ўзбекистон Фан ва Технологиялар қўмитаси кўмагида ахборот хавфсизлигини таъмиилаш борасида жамоатчилик фикрини шакллантириш мавзуида муаллифлар жамоаси илмий тўпламини тайёрлаш ва нашр этгириш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур ишга Фанлар Академиясидаги ижтимоий фанлар соҳасидаги етук олимлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини жалб этиш соҳанинг ривожига хизмат қилади.

4. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги жамоатчилик фикри ҳолатини оммага етказаётган даврий нашрларга барча ташкилот ва муассасаларни обуна қилишга эришиш зарур.

5. Ахборот хавфсизлигини маданият ва санъат соҳалари орқали Ўзбекистондаги минглаб клублар фаолиятини жойлардаги маънавият ва маърифат марказлари иши билан уйғунлаштириш, ягона маъмурий бошқарув тизимини йўлга қўйиш кун тартибидаги масала ҳисобланади.

6. Оммавий ахборот воситаларида социологик марказлар томонидан ўрганилган ижтимоий фикр натижаларини тезкор тарзда бериб бориш, аниқроғи тахририятлар манфаатларига бўйсундирмаслик ва уларнинг мазмунини яхлитлигича, бузмасдан эълон қилиш, социологик тадқиқотлар якунларининг даҳлсизлиги хусусида шартномалар имзоланиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида доимий эълон қилиб борилувчи «Социолог минбари» рубрикасини жорий этиш зарур. Доимий рубрика эса социологик тадқиқот натижаларини мунтазам равишда кетма-кет бериб боришни тақозо этади. Бу социологияга нисбатан реал таклиф бозорини юзага келтиради. Фан ва соҳа ривожига кенг йўл очилади.

7. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларининг юқори ва қуйи бўғинлари рейтинги мониторингини жорий этиш ва ҳар уч ойда холис социологик марказлар кўмагида мазкур нашрларнинг жамоатчилик фикридаги ижтимоий мавқеи даражасини аниқлаб бориш ҳамда матбуотда оммалаштириш ҳам бугунги кун талабларидан ҳисобланади.

8. Социологик марказлар фаолиятларини уйғунлаштириш мақсадларида уларнинг фаолиятларини координация қилувчи "Ўзбекистон Социологлари" миллий ассоциацияни тузишга кўмаклашиш керак.

Ахборот хавфсизлигини масаласида жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнларида миллий менталитетни ўзгараётган замон мантиғига мувофиқ равишда ўзгартириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Президентимиз «Тафаккур» журнали

бош муҳарририга берган интервьюсида ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятига доир сўзлаган нутқларида ва бошқа чиқишларида ёш авлод табиатида шижоат, ташаббускорлик, янгиликка интилиш, ғайратчанлик сингари фазилатларни шакллантириш хусусида тўхталган эдилар. Бу эса миллат менталитети таркибида мустақиллик, индивидуал ривожланишга эриша билиш хусусиятларини ривожлантиришни ҳам табиий равишда тақозо этади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, мафкуравий таъсирдан огоҳлик масаласида фаолият дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш заруратини кун тартибига қўяди.

Хуллас, мамлакатимиз Президенти халқимизни озод ва обод жамият барпо этиш ишларига қатьий азму қарор, шижоат билан киришишга даъват этмоқда. Бунинг учун эса кўпгина масалалар ечими ўзимизга боғлиқ эканлигини теран англамоғимиз, енг шимариб, ғайрат билан ишга киришмоғимиз лозим.

Ахборотни ҳимоя қилиш усуллари бу ахборотнинг конф-лиги, бутунлиги, тўлиқ ва очиқлиги, ички ва ташқи хавфларга қаршилик кўрсатишда қўлланиладиган усуллар, кучлар ва воситалар бирлашмаси.

Хавфсизликни таъминлаш шахснинг, ташкилот ва мамалакатнинг ички ва ташқи хавфлардан ҳимояланган ҳолати. Бу хавфсизлиги қуйидагича таъминланади:

-*хавфлардан огоҳлантириш* – бу ҳавсизлик таъминлашида қулланиладиган превентив чоралар;

-*хавфни борлигини аниқлаш* - реал ёки кутилиши мумкин бўлган хавфни назорат қилиш;

-*хавфни топиш* - реал хавфни ва аниқ жиноий ҳаракатни ўз вақтида аниқлаш;

-*жиноий ҳаракатнинг тарқалишининг олдини олиш* - аниқ жиноий ҳаракатни ва хавфни (маълум бир усул билан) бартараф қилиш;

-*оқибатларнинг ликвидицаияси* - етказилган зарарни бартараф этиш.

Ахборотни ҳимоя қилиш мақсадлари:

- ахборотнинг тарқалиши олдини олиш;
- яширин киришнинг тақиқланиши;
- бутунлиги, тўлиқлиги ва ҳақиқатлиги сақланиши.

Ахборотни узатаётганда ҳар хил кутилмаган ҳолат юзага келиши умукин. Масалан, хизматчининг, фойдаланувчининг рухсатсиз, ёмон ниятли ҳаракатлари, фойдаланувчи ёки хизматчининг хатолари, аппаратура ёки дастурларнинг ишламай қолиши, фалокатлар, ҳар хил авария ва хавфларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишини таҳлил қилган олимларимиз ҳимоя асосини ташкил этувчи тузулма ва концепцияларни қуйидагича тавсифлайдилар:

- саноат асосида ахборотни ҳимоя қилиш техник воситаларнинг кўплиги ва кенг ривожланганлиги;
- ахборотни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қиладиган, ихтисослашган фирмаларнинг кўплиги;
- ушбу муаммога қарашлар тизимини етарлича аниқ баёнлаш;
- аниқ муҳим амалий тажрибаларнинг мавжудлиги.

Шунингдек, маҳаллий ва хорижий матбуотнинг таъкидлашича, ахборотга қаратилган ёмон ниятлар қарши фикрнинг ўсишини кучайтиради. Тажриба шуни кўрсатадики, бунга қарши кураш учун муҳим ва мақсадли йўналтирилган жараённи, амалиётни ташкил этиш керак.

Бунинг учун аввало малакали мутахассислар, маъмурият, фойдаланувчилар, илмий ходимлар фаол қатнашишлари шарт. Бу масаланинг ташкилий томонини аниқлаб олиш керак. Чунки:

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш бир маратобалик тадбир бўлиб қолмайди ва у узлуксиз давом этадиган жараён;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳимоя воситлардан фойдаланилади. Агарда барча ҳимоя қилиш воситалари яъни, усуллар, услублар, меъёрлар бирлашсагина, катта натижа беради. Бу бирлашма ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими дейилади;
- АХТ да ички ва ташқи шароитга қараб бу тизимнинг фаолияти назорат қилинади, қайта янгиланади, керак бўлса қўшимча қилинади;
- ахборотни ҳимоя қилиш учун қаратилган қонун-қоидаларга фойдаланувчилар роия қилсагина ахборот ҳимоя қилинади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда *қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:*

- Аниқ бир маълумот олиш учун белгиланган тартибда ҳақ-ҳуқуқ бўлиши;
- Фойдаланувчи вазифани бажариш учун унга керакли минимал ҳуқуқни билиши. АХТ лар фойдаланувчиларига керакли бўлган маълумотлар берилиш керак;
- Ҳимоя қилувчилар озгина бўлса ҳам маълумотга эга бўлиш;
- Сир сақланаётган ахборотни баҳолаш даражаси таъминланиши;
- Ҳимоя воситаларининг ишдан чиқмаслигини назорат қилиш;

9.4. Конфиденциал ахборотнинг тарқалишини тўхтатиш

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда замонавий технологияларни ривожлантиришга қаратилган кўпгина қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу давлат ахборот инфраструктурасининг шаклланишида ижобий рол уйнайди.

Шунга қарамасдан кўплаб қўлланилаётган ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш тизимларидан фойдаланишда ҳимоя ва киришни чеклаш воситаларидан минимал ҳолда фойдаланилмоқда. Бунда миллий хавфсизликка таъсир қилувчи маълумотларнинг чиқиб кетиш ва давлат ахборот майдонига кириб келиш хавфи ўсиб боради.

Айрим давлатлар, халқаро уюшмалар ва трансмиллий корпорацияларнинг сиёсий ва иқтисодий фойдаларини кўзлаган мақсадда миллий ахборот ва телекоммуникацион системаларининг фаолият кўрсатишларида, ўз шартларини ўтказиб қўйиш бўйича геополитик урунишларида муайян мақсадлар кўриниб турибди. Айрим тузилмаларнинг диққат-эътибори асосан Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида ривожланишидаги, унинг геополитик ўрни, ҳарбий сиёсат, иқтисодий ислоҳотлар, илмий изланишларининг йўналишларидаги жараёнлар бўйича маълумотларни йиғишга қаратилган. Бундан ташқари иқтисодий, молия, савдо ва табиий-хомашё ва технология масалалари бўйича маълумотларни йиғишга ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, давлат муассасалари, корхоналари ва ташкилотларининг халқаро ҳамкорликларининг кенгайиб бориши давлат сирларининг чиқиб кетиши хавфини ҳам ошириб боради.

Ўзбекистонда охирги икки-уч йилда ахборотлар, ахборот эркинлиги, тамойиллари, ахборот эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг мурожаатлари, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш, интеллектуал мулк ҳуқуқлари, илмий потенциални ҳимоя қилиш, маданий бойликни асраш, сақлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қонунлар қабул қилинди. Энди бу қонунларни амалга киритишда, мана шу қонунларда кўрсатилган объектлар хусусан, ахборотни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни, жиноят кодексларини такомиллаштириш керак.

Қисқа вақтда эришилган натижалар ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилди. Албатта, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги доктрина ёки концепциянинг қабул қилиниши жуда ҳам ўринли ва манфаатли ҳисобланади. Мамлакатимизда катта ахборот марказлари, базалари, банклари шаклланиб бормоқда ва иқтисодиёт, молия, тижорат соҳасидаги институтлар, иш юритувчи субъектлар борки, дахлдор маълумотлар уларнинг бевосита розилиги билан ошкор қилиниши керак.

Фн, адабиёт, санъат соҳасида яратилган асарлар, интеллектуал мулкнинг, санъат мулкининг намуналари яъни, патентлаштирилган объектлар борки, буларга доир ҳуқуқлар ҳам ҳам сир сақланиши керак. Албатта, бу ерда қонун доирасида чеклашлар бор ва эркинликлар ҳам таъминланади.Умуман ҳар бир фуқаронинг маълум бир тафаккурга эга бўлиши орқали ахборотларни олиш ёки тарқатиш имкониятлари бор.

Мана шу нуқтаи назардан ҳам давлатнинг глобал ахборот майдони яъни, халқаро ахборот майдонида иштирок этишига оид, ахборот хавфсизлигини таъминловчи катта, узоқ муддатга мўжалланган ҳужжат қабул қилиниши керак.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, фуқароларнинг ахборот олиш эркинликларини таъминлаш, энг асосийси ахборот тўпловчи, таҳлил қилувчи, тарқатувчи идораларда яъни радио, телевидение, даврий нашлар, интернет тармоғи каби тизимларда ишлайдиган кадрларнинг тафаккурини кенгайтириш, уларни мавжуд қонунлар билан таништириш ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

XXI асрда ахборот майдонидаги кураш даврнинг сиёсатига айланиб бормоқда. Чунки қайси давлат биринчи бўлиб кўп, холис, объектив, ҳаққоний ахборот тарқатса бутун дунё миллатлари ва халқлари шу мамлакатга эргашади. Шу мамлакатдаги бўлаётган ўзгаришлар, ислоҳотлар ёки ривожланишни қўллаб-қувватлайди ва ўзининг муносабатини билдиради. Айни жиҳатдан бугун катта-катта завод, фабрикалар орқали ишлаб чиқарилаётган товар моддий бойликлар орқали даромад олинаётган бўлса, фақатгина интернетда ахборот базасини яратиш, ахборот технологияларини сотиш, айрибошлаш каби йўллар билан катта даромад олаётган мамлакатлар ҳам бор. Масалан, интернет учун дастурлар ишлаб чиқиш ёки юқори даражадаги технология воситаларини яратиш орқали даромад олаётган Голландия, Ҳиндистон, АҚШ, Германия каби мамлакатларнинг бутунжаҳон савдо тизимидаги, иқтисодиётдаги ўрни яхши маълум.

Республикамизда ахборот технологияларини ривожлантириш учун ахборот техникалари билан боғлиқ кадрлар сиёсатини ҳал қилишга қаратилган узоқ муддатли дастурлар қабул қилинган. Албатта, бу соҳани яхши биладиган кадрлар кўп бўлса ёшларга кўпроқ билим берса, ёшлар ахборот технологиялари тизимлари билан ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратилса, ахборот майдонида республиканинг манфаатларини таъминлашда, устувор ғояларни тарғиб қилишда улкан имкониятлар бўлади.

9.5. Резюме

Жамоатчилик фикри жамоатчилик онгининг ижтимоий кўриниши, фуқаролик жамияти ҳолатининг ўлчами сифатида намоён бўлади. Жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ўрганиш – мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жамоатчилик фикрини социологик усуллар билан ўрганиш

мамлакат аҳолисининг иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалалар бўйича ривожланиш даражасини белгилаб бериши мумкин.

9.6. Назорат учун саволлар:

?

1. *Жамоатчилик фикри тушунчасига таъриф Беринг?*
2. *Жамоатчилик фикрининг ўзгарувчан табиатини тавсифланг?*
3. *Ахборот интевенциясининг моҳиятини очиб Беринг?*
4. *Public relation нима?*
5. *Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳолати қандай?*
6. *Жамоатчилик фикри дахлсизлиги деганда нимани тушунасиз?*
7. *Ахборот хавфсизлигини таъминлашда маданият ва санъат соҳалари фаолияти қандай аҳамиятга эга?*
8. *Ахборот хавфсизликни таъминлашда жамоатчилик фикрини шакллантириш нималарни талаб қилади?*

10- МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни

1. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг мақсади. *Ахборот соҳасида мамлакатнинг миллий манфаатлари ва уларни таъминлаш, Ўзбекистоннинг ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг турлари, республикамизнинг ахборот хавфсизлик ҳолати ва уни кучайтириш бўйича вазифалар, жамиятнинг турли соҳаларида ахборот - психологик хавфсизлигининг хусусиятлари ва уни таъминлаш учун керакли чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ва ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги.*

2. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш вазифалари ва йўналишлари. *Давлат сиёсатида мамлакат аҳолиси ҳамда жамиятнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар, ахборот-психологик хавфсизликка эришишнинг ташкилий асослари.*

3. Давлат ахборот сиёсати ва уни амалга оширишнинг шакл ва усуллари. *Ўзбекистонда ахборот сиёсатининг муаммо ва ютуқлари, ахборот сиёсатини амалга ошириш шакл ва усуллари, ахборот сиёсатининг ҳуқуқий, сиёсий асослари, чет эл оммавий коммуникация воситаларининг таъсири остида қатъий психологик мутаносибликка эришишнинг йўли ва воситалари, Ўзбекистон халқларининг тарихий, маданий, маънавий бойликларини маҳаллий ОАВ фаолиятининг устувор йўналиши сифатида тасдиқлаш, давлат сиёсатини ахборий таъминлаш, маҳаллий аҳолига ва чет эл фуқароларига демократлаштириш ва жамият янгиланиш жараёнлари, ички ва халқаро ҳаётнинг долзарб ҳодисалари бўйича Ўзбекистоннинг тутган ўрни ҳақида ишончли, тўғри ахборот бериш.*

4. Ўзбекистон Республикасида маълумотларни ҳимоялашнинг меъёрий-ҳуқуқий ва қонунчилик асослари. *Маълумотларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари, маълумотларни ҳимоялашдаги қонунчилик ҳужжатлари.*

Асосий тушунча ва атамлар: ахборот – психологик хавфсизлик, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш йўналишлари, ахборот сиёсати, ахборот сиёсатининг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий омиллари, халқ, фуқаро, ахборот макони, миллий қизиқиш, миллий хавфсизлик.

10.1. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг мақсади

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш ***мақсади*** қуйидагилардан иборатдир:

– халқ, фуқаро, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий элита руҳиятига таъсир ўтказишнинг олдини олиш;

– геосиёсий рақиблар томонидан сиёсий элита доирасида ва халқ орасида ахборот идрок қилинишини манипуляция қилиш ҳаракатларига қарши туриш;

– ахборот маконида (глобал, регионал, МДҲдаги давлатлар орасида) миллий қизиқишларини, мақсадларини тадбиқ эта олиш;

– Ўзбекистон жамиятини миллий хавфсизликнинг муҳим муаммоларига муносабатини доимий мониторингини олиб бориш (ижтимоий фикр диагностикаси);

- тазйиқ ўтказмоқчи бўлган давлатлар экспансиясига қарши диний-маданий соҳада қарши тура олиш.

10.2. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш вазифалари ва йўналишлари

Ўзбекистон Республикасининг ахборот - психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида юзага келган вазият туфайли зудлик билан қуйидаги вазифалар ечими талаб қилинади:

– ушбу соҳада давлат сиёсатини асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва бу сиёсатни амалга оширувчи механизмларни яратиш;

– ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш тизимини яратиш ва такомиллаштириш;

– ушбу соҳа дастурини ёки концепциясини ишлаб чиқиш;

Ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги жавобгарлик

Амалдаги қонунларда фуқароларнинг, шахснинг шаъни ва қадр қимматини бузиш, туҳмат қилиш, шунингдек, ахборот ресурсларини, тизимларини издан чиқаришда маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу интернет журналистикаси ҳам дахлдор бўлиш лозим. Масалан, "Ўзбекистонда болалар ўлими биринчи ўринга чиққан" деган ёлғон ахборот кетиши мумкин. Маълумки, ҳар қандай давлатда аҳоли сонига нисбатан болалар ўлими ёки ногиронлик масалалари бор нарса, бу

ижтимоий муаммо ҳисобланиб, доимий равишда давлат тузилмалари орқали ушбу муаммони ҳал қилиб боради. Мана шундай ёлғон ахборотнинг тарқатилиши мамлакатнинг халқаро миқёсидаги обрўсини туширишi мумкин. Битта журналист эфир орқали кетадими ёки даврий нашрларда бериладиган маълумот бўладими, келажакда бошқалар учун фойдаланадиган кучга айланиб қолиши мумкин. Унинг хатарли томони шу.

Объектив холис, ижобий, кишининг руҳини тетиклаштирувчи ахборотлар тарқатиладиган бўлса, давлат обрўсини кўтаришга олиб келади. Маслан, 2003 йил Халқаро болалар жамғармаси ЮНИСЕФ томонидан Ўзбекистондаги болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ жуда катта ҳисоботи эълон қилинди. Дунё бўйича Ўзбекистонда болалар ўлими, болалар ногиронлиги жуда паст ўринда экан. Демак, соғлом авлод масаласининг давлат сиёсатига кўтарилиши ўзининг натижасини берди.

Бу хабар ЮНИСЕФ нинг ёки БМТ аъзоси бўлган барча давлатларга тарқатилганда албатта, жуда катта қизиқиш пайдо бўлади. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар айниқса ёш авлодни соғломлаштириш, тарбиялаш, тафаккурини ошириш билан боғлиқ бўлган сиёсатнинг амалда исботи мана шу ахборот орқали билинди. Албатта журналистлар мавжуд илмий-адабий, тарихий материаллар асосида ҳаққоний ахборотни тарқатадиган бўлса, бу журналист учун ҳам, жамият ҳам манфаатли бўларди.

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолотларини яратиш, шахсий ҳаётига таалуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига таалуқли ахборотни, худди шунингдек, шахсий ҳаётига таалуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотлардан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу

ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлиги учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки тахаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Демак, ҳар бир шахсга, жамиятга, умуман республика худудига нисбатан тарқатиладиган ахборотларнинг тўғрилиги ва объективлиги жуда муҳим ҳисобланади. Мана шу жиҳатдан шахснинг хавфсизлигини, жамият хавфсизлигини, давлат хавфсизлигини таъминлаш деган масалалар ёки институтлар борки, улар ўша тарқатиладиган ахборотнинг хавфсизлик даражасини пасайтиради. Қолаверса, объектив, ҳаққоний ахборотлар орқали шахсга, жамиятга ахборот тарқатиш орқали уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи қўйилади.

Ҳимоя қилиш учун авваломбор, ўша ахборотнинг эркинлигини таъминлаш керак. Демак, "Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолотлари тўғрисида" ги Қонунида дастлаб ахборотларнинг эркинлиги, ахборотга эгалик ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, ахборотларни тўплаш, тарқатиш субъектлар, ахборотга тегишли объектлар, ахборотларни олиш ва бериш муддатлари масаласи, ўша давлат органлари, мансабдор шахсларни, фуқаролар умуман дейлик хорижлик фуқароларга ахборот олишда эркинлик яратиш кафолотлари билан боғлиқ бир қатор моддалар киритилди. Мана шу эркинликларни, кафолотларни таъминлаш учун шахснинг, жамиятнинг, давлатнинг ахборот билан боғлиқ бўлган хавфсизлигини таъминлаш зарурияти биринчи марта ўша қонунда кўрсатилди. Ҳақиқатдан ҳам кўп хорижий экспертлар ёки ахборот ҳуқуқи билан шуғулланувчи мутахассислар ахборот хавфсизлигини таъминлаш шартми, ахборот бу объектми, бунинг нима зарурияти бор эди деган фикрларни билдиришади. Ахборот-бу даромад манбаи. Ахборот - бу жамиятнинг соғлом фикр юритиши учун у ёки бу кўринишдаги таъсир ўтказадиган куч ҳисобланади. Айниқса, ўсиб келаётган ёшлар ҳали тафаккури яхши шаклланмаганлиги учун уларга тўғри, холис ҳаққоний ахборот бериш давлатнинг манфаатдорлиги борлигини очиқ айтиш керак. Агарда, бугун дунёда бўлаётган ҳар хил талаблар, ҳар хил ахборотлар, воқеалар, ҳодисалар ҳақидаги хабарларни доимий равишда республика ҳудудида тарқатав бу аҳоли орасига қурқув, ваҳима ҳиссини солиши мумкин. Ўз кўзи билан кўрмаган, бевосита воқеалар гувоҳи бўлмаган, ҳодиса-фактларга нисбатан кишиларда қандайдир ғайритабиий дунё қарашнинг шаклланишига олиб келади. Биз келажакда умид руҳида тарбиялаётган фарзандларимизга тўғри ҳаққоний, уларни онги тафаккури даражасида, улар ҳазм қила оладиган даражадаги ахборотни беришимиз керак. Шунинг учун «Ахборот олиш эркинлиги

принциплари ва кафолотлари тўғрисида"ги Қонунда биринчи марта шахс, жамият, давлатнинг ахборотлар билан боғлиқ хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мамлакатга кириб келаётган хавфли, ёлғон, нахолис ахборотлар ҳам борки, биз мана шу ахборотлардан шахсни, жамиятни, давлатнинг ўзини ҳимоя қилишимиз керак. Ҳимоя қилиш учун авваломбор, ўша ахборот эркинлигини таъминланиши зарур. Демак, "Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолотлари тўғрисида"ги Қонунида дастлаб ахборотларнинг эркинлиги, ахборотга эгалик ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, ахборотларни тўплаш, тарқатиш субъектлари, ахборотга тегишли объектлар, ахборотларни олиш ва бериш муддатлари билан боғлиқ бир қатор моддалар киритилди. Мана шу эркинликларни, кафолотларни таъминлаш учун шахснинг, жамиятнинг, давлатнинг ахборот билан боғлиқ бўлган хавфсизлигини таъминлаш зарурияти биринчи марта ўша қонунда кўрсатилди.

10.3. Давлат ахборот сиёсати ва уни амалга оширишнинг шакл ва усуллари

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

— ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

— давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

— халқаро ахборот тармоқлари ва интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

— давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

— ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқаришини ташкил этиш;

— ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

— дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

— тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларини жалб этиш учун қўлай шароит яратиш;

— кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

Ахборот идрок этувчи субъект ёки техник қурилма томонидан қабул қилинибгина қолмасдан, дастлабки манбадан ажралган бўлиши керак. Натижада ахборот устида амаллар бажарилади. Бу амаллар тўплами ахборот жараёнини ташкил этади.

Ахборот жараёнлари – бу ахборотларни қабул қилиш, йиғиш, ишлов бериш ва узатиш жараёнидир. Ахборот доимо моддий-энергетик шаклда, жумладан сигнал кўринишида намоён бўлади. Сигнал турли-туман физик табиатга эга бўлиши мумкин. Ахборот жараёнида, сигнал манбадан қабул қилувчига, ундан эса манзилга ахборотни ташиш вазифасини бажаради. Ахборот узатиш жараёни — кўп босқичли бўлиб, сигнал ҳар бир этап оралиғида физик хусусиятини ўзгартириши мумкин. Бунда ахборотни ташувчи сигналнинг ўзаро бир қийматлилиги, узатишнинг объективлиги ва батафсиллиги, қабул қилувчи субъектнинг қабул қилиш имконияти тўғрисидаги масалалар юзага келади. Ахборот узатилиши - бу ахборот жараёнининг бир қисмини ташкил этади. Аслида ахборот жараёни у ёки бу манбада жойлашган ахборотни қабул қилиш ва қайд этишдан бошланади. Ахборот турли шовқинлардан ажратилади. Сигнални шаклланиш жараёни тугалланиб, унинг ёрдамида ахборот узатилади. Сигнал дискрет шаклда ифодаланиши мумкин бўлган аниқ тузилишга эга. Компьютернинг ишлаши дискретлаштирилган сигналларни узатиш тамойилига асосланган бўлиб, у формал-мантиқий амалларни бажаради. Объектлар образини субъектив кабул қиладиган инсондан фарқли ўлароқ, компьютер объектнинг турли белгилари кодларини қабул қилади.

Инсон ва компьютернинг ахборотни қабул қилишдаги принципиал фарққа қарамасдан иккаласида ҳам ахборот жараёни маълумотни кабул қилиш ва уни ажратишдан бошланади. Ахборотнинг ўзи — электр, акустик, оптик ва шулар каби физик каналлар орқали узатиш учун қулай бўлган сигнал мазмунидир.

Ахборотни қабул қилиш — уни бошқа субъект ёки қабул қилиш қурилмаси томонидан иккиламчи қабул қилинишидир. Ахборотларга ишлов бериш инсон ёки техник қурилма, жумладан компьютер томонидан амалга оширилади. Компьютерда ахборотларга ишлов беришнинг маъноси - қатъий дастур ёки алгоритм бўйича келаётган маълумотларни рақамли ёки аналогли қилиб ўзгартиришдир. Маълумотларга ишлов бериш ва бирор масалани ечиш учун компьютерда

унча кўп бўлмаган ўзгарувчилар тўплами бўлиши керак. Компьютердан фарқли ўлароқ, инсон маълумотларни фикран ва мантиқан қайта ишлаш қобилиятига эга. Ахборот жараёни истеъмолчига ахборотни тақдим этиш, яъни турли кўринишдаги тасвирларни намойиш ва қарор қабул қилиш билан тугалланади. Маълумотларни сақлаш муҳим босқич бўлиб, у бошқа босқичлар оралиғидаги ҳолатни эгаллайди ва ахборот жараёнининг ихтиёрий этапида амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, компьютер маълумотни қабул қилишдан бошлаб то унга ишлов беришнинг тугалланишигача бўлган ахборот жараёнининг ихтиёрий босқичида қўлланилади. Ҳар бир ахборот жараёнининг мазмуни ушбу ахборотга ишлов берилаётган соҳа фаолияти билан аниқланади. Ахборот жараёнлари мураккаблик даражаси билан фарқланади.

Ахборот жарёнининг анча содда бўлган кўриниши - маълумотлардан нусха олишдир. Бошқарув жараёнлари эса энг мураккаб кўринишига тааллуқлидир.

Бошқарув — бу ахборот жарёни бўлиб, қўйилган мақсадга эришишга олиб келувчи тизим ҳолатининг ўзгаришидир. Бунда тўғри ва тескари боғланиш тамойили амалга оширилади. Тамойил фақатгина кутилаётган натижаларни ўрнатишнигина эмас, жараённинг ҳаққоний боришининг ҳам ҳисоб ва назоратини олиб бориш ҳамда тизимни мўлжалланган параметрларидан энг кам оғишига эришиш мақсадида кутилаётган ўзгаришлар йўналишида тизимга таъсир кўрсатиш имконини беради.

Маълумотлар устида амалларни бажариш қидириш, кодлаш, ҳимоялаш, сақлаш ва бошқа муаммоларни келтириб чиқаради. Амалдаги бошқарув тизимлари ўта мураккаб ва жуда хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Улар бошқарув ахборотлари ва қайта алоқага эга бўлган бир неча каналлардан тузилган бўлиши мумкин.

Тизим деганда бир вақтни ўзида ҳам бир бутун, ҳам мақсадга эришиш йўлида турдош бўлмаган элементлар тўплами бирлашмаси сифатида қараладиган ҳар қандай объект тушунилади. Тизимлар бир-биридан тузилмасига ҳамда унга қўйилган асосий мақсадларига кўра фарқаланади.

Информатикада «тизим» тушунчаси техник воситалар ва дастурлар йиғимларига нисбатан кўпроқ қўлланилади. Тизим тушунчасини компьютернинг курилмаларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бундан ташқари, аниқ масалаларни ечишга мўлжалланган, ҳужжат ишларини юритиш ва бошқарув ҳисоб-китоблари процедуралари билан тўлдирилган кўплаб дастурлар ҳам тизим бўлиб ҳисобланиши мумкин.

«Тизим» тушунчасига «ахборот» сўзини қўшилиши унинг яратиш ва фаолият юритиш мақсадини англатади. Ахборот тизимлари ихтиёрий

соҳада қарор қабул қилиш жараёнида зарур бўладиган маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, қидириш ва узатишни таъминлайди. Улар муаммоларни таҳлил қилиш ва янги маҳсулотларни яратишга ёрдамлашади.

Ахборот тизимлари - маълумотларни сақлаш, қидириш ва фойдаланувчилар сўровига биноан уларни тақдим этиш вазифасини бажарувчи тизимдир.

Ахборот тизимларининг замонавий талқини шахсий компьютерни ахборотларни қайта ишлашда қўлланиладиган асосий техник восита сифатида назарда тутади. Агар, ахборотга ишлов беришда инсоннинг роли инобатга олинмаса, ахборот тизимларининг техник жиҳатдан тадбиқ этилиши ўз-ўзидан ҳеч қандай маъно касб этмайди.

Бошқарув ахборот тизимлари - маълумотлар, иқтисодий - математик методлар ва моделлар, техник, дастурий ва бошқа технологик воситалар ва мутахассислардан иборат бўлиб, маълумотларни қайта ишлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун мўлжалланган.

Ахборот бошқарув тизими стратегик ва тактик режаларнинг жорий масалаларини ва ташкилотни тезкор бошқаришни ҳал этмоғи лозим. Автоматлаштирилган ахборот тизимлари иш фаолияти давомида олинган тезкор маълумотлар асосида раҳбар ташкилотнинг ресурсларини (моддий, молиявий ва кадрлар) режалаштириши, балансга келтириши, ресурслардан фойдаланиб, бошқарув қарорларининг натижаларини ҳисобини олиши ва баҳолаши, қўиилган вазифани бажарилиши устидан тезкор бошқарувни ўрнатиши ва шу каби ишларни амалга ошириши мумкин.

Бошқарув ахборот тизимлари қуйидаги имкониятларни беради:

– маълумотларни тезкор йиғиш, узатиш ва қайта ишлаш ҳисобига қабул қилинган қарорларнинг асосланганлик даражасини ошириш;

– ташкилот бошқаруви бўиича ўз вақтида қарор қабул қилинишини таъминлаш;

– барча раҳбарлар таркибига ягона ахборот фондидан зарурий маълумотларни ўз вақтида тақдим қилиниши эвазига бошқарув самарадорлигини оширишга эришиш;

– бошқарувнинг ҳар қандай сатҳида ва турли тузилмалар бўлинмаларида қабул қилинган қарорларни мутаносаблаштириш.

Бошқарув ахборот тизимларини таснифлаш бошқарув жараёнларининг турларига, бошқарув сатҳига, ўрганилаётган объектнинг фаолият соҳасига ва объектнинг ташкил этилишига, бошқарувнинг автоматлаштирилганлик даражасига боғлиқ.

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари — турли-туман ташкилотлар бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган,

автоматлаштирилган тарзда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатишни таъминловчи инсон-машина тизимидир.

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари, маълумотларни қайта ишлаш бўйича барча амаллар автомат тарзда, инсон аралашувисиз, лекин унга назорат вазифалари қолдирилган ҳолда бажарилиши билан тавсифланади. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг асосий ташкил этувчиси ахборот технологиялари (АТ) бўлиб, унинг такомиллашуви ахборот тизимларининг ривожланиши ва фаолияти билан узвий боғлиқдир.

Автоматлаштирилган ахборот технологияларининг асосий мақсади — дастлабки маълумотларни қайта ишлаш воситасида янги сифатга эга бўлган ахборотларни олиш бўлиб, шунинг асосида оптимал бошқарув қарорларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Бунга ахборотнинг интеграциялашуви, унинг долзарблиги ва бир-бирини инкор этмаслигини таъминланиши, бошкарув аппарата фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг сифат жиҳатдан янги шаклларини жорий қилиш ва ишлатиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Ахборот технологиялари қайта ишланаётган ахборотлар ҳажмининг шиддат билан ортишига қарамасдан бу ахборотларни қайта ишлаш муддатини сезиларли қисқартирилишига олиб келади. АТ бошқарувда ахборот ресурсларидан фойдаланиш жараёнида энг муҳим ташкил этувчиларидан ҳисобланади.

Ахборот технологиялари учун автоматлаштирилган ахборот тизимлари - маълумотларни ўзгартириш учун қўлланиладиган восита ваусуллардан ташкил топган муҳитдир. Ахборот технологиялари ахборот тизимида айланувчи ахборотлар устида бажариладан аниқ регламентланган қоидалардан иборат жараёндир.

Ахборот технологиялари ташкилий бошқарув ахборот тизимларининг асосий ташкил этувчиси ҳисобланади, у бевосита

Ахборот тизимлари ва ахборот технологияларини яратиш мураккаб лойиҳалаштириш жараёнидир. У ташкилотда янги яратилаётган ахборот - технологик муҳит орқали бошқарув аппарата фаолиятини қисман ёки тўлиқ қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади. Шу сабабли лойиҳалаштиришнинг мақсади лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва ташкилот бошқарувининг инсон-машина тизимини жорий этишдан иборат. Бундай тизим асосини мутахассис-менеджерларга маълумот жиҳатдан хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган натижавий ахборотни олишнинг автоматлашган технологияси ҳамда уларни реал вақт режимида асосланган қарорлар қабул қилишлари учун кўпвариантли ҳисоб-китоблар билан таъминлаш ташкил этади.

Лойиҳалаштириш жараёнида ИИО лари бўлинмасининг муҳим бўлган тавсифлари аниқланади, унинг ички ва ташқи ахборот оқимлари

ўрганилади, ўрганилаётган тизим ва уни элементларининг математик ва физик аналоглари яратилади, инсон ва бошқарувнинг техник воситаларининг ўзаро муносабат шароитлари ўрнатилади. Асосий эътибор, ахборот тизимларининг умумий архитектурасини батафсил ишлаб чиқиш ҳамда унинг алоҳида объект ва элементлари бўйича лойиҳа қарорлари, уларнинг таҳлили, амалий апробацияси ва жорий этилишига қаратилади.

Ахборот тизимларини технологик жиҳатдан қараб чиқилганда бошқарув аппаратини алоҳида ажратиш мумкин. Қолган ташкил этувчилар — ахборот технологиялари, функционал масалаларни ечишнинг ахборот тизими (ФМЕАТ) ва қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизими (ҚҚҚҚТ) — ахборот ва технологик жиҳатдан ўзаро боғланган бўлиб, ахборот тизими тузилмасининг асосини ташкил этади.

Ахборот технологияларининг лойиҳалаштириш объекта сифатида, маълумотларни йиғиш, узатиш, тўплаш ва сақлаш процедурасини амалга оширувчи, уларни фойдаланувчига қулай кўринишда қайта ишлаш ва ҳисоб-китоблар натижаларини шакллантирувчи таъминот тизимлари олиниши мумкин.

Инсоният замонавий тараққиётининг бугунги таҳлили глобал информацион жамиятнинг бўсағасида турганлигимизни тасдиқлаётир. Жамиятдаги шиддатли ўзгаришлар ижтимоий ва шахсий ҳаётда улкан эврилишларни назарда тутмоқдаки, бу шубҳасиз, информацион жамиятнинг шаклланиш шароитида аниқ бир ўлчамга эга бўлган давлат ахборот сиёсатига заруриятни кучайтиради. Айниқса, унинг аҳмияти ахборий кураш кучайган пайтда янада сезилади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот соҳасидаги давлат сиёсати ахборот хуружлари кучайган бир даврда қатор ташқи давлатлар томонидан ахборий уруш концепцияларининг ишлаб чиқилишини ташқи таҳдид даражасида кўриб чиқишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон давлат ахборот сиёсатини амалга оширишнинг асослари бўйича давлат дастурининг ишлаб чиқилиши давлат ахборот сиёсатининг ахборот хуружлари даврида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг асосий компоненти сифатида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда таҳлиллар бугунги ахборот сиёсатининг метод ва шаклларида умумий принциплардан фойдаланишнинг самараси паст эканлигини кўрсатмоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг давлат бошқаруви методлари ва шаклларини талқин этишнинг долзарблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, бугун Ўзбекистон ахборот хуружларига қарши тура оладиган давлатнинг самарали тизимини яратишга муҳтож. Зеро, қатор

хорижий давлатлар томонидан олиб бориладиган ўзига хос махсус ахборий-психологик урушнинг хусусиятлари бизга маълум.

Иккинчидан, ахборот сиёсатини тиғиз ахборотлашган жамият муаммоларини назарда тутган ҳолда ҳозирги замонавий талаблардан келиб чиқиб, янгилаш, модернизация қилиш зарур. Ахборот орқали юзага келадиган мафкуравий можаролар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси жамиятни салбий ахборий мафкуравий хуруждан ишончли сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизмини яратиш билан белгиланади. Ҳар бир янги ахборий мафкуравий можаро ҳимоя қилинаётган жамият учун янги таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин. Демак, мафкуравий таҳдид қанча кўп бўлса, жамиятда қўрқув, ҳадик ва ишончсизлик шунча кўп бўлади. Ана шундай маънавий, руҳий, ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, жамият кайфиятини мувофиқлаштириб, йўналтириб, бошқариб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тушунчаси маълум бир халқ, миллат, мамлакат ҳаётида жиддий ижтимоий хавф туғдириши мумкин бўлган замонавий - руҳий ахборот технологиялари имкониятларидан тинчлик ва барқарор тараққиёт йўлида унумли фойдаланиш, уни бошқариш, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий манфаатларга сиёсий тус бермаслик усулларидан фойдаланишни тақозо этади.

Бизнинг назаримизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш сиёсати – бу бевосита сиёсий можароларнинг олдини олиш, энг аввало инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқароларо муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантириш, замонавий инсонпарвар тафаккурни, ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик қобилиятларини шакллантиришни тақозо қилади.

Жамиятни бошқариш, ҳозирги замон меъёрлари асосида кишилик тараққиётини таъминлашнинг янги усул ва услубларини қидириб топиш зарур. Жумладан сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ахборот тизимини бошқариш каби қатор, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган йўналишларда бошқарувнинг энг мақбул йўлни топиш, бевосита ҳокимиятга ишончни тула шакллантириш, жамият ва давлат тараққиётини таъминлашда фуқаролар якдиллигини маънавий ва ғоявий жиҳатдан бирлигини таъминлаш зарур.

Тўртинчидан, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси маълум бир халқ, миллат, мамлакат ҳаётида жиддий ижтимоий хавф туғдириши мумкин бўлган замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан тинчлик ва барқарор тараққиёт йўлида унумли фойдаланиш, уни бошқариш, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий манфаатларга сиёсий тус бермаслик усуллардан фойдаланишни тақозо этади. Жамият шу даражада

шаклланиши лозимки, унинг аъзолари тиғиз ахборотлар бозоридан умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотнигина танлаб олсин. Ахборот олиш кафолати бу бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланмоғи лозим. Ана шундай шароитда қандай мазмундаги ахборотни тарқатишни ман этиш, жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи, порнография, маиший бузуқлик, шахслар мавқеига, обрўсига ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг норасмий, виждон билан боғлиқ бўлган, соғлом ақл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрлари вужудга келади.

10.4. Ўзбекистон Республикасида маълумотларни ҳимоялашнинг меъёрий-ҳуқуқий ва қонунчилик асослари

Амалдаги қонунчилик мавжуд ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) ривожланиш даражасини тартибга солади, телекоммуникация ва ахборот технологиялари бозорига кириш тартибини аниқлайди, бу бозордаги субъектларнинг умумий фаолият тамойилини ўрнатади, уларнинг солиқ тўлаш шартларини, қонунчилик бузилишига жавобгарлик даражасини белгилайди. Ҳозирги кунда ушбу соҳа фаолияти 17 тадан ошиқ қонунлар, жумладан Конституция, фуқаролик, жиноий ва солиқ кодекслари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинади.

Қуйида Ўзбекистоннинг АКТ соҳасидаги сиёсатини аниқловчи махсус қонунлар рўйхати келтирилган:

– "Алоқа тўғрисида"ги Қонун;
– "Телекоммуникация тўғрисида"ги Қонун;
– "Радиочастота спектри ҳақида"ги Қонун;
– "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун;
– "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонун;
– "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонун;
– "Муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқ тўғрисида"ги Қонун;
– "Айрим фаолият турларни лицензиялаш тўғрисида"ги Қонун;
– "Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси учун дастурларни ҳуқуқий қўриқлаш тўғрисида"ги Қонун;
– "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонун;
– "Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида"ги Қонун;
– "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун.

Қонунчилик блокининг катта қисмини Президент фармонлари ва давлат қарорлари ҳамда АКТнинг ривожланишини тартибга солиб турувчи соҳавий меъёрий актлар ташкил қилади. Ахборотлаштиришнинг янги хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида», янги таҳрирдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

АКТнинг ривожланиши билан ахборот технологияларидан фойдаланиб давлат ва инсонлар зарар етказиши мумкин бўлган ноқонуний харакатларни содир этиш хавфи ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 майдаги ПФ - 3080 - сонли Фармони, Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютер-лаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора - тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 6 июндаги 200-сонли Қарорлари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштиришни ривожлантириш концепцияси»га асосан қуйидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифалари аниқланган:

– ахборот хавфсизлиги соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

– Ўзбекистон Республикасида ахборот ва компьютер технологиялари соҳасидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратиш ва маълумотлар узатиш тармоғига киритилган ҳимоялаш воситаларининг самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб беришини текшириш мақсадида экспертиза ўтказиш ҳамда ахборотларни ҳимоялаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- ахборотларни криптографик ҳимоя қилишнинг воситаларини ишлаб чиқиш ва маълумотлар узатиш тармогида ҳамда Интернет тармогига киришда ахборотларни ҳимоялаш воситалари тизимини қўллаш;

– киберхавфсизлик маданиятини жорий қилиш ва қўллаш;

– шахсий ҳаётнинг даҳлсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш.

Бу вазифаларни бажариш ахборот ресурсларини бутунлигини таъминлашга, ноқонуний йўқ қилиш, шаклини ўзгартириш, бузиш, нусха олиш, ахборотни тўсиб қўйиш ҳамда бошқа ахборот тизим ва тармоқларига ноқонуний аралашишнинг олдини олишга омил бўлади. Ҳукумат томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги

фаолиятларни ташкиллаштириш ва такомиллаштириш ҳамда ахборот хавфсизлиги масаласи бўйича қатор қарорлар қабул қилинган.

Миллий ахборот-коммуникация тизимлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2005 йили Компьютер инцидентларига жавоб бериш хизмати (UZCERT) ташкил этилган.

UZ-CERT миллий ахборот тизими ва Интернет тармоғи сегментида компьютер инциденти (можораси) бўйича ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилишни таъминловчи, фойдаланувчига ахборот хавфсизлигини бартараф қилишда маслаҳат бериш ва техник кўмаклашиш бўйича ягона марказ ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлиги бўйича UZ-CERTнинг статистик маълумотига кўра:

– 20% ноқонуний ахборот олиш, форумга тўғри келади;

– 35% ноқонуний ахборот олиш администраторнинг эътиборсизлиги натижасида содир этилган. Администраторлар серверда фойдаланилмайдиган стандарт паролларни ўз ичига олган ёзувларни қолдирганлар ёки сайтни бошқаришда оддий пароллардан фойдаланганлар;

– 15% ноқонуний ахборот олиш, одатда буюртма асосида дизайн-студия томонидан ишлаб чиқилган веб-илованинг бошлангич кодидаги хато ва камчиликлар натижасида амалга ошган;

– 20% ноқонуний ахборот олиш, фойдаланувчиларни идентификацияловчи ахборотларни ва уларнинг шахсий маълумотларини, жумладан паролини ўғирлаш учун мўлжалланган зарар келтирувчи кодли дастурларни почта орқали жўнатиш ҳисобига содир бўлган;

– 10% ноқонуний ахборот олиш сервердаги дастур таъминотининг заифлиги ва дастур версияларининг вақтида янгиланмаганлиги ҳисобига содир бўлган. UZ-CERT доирасида интернет тармоғи миллий сегменти фойдаланувчларига ўз веб-сайтларининг ахборот хавфсизлиги билан таъминланганлик ҳолатини текшириш имконини берувчи UZ-CERTified дастури ишлатилмокда.

Ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик воситалар ва криптографик тизимдан фойдаланган ҳолда махфий ёки давлат сирларидан иборат бўлган маълумотлар баён этилган ахборотни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекитон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 3 апрель 614-сонли қарорига асосан Узбекистан Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ахборотни криптографик муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ва маҳсулотлар (хизматлар)ни сертификатлашни таъминловчи ваколатли орган ҳисобланган.

10.4. Резюме

Ахборот макони тобора кенгайиб бораётган бугунги кунда фуқароларни ахборот хуружлари ва таҳдидларидан ҳимоялаш ҳар бир ҳуқуқий демократик давлатнинг бош масаласи бўлиб қолмоқда. Чунки оммавий ахборот воситаларидан айниқа интернет маълумотларидан жумладан, порнографик, деструктив руҳдаги сайтлардан фойдаланиш бугунги кун ёшларининг маънавий, ахлоқий тарбиясига салбий таъсир этаётганлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Ушбулардан келиб чиқиб, фуқароларни ахборт хуружларидан ҳимоялаш ва ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш чора тадбиларларни ишлаб чиқишда ушбу мавзуда алоҳида аҳамиятга эга бўлган масалалардандир.

10.5. Назорат учун савол ва топшириқлар

?

1. *Давлат ахборот сиёсатининг шакл ва усуллари деганда нимани тушунасиз?*
2. *Шахснинг ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқ ва эркинликларига нималар киради?*
3. *Ахборот хавфсизликни таъминлашдаги жавобгарлик деганда нимани тушунасиз?*
4. *Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг вазифалари нималардан иборат?*
5. *Ахборот соҳасида давлат сиёсати нимани англатади?*
6. *Ахборот соҳасида миллий қизиқишларни ҳимоялаш деганда нимани тушунасиз?*
7. *Ахборот макони дегандаани тушунасиз?*
8. *Ахборий таҳдиднинг миллат, давлат, халқ ҳаётига салбий таъсир ўтказишини қандай тушнасиз?*
9. *Давлат ахборот сиёсатининг шакл ва усулларига нималар киради?*
10. *Давлат ахборот-психологик хавфсизлигининг мақсад ва вазифалари нималадан иборат?*

11-МАВЗУ. АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ВА ИНТЕРНЕТ

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни

1. Компьютер, интернет ортидаги муаммолар. *Компьютер, интернет технологияларининг инсоният ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, компьютер ва интернет технологияларининг шахс руҳияти ва ҳолатига салбий таъсири.*

2. Ахборот хуружлари ва унда интернетнинг аҳамияти. *Интернетдан гаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш, интернетдаги маълумотларнинг гаразли ва беғарразлигини англаш ва англаб етиш психологияси.*

3. Интернет тармоқларида техник бузилиш муммолари. *Интернет тармоғидаги бузилишлар ва унинг асоратлари, хаккерлар ва уларнинг мақсад, вазифа ва психологияси.*

4. Интернет ва ундан фойдаланиш маданияти. *Интернет тармоғидан фойдаланиш маданияти, ахборот истеъмоли маданияти ва интернет, интернетнинг шахсга нисбатан ижобий ва салбий таъсири.*

11.1. Компьютер, интернет ортидаги муаммолар

Ривожланиш, кашфиётлар инсонни доимо ҳайратга солиб келган. Айримлари маълум даврдагина машҳур бўлиб, кейин омма эътиборидан қолаётган бўлса, баъзилари бутун инсониятни ҳайратга солиб, ўзнинг орқасидан эргаштирмоқда. Табиийлик қонунига кўра ҳайрат билан бошланган янгилик бироз вақт ўтгач, ҳаётнинг одатий таркибий қисмига айланиб қолади.

Инсоният тарихида ҳайрат чўққисида энг узоқ турган кашфиётлардан бири бу компьютер ва интернет бўлса, ажаб эмас. Компьютер технологиялари бугун ҳаётга шиддат билан кириб келаяпти. Янги нарса эса ёш авлод учун доим қизиқарли. Лекин ўша ёш авлод мазкур соҳани ипидан игнасигача мукаммал эгаллашга харакат килаяптими ёки унинг қулига айланиб бораяптими, буни ажратиб олиш мушкул. Компьютерда ўйнаш учун мўлжалланган ўйинлар (дисклар) турини ўрганган киши қўйидаги хулосаларга келади: Айни пайтда бозорда диск кўринишида сотилаётган ўйинларнинг деярли 95% қотиллик, ўғрилик, зўравонлик ва шу каби хатти-ҳаракатлар асосига қурилган экан. Албатта бундай ҳолатлар бола психологиясига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Ўйнаш жараёнида бола шу ҳаракатга

кўникиш пайдо қилади ва аста-секин энг даҳшатли жиноятларни ҳам у оддий ҳолдек қабул қилади.

Канадалик 25 ёшли Кимвир Жилл 20 кишини жароҳатлаб, 18 ёшли кизни ўлдирган, кейин эса ўзини ҳам отиб ташлаган. Мутахассислар унинг интернетдаги ёзишмаларини излаб топишгач, маълум бўлдики, у почта ходимлари томонидан содир этилувчи беъмани қотилликлар асосига қурилган «postal» ўйинининг ашаддий ишқибози бўлган. Бугунги ўйинларнинг барчасида турли хил давлатлар рамзлари жойлаштирилган. Болага уларни танлаш таклиф этилади, холос. Шу восита орқали бизнинг турмуш тарзимиз энг зўр, биздан ибрат олинг, деган ғоя сезиларсиз тарзда сингдириб борилади. Бу эса жуда жиддий ғоявий таъсир ҳисобланади. Болага ўйин ўйнашни бутунлай тақиқлаш ҳам нотўғри. Негаки тафаккурни ривожлантиришга ёрдам берувчи, тил ўрганишга кўмаклашувчи ўйинлар мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Фақат уларни меъёрида ўйнаш лозим.

Фан ва техниканинг жадал ривожланиши, фаолиятнинг барча соҳаларида ахборот тизимларининг жорий этилиши ва уларнинг кенг қўлланилиши кишиларнинг одатий, анъанавий турмуш тарзига, ишлаб чиқариш амалиётига таъсир этиб, унинг яққол янги шаклларини яратмоқда. Бизда савол туғилади, бугун барчани қамраб олган интернет аҳамияти қандай? Ундан биз нимани ўрганяпмиз?

Интернет бу, вақт, макон ва жуғрофий чегараларнинг мавжудлигига қарамай, компьютер ва кичик тизимларнинг ўзаро алоқа боғлаб, глобал ахборот инфратузилмасини шакллантирувчи бутунжаҳон компьютер тармоғидир. У кашф қилингач маълум бир давр ўтиб ноанъанавий интерфаол журналистиканинг ривожланишига сабаб бўлди. Мультимедиа хусусиятларига эга бўлган, миллий, минтақавий ва давлат чегараларини билмайдиган интернетнинг дунёга келиши, бугун барча учун қимматли бўлган ахборотларни тарқатиши эса ўз навбатида катта бир кашфиёт эканлигидан далолат. Бугун интернетда бир вақтнинг ўзида бемалол маълумот олиш, тарқатиш, қабул қилиш каби бир неча вазифаларни бажариш мумкин. Аммо, ундан қай тарзда, қандай фойдаланиш эса мавҳум бир тушунчадек четда қолиб кетмоқда.

Буюк Британиялик Патрисия Ҳолланд интернет ҳақида шундай дейди: "Интернет деб номланувчи компьютерлар занжирида ташкил топган бутунжаҳон коммуникация тармоғи чексиз масофада бўлган, ўзаро нотаниш индивидиумлар ўртасидаги алоқа боғлашга замин яратади. Интернет макони бўйлаб ҳаракатланиш – бу бўш вақтни фойдали ва мазмунли ўтказиш йўли, тадқиқот учун маълумот йиғишнинг

самарали усули, зарур маълумотларни излаш ва таҳлил этишда ёрдам берувчи бебаҳо воситадир"[33].

Дарҳақиқат, интернетдан фойдаланиш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Кимдир ундан маълумот олиш, сўнгги кашфиётларни билиш мақсадида фойдаланса, яна кимдир порнографик расмлар жойлашган сайтни кўриш учун фойдаланади. Айрим пайтларда интернет орқали тарқатилган ҳамма ахборотлар ҳам тўғри бўлиб чиқавермайди. Чунки унда муаллифлик ҳуқуқи мавжуд эмас. Киши ўзи хоҳлаган хабарни тарқатиши мумкин. Компьютер ўйинлари-ю интернет тармоғига ҳаддан ортиқ боғланиб қолишни мутахассислар касаллик, дея баҳолашмоқда. Гарчи бунинг қай даражадаги руҳий хасталик эканлиги номаълум бўлса-да, лекин юқори технологияларсиз «яшай олмаётганлар» сони ўсиб бормоқда. Америкада 2,5 минг киши ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, 70 % одам интернетсиз умуман яшай олмаслигини билдирган. Уларнинг 14 % бутунжаҳон тармоғисиз ҳаёт кечиришлари мушкул кечишини айтган, 12,3 % одам ўзини бу тармоқда ишлашдан тийишга уринаётганлигини маълум қилади. 8,7% киши эса интернетга бўлган қизиқишини дўстлари, ҳамкасблари ва оила аъзоларидан сир тутишга уринади. Кўпчилик ёшларнинг ахборотга нисбатан эхтиёжи юқори. Ахборот олиш имкониятларининг юқорилиги боис интернет уларни ўзига кўпрқк жалб этмоқда. Бироқ улар маълумотлар аҳамиятини ажрата олишмаяпти. Шу боис тажовузкор ўйинлар, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи сайтлар билан банд бўлиб қолишяпти. Афсуски айрим ёлғон тарқатилган маълумотлар инсонларнинг мафкуравий онгига катта маънавий таъсир ўтказмоқда. Бу маълум бир маънода глоббаллашув даврида инсон онгига ёт бўлган ғояларни сингдириш, уларни онгини заҳарлаш орқали бир томонлама фикрлайдиган бўлиб ўсишига хизмат қилмоқда. XXI аср техник юксалишлар асри бўлсада, болага самимий туйғулар, гўзал нарсалар, ахлоқ меъёрлари ҳақида гапириш керак. Уларга ўзингизнинг иқтисодий муаммоларингиз, ижтимоий мавқеингиз нуқтаи назаридан эмас, энди дунёни англаб, унга нисбатан муайян муносабати шаклланаётган шахс сифатида эътибор бериш катта аҳамиятга молик.

Олимлар радио, камера, телевидения, коинотни ўзлаштириш соҳаларида бир қатор кашфиётларни амалга оширди. Компьютер кашф қилиш оқибатида уни бошқариш қийинлиги бугун барча олимларнинг олдида турган муҳим долзарб муаммога айланди.

Матбуот, радио ва телевидениедан илгарилаб кетган интернетда бугун чек-чегарасиз маълумотларни кўриш мумкин. Аммо бу сарҳадини билмаган мақола ва хабарлар инсоннинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда. Ҳозирги пайтда ҳар қандай тараққиёт ва

[33] Рашидова Д., Муратова Н,. Интернет журналистикаси. Тошкент 2007 й. 9-б.

модеринизация ахборот технологиясиз рўй бермайди. Ишбилармонлар, ишхоналар фаолиятини интернетсиз тасаввур этиш қийин. Ривожланган мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги касаллик варақалари ҳам айнан халқаро тармоқ орқали тарқалмоқда. Албатта, бунда маълум бир миқдордаги қоғоз, вақт тежалганини англаш қийин эмас. Дунёдаги глобаллашув ҳодисаси бевосита интернет имкониятлари туфайли жадаллик касб этмоқда. Бугун интернет бағрида шу қадар ахборот жамланганки, даб-дурустдан унга мурожаат этган инсон шошиб қолиши хеч гап эмас. Аммо, таъкидланганидек, баъзи пайтларда интернет инсон психологияисга таъсир ўтказиб, уни бошқараётганлигига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

Статистик манбаларнинг кўрсатишича, ҳар бир 5 ёшли болада (10-17 ёшгача) интернетда ўргатилаётган нарсалар оқибатида зўравонлик қилиш, одам ўлдириш ҳолатлари ва уларнинг порнографик расмлардан бемалол фойдаланиб, ҳаётда чидаб бўлмайдиган жиноятларга қўл уриш ҳолатлари ўсиб бораётганлиги кузатилади. Бу эса жамиятда жуда катта муаммога айланмоқда.

Инсон табиатан шов-шувли нарсаларга қизиқувчан бўлади. Интернетда бундай хабарлар минг-минглаб мижозлар томонидан ўқилгани кўрсатилади. Айрим олинган хабарлари тўғрисида фикрларини ёзиб, тўғрироғи уни шарҳлаб, қайта ишлаб чиқиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Хабарни тарқатган одам шуни англайдики, бугун у юборган янгилик назардан четда қолмади. У оммавий аудиториясини кенгайтириш мақсадида яна кўпроқ миш-мишларга бой бўлган материалларни тайёрлайди. Ахборот мазмуни эса омманинг қизиқишига қараб тайёрланади. Унинг тўғри ёки нотўғрилиги эса ўз исботини талаб қилмайди.

Афсуски, интернет хабарлари орасида менталитетимизга тўғри келмайдиган, миллийлигимизга қарши бўлган мақолаларни ҳам йўқ дея олмаймиз. Айнан мана шундай пайтларда инсоннинг ягона унга қарши иммунитети бу унинг мустақил фикрга эга эканлиги ҳисобланади. Ўз фикри ва ғоясига эга инсон биринчи маълумотни ўзи баҳолайди. Кейин эса унга ўз муносабатини билдиради. Айрим ҳоларда кўр-кўрона битта янгиликни ўқиб олиб, уни одамларга тарқатиш, ўзидаги саводхонлиги етмагандек, бошқаларни ҳам шунга жалб қиладиган дўстларимиз йўқ деб айта олмаймиз. Ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Бу бир-бирига қарши бўлган сўзлар ўртасида кураш мавжудлигини англатади. Буларни тўғри англаш ва баҳолаш эса инсон онгига ва унинг маънавий бойлигига боғлиқ.

Замон воқеалигига очиқ кўз билан қараш, реал ва огоҳ туриш, жаҳонда ва қардош мамлакатларимиздаги мавжуд бўлган, тобора

кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшаш бугунги кун талаби ҳисобланади. Глобаллашув жараёнида мафкуравий имунитетни шакллантириш, миллий анъана ва қадриятларимизнинг моҳиятини ёшлар онгига сингдириш борасида, ёшларни ҳар хил интернет клубларида вақтларини бекор ўтмаслиги учун, улар онги ва тафаккурини шакллантиришда кўпроқ турли соҳа мухахассилари, Ватан, меҳнат қаҳрамонлари кабилар билан учрашувлар, тарихий жойларга саёҳат ва семинар, тренинглар олиб бориш ҳар хил ахборот хуружларидан ҳимояланишига фойда беради.

11.2. Ахборот хуружлари ва унда интернетнинг ўрни

Ахборотлаштириш - бу умумжаҳон жараёни бўлиб, тараққий этган мамлакатнинг жаҳон бозоридаги пешқадамлиги ва иқтисодий ўсиши ва миллий хавфсизлигини таъминлайди.

Бугун бир минтақадаги салбий, ижоби воқеа-ҳодисалар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалиб, ўз таъсирини кўрсатмоқда. Унинг оқибатида, минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий таҳдидлар вужудга келмоқда. Сўнгги даврларга келиб геосиёсий вазиятнинг ўзгариши ҳамда рақобат кучайиши натижасида, юқорида кўрсатилган омиллардан ташқари илгари кузатилмаган таҳдидлар юзага кела бошлади. Айрим Ғарб давлатлари томонидан ўз миллий манфаатларини кенгайтиришда "демократия экспорти, иккиламчи меъёр" каби атамалар "ахборот хуружи" каби асосий воситага айланмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда ахборот - иқтисодиётнинг энг сердаромад манбаига айланиб бормоқда.

АҚШ Стратегик тадқиқотлар институтининг маълумотларига кўра: "Ахборот маҳсулотига сарфланган ҳар бир доллар, ёқилғи-энергетика соҳасига сармоя қилинган бир доллардан кўра, бир неча ўн баробар кўп фойда беради"[34]. "Ҳозирги шароитда глобаллашув жараёнини мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши мукаррар"[35]. Агарда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Ғарб матбуотининг республикамизга бўлган муносабатини таҳлил этадиган бўлсак, " Озодлик", "ВВС" ва бошқа бир қатор ОАВлар кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ва маиший соҳалардаги камчиликларга эътибор қаратганини кўришимиз мумкин. Ахборотни ҳимоялаш масалаларига ривожланган мамлакатлар катта аҳамият беради. Ҳозирги пайтга келиб халқаро

[34] http// www. Google.com
[35] И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008. 113-бет.

муносабатлар янги ахборот технологиялари асосида шаклланаётгани боис, ахборотни ҳимоялаш, жамиятнинг энг муҳим вазифаси бўлиб келмоқда.

АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси томонидан 20-асрнинг 50-60-йилларида "одамларни қайта дастурлаш", "онгни ювиш" борасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган. Ижтимоий онгга таъсир этувчи самарали усулларни ўйлаб топиш ва улар орқали одамларни бошқариш мақсадида бу соҳада катта маблағ сарфланган. Шундай лойиҳалар устида ишлаган олимлардан бири доктор Ивен Камерон 1946 йил чоп этилган "Ижтимоий психиатриянинг чегаралари" асарида фуқаролар устидан назорат ўрнатишга хизмат қиладиган, уларда ижтимоий фикр, эътиқод ва ҳаёт тарзини шакллантирувчи усулларни таъкидлаб ўтган.[36]

Ахборот хуружларининг тез-тез уюштирилаётганлиги аслида "уруш"га муносабат ўзгарганидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Ҳозирда турли усулларда олиб борилаётган мафкуравий тарғибот ва ташвиқотларнинг асл мақсади инсон қалби ва онги учун курашга қаратилган. Бу кураш натижасига кўра ***3та асосий босқичдан*** иборат:

1) Муайян ахборот инсон томонидан қабул қилинмайди.

2) Ахборот инсон онгида маълумот сифатида сақланиб қолиши ва бундан бошқа бир масала юзасидан қарорлар қабул қилишда солиштирувчи манба сифатида фойдаланиш мумкин.

3) Ахборот фикр ёки ғоя сифатида инсон қалбини эгаллаши маънавий-руҳий ҳолатини узвий қисмига айланиши ҳамда бу унинг амалий фаолиятини асосини ташкил қилувчи омил бўлиб қолиши мумкин.

Ахборот учинчи ҳолатда инсонни даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучини тўла намоён этади. Ҳозирда ахборот хуружлари ҳақида кўп гапирилаётган бўлсада, мутахассислар томонидан ҳали бу тушунчага тўла таъриф берилгани йўқ. Ўзбекистоннинг геосиёсий жойлашуви, табиий ресурсларга бойлиги ва бошқа иқтисодий, ижтимоий салоҳияти унинг манфаатдор кучлар томонидан "Ахборот хуружларининг объекти" сифатида қаралиши эҳтимолини келтириб чиқаради. Дунёда ким ахборот бозорини эгалласа, ўша ҳукмронлик тизгинини тутади, дейишади. Чунки айни пайтда дунёни инсон эмас, айнан ахборот бошқармоқда. Си-Эн-Эн ва Би-Би-Сининг овози етмаётган жойда "Ал-Жазира"нинг маҳсулотлари сотилаётган экан, бу ахборот бозорида янгича қарашнинг пайдо бўлишига имкон беради.

Ахборот қуролининг универсаллиги, яширинлиги, дастурий аппаратнинг амалга оширилиши шаклларининг кўп вариантлилиги,

---

[36] П.И.Иванов, М.Э.Зуфарова. Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. Тошкент. 2008. 474-бет.

таъсирларнинг радикаллиги, вақт ва жой танлаш имконини етарлилиги, ниҳоят тежамлилиги унинг жуда хавфсизлилигини кўрсатади. Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш ва бошқариш, мудофаа ва алоқа, транспорт ва энергетика, таълим ва ОАВ - барчаси ахборот алмашинуви жадаллигига, ҳаққонийлигига, тўлиқлиги ва тезлигига боғлиқ. Ҳужум қилувчи ахборот қуроли деб, қуйидагиларни ҳисоблаш мумкин:

- компьютер вируслари;
- телекоммуникацион тармоқларда ахборот алмашиниш воситаларини йўқ қилиш, давлат ва ҳарбий бошқарув каналларида ахборотларни қалбакилаштириш;
- дастурларини бузиш, ишдан чиқариш ва ҳ.к.

Жамият бир неча минг йиллардан бери мавжуд, лекин кенг ахборот урушлари асосан интернет тизими пайдо бўлгандан сўнггина кенг оммалашди. Бу борада компьютер вируслари етакчи аҳамиятга эга. Компьютер вируслари фуқаролик ва ҳарбий ахборот тизимлари ва тармоқларига киритишга уларни масофадан туриб бошқаришга имкон берувчи воситалардир. Бу воситалар ҳақиқий вақт давомида доимий ишлаб турадиган излаб топиш ва бошқариш автоматлаштирилган тизимларига катта зарар кўрсатади. Ғарб экспертларини ҳисоблашлари бўйича бундай тизимлар хусусан ишдан чиқарилган вазифаларни тиклаш эҳтимоли жуда паст, шунинг учун уларнинг ишларига аниқ мақсад билан бузиб кириш, оммавий ҳужум қуролини оқибатлари билан тенг алоҳида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Глобаллашувнинг авж олиши миллат чегараларини йўқ қилиб юбормоқда. Бунинг натижасида ҳар бир миллатга хос бўлган урф-одат, анъана ва қадриятлар ўз аҳамиятини йўқота бориш хавфи юзага келмоқда. Бу миллатнинг маънавий қашшоқлашувига уларнинг ахборот хуружларига, интернет сайтларига қарамлигини келтириб чиқарувчи таҳдидларни юзага келтиради.

Ахборот қуроли бу, душманнинг ахборот имкониятларини йўқ қилиш учун қаратилган дастурли ахборот воситалари комплексидан иборатдир. Бу аниқлик киритувчи тушунча жаҳонда қадимий тарихга эга бўлган "дезинформация" номи билан, ҳаммага маълум бўлган оддий ташвиқот-психологик ахборот қуроли мавжудлиги сабабли ҳам муҳимдир. Бугунги глобаллашув асрида ахборотга бўлган талаб ҳар қачонгидан кучайиб бормоқда. Шу сабабли ҳам дунё аҳолиси мулоқоти тилида "психологик уруш", "ахборот уруши", "психологик операциялар", "ахборот-психологик кураш олиб бориш", "психологик ҳимоя сингари атамалар" кенг оммалашиб бормоқда.

Стратегик даражада психологик операциялар муайян сиёсий ёки дипломатик қарашдарни, расмий баёнотларни ёки давлат раҳбарларининг хабарларини тарқатиш ва тарғиб қилиш бўлиши мумкин. Ахборот

психилогик таъсир ўтказишда сиёсий ва ҳарбий раҳбарлар, шунингдек ОАВ, маданият ва санъатнинг кўзга кўринган вакиллари асосий объект бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кейинги пайтларда мамлакатимизга нисбатан ҳам ахборот-психологик таҳдидлар содир этилмоқда. Бу жараёнга Президентимиз И.А.Каримов қуйидагича изоҳ берган: "Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибти, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас."[37]

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўз вақтида ва ишончли ахборотларга эга бўлиш ҳамда уларни ўз вақтида етказиш ва амалиётда унумли фойдаланиш самарали бошқаришни таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади. Эндиликда ахборот-давлат фаолиятида бошқарувчилик кучини сезиларли даражада намоён қилади. Бугун жаҳон миқёсида бўлаётган ўзгаришлар, иқтисодий тараққиёт, илм-фандаги инсон ақлини лол қолдирадиган янгиликлар, ихтиролар барча-барчаси ОАВ орқали ҳар бир хонадрнга кириб бораётганлигини инобатга олсак, ОАВ матбуот ва интернет яхшиликка, эзгуликка хизмат қилмоқда, дейишимиз мумкин. Халқаро муносабатлар тизимида рўй бераётган ўзгаришлар натижасида миллий хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик ва халқаро хавфсизлик каби тушунчалар моҳиятини тушунишга, уларнинг ўзаро боғлиқлигини англашга, эътибор ортиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Одамларнинг мақсадлари хилма-хил, халқлар орасида тортишиш ва талашишлар жуда кўп. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, журналистнинг заҳирасида ёлғон хабардан бошқа хабар бўлмайди. Бунга қарши курашишнинг энг самарали қуроли ҳам, айнан шу ахборотдир. Шу боис ахборотни ўз мақсадларига хизмат қилдиришга интилиш кескин тус олмоқда. Ахборот, уни узатиш, қайта ишлаш ва йиғиш босқичлари ўзига хос хусусиятга эга эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Яъни, инсоннинг оддий, кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларининг асосини ҳам, дунё мамлакатларининг инсоният тақдирига даҳлдор бўлган қарорларининг манбаини ҳам ахборот ташкил этади. Бу эса ўз навбатида ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларини янада кенгайтиради.

11.3. Интернет тармоқларида техник бузилиш муммолари

Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган бир даврда, барча радиоэлектрон воситалар ахборот курашидан оммавий фойдаланиш йўли

[37] И.А.Каримов Юксак маънавият-енгилмас куч. Маънавият. Тошкент. 2008. 112-бет.

билан эришилади. Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилик таҳлилчилари қуролнинг бу турини "замонавий дунёга эгалик қилишнинг ҳал қилувчи омили" деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, замонавий дунёга эгалик қилишнинг энг яхши воситасига айланиб улгурган ахборот воситаларисиз бугунги кунимизни тасаввур қилиб бўлмайди.

Ахборот хуружи – турли хил давлатлар томонидан ишлаб чиқилиб бошқа давлатларнинг ахборот соҳасига ҳавфли тахдид ўтказиш воситаларини яратишни кўзда тутади[38]. Ахборот объектларини қамраб олади ва уларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Ахборот хуружининг келиб чиқиши 4 та йўналишдан иборат: ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, технологик йўналишлар[39].

Биз биламизки, ахборот хуружининг 2 кўриниши мавжуд: тасодифий хато ва режалаштирилган хатодир.

Тасодифий хатолар оператор хатоси, дастурчи янглишиши, компьютер ишдан чиқиши, табиий офатлар натижасида бўлиши мумкин. Бунга мисол қилиб, Марс сайёраси ҳудудига учиб кетган "Фобос" фазовий аппарати кейинги вазифаларни бажармади. Чунки юборилган сигналда фақатгина бир ҳарф тушурилиб қолдирилган эди, натижада йўл кўрсатиш тизимининг ўчиб қолиши содир бўлган. Венерага йўналтирилган Америка фазовий кемаси бошқарув тизими модулида оператор вергул ўрнига нуқта қўйиб қўйгани учунгина ўз учишини тўхтатган.

Режалаштирилган хато эса билиб туриб, атайин бузилишлар бу айнан эътиборимизни тортаётган ахборот хуружидир. Ғарбий Европа мамлакатларининг биридан Ироқ сотиб олган ПВО тизимларида шундай аталувчи хато ишлайдиган дастур атайин киритиб қўйилган эди, бунинг натижасида 1991 йили Форс кўрфази ҳудудидаги уруш пайтида бу тизимлар ишга тушмади.

Дезинформация – бу тушунча бизга узоқ ўтмишдан маълум, 60-70 йиллар даврида "оддий" ахборот қуролига "сунъий интеллект" кириб келади, ахборот тизимларини компьютерни ва микрокомпьютерни жиҳозлаш содир бўлади. Натижада, ахборот қуроли фақатгина уни қўллаш доирасини чексиз кенгайтиришга имкон берувчи эмас, балки, у оммавий ҳужум воситаларининг ҳам ўрнини боса оладиган хусусиятга эга бўлади.

Россиялик экспертларнинг фикрича: "Ахборот қуроли бу - ахборот массивларини йўқ қилиш, бузиш ёки ўғирлаш воситаси, ҳимоя тизимини бузиб киргандан кейин улардан керакли малумотларни билиб олиш, уларга қонуний фойдаланувчиларининг киришини тақиқлаш ёки чеклаш, техник воситаларининг ишларини бузиш, телекоммуникацион

---

[38] Микрюков В.Ю., Безапасность жизнодеятельности человечества. 2006, изд-во Феникс, 419-425 стр.
[39] Қосимов С.С., Ахборот технологиялари. Т.: Ўзбекистон, 2005й.

тармоқларни ишдан чиқариш, компьютер тизимларини, жамият ҳаётини юқори технологик таъминлашни ва давлат фаолиятининг барча бўғинларини йўлдан чиқаришдир[40]". Бу каби жараёнларни ахборот технологиялари, хусусан, интернет тармоқларида ишлаганимизда кузатишимиз мумкин.

Кундалик эҳтиёжимизга айланган, интернетнинг иккита муҳим ва хавфли хусусиятларини алоҳида таъкидлаш керак: яшовчанлигини ва стратегик аҳамиятдаги ҳарбий объектларни бошқариш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш мумкинлиги.

Интернетнинг яшовчанлиги - интернет тармоғи 1973 йилда бомбардимон ёки ҳатто ядро ҳужуми пайтида ҳам қисман зарарланганда ишлай оладиган истиқболли тадқиқотлар ва АҚШ мудофаа вазирлиги лойиҳалар бошқармаси доирасида "Арпанет" тармоғи яратилганда пайдо бўлган. Кейинчалик бу тармоққа бошқа бошқармаларнинг ахборот тармоқлари уланган.

Форс кўрфази ҳудудидаги уруш пайтида кучли радиоэлектрон бостириш қўлланилишига қарамай, Қўшма Штатлари Ироқни ташқи дунёдан тўлиқ узиб қўя олмади. Ироқ ҳукумати айнан "интернет" тармоғи орқали қурол сотиб олган, маҳсулот етказиб берган, фирмаларга чет эллардаги банкларда сақланган пулларни ўтказган.

Ҳозирги кунда интернет тармоқларидан бир қанча ижобий мақсадларда, хусусан, шу муқаддас заминда туриб ҳам интернет орқали дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларида ўқиш ёки жаҳоннинг номдор кутубхоналаридан фойдаланиш, донгдор музейларини томоша қилиш имкониятини берадиган интернет тармоқларидан фойдаланиш мумкин. Баъзи бир қабих ниятли шахслар эса ўзларининг нопок ниятларини амалга оширадилар. Бу ҳудди танганинг икки томонли эканлигидек гап.

Мисол учун, 1994 йили 16 ёшли Лондонлик мактаб ўқувчиси интернет орқали АҚШнинг ҳаво ҳужумидан ҳимояланиш тизимларидан бирининг компьютер тармоғига кириб олади, кейин эса Нью-Йорк яқинида жойлашган Америка ядро тадқиқот маркази тармоғига ҳам уланади. "Ахборот қароқчи"нинг аниқланишича, Лондон магазинларида сотиладиган иккита оддий компьютер бўлиб чиққан. Аммо, бу далилий ашёлардан олинган ахборотлар Америка ҳарбий объектлари ҳақида шунчалик кўп махфий малумотларга эга эканки улар уч минг бет матн бўлиши мумкин эди.

Компьютер вируслари ўтган асрнинг 70-80 йилларида комьютернинг ҳаётимизга кириб келиши билан пайдо бўлган[41]. Ўлчами бўйича катта бўлмаган махсус ёзилган дастурдан иборат бўлиб, у ўзини

---

[40] Фозилов М. Ахборотлар хавфсизлиги ҳақида. //Info.com.uz журнали, №2, 2005 й.

[41] Каримов М.М. Ахборот хавфсизлиги масалалари.Тошкент.:Ахборот технологиялари нашриёти,2006 й.4-7 б.

бошқа дастурларга "ёзиб қўйиши", шунингдек, компьютерда турли нохуш амалларни бажара олиши мумкин. Бундай дастур ишлашни бошлаганда, дастлаб бошқарувни вирус олади. Вирус бошқа дастурларни топади ва унга "юқади", шунингдек, қандайдир зарарли амалларни бажаради. Вирус ўзига тегишли амалларни бажариб бўлгандан сўнг, бошқарувни ўзи жойлашган дастурга узатади. Вирус жойлашган дастур одатдагидек ишини давом эттиради. Ташқаридан дастурнинг "касалланганлиги" билинмайди.

Кўп турдаги вируслар шундай тузилганки, касалланган дастурни ишга туширганда, вирус компьютер хотирасида доимий қолади ва вақти-вақти билан дастурларни касаллайди ва компьютерда зарарли амалларни бажаради. Бунга бир қанча вирус турларини санаб ўтиш мумкин:

ВИРУС №-666 деб аталувчи вирус, у ЭҲМ операторининг психофизик ҳолатига тасир кўрсатиб, уни ўлимга олиб келиши мумкин. Бу "қотил-вирус" экранга алоҳида махсус ранглар комбинациясини чиқаради, у одамни ўзига хос гипнотик карахт ҳолатга туширади ва у юрак-қон томир тизимининг ишлашини кескин ўзгаришига, бош мия томирларини ишлатмай қўйишгача ўзгартиради.

Троян – хавфли вируснинг бир тури. Бу малумотлар олиш учун душманнинг ахборот муҳитига яширин, рухсатсиз киришни амалга оширишга имкон берувчи дастурдир.

Вирусга қарши дастурлар қувватига қараб бир неча турга бўлинади. Қуйидаги энг кўп тарқалган вирусга қарши DSAV 2.0 комплекси яратилган. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

1. *Kaspersky Internet Security* 2010 – компьютерларни барча тармоқ хавфларидан ишончли ҳимоялашни таминловчи "Касперский лабораториси" янги маҳсулоти. Касперский® 2010 Антивируси самарадорлиги бутун дунёда миллионлаб фойдаланувчилар томонидан текширилган, таянч антивирус технологиялари билан таминланган маҳсулот.

2. *Doctor WEB (Dr Web)* - янгидан яратилган, малум ва номалум вирусларни аниқлаш ва йўқотиш учун ишлатиладиган вирусга қарши дастур. У архивланган ва ваксияланган файлларда ҳам вирусларни аниқлай олади (ҳар ойда ўртача 2 марта янгиланади).

3. *ADINF* - дискдаги барча ўзгаришларни назорат қилувчи, дискларнинг вирусга қарши ревизор дастури (бир йилда бир неча марта янгиланади.) Дискдаги барча дастурларнинг физик камчиликларини назорат қилади. Дискнинг тизимли соҳасини ва файллар ҳолатини эслаб қолади ва қайта юклашда дискдаги ўзгаришларни аниқлайди. Агар бирор хавфли ўзгаришлар аниқланса, фойдаланувчига бу ҳақда хабар беради.

4. *SHERIF* - қаттиқ дискдаги операцион тизим, дастурлар ва малумотлар файлини 100 % кафолат билан ҳимояловчи резидент дастур.

Амалда юқоридагиларнинг биттасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бироқ дастурни ўрнатиб, уни доимий равишда янгилаб борилса, фойдалироқ бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, бежизга биз яшаётган аср "ахборот технологиялар асри" деб номланмаган. Дархақиқат, ривожланиш, ўсиш, юксалиш бир қанча омилларга боғлиқлиги билан бир қаторда, ахборот технологиялари воситалари, радиоэлектрон воситаларининг аҳамияти ғоят юксак. Зеро ахборотни етказиш ва қабул қилишда бу каби воситалар тезкорликни амалга оширади.

Агар жоиз бўлса, ахборот технологиялари воситаларини одам организмига ўхшатиш мумкин. Одам ўз ҳаёти давомида соғлиги учун курашмаса турли хлдаги микроб ёки вируслар орқали шикасланиши мумкин.

Технология воситалари ҳам, хусусан компьютер фаолиятини бузувчи "қотил" вируслар сабабли дастурларда ўзига хос бузилишлар келиб чиқади. Юқорида санаб ўтилганидек, ҳозирги кунда бу вирусларга қарши антивируснинг бир неча турлари яратилган. Улар тезкорлик ва аниқликка эришишнинг энг яхши усули.

Ҳар бир тараққий этган давлат ривожланиш ва юксалиш тарихида ахборот технологияларининг аҳмияти беқиёсдир. Шундай экан, технологик воситалар тараққий этишнинг илдам одимларидан биридир.

11.4. Интернет ва ундан фойдаланиш маданияти

Интерет бу – ҳозирги замон талабидаги ягона ва оммабоп компьютер тармоғи ҳисобланиб, бизга барча соҳаларга оид тушунчалар ҳақида очиқ –ойдин ва равон маълумотлар берувчи ахборот манбаидир.

Табийки, ҳозирги кунда ушбу омилга бўлган этиёжмандлар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Мазкур тармоқ бутун дунё миқиёсидаги глобал тармоқдир. Зеро унда мавжуд янгиликлардан хабардор этувчи матнлар, тасвир ҳамда овоз хизматлари ва бир қатор имкониятлар барча жабҳада катта енгилликларни юзага келтираётган бўлса-да, аммо иккинчи томондан исониятни беихтиёр вертуал оламга жалб этиб бормоқда.

Айниқса бу таъсир доирасидан ўсмир ёшлар руҳияти ҳам бебаҳра қолаётгани йўқ. Оддий мисол қилиб айтадиган бўлсак, унинг биргина талабалар ҳаётидаги салбий ва ижобий аҳамияти ҳақида мутахассис психологларнинг фикрлари қайсидир маънода ҳақиқат эканлиги ҳақида ҳар- бир кишини ўйлантирмаслиги мумкун эмас.

Бу борада психологларнинг сўзлари қуйидаги натижаларни исботламоқда: интернет тармоғидаги ижобийлик талабаларнинг фан, соҳа ва фаолиятига боғлиқ муҳим аниқ далилларга эга бўлишида, ҳар

томонлама қулайлиги ва тегишли вақт миқдорининг тежалишига олиб келиши кундек равшан, лекин қизиқувчанлик сабабли интернет ахборотларидаги ортиқча маълумотларга ҳаддан зиёд берилиб кетишлари талабалардаги энг муҳим инсоний хислатлар: изланувчанлик, фикрий ривожланиш, мушоҳда, таҳлил қилиш қобилияти ва хотиранинг ўткирлик даражаси сусайишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, интернет воситасидан фойдаланиш ҳеч кимга мажбурий бўлмаган ва инсоннинг ўз тафаккуридан келиб чиққан қонун-қоидалар асосида бўлиши кераклиги ҳамда ундаги меъёр талаблари, яъни интернет тармоғидаги ахборотларни тўғри танлаш ҳар жиҳатдан ўринлидир. Бундан кўриниб турибдики, ушбу тармоқ воситасининг ўз ичига камраб олган ахборотлар миқёси шу қадар кенг ва кўп эканлиги гоҳида ўзимизга айнан керакли бўлган маълумотларни бошқа бир маьлумотларга алмаштириб юборишимиз ёки уларни ажрата олмаслигимиз ва яна бир қанча хатоликлар айнан интернет тармоғи имкониятларидан нотўғри фойдаланишимиз орқали юзага келаётган камчилликлардир.

Барчамизга маълумки, интернетда ишлашимиз учун қидирув тизимининг ўрни беқиёс. Ўзингизга керакли барча маълумотларни шу каби бирон бир сайтнинг "излаш" катакчасига ёзиб, чиқарилган кўпгина маълумотлар ичидан ўзингизга кераклисини танлаб олаверасиз ёки маълум бир сайтнинг манзили ёдингиздан кўтарилдими, яна ўша қидирув системалари ёрдамга келадиган сайтга алоқадор калит сўзларни терасиз ва қарабсизки, ўша сайт қаршингизда намоён бўлади.

Интернет тармоғида Yahoo, Google, Ref.uz, сингари яна бошқа номлар билан аталувчи қидирув дастурлари мавжуд.

Юқоридаги қидирув дастурлари ҳақида батафсил ва умумий таъриф беришда уларни бирор бир тизим масалан, ***Google*** тизим орқали тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Бу компания интернетдаги етакчи қидирув тизими ҳисобланади, дунё бўйлаб тармоқ фойдаланувчиларининг ўнтадан еттитаси у ёки бу маълумотларни топиш илинжида айнан мана шу сайтга мурожат қилишади. Тизим ҳар куни 50 миллионга яқин сўровларни қабул қилади, саккиз миллиардлаб веб-саҳифаларини индексация қилади. У 101 тилдаги ахборотни излаб топиши мумкин. Кейинги йилларда бутун дунё Интернет фойдаланувчилари орасида кенг оммалашиб бораётган ***Google*** тизими 1998 йил сентябрда ишга тушган. Ҳозирда бу компаниянинг қидирув тизимидан ташқари яна бир қатор фойдали ва қулай хизматлари мавжуд ва улар сони ортиб бормоқда.

Яқинда ***Google*** нинг 14 йиллиги нишонлаган.[42] Дарҳақиқат, ҳозирда нафақат интернет тармоғининг вужудга келганлиги, бундан ташқари шу каби жаҳонлараро ривожланиб келаётган турли-туман ахборот технологияларнинг ёш авлодга ҳар томонлама ва қай ҳолатда ўз таъсир кучини ўтказаётганлиги бир ёқлама қувонарли бўлса-да, иккинчи томондан уларни турли салбий сабоқлардан асраш мақсадида тарбиявий муҳитни кучайтиришга ундайди.

"Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио - телевидение, матбуот интернет каби воситалар орқали ҳам ранг баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шудай бир шароитда болаларимизниг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш ҳеч шубҳасиз замоннинг талабига ҳам бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз .

Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фикрлар ранг - баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз..

Биз учун шундай йўл маъқул, унинг бошқа муқобили йўқ. Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин"[43].

Ҳозирги замон ахбороти тизими, унинг жуда кенг имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ахборот олиш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишнинг умуммиллий манфаат ва умуммиллий тараққиёт нуқтаи назаридан бошқарув механизмини яратиш, унинг

---

[42] www.google.uz. "google ҳақида".

[43] Каримов. И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008. 114-115-бетлар.

моҳияти ва унсурларни чуқур англаш зарур бўлиб қолмоқда. Ана шу ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг қуйидаги усулларини қўллаш маданиятини зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, *социологик йўналиш*. Бунда ахборот олиш ва тарқатиш жараёнида жамият тараққиётида ахборотнинг ижтимоий воқелик сифатидаги ролидан келиб чиқиб, жамиятда шаклланаётган ижтимоий онг йўналишлари ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг оқимларини ўрганишни йўлга қўйиш керак. Аҳоли турли қатламлари, қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолатлари асосидаги фикрлаш тарзини аниқлаб бориш зарур.

Иккинчидан, *статистик йўналиш*. Кўп миллатли мамлакатда, хусусан, 130 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган, 20 га яқин диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро мажороларни турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар манбаларини ўрганиб бориш, бу борада аниқ ҳисоб-китобларга таҳлилий ечимларга эга бўлиш.

Учинчидан, *сиёсий конфликтология ва сиёсий психология.* Ахборот психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий мажоролар келиб чиқиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларини аниқлаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри сиёсий қарашлари, руҳияти, ижтимоий-сиёсий психологик изчил равишда ўрганиб борилмоғи лозим.

Тўртинчидан, *мантиқий тизимий ва функционал таҳлил*. Ахборот тизими, хусусан, ахборот психологик таъсир ахборот сиёсати тизими ва воситасининг муҳим қисми сифатида баҳоланиши лозим. Воқеликка ана шу тарзда ёндашиб, илмий - таҳлилий назарий ва амалий хулосалар чиқариш керак. Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот оқими таъсирида шаклланаётган ижтимоий фикр фан нуқтаи назаридан изчил ўрганилмоғи дозим. Унинг предмети ва методологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифа бўлиб қолди.

Бешинчидан, *ахборот тизимида миллий истиқлол гоясининг устуворлиги.* Ҳар қандай фуқаро ахборот бозоридан "маҳсулот" танлаш жараёнида унинг қалбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл-атворида, буларнинг барчасининг оқибати сифатидаги хатти-ҳаракати ва муносабатида мафкуравий иммунитет устуворлигини таъминлаш. Албатта, Ўзбекистонда мустақилликнинг ўтган 20 йили мобайнида оммавий ахборот коммуникацияси соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало ҳар бир фуқаронинг сўз ва фикр эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи Конституция билан кафолатланди. Оммавий

ахборот воситалари тўғрисидаги бир қатор қонунлар яратилди ва амалда қўлланилмоқда. Мустақил нашрлар сони кескин кўпайди. Буларнинг ҳаммаси мамлакат ички ҳаётида миллий ахборот тизимининг ўзига хос тараққиётидан далолат беради.[44]

Яна шуни таъкидлаш лозимки, интернет воситаларидан ўрин олган жамики ахборот ва маълумотларнинг ҳаммаси ҳам реал ҳаққоний эмаслиги айни пайтда аён бўлмоқда. Бундан келиб чиқиб айтиш жойизки, олинаётган далилларнинг қай даражада тўғрилигини онгли равишда мушоҳада этиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина интернет орқали эгаллаётган билимларимизнинг ҳаётимизда ижобий самара беришига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

11.5. Резюме

Бугунги кунда интернет тармоғи ва ундан олинаётган маълумотлар инсоният ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб улгурди. Шундай ҳолатда интернетдан фойдаланиш, интернет хавфсизлиги, интернетнинг инсон руҳиятига, тафаккурига таъсири масаласи ҳар қачонгиданда долзарб муаммога айланиб бормоқда. Шунинг учун талабалар интернетдан фойдаланиш, интернетнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, ахборот истеъмоли маданияти тушунчаларини билишлари муҳим ҳисобланади.

11.6. Назорат учун саволлар:

?

1. *Компьютер ва интернет технологияси ва унинг инсоният ҳаётида тутган ўрни ҳақида нима дея оласиз?*
2. *Бу тармоқларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ёзма тарзда баён этинг?*
3. *Интернетнинг инсон руҳиятига таъсири деганда нимани тушунасиз?*
4. *Интернет психологияси нима?*
5. *Интернет ортидаги муаммолар деганда нитмани тушунасиз?*
6. *Интернет тармоғидаги муаммолар ва унинг мақсади нимада деб ўйлайсиз?*
7. *Интернет хавфсизлигини таъминлаш дастурлари ҳақидаги фикрингиз?*
8. *Интернетдан фойдаланиш маданияти деганда нимани тушунасиз?*

[44] Жўраев Н., Тарих фалсафасининг назарий асослари. Тошкент. Маънавият. 2008. 7-боб, 2- қисм, 427-428-бетлар.

12-МАВЗУ. АХБОРОТ СОҲАСИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТЛАР ВА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ТАҲДИД

Мавзу режаси ва унинг қисқача мазмуни

*1. **Электрон оммавий ахборот воситаларида ахборот психологик хуружларининг олдини олишнинг айрим чоралари.** Электрон оммавий ахборот воситалари ва психологик хуруж, электрон оммавий ахборот воситалари орқали қилинадиган психологик хуружларнинг олдини олиш чоралари.*

*2. **Глобал тармоқ: ахборотнинг информацион характери ва психологик тажовуз.** Глобал тармоқ тушунчаси, ахборот ва унинг информацион характери, глобал тармоқлар ва психологик тажовуз.*

Таянч тушунчалар: электрон оммавий ахборот воситаси, ахборот психологик хуруж, ахборот воситалари, глобал тармоқ, ахборотнинг информацион характери,электрон ҳужжатлар ва унинг психологик тавсифи, электрон ҳукумат.

12.1. Электрон оммавий ахборот воситаларида ахборот психологик хуружларини олдини олишнинг айрим чора-тадбирлари

"Электрон ҳукумат" атамаси ўтган асрнинг охирги ўн йиллигида даставвал АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларига бизнес бозорида интернет тармоқлари орқали савдо-сотиқ ишларини олиб бориш жараёнида кириб келди.[45]

"Электрон ҳукумат" тушунчаси бугун жаҳон мамлакатлари сари интеграциялашув жараёни кечаётган ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида тараққиёт йўналиши сифатида эътироф этилмоқда ва бу соҳада турли дастурлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Юқорида унинг қандай сабабга кўра пайдо бўлганлиги айтиб ўтилди.

Аммо фикримизча, у ўз хусусиятига кўра анча аввал, аниқроқ айтадиган бўлсак, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошлари, яъни, машина асрининг илк даврларида замонавий алоқа воситалари: телефон, радио, турли ҳаво тўлқинларини жўнатиш ва қабул қилиш ускуналарининг яратилиши билан шаклланиш босқичларини намоён қила бошлаган ва фақатгина XX асрнинг сўнгги ўн йиллидагина у "Электрон ҳукумат" атамасини олган.

---

[45] Busines Services: The Influence of Government Projects in Europe, исследование компании IDS май, 2001 год.

“Электрон ҳукумат” – жамият бошқарув тизими ва индивидуал муносабатларда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жабҳада юритилаётган фаолиятнинг тўлиқ замонавий ускуналардан фойдаланишга асосланган тизимдир.

Электрон ҳукуматнинг жамият ҳаётида тутган ўрни кундан-кун равшанроқ ва аниқроқ кўринишда муҳим ўрин эгаллаб бормоқда.

“Электрон ҳукумат” ўз қамровига кўра кўпгина лойиҳаларнинг дунё бўйлаб амалга оширилишига ҳам сабаб бўлди. Жумладан, 2000 йилнинг март ойида Европа Иттифоқи ўз олдига Европада “Жаҳонда динамик ва рақобатбардош иқтсодиётни барпо этиш” мақсадини илгари сурди. Натижада “Электрон Европа” дастури дунёга келди. “Электрон Европа”нинг илк лойиҳаси 1999 йил Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган.

Бугун электрон ҳукуматни жорий этиш ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Шу сабабга кўра Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат”ни жорий этиш қандай зарурат ва афзалликларга олиб келишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бу тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон тараққиёти концепциясида” қуйидагилар келтириб ўтилган:

- давлат хизматчилари фаолиятининг техник даражасини ошириш ва бу орқали янада юқори иш унумдорлигини таъминлаш ҳамда иш жараёни чиқимларини камайтириш, шунингдек, улар фаолиятининг ташкилий маданиятини яхшилаш;
- таҳлилий ишлар ва бошқарув қарорларини тайёрлаш технологияларини тубдан такомиллаштириш;
- муассасаларо алоқалар даражасини ошириш. Бу ахборот алмашиш асосида қийин комплексли муаммолар бўйича тез ва сифатли қарорлар қабул қилиш имконини беради;
- ваколатлар ва ресурсларни тақсимловчилардан жойлардаги бевосита ижрочилар томон узатишни оптималлаштириш;
- фуқаролар ва бизнесга кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш.

Юқорида келтириб ўтилган фикрларни таҳлил қилиш асносида Ўзбекистон шароитига мос бўлган қуйидаги қўшимча хулосаларни келтириб ўтиш мумкин:

1. “Электрон ҳукумат” Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари сари интеграциялашув жараёнининг тезлашувига олиб келади. Интеграциялашув жараёни замонавий ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга ҳам боғлиқ.

2. Мустақил Ўзбекистон кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятини барпо этишни ўзининг энг олий мақсади этиб белгилади. Бунда эса аввало, мамлакат бўйлаб барча жабҳада кенг кўламли маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш зарур. Бу ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири марказсизлаштириш сиёсати бўлиб, у вазифаларнинг бир қисмини марказий давлат ҳокимияти органларидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига узатиш ва фуқаролик жамияти институтлари, жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришни кўзда тутади. Электрон ҳукумат эса ушбу муносабатларнинг сифати ва самарасини кафолатлайди, марказий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдидаги ҳисобот беришни таъминлайди.

Шу боис электрон ҳукуматнинг муҳим афзалликларидан бири – марказсизлаштириш жараёнини тезлаштиришдир.

3. Ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг очиқ-ойдинлиги, бу жараёнда фуқароларнинг бевосита ҳамда билвосита иштирок этишининг фаоллигини оширади. Шу орқали эса жамиятда мавжуд жиноий хатти-ҳаракатлар, хусусан, коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

4. Давлат бошқарувида жамоат бирлашмалари, жумладан, сиёсий партиялар, уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг тўлиқ иштирокини таъминлашга кенг имконият яратади. Давлат ҳокимияти устидан жамоат назорати ўрнатилиши, ундаги назорат тафтиш ишларини ҳам жамоат бирлашмалари олиб боришига кўмаклашади.

5. Фуқароларда эркин ва эҳтиёжига кўра чекланмаган ахборот олиш имкониятини яратади.

6. Давлат ҳамда хусусий сектор фаолиятидаги чиқимларнинг камайишига олиб келади. Бунда ҳукумат ишининг янада унумдорлигига эришиш, давлат харидлари, солиқлар ва бож тўловларини йиғиш каби соҳаларда турли минтақаларда истиқомат қилувчи фуқаролар билан очиқ-ойдин, давомли алоқада бўлиш асосида бу мақсаддаги ҳаражатларни сезиларли даражада камайди.

7. Электрон ҳукуматни жорий қилиш орқали давлат бошқарув структурасида бўш бўғинларни аниқлаш, самарасиз функция ва тузилмаларни қидириб топиш ҳамда уларни бартараф этиш мумкин бўлади. Бошқача айтганда, у давлат бошқарувида содир бўлаётган барча жараёнларни акс эттириб туради.

"Электрон ҳукумат"нинг жорий этилиши жамият учун кутилмаган янги бир хавфнинг кучайишига шароит яратиши мумкин. Бу — коммуникация технологиялари воситасида уюштириладиган ахборот-психологик хуруждир.

Замонавий дунёда ахборот ҳуружининг пайдо бўлиши ҳам ўзига хос тарихга эга.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида дунёнинг Ҳиндистон, Хитой, Собиқ Иттифоқ ва Осиёнинг бир қанча давлатлари томонидан янги халқаро ахборот тартиби ва эркин ахборот алмашуви концепцияси илгари сурилди. Аммо бу концепцияга қарши АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлар "Эркин ахборот оқими" назариясини илгари сурдилар. Оқибатда кенг миқёсда ахборот монополиячиларининг манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг турмуш-тарзи ҳамда қадриятлари бутун дунё бўйича тарғиб этила бошланди.

Ахборот ўз хусусиятига кўра чек-чегара билмайди. Унга чегара, тўсиқ тушунчалари умуман бегона. Қадим-қадимдан давлатлар ҳар қандай мавжуд хавф-хатарнинг олдини олишни ўз ҳудудидаги чегараларини мустаҳкамлаш ёки қатъий изоляцияланган назорат ўрнатиш орқали бартараф этишга уринган. Аммо бугун, дунё ривожланишининг янги босқичи янги давр муаммоларини бир нуқтада тутиб турган ҳимоя воситаси – ахборот -психологик хавфсизлик деб аталмоқда.

Ахборот хавфсизлигига қисқача ***таъриф*** берадиган бўлсак, уни инсон онги, қалби орқали жамият кайфияти ва руҳиятига салбий, ўз миллий ва инсоний манфаатларига зид ахборот ҳуружларидан сақланиш воситаси дейиш мумкин.

Шу ўринда ахборот-психологик хавфсизликка қачон эҳтиёж сезилади, деган саволга жавоб бериб ўтсак.

Инсоннинг руҳий ҳолати, унга етказиладиган ахборот мазмунига ҳам боғлиқ. Демакки, унга ёлғон ахборот етказиш йўли билан уюштирилган хуружга қарши доимо кучли интеллектуал ҳимоя воситаси зарур. Бу ерда инсон ахборот психологик хавфсизликка, аниқроқ айтганда, ахборотга қарши турувчи "иммунитет"га эҳтиёж сезади.

Ахборот хуружига қарши иммунитет маълум бир тайёргарликка эга, ахборотни таҳлил қила олишга қодир даражага етган шахсдагина шаклланиши мумкин. Баъзи ҳолатларда пессимистик руҳга эга кишиларда ҳам ахборот ҳуружига қарши иммунитет шаклланганидек кўриниши мумкин. Аммо бу ерда ахборот хуружига қарши ҳимояланишдек кўринган ҳолат аслида хуружга учраган ахборотнинг холис мазмунини тўлиқ намоён этиб бера олмайди. Бу ерда кўпроқ ахборотга бир ёқлама қараш кўникмаси намоён бўлади. Бундай инсон ҳар қандай ахборотни ишончсизлик, пессимистик руҳ билан қабул қилади. Ахборот ҳуружига қарши психологик хавфсизлик иммунитети ўз вазифасига кўра биринчи галда ҳар қандай ахборотнинг холис жиҳатларини қабул қила олишни англатади.

Айни вақтда жаҳон жамоатчилиги ўртасида ривожланаётган мамлакатлар аҳолисига ахборот технологиялари кучли бўлган давлатлар

томонидан катта ҳажмда оқиб келаётган ахборот оқимини тартибга солиш ва муаммони адолатли ҳал қилиш борасида бирор арзигулик иш олиб борилмаяпти. Чунки бунинг фойдаси йўқ. Агар бегона ахборот оқимларини тўхтатишнинг иложи бўлганда бундай имкониятдан кўп мамлакатлар фойдаланган бўларди. Бироқ ривожланган мамлакатлар бундан манфаатдор эмас ва бундай шартномани қабул қилишга йўл бермайдилар. Бундай шароитда энг тўғри йўл – ҳар бир давлат ўз фуқароларини ёт таъсирлардан ўзи ҳимоя қилишидир.

"Электрон ҳукумат"да жамият учун бирдан-бир асосий муаммо ахборот хуружи бўлиб қолади. Шу боис давлат ушбу хуружнинг олдини олиш ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий меъёрлари ва алоҳида дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга қўллашни талаб этади. Айни вақтга қадар Ўзбекистонда ушбу йўналишда бир нечта қонунлар амалиётга киритилган. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида" ги, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат сири тўғрисида"ги, "Почта алоқаси тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги Қонунлар шулар жумласидандир.

"Электрон ҳукумат" яратиш йўлида илғор илдамлаётган мамлакатлар қаторига бугун АҚШ, Буюк Британия ҳамда ривожланаётган давлатлар қаторида Эстония[46] каби давлатларни киритиш мумкин.

"Электрон ҳукумат"ни яратиш йўлида ахборот технологияларини жалб қилишнинг ўзи давлат бошқарувининг самарадорлиги ошганлигини кўрсатмайди. Чунки айни пайтда кузатадиган бўлсак, янги компьютерлар харид қилиб, уни интернет тармоғига улаб қўйиб ҳам, давлат муассасалари раҳбарларининг баъзилари бу воситаларнинг қандай қилиб ходимлар ва бутун ташкилот ишининг самарадорлигини ошириши мумкинлигини яхши тасаввур қила олишмайди.

Бироқ шунга қарамай, Ўзбекистон бошқарув тизимида "Электрон ҳукумат"ни жорий этиш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда 2010 йилгача бўлган даврда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра 2010 йилга келиб, давлат бошқаруви ва ҳокимлиги органларининг компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси 100%,

[46] Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Инсон тараққиёти концепцияси"

муассасалар ичида қоғозсиз ҳужжат алмашиш улуши 70% га, муассасалараро алмашиш эса 40% га етиши керак. Шунингдек, айни вақтда барча Олий таълим муассасалари тўлиқ компьютирлаштирилган бўлса, "2006-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш" умуммиллий Дастурига мувофиқ Ўзбекистонда мавжуд ўн мингга яқин мактаблар тўлиқ компьтерлаштирилмоқда; давлат маълумот ресурслари ва ахборот марказлари яратилмоқда; электрон ҳужжат алмашув, тижорат, имзо бўйича қонуний база шакллантирилмоқда.

Ахборот-психологик хуружнинг одини олиш учун қабул қилинаётган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш билан бир қаторда алоҳида Дастур асосида ушбу йўналишда изланиш олиб борадиган, алоҳида соҳа вакилларини тайёрловчи махсус ўқув бўлимлари ташкил этилиши зарур. Шунингдек, "Электрон ҳукумат"ни жорий этиш кутилган натижаларга олиб келиши учун, у марказсизлаштириш, давлат органлари фаолиятининг очиқ-ойдинлигига йўналтирилган давлат бошқаруви тизимидаги кенг ўзгаришлар билан бирга кечиши лозим.

12.2. Глобал тармоқ: ахборотнинг информацион характери ва психологик тажовуз

Бугунги кунда кечаётган глобаллашув ва ахборотлашув жараёнини интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди. Янгича дунёқараш, янгича онг асосида вояга етаётган ёшлар ахборот манбаи сифатида, асосан, интернетга мурожаат қилишмоқда. Интернет — виртуал макон. У инсоният тафаккури, ақл ҳамда билимининг мисли кўрилмаган маҳсули ва қудрати намунасидир. Ундан истаган ахборотни излаш, топиш, уни қайта ишлаб истаганча тарқатиш мумкин. Шунингдек, интернет жуда катта имкониятларни ўз ичига олади. Хусусан, ахборот оқимининг тезкорлиги, аудиториянинг чекланмаганлиги, дунёнинг нариги бурчагидаги инсонлар билан кўп ҳаражат ва вақт сарфламасдан мулоқот қилиш мумкинлиги ва ҳ.к.

Аслида ҳарбий мақсадларни амалга ошириш учун яратилган тармоқлараро сет бугун "ўргимчак" кўринишида бутун дунёни ўз тўрига илинтириб олди ва ўз навбатида глобаллашув ва ахборотлашув жараёнини шиддат билан тезлаштириб юборди.

Маълумки, ёшлар дунёқарашини шаклланишида интернет, шубҳасиз, асосий манбага айланиб қолди. Хўш, улар интернетга қандай мақсадларда кирадилар? Улар он-лайн тизимидан асосан, янгиликларни излаш ёки тарқатиш, реферат ва курс ишлари учун тайёр материалларни тўплаш, масофавий ўқишларда иштирок этиш, дўстлар билан мулоқот, мусиқа, клип ёзиб олиш каби мақсадларда фойдаланадилар. Албатта, бу

масаланинг ижобий тарафи. Лекин шу билан биргаликда салбий томонлари ҳам талайгина. Унинг саҳифаларида миллатчилик, ирқчилик, зўравонлик ғоялари тарғиб этилиб, беҳаё кўринишлар акс этган расмлар, видеолавҳалар мавжудлиги жамиятнинг, айниқса ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ривожланишига катта хавф туғдирмоқда. Бундан кўриниб турибдики, он-лайндан тарқалаётган ахборот нафақат информацион характерга, балки психологик тажовузга ҳам эга бўлиши мумкин. Буни қуйидаги баъзи рақамлар мисолида кўриб чиқиш мумкин:

Таҳдид аниқланган веб-сайтлар рейтинги.

Сайт номи	Карантиндаги кунлар сони
www.sogdiana.uz	509
www.ersc.uz	454
www.seo.uz	333
www.bigcity.uz	286
www.romania.uz	186
www.maxtravel.uz	174
www.eureka.uz	174
www.eyvaz.uz	144
www.hotels.uz	144

Психологик таҳдидлар аниқланган ушбу веб-сайтлар рейтинги UZ. зонасида зарарли кодларни аниқлаш борасидаги веб-сайтларни мониторингини олиб бориш UZ-CERT хизматининг ташаббуси билан тузилган бўлиб, 2007 йилдан буён ҳар куни фаолият олиб бормоқда.[47] Бу давр мобайнида ушбу хизмат мутахассислари томонидан миллий домен зонасининг турли веб-ресурсларига киритилган 100 дан ортиқ зарарли код нусхалари топилган. Яъни, зарарли код деганда оддийгина бўлиб кўринадиган, аммо замирида бошқа маънолар ёки психологик таҳдидлар яширинган сўзлар тушунилади.

Зарарли кодлар бир қарашда кўринмайди ва улар киритилган сайтлар ҳам хавфли эмасдек кўринади. Масалан, хонанда Согдиананинг расмий сайти ҳисобланган www.sogdiana.uz, мамлакатимиздаги мавжуд меҳмонхоналар, уларнинг хизматлари ва бошқалар ҳақида маълумот берадиган www.hotels.uz каби сайтлар бир қарашда оддий кўринади. Аммо, бундай сайтларда қанчалик кўп вақт ўтирилса ёки қўшимча хизматлардан фойдалана бошланса, таҳдидчилар томонидан қўйилган тузоққа илиниш хавфи кучайиб боради. Агар, фойдаланувчилар орасида

[47] ICTNEWS ахборот-коммуникация технологиялари янгиликлари журнали. Тошкент. 2010. №01. 11-бет.

кучли стресс таъсирида юрган, оиласи, яқинлари билан алоқаси яхши бўлмаган ёки ўзининг шахсий фикрида собит туролмайдиганлар тоифасига кирувчилар бўлса, уларнинг турли хил оқимларга, йўлларга кириб кетиш эҳтимолидан холи эмас. Дарвоқе, юқоридаги каби таҳдидлар замирида терроризм, атеизм, порнография, ўз жонига қасд қилишга «ёрдамлашиш» миссионерлик каби ёшлар онгини заҳарлашга «хизмат қилувчи» ёт ғоя ташаббускорларининг ёвуз мақсадлари яширинган бўлиб, булардан ўз вақтида ҳимояланиш ҳар бир инсон, ҳар бир жамият учун муҳим ва долзарб масаладир.

Интернет хизматидан фойдаланиш кўрсаткичи йилдан-йилга ўсиб бораётганини қуйидаги кўрсаткичлар мисолида ҳам таҳлил қилиш мумкин.

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланиш кўрсаткичи
(2006, 2007, 2008, 2009 йиллар мисолида)



Бу кўрсаткичлар қувонарли албатта. Чунки юқори технологияларнинг мамлакатимиз ҳаётига кириб келиши ва бу борада аҳолининг ундан фойдаланиш маданиятининг ҳам ўсиб бораётгани жамият тараққиётига катта ҳисса қўшади. Аммо, юқоридаги каби мафкуравий тажовузларнинг мавжудлиги ва афсуски, уларни бутунлай йўқ қилиш ёки ҳудудимизга киритмасликнинг иложи мавжуд эмаслиги бирор чора кўришга ундайди. Бу борада мамлакатимизда бир қандай ишлар йўлга қўйилмоқда.

Аммо, бу тизимнинг жорий этилиши бир хавфнинг кучайишига сабабчи бўлиб қолади. Бу — коммуникация технологиялари воситасида уюштириладиган ахборот – психологик хуруждир. Шу боис давлатдан ушбу хуружнинг олдини олиш, ахборот технологияларидан фойдаланишнинг меъёрлари ва алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш талаб этилади.

Демак, энг катта муаммо ахборот хавфсизлигини таъминлашдир. Маълумки, аксарият инсонлар бугунги кунда қоғоз-қаламда хат ёзиб

жўнатишдан кўра, электрон почтадан фойдаланишни афзал билади. Ҳолбуки, бу ахборотнинг хавфсизлиги энг кўп бузиладиган зона ҳисобланади. Шундай тажрибали хаккерлар борки, улар ўтирган жойида кишиларни хонавайрон этиши, пул ўмариши, сирли ахборотларни ошкора қилиши мумкин. Ҳозирги кунда шундай мукаммал дастурлар борки, улар орқали энг мукаммал кодли электрон почталарни ҳам бемалол "бузиб", ўзлаштириб олиш мумкин. Бу эса, инсонларнинг шахсига, ҳуқуқларига ва ахборот олишига бўлган таҳдид бўлиб, уларнинг поймол бўлишига олиб келади.

Ҳозирда мамлакатимизда Е-ХАТ тизими йўлга қўйилиши режалаштирилган бўлиб, бу тизим ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг энг қулай йўлларидан биридир.

Е-ХАТ – муҳофазаланган электрон почтаси бўлиб, интернетнинг ўзбек сегменти (Ўзбекистон ҳудуди)даги ёзишмаларнинг барчаси махфий бўлган ягона электрон почта тизимидир. Бу тизим муҳофазаланган бўлиб, компания ичида ва ташқарисида ахборот алмашинувини таъминлаб беришга мўлжалланган. Ундан ташқари Е-ХАТ муҳофазаланган электрон почта тизими, ушбу тизим фойдаланувчилари ўртасида муҳофазаланган ўзаро хабарлар алмашишни ташкиллаштиришга қаратилган.

Бу тизимда ишлаш учун ҳар бир фойдаланувчи Электрон рақамли имзо калитларини (кейинги бандларда ЭРИ деб ёзилади) рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ёпиқ калитга эга. Фойдаланувчининг ёпиқ калити ва очиқ калитининг сертификати оддий ва муҳофазаланган ташувчида ва фойдаланувчининг компьютеридаги папкада сақланиши мумкин.

Бу сервер тизимдан фойдаланувчиларга Интернет орқали электрон хабарларни истаган вақтда ва истаган жойдан жўнатиш воситалари тизимини тақдим этади. Е-ХАТ тизимидан фойдаланувчи Е-ХАТ сервери билан мулоқот режимида, мижоз компютерига ўрнатилган Е-ХАТ мижоз дастури ёрдамида ишлайди. Бир сўз билан айтганда, ушбу тизим ўрнатилган компьютердан жўнатилган ҳар қандай ахборотга ҳеч ким таҳдид қила олмайди. Фақат бу тизим иккала томон, яъни ахборот жўнатувчи ва уни қабул қилувчиларнинг компьютерига ўрнатилган бўлиши керак.

Бу тизим қуйидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларига жавоб беради:

- **Иденфикациялаш** – ЭРИ ва тизимга кириш имкониятини берувчи ЭРИ ёпиқ калити ёрдамида Е-ХАТ тизим фойдаланувчисининг ҳақиқийлиги тасдиқланади.
- Электрон хабарларнинг **муҳофазаланганлиги** (махфийлиги) электрон хабарларни жўнатиш вақтида шифрлаш орқали амалга оширилади. Электрон хабарлар тармоқ орқали жўнатилганда ва почта

серверида шифрланган ҳолда сақланиб туради. Маълумотларнинг дешифрацияси уларнинг фойдаланувчи томонидан очилган вақтда амалга оширилади.

- Электрон хабар жўнатувчини **аутенфикация қилиш** ҳар бир электрон хабарда ЭРИнинг тегишлилигини ва ЭРИ калити сертификатининг мақомини текшириш (ҳақиқий, бекор қилинган, тўхтатиб қўйилган) асосида амалга оширилади.
- Электрон хабарларнинг **бутлиги** — электрон хабарларнинг имзоланишидан бошлаб, олувчи томонидан қабул қилиниб олинган паллагача ахборотнинг ўзгартирилмай ёки кимдир томонидан ўқилмай етиб келганлиги айнан ЭРИни текшириш орқали таъминланади.

Муҳофазаланган электрон почтанинг муҳим устунлиги шундаки, бу ҳолда узатилаётган хабар барча ҳуқуқий аломатлари бор бўлган юридик ҳужжат мақомига эга бўлади. Бу эса, турли низолар вужудга келганида бундай хабарни суд идораларида далил сифатида тақдим этишга имкон беради. Мазкур хабарлар билан алмашиш ҳуқуқий жиҳатдан шартнома тузишга тенглаштирилади ва тегишли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқади. Узатилаётган махфий ахборот шифрланади ва жойлардаги ходимлар томонидан имзоланиши ахборотнинг ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиш даражасини оширади ва уни қалбакилаштириш ҳамда ошкор этишдан муҳофаза қилади. Бир сўз билан айтганда, ахборотнинг хавфсиз етиб боришини таъминлайди. Бунда биз жўнатган ахборотни ҳеч ким ўқиш ёки ўзлаштириш, ошкор қилиш имкониятига эга бўлмайди. Бу тизимнинг мамлкатимизда жорий этилаётгани ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги яна бир имконият, десак бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугун ахборот ҳеч қандай чегара ва тўсиқ билмай ҳаётимизга кириб келмоқда. Бу борада ҳар бир давлатдан ахборот хавфсизлигини таъминлашни яхши йўлга қўйиш талаб этилмоқда. Сабаби, ахборот ортидан келаётган психологик таҳдидлар бевосита инсонларга, айниқса, ёшларга қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шуни назарда тутган ҳолда, барча таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида шу мавзуда ёшларга тушунтириш ва ташвиқот ишлари кучайтирилса, бу ҳақда етарлича маълумотлар берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ва яна таклиф сифатида шуни айтиш керакки, интернетда энг кўп фойдаланиладиган сайтларга ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган реклама роликлари жойлаштириб чиқиш мумкин. Бу видеороликлар қисқа ва қизиқарли, диққатни жалб қиладиган бўлиши керак. Бу роликлар панд-насиҳат руҳида эмас, балки ҳар хил оқимларнинг мавжудлиги, унинг тўрига илиниш қандай оқибатларни келтириб чиқариши, инсон ўз фикрида собит туриши кераклиги ва бошқалар ҳақида ёшларга

тушунарли ҳолда бўлиши керак. Бундай роликлар айниқса, хавфли сайтларга киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

12.3. Резюме

Кейинги йилларда ахборот соҳасида электрон ҳужжатлардан фойдаланиш барча ривожланган мамлакатлар қатори республикамизда ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Бу ўз навбатида электрон ҳужжатлардаги ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу боисдан юртимизда электрон ҳужжатларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир қатор ҳужжатлар, қонунлар қабул қилинмоқдаки, улар электрон ҳужжатлар хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

11.4. Назорат учун саволлар:

?

1. Электрон ҳужжат деганда нимани тушунасиз?

2. "Электрон ҳукумат" тушунчасининг маъносини изоҳланг?

3. Глобал тармоқ тушунчасига изоҳ беринг?

4. Электрон ҳужжатларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарурияти нимада деб ўйлайсиз?

5. Е-ХАТ – муҳофазаланган электрон почтаси ҳақида нималарни биласиз?

6. Ахборот технологияларидан фойдаланиш ва унинг меъёрий талаблари тўғрисида юртимизда қабул қилинган қандай қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни биласиз?

7. Ахборотнинг информацион характери ва психологик хуруж деганда нимани тушунасиз?

13-МАВЗУ. ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАР ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ БАҲОЛОВЧИ МЕЗОН СИФАТИДА

Шахсга хос хусусиятларни аниқлаш тестлари

Қайси соҳа йўналиши эгаси бўлмасин? бўлажак ходимларни фаолиятга тайёрлашда асосий эътибор касбга зарур хусусиятларни шакллантиришга қаратилади. Жисмонан ва маънан соғлом, бақувват, Ватан, халқ хизматини ўзига шараф деб билган, белгиланган синовлардан ўтган йигит, қизлар танлаган касбларини муваффақиятли амалга оширишни таъминлайдиган махсус билимлар қаторида психологик билимларни эгаллаш орқали касбий психологик тайёргарликдан ўтишади.

Инсон ўзини қанчалик яхши билмасин, ўз имкониятларини тўлалигича кўра олмайди. Хулқ, характер хусусиятлари шахсни ижтимоий меъёрлар, муносабатлар орқали шакллантириши, билим олиш ва тажриба орттиришга ёрдам бериши мумкин. Лекин биз ҳар қанча уринмайлик организмимизда мавжуд имкониятлардан ортиқ фаолият юрита олмаймиз. Мисол учун, ёшлигидан оғир, босиқ, ҳаракатлари суст, ахборотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнларининг секинлиги шахснинг асаб тизими, аниқроғи нерв толалари орқали ўтадиган импульсларнинг ҳаракати, қўзғалиши ва тормозланиши билан бевосита боғлиқ.

Илмий тилда бу хусусиятлар йиғиндиси темперамент ёки мижоз хусусиятлари билан белгиланади. Буюк аллома, тиб илмининг отаси, бобокалонимиз **Абу Али ибн Сино** ўзининг „Тарбия ва мизож" китобида шахсий касбга йўналтиришда мизож хусусиятларини инобатга олишни айтиб ўтган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам шахсларни касбга тайёрлашда уларнинг хоҳиш, имконият ва лаёқатларини инобатга олиш кўзда тутилади.

Шахсда мавжуд касб талаб этадиган хусусиятлар нисбатига қараб ходимни маълум бир касб йўналишига тайёрлаш, қайсидир хусусиятларнинг фаолиятга таъсир кучини йўқотиш, қайси бирларини эса шакллантириш, ривожлантириш имконияти туғилади.

Чет эл давлатлари тажрибасида ходимни нафақат лавозим ёки касбга танлашда, балки муҳим, ўта муҳим вазифаларни топширишда, юқори лавозимларга тайинлашда, шаҳодатлашда психологик билимлар, тестлардан фойдаланишлари бизга маълум. Айнан шахсга хос алоҳида туғма хусусиятлар, ходимнинг муайян фаолиятни самарали бажаришига катта таъсир ўтказади.

Бир турдаги шахслар тезкор ходим бўлишни, бошқа бир шахс эса педагог ёки врач бўлишни хоҳлайди. Хоҳиш-истаклари уйғунлигида

билим олади, ишлайди, тажриба ортгиради, лекин хоҳишга, ниятга эришиш йўли машаққатли кечади. Ходим қийналиб, асаблари таранглашиб фаолият олиб боришга кўникади. Ўтказилган кўплаб тадқиқотлар бундай ходимда ўсиш, янгиликларга интилиш хусусиятларининг намоён бўлмаслигини кўрсатади.

Иккинчи турдаги шахслар хоҳиш-истакларини туғма имкониятларига мувофиқлаштирган ҳолда касб йўналишини танлашади. Бундай ходимларни биз кўпинча раҳбар лавозимларда, жамоада етакчи, маслаҳатчи, тажрибали ходимлар сафида учратишимиз мумкин.

Юқорида қайд этилган психологик ташхис-тавсиф асосида раҳбар ходимлар қўл остидаги ходимларни ўрганиш, вазифаларни тақсимлаш, ишчи жамоаларни шакллантириш, жамоанинг маънавий-руҳий муҳитини мўътадиллаштириш, конфликт вазиятларнинг олдини олиш, муҳими белгиланган фаолиятнинг самарадорлигини ошириш имкониятига эга бўлади.

Ташвиш хавотир шкаласини аниқлаш тести

Йўриқнома: *Сўровномадаги биринчи мулоҳазани ўқинг. Агар шу мулоҳазага қўшилсангиз жавобларни қайд қилиш „ҳа " жавоб учун„+ " белгисини қўйинг, рози бўлмасангиз „ Йўқ " жавоб учун „ — "қаторига қайд этинг. Саволларга жавоб бераётганда тезроқ ишлашга ҳаракат қилинг, саволлар устида кўп ўйланманг, миянгизга келган биринчи фикрни айтишни унутманг.*

1. Мен чарчамасдан узоқ ишлашим мумкин.
2. Менга осон ёки қийин бўлишига қарамасдан ўз ваъдамни бажараман.
3. Менинг одатда қўл-оёқларим иссиқ бўлади.
4. Менинг бошим кам оғрийди.
5. Мен доим ўз кучимга ишонаман.
6. Бировни кутиш асабимга тегади.
7. Гоҳида ҳеч нимага ярамайдигандек туюламан.
8. Одатда ўзимни бахтиёр сезаман.
9. Маълум бир нарсага диққатимни тўплашим қийин.
10. Ёшлигимда қандай иш буюрилишидан қатъи назар, ўйламай тез бажарар эдим.
11. Менда ҳар ойда бир ёки кўпроқ марта ошқозон-ичак бузилиши бўлиб туради.
12. Мени доим кимдир ташвишлантираётгандек туюлади.
13. Мен бошқа одамларга нисбатан кўп асабийлашмайман, деб ўйлайман.
14. Мен жуда уятчан эмасман.
15. Кўпинча ҳаётим кучли зўриқишлар билан боғлиқ.

16. Гоҳида ўзим тушунмайдиган нарсалар тўғрисида гапираман.
17. Бировлардан кўра мен кўп хижолат бўлмайман.
18. Арзимаган нарсаларга жаҳлим чиқади.
19. Юрак уришим ва нафас олишимни кам сезаман.
20. Мен билган одамларнинг ҳаммаси ҳам менга ёқмайди.
21. Мени бирор нарса ташвишлантирса, ухлай олмайман.
22. Ўзимни вазмин ҳеч нарса жаҳлимни чиқаролмайди, деб ўйлайман.
23. Тунги ваҳималар менда учраб туради.
24. Ҳамма нарсани жуда тўғри қабул қиламан, деб ўйлай-ман.
25. Жаҳлим чиққанда терлаб кетаман.
26. Уйқум нотинч, қаттиқ ухламайман.
27. Бошқа одамларга қараганда жуда таъсирчанман.
28. Турли хил ўйинларда ютқазишдан кўра ютиш тарафдориман.
29. Беҳаё ҳазил ва аскияларни ёқтираман.
30. Бошқаларга ўхшаб мен ҳам ўз ҳаётимдан қониқиш сезгим келади.
31. Мени кўпинча ошқозоним ташвишлантиради.
32. Доим ўз моддий аҳволим ва хизмат ишларимдан таш-вишланаман.
33. Менга зарар келтириши мумкин бўлмаган одамлар билан ҳам эҳтиёт бўлиб муносабат ўрнатаман.
34. Гоҳида менинг олдимда енгиб бўлмайдиган қийинчиликлар бордай туюлади.
35. Бир пасда эсанкираб қолишим мумкин.
36. Вақт-вақти билан шундай ҳаяжонланаманки, оқибатда узоқ вақт ухлолмайман.
37. Қийин вазият ва келишмовчиликлардан қочишга ҳаракат қиламан.
38. Кўнглим айниб қайт қилган пайтларим бўлган.
39. Учрашувлар ва ишга ҳеч қачон кеч қолмайман.
40. Ўзимни бефойда деб ҳис қилган вақтларим бўлган.
41. Гоҳида сўкингим келади.
42. Кўпинча нимадандир ёки кимдандир хавотирда бўламан.
43. Омадсизликлар мени кам ташвишлантиради.
44. Қизариб, хижолат бўлиб кетишдан қўрқаман.
45. Кўпинча нима қилишни билмай қоламан.
46. Мен асабий ва осон қўзғалувчан инсонман.
47. Бир нима қилмоқчи бўлсам, қўлларим қалтираётганини сезаман.
48. Кўпинча очлик ҳиссини сезаман.
49. Ўзимга ишончим етарли.
50. Совуқ кунлардаям тез терлайман.
51. Гоҳида ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган нарсалар тўғрисида орзу қиламан.
52. Бошим жуда кам оғрийди.
53. Диққатимни бирор масала ёки ишга тўплашим қийин, деб ўйлайман.

54. Қаттиқ ташвишланганимдан бир жойда кўп ўтиролмаган кунларим бўлган.

55. Хатга жавобни ўқиб бўлишим билан ёзаман.

56. Жуда тез хафа бўламан.

57. Ҳеч қачон қизариб, ҳижолат бўлмаганман.

58. Атрофимдагиларга қараганда менда қўрқиш ва хавотирланиш ҳисси кам.

59. Бугунги ишни эртага қолдирган пайтларим бўлган.

60. Кўпинча кучли зўриқиш билан ишлайман.

ҚАЙД ҚИЛИШ ВАРАҚАСИ

№	+/	№	+/-	№	+/-	№	+/	№	+/-	№	+/	№	+/	№	+/	№	+/	№	+/-
1		7		13		19		25		31		3"		43		49		55	
2		8		14		20		26		32		38		44		50		56	
3		9		15		21		27		33		39		45		51		57	
4		10		16		22		28		34		40		46		52		58	
5		11		17		23		29		35		41		47		53		59	
6		12		18		24		30		36		42		48		54		60	

Ҳар бир ижобий жавоб 1 баллдан баҳоланади.

Баҳолаш: **40 – 506 балл** – жуда юқори ташвиш-хавотир даражасини англатади;

25 – 406 балл – юқори ташвиш-хавотир даражаси;

15 – 256 балл – ўрта даражадаги юқори ташвишланишга мойилликни англатади;

5 – 156 – ўрта даражада, ташвиш-хавотир даражасининг пастлигидан далолат беради;

4 – 6 балл – ташвиш-хавотир даражаси паст.

0 – 4 – ёлғон шкаласида, нотўғри ахборот берилганлигини англатади.

„Ёлғон шкаласи" (ахборот аниқлик даражаси)нинг калити

Жавоб тури	Саволлар рақамлари					
ҳа	2	10	39	55		
йўқ	16	20	28	29	41	59

Ташвиш-хавотир даражасини аниқлаш шкаласининг калити

Жавоб тури	Саволлар рақамлари											
ҳа	6	7	9	1	12	15	18	21	23	24	25	26
ҳа	27	30	31	32	33	34	35	36	37	38	40	42
ҳа	44	45	46	47	48	49	50	51	53	54	56	60
йўқ	1	3	45	8	13	14	17	1	22	43	52	57

Иродавий эмоционал хусусиятларни аниқлаш тести

1. Бўлиб ўтган тушунмовчиликни қанчалик тез эсда сақлайсиз:
А) жуда узоқ; В) тез эсдан чиқараман.
С) вазиятга қараб; Д) эсдан чиқараолмайман
2. Момақалдироқдан вахимага тушасизми?
А) кўпинча; С) гоҳида;
В) билмайман; Д) ҳеч қачон.
3. Кутилмаган шовқиндан сапчиб тушасизми?
А) жуда кўп; С) гоҳида;
В) кўпинча; Д) жуда кам.
4. Қатъиятли, олдингизга қўйган мақсадга эришмасдан қўймайдиган, қайсарлик қилган ҳолатларингиз кўп бўлганми?
А) жуда кам; С) кўпинча;
В) гоҳида; Д) жуда кўп.
5. Кутилмаган хавфли вазиятларда босиқлик билан ҳаракатланишни уддалай оласизми?
А) йўқ; С) гоҳида;
В) жуда кам; Д) доим.
6. Кўп ўйламасдан ҳаракат қилган пайтларингиз бўлганми?
А) ҳеч қачон бундай ҳаракатланмайман;
В) ҳаракат қилишдан олдин ўйлаб кўраман;
С) кўпинча ўйлаб ўтирмасдан ҳаракат қиламан;
Д) ҳар доим кўп ўйлаб ўтирмасдан ҳаракатланаман.
7. Кўтаринки кайфиятни ўзингизда кузатганмисиз?
А) йўқ; С) кўпинча;
В) гоҳида; Д) жуда кўп марта
8. Нотаниш ерда эҳтиёкорлик ва вазиятни ўрганишга ҳаракат қиласизми?
А) жуда кўп марта; С) гоҳида;
В) кўпинча; Д) ҳеч қачон.

9. Хавфли ва хавотирли ерда осон йўналиш оласизми?
А) қийинчилик билан; С) осон;
В) қийин бўлади; Д) жуда осон.

10. Узоқ муддатга ўзингизни кўп нарсадан маҳрум қилиб, ҳаётингизни хавфга қўя оласизми?
А) йўқ; С) кўпинча;
В) ҳеч қачон; Д) доим.

Жавоб вариантлари	10-8	7-6	5-4	3-2	1-0
Баллар	5	4	3	2	1

56 — иродавий хусусиятлар жуда яхши шаклланган;
46 — иродавий хусусиятлар яхши шаклланган;
36 — иродавий хусусиятлар қониқарли шаклланган;
26 — иродавий хусусиятлар ёмон шаклланган;
16 — иродавий хусусиятлар жуда ёмон шаклланган.

Шахснинг қадриятларга йўналганлик даражасини аниқловчи тест

Йўриқнома: *Ҳозир эътиборингизга характерингизнинг баъзи хусусиятлари билан боғлиқ саволлар ҳавола этилади. Сиз улардан энг муҳи-мини танлаб олишингиз талаб этилади, яъни фикрингизча, сиз учун қимматли ёки ҳаммадан кўра кўпроқ ҳақиқатга тўғри келадиган жавобни „энг маъқули" деб кўрсатилган қаторга жавобни белгиловчи ҳарфни қўйинг. Сўнг саволда сиз учун айни ҳақиқатга умуман тўғри келмайдиган, сизнинг ҳақиқатдан йироқ, сиз учун қимматга эга бўлмаган жавобни белгиловчи ҳарфни „маъқул келмайдиган" қаторга белгиланг.*

1. Ҳаётда сиз нимадан кўпроқ қониқиш ҳис қиласиз?
А) бажарилган ишга берилган баҳодан;
В) ишнинг яхши бажарилганини аниқлашдан;
С) дўстлар орасида эканлигингни англашдан.

2. Сиз футбол ўйнаганингизда, кўпроқ нимани истаган бўлардингиз?
А)ўйин тактикасини ишлаб чиқувчи мураббий (тренер)бўлишни;
В) таниқли машҳур ўйинчи бўлишни;
С) гуруҳ сардори бўлиб сайланишни.

3. Энг яхши ўқитувчи деб қайси сифатларга эга бўлган ўқитувчиларни айтиш мумкин:

А) ўқувчиларга индивидуал ёндашадиганларни;
В) ўз фанига берилган ва бошқаларни ҳам шу фанга қизиқтира олганларни;
С) жамоада ҳар бир аъзо ўз нуқтаи назарини қўрқмасдан айта оладиган муҳитни ярата олганларни.

4. Ўқувчилар қайси ўқитувчиларни энг ёмон деб баҳолайдилар?

А)баъзи бир одамларни ёқтирмасликларини ҳеч кимдан яширмайдиганларни;
В) ҳаммада ўзаро мусобақа руҳини ташкил қиладиганларни;
С) ўзлари сабоқ бераётган фан ўзларини қизиқтирмайдигандек тассурот туғдирадиганларни.

5. Дўстларингизнинг қайси ҳаракатларидан кўпроқ хурсанд бўласиз?

А) имкони бўлганида бошқаларга ёрдам беришса;
В) ҳамма вақт ишончли ва содиқ бўлишса;
С) зиёли ва қизиқишлари кенг бўлса.

6. Кимларни энг яхши дўст деб ҳисоблайсиз?

А) ким билан ўзаро муносабатларимиз яхши шаклланса;
В) қўлидан менга қараганда кўпроқ иш келадиганларни;
С) ишониш мумкин бўлганларни.

7. Сиз ким каби машҳур бўлишни истайсиз?

А) ҳаётда катта муваффақиятларга эришган одамлардек;
В) ўзини кучли сеза оладиган одамлардек;
С) дўстона муносабати ва яхши нияти билан ажралиб турадиган одамлардек.

8. Агарда танлаш имкониятингиз бўлса, ким бўлардингиз?

А) илмий ходим; В) бўлим бошлиғи;С) тажрибали учувчи.

9. Болалигингизда нимани жуда яхши кўрар эдингиз?

А) дўстлар билан ўйнашни;
В) ишдаги муваффақиятларни;
С) мени мақташларини.

10. Сиз учун энг ёқмайдиган нарса.

А) менга топширилган топшириқни бажараётганимда тўсиқларга дуч келишим;
В) жамоада ўзаро, дўстона муносабатларнинг ёмонлашуви;
С) бошлиғимнинг мени танқид қилиши.

11. Ўқув муассасаларининг асосий вазифалари нималардан иборат:

А) ўқувчиларни мутахассислик бўйича ишга тайёрлаш;
В) ўқувчиларда мустақиллик ва индивидуал хусусиятларни, қобилиятларни ривожлантириш;
С) ўқувчиларда одамлар билан ўзаро муросага киришиб кета олиш хусусиятларини шакллантириш.

12. Сизга қандай жамоа ёқмайди?

А) нодемократик тизим ҳукмрон бўлган;
В) инсон ўзининг индивидуаллигини йўқотиб қўйган;
С) шахсий ташаббус кўрсатиб бўлмайдиган.

13. Агар бўш вақтингиз бўлса, уни нимага сарфлаган бўлардингиз?

А) дўстларим билан суҳбатлашишга;
В)севимли машғулотим ва билимимни янада такомиллаштиришга;
С) беташвиш ҳордиқ чиқаришга.

14. Сиз қачон мен юқори даражадаги ижодий қобилиятга эга бўласиз?

А) ёқимли одамлар билан ишлаётганимда;
В) мени қаноатлантирадиган иш билан шуғулланаётганимда (ишим ўзимга ёқса);
С) менинг меҳнатим етарлича тақдирланса.

15. Сиз нимани кўпроқ ёқтирасиз?

А) атрофдагилар мени қадрлашса;
В) бажарилган ишдан қониқиш ҳрсил қилсам;
С) вақтни дўстларим билан кўнгилли ўтказсам.

16. Агар сиз ҳақингизда газеталарда ёзишса, унда нима акс этишини истардингиз?

А) мен қилган, бажарган ишларимни таъкидлашларини;
В) мени қилган ишларим учун мақташларини;
С)бирор-бир жамоат ташкилотига сайланганим ҳақидаги хабарни ёритишларини.

17. Ўқитувчи қандай бўлса, яхши ўқиган бўлардингиз;

А) менга индивидуал (алоҳида) ендашганида;
В)мени янада жадалроқ ишлашга мажбурлаганда (қизиқтирганда);
С) муҳокама қилинаётган саволлар юзасидан мунозарага жалб қилганида.

18. Сиз учун энг ёмон нарса нима?

А) шахсиятга тегиш;
В) муҳим вазифани бажараётгандаги муваффақиятсизлик:
С) дўстларни йўқотиш (ажралиш).

19. Сиз нимани кўпроқ қадрлайсиз?

А) шахсий муваффақиятни;
В) умумий ишнинг муваффақиятини;
С) ишдаги амалий натижаларни.

20. Жуда кам одамларга хос жиҳат нимадан иборат деб ўйлайсиз?

А) бажарилган ишдан ҳақиқатан хурсанд бўлиш;
В) жамоада астойдил ишлаш;
С) ишни ҳақиқатан ҳам сидқидилдан бажариш.

21. Сиз тоқат қилолмайдиган нарса.

А) жанжал ва тортишувлар;
В) янгиликларни осон йўққа чиқаришлари (тан олмасликлари);

С) ўзини бошқалардан юқори қўядиган одамлар.

22. Сиз нимани кўпроқ хоҳлайсиз?

А) атрофдагилар мени ўзларига дўст деб билишларини;

В) бошқаларга умумий ишда ёрдам беришни;

С) бошқаларни қойил қолдиришни (ҳайратлантиришни).

23. Қандай раҳбарларни ёқтирасиз?

А) талабчан, қатъиятли;

В) обрў-эътиборга эга;

С) оддий, камсуқум (ҳамманинг ичида).

24. Ишда нимани кўпроқ хоҳлайсиз?

А) жамоа фикрига асосан қарорлар қабул қилинишини;

В) муаммоларни ҳал қилиш устида мустақил изланишни;

С) бошлиқ менинг қадр-қимматимни тан олишини.

25. Қандай китобларни ўқишни маъқул кўрасиз?

А) одамлар, муроса, муомала қилиш санъати ҳақида бўлса;

В) таниқли одамларнинг ҳаёти ҳақида бўлса;

С) „ўзинг бажар" қабилида маслаҳатли йўналишда бўлса.

26. Агар мусиқага қобилиятингиз бўлса нима қилган бўлардингиз?

А) дирижёр бўлардим;

В) яккахон хонанда бўлишни истардим;

С) бастакор бўлардим.

27. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

А) детектив фильмларни кўриб;

В) дўстларим билан кўнгилхушлик қилиб;

С) севимли машғулотим билан машғул бўлиб...

28. Агар моддий манфаатдорлик бўлса, нима иш қилардингиз?

А) қизиқарли мусобақа, баҳслар ўйлаб топардим;

В) мусобақада ғолиб бўлишга ҳаракат қилар эдим;

С) мусобақалар ташкил этиб, уларни бошқарардим.

29. Мен энг муҳим билишим керак бўлган нарса бу...

А) мен нима қилишни хоҳлаётганим;

Б) мақсадга қандай эришиш мумкинлиги;

С) ўз мақсадим йўлида бошқаларни бунга қандай жалб қилиш мумкинлиги.

30. Сизнингча инсон ўзини қандай тутиши керак?

А) бошқалар бундан мамнун бўлишсин;

В) у энг аввало ўз вазифасини бажарсин;

С) унга қилган иши юзасидан таъна (гина) қилишларига зарурат қолмасин.

№	Энг маъқули	Маъқул келмайди	№	Энг маъқули	Маъқул келмайди
I			16		
2			17		
3			18		
4			19		
5			20		
6			21		
7			22		
8			23		
9			24		
10			25		
11			26		
12			27		
13			28		
14			29		
15			30		

Шахсдаги доминант хусусиятлар

$Ф_1$ – кўпроқ ўзи билан ўзи овора, ўз муаммолари, ҳиссиётлари билан қизиқади:

– одамлар тўғрисида шошма-шошарлик билан, асосланмаган хулоса чиқаради;

– жамоага ўз фикрини сингдиришга ҳаракат қилади;

– қачон гапириш мумкин, қачон гапирмаслик меъёрини билмайди;

– одамларга муҳаббати йўқ.

$Ф_2$ – қўйилган масалани мустақил бажара олмайди:

– жамоа босимига йўл қўяди, ўз фикрини билдира олмайди;

– жамоага ёрдам бермасдан, ҳиссиз ишлайди;

– бошқарувни қўлига олишни билмайди;

– умумий мақсад сари интилмайди, сафдошларига кўмак бермайди.

$Ф_3$ – вазифа тақсимотига ҳамфикр:

– жамоадаги алоҳида шахсларга ёрдам беради;

– ишни яхширежалаштира олади;

– одамларни бошқаришни қўлига олади;

– ишни давом эттиришга ундовчи фикрлари мавжуд;
– фикрини аниқ ва равон ифодалайди, тўхтовсиз ишлай олади;
– вазиятда осон йўналиш ола билади;
– унинг иштирокида ҳамма ўзини эркин ҳис қилади;
– қийин вазифаларни бажариш керак бўлса қочмайди.

Ф3+ юқори кўрсаткичи I гуруҳ касбга лаёқатли ,
Ф3— юқори кўрсаткичи IV гуруҳ касбга лаёқатли,
Ф3+ ва Ф2+ кўрсаткичлари тенг, II гуруҳ касбга лаёқатли,
Ф3– ва Ф2– кўрсаткичлари тенг, III гуруҳ касбга лаёқатли,
Ф2+ кўрсаткичининг юқорилиги III гуруҳ касбга лаёқатли,
Ф2– кўрсаткичининг юқорилиги II гуруҳ касбга лаёқатли.
Ф1+ кўрсаткичининг юқорилиги IV гуруҳ касбга лаёқатли,
Ф1– кўрсаткичининг юқорилиги I гуруҳ касбга лаёқатли.

Тест калити Ф1 – „Х», Ф2 – „О”, Ф 3-„У” белгиси остида

№	Ф1		
1	А	16	В
2	В	17	А
3	А	18	А
4	А	19	А
5	В	20	С
6	С	21	С
7	А	22	С
8	С	23	В
9	С	24	С
1	С	25	В
1	В	26	в
1	в	27	А
1	с	28	В
1	с	29	А
1	А	30	С

№	Ф2		
1	С	16	С
2	С	17	с
3	С	18	с
4	В	19	в
5	А	20	в
6	А	21	А
7	С	22	А
8	В	23	С
9	А	24	А
1	В	25	А
1	С	26	А
1	А	27	В
1	А	28	С
1	А	29	С
1	С	30	А

№	Ф3		
1	В	16	А
2	А	17	В
3	В	18	В
4	С	19	С
5	С	20	Ф
6	В	21	в
7	В	22	в
8	А	23	А
9	В	24	В
10	А	25	С
11	А	26	С
12	С	27	С
13	В	28	А
14	В	29	В
15	В	30	В

Шахс характерига хос хусусиятларни аниқлаш тести

Йўриқнома: *Ҳозир сизнинг эътиборингизга саломатлигингиз ва характерингизга, феъл-атворингизга тааллуқли бўлган бир қатор тасдиқловчи саволлар ҳавола этилади. Ҳар бир саволни (тасдиқ) ни ва сизга нисбатан тўғри ёки нотўғрилигини ўйлаш учун кўп вақт*

сарфламанг. Миянгизга биринчи бўлиб келган фикр аниқ эканли-гини утутманг.

Баъзи бир тасдиқларни ўзингизга солиштириб кўришингиз қийин кечиши мумкин, бундай ҳолда ўзингизга маъқул кўринган жавобни таташга ҳаракат қилинг.

Саволлар мазмуни

1. Сиз тез-тез хушчақчақ ва беташвиш кайфиятда бўласизми?
2. Сизни ҳақорат қилишса бу сизга тез таъсир қиладими?
3. Сизда кино, театрдаги суҳбат жараёнида кўзингизга ёш келган вақтлар бўладими?
4. Сиз бирор ишни бажарганингиздан сўнг ҳаммасини тўғри бажардиммикин деб шубҳаланиб, тўғри бажарганлигингизга ишонч ҳосил қилгунингизча кўнглингиз жойига тушмайдими?
5. Болалигингизда тенгдошларингиз қатори шўх бўлганмисиз?
6. Кайфиятингиз чексиз хурсандликдан бошланиб ўзингизга нисбатан нафратланишгача бўлган ҳиссиётлар таъсирида ўзгариб турадими?
7. Жамоада ўртоқларингиз даврасида асосий диққат-эътибор сизга қаратиладими?
8. Сизда ҳеч қандай сабабсиз эзмалик кайфиятида бўлганингиз учун яхшиси сиз билан гаплашмаган маъқул, деган фикрга келишган ҳолатлар бўлганми?
9. Сиз жиддий инсонмисиз?
10. Сиз бирор нарсадан завкланиш, мағрурланиш қобилиятига эгамисиз?
11. Сиз уддабурон (эпчил, ташаббускор)мисиз?
12. Сизни биронтаси хафа қилса, буни тез унутасизми?
13. Сиз кўнгилчан (раҳмдил) мисиз?
14. Хатни почтага ташлагандан сўнг, хатни унга тўлиқ тушганлигини текшириб кўриш мақсадида, қути тешиги устидан қўлингизни юргизиб кўрасизми?
15. Сиз энг яхши (илғор) ходимлар қаторида бўлишга ин-тиласизми?
16. Болалик даврингизда момақалдироқ вақтида ёки бегона итга дуч келганингизда қўрққан (ваҳимага тушган) вақтларингиз бўлганми (балки бундай ҳиссиётлар ҳозир, улғайган вақтингизда ҳам бўлиб турар)?
17. Сиз ҳамма вақт, ҳамма нарсада тартиб бўлиши учун ҳаракат қиласизми?
18. Кайфиятингизнинг қандайлиги ташқи вазиятга боғлиқми?
19. Танишларингиз сизни ёқтиришадими?
20. Сизда ички, кучли ҳиссий безовталик юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликлар, мусибат (бахтсизлик)ни сезиш ҳолатлари тез-тез бўлиб турадими?
21. Сизда руҳингиз бирмунча тушиб кетган ҳолатлар (ғамгин кайфият)

тез-тез бўлиб турадими?

22. Сизда бир марта бўлса ҳам тутқаноқ (жазавага тушиш) ёки асабийлашиш ҳолати бўлганми?

23. Бир жойда узоқ вақт ўтириш сиз учун қийинми?

24. Агар сизга нисбатан ноҳақлик қилишса, сиз дарҳол ўзингизни ҳимоя қилишга киришасизми?

25. Сизнинг қўлингиздан товуқ, қўй сўйиш келадими?

26. Агар уйда парда нотўғри осилган ёки дастурхон нотўғри солинган бўлса, бундан сизнинг жахдингиз чиқиб, дарҳол уни тўғрилашга ҳаракат қиласизми?

27. Ёшлигингизда уйда бир ўзингиз қолишга қўрқармидингиз?

28. Кайфиятингиз ҳеч қандай сабабсиз тез-тез ўзгариб турадими?

29. Сиз ҳамма вақт ҳам ўз касбингиз бўйича кучли мутахассис бўлишга интиласизми?

30. Сизнинг тез жаҳлингиз чиқадими ёки ғазабланасизми?

31. Сиз бутунлай беташвиш (ҳеч нарса ҳақида ўйламайдиган) даражада хушчақчақ (очиқ кайфиятда) бўла оласизми?

32. Сиз жудаям бахтли эканлигингизни бутун танангиз билан ҳис этган вақтлар бўлганми?

33. Нима деб ўйлайсиз, сиздан ҳажвий спектаклларни олиб борувчи чиқадими?

34. Сиз, одатда, ўз фикрингизни одамларга очиқ, ҳеч қандай, шама қўшмасдан, тўғридан-тўғри гапирасизми?

35. Сиз қоннинг рангига чидаш беришингиз қийинми? У кўнглингизнинг айнишига олиб келадими?

36. Шахсий жавобгарлиги катта бўлган иш сизга ёқадими?

37. Бирор-бир шахсга нисбатан ноҳақлик қилинаётган бўлса, ҳимоя қилиш мақсадида унинг тарафини оласизми?

38. Қоронғи ертўлага тушиш сиз учун қийин, қўрқинчлими?

39. Сиз ўта чаққонликни талаб қиладиган, лекин сифатига талаб унчалик кучли бўлмаган ишни маъқул кўрасизми?

40. Сиз хушмуомала инсонмисиз?

41. Мактабда шеърларни ифодали ўқишни бажонидил бажарармидингиз?

42. Болалигингизда уйдан қочган вақтларингиз бўлганми?

43. Ҳаёт сизга мураккаб туюладими?

44. Сизда бирор келишмовчиликдан сўнг хафагарчилик, жудаям кучли сиқилганингизда, ҳатто ишга бориш ҳам ёқмайдиган вақтларингиз бўладими?

45. Бирор муваффақиятсизликдан сўнг, сиз ҳеч қачон ҳазил-мутойибани эшитмайсиз, деб айтиш мумкинми?

46. Агарда бирортаси сизни хафа қилса, ярашиш учун биринчи бўлиб

ҳаракат қиласизми?

47. Сиз ҳайвонларни жудаям яхши кўрасизми?

48. Сиз уйингиз ёки иш жойингизни қандай ҳолатда қол-дирганингиз ва ҳеч қандай нохуш ҳодисалар юз бериши мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун, орқага қайтиб текширасизми?

49. Баъзан сизни ёки яқинларингизнинг ҳаётида оғир, мудҳиш воқеа юз бериши мумкиндек бўлиб туюладиган номаълум фикр сизни таъқиб қиладими?

50. Сиз ўзингизни кайфияти жудаям тез ўзгарувчан инсон деб ҳисоблайсизми?

51. Сони жиҳатидан жудаям кўп бўлган одамлар олдида маъруза қилиш (саҳнага чиқиш) сиз учун қийинми?

52. Сизни ҳақорат қилган (яқинларингизни хафа қилган) кишини уришингиз мумкинми?

53. Сизда атрофдагилар билан яқин муносабатда бўлиш эҳтиёжи кучлими?

54. Сизнинг бирор нарсадан кўнглингиз совиса (ихлосингиз қайтса) бутунлай умидсизлик гирдобига кириб кетувчи одамлар тоифасиданмисиз?

55. Чаққон хатти-ҳаракатларни талаб этувчи, ташкилий масалалар билан боғлиқ ишлар сизга ёқадими?

56. Сиз олдингизда бир қатор қийинчиликлар турганига қарамай ўз мақсадингизга эришиш учун қатъий киришасизми?

57. Сизни фожиали фильмлар кўзингизга ёш келгунига қадар кучли ҳаяжонлантира оладими?

58. Кундалик ҳаётингизда бўлиб ўтган ёки бўлиши мумкин бўлган муаммолар миянгизга ўрнашиб олиб, тинчлик бермайдиган, натижада яхши ухлай олмаган вақтларингиз бўлиб турадими?

59. Сиз мактабда, баъзан ўртоқларингизга кўчиртириб ёки оғзаки айтиб туриб ёрдам берганмисиз?

60. Кечаси қабристондан ўтишингиз учун ирода кучингизни ишга солишингиз керак бўладими?

61. Сиз уйингизда ҳамма нарсанинг ўз жойи бўлиши керак ва ҳамма вақт ўша ерда туриши керак, деб ҳисоблайсизми?

62. Ухлаш олдидан яхши кайфиятда, уйғонганингиздан сўнг эса маълум бир вақт тушкун (асабий) норози кайфиятда бўлган вақтларингиз бўлганми?

63. Ҳар қандай муҳитга кўникишингиз осон кечадими?

64. Сизни бош оғриғи безовта қилмайдими?

65. Сиз тез-тез куласизми?

66. Сиз унчалик хушламайдиган, ёқтирмайдиган одам би лан ҳол-аҳвол сўрашасизми (яхши муомала қиласизми)?

67. Сиз серғайрат (серҳаракат) инсонмисиз?

68. Сиз ҳар қандай ноҳақлик учун жудаям қайғурасизми?

69. Сиз табиатни шунчалик севганингиздан ўзингизни унинг бир қисми деб ҳисоблайсизми?

70. Уйдан чиқиб кетаётганингизда, ухлаш олдидан газ, чироқни ўчирганингизни, эшикни очиқ ёки ёпиқ эканлигини текшириб кўрасизми?

71. Сиз ўзингизни қўрқоқ деб ўйлайсизми?

72. Спиртли ичимлик ичганингиздан кейин кайфиятингиз ўзгарадими?

73. Ёшлигингизда ўз ихтиёрингиз билан бадиий ижодкорлик тўгаракларига (рақс, рассомчилик) қатнашганмисиз?

74. Сиз ҳаётдан ҳеч қандай хурсандчилик кутмасдан, келажакка умидсизлик билан қараганмисиз (пессимистмисиз)?

75. Сизда саёҳат қилиш учун иштиёқ тез-тез бўлиб турадими?

76. Сизнинг кайфиятингиз тез ўзгарувчанми, яъни кулиб турган хурсанд кайфиятдан бирпасда ғамгин, қовоғи солиқ ҳолатга тушиб қоласизми?

77. Ўртоқларингиз даврасида, уларнинг кайфиятини кўтариш (мослашиш) сиз учун осонми?

78. Сизни ранжитишса узоқ вақт хафа бўлиб юрасизми?

79. Бошқаларнинг бошига тушган кулфат (фожиа)дан узоқ вақт ташвишланиб юрасизми?

80. Мактабда ўқиганингизда дафтарингизга сиёҳ томиб кетиб уни бошқатдан кўчирган ҳолатингиз бўлганми?

81. Сиз одамлар билан ишониб эмас, балки кўпроқ ишонмасдан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўласизми?

82. Сиз тез-тез ваҳимали (даҳшатли) тушлар кўриб турасизми?

83. Кўп қаватли уйнинг деразаси олдида турганингизда, бирдан йиқилиб кетишим мумкин, деб ўзингизни эҳтиёт қилган (ҳавфсираган) ёки ўтиб кетаётган поезднинг тагига ўзимни ташлашим мумкин, деб ундан узоқроқ юрган пайтларингиз бўлганми?

84. Қувноқ жўраларингиз, дўстларингиз даврасида сиз ҳам одатда қувноқ бўлиб кетасизми?

85. Қатъий бир фикрга (хулоса, ҳукмга) келишни талаб этувчи қийин (мураккаб) ишдан чалғий оласизми?

86. Спиртли ичимлик ичганингизда сиз ўзингизни жудаям эркин тутиб, маълум бир нарсалардан тия олишингиз қийинми?

87. Суҳбат жараёнида етарлича сўз топа олмай қийналасизми?

88. Агар саҳнада роль ўйнаганингизда зарур бўлиб қолса, бу оддий роль эканлигини унутган ҳолда ролга жудаям берилиб ўйнашингиз мумкинми?

Омилларни аниқлаш учун кўрсатилган саволларга берилган ижобий жавоблар сони ҳисобланади.

Қайд қилиш варақаси

№	+/	№	+/-	№	+/	№	+/-	№	+/	№	+/	№	+/	№	+/	№	+/	№	+/
1		10		19		28		37		46		55		(.4		73		82	
2.		11		20		29		38		47		56		65		74		83	
3		12		21		30		39		48		57		66		75		84	
4		13		22		31		40		49		58		67		76		85	
5		14		23		32		4!		50		59		68		77		86	
6		15		24		33		42		51		60		69		78		87	
7		16		25		34		43		52		61		70		79		88	
8		17		26		35		44		53		62		71		80			
9		18		27		36		45		54		63		72		81			

I.ДМ омили - № 7, 19, 22, 29, 41, 44, 51, 63, 66, 73, 85, 88.

Мақтанчоқликка мойил, унга нисбатан доим ноҳақлик қилинаётганидан шикоят қилади. Ўйланмаган хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин. Режа асосида ҳаракатланмайди. Баҳона топишга уста, лекин уларни тез илғаб олиш мумкин. Мақсад сари интилаётгандан ҳар қандай воситалардан фойдаланишади. Тез мослашиш хусусияти борлиги, киришимли ва доим хизматга шайлиги туфайли дўст орттириш осон. Одамларнинг эътиборида бўлиш уларнинг асосий эҳтиёжи ҳисобланади.

II. П омили - № 4, 14, 17, 26, 36, 39, 48, 58, 61, 70, 80, 83.

Бундай шахсларнинг характери аниқ, асосли фикрлаш, ўрнатилган тартиб-интизомга қатъийликда кўринади. Касбий йўналишда улар ўзларини сидқидилдан ишлашлари билан ижобий томондан намоён эта оладилар. Бу типдаги шахслар ўзларини кўпроқ ҳарбийлашган касбда яхшироқ ҳис қилишади.

III. 3 омили - № 2, 12, 15, 24, 34, 37, 46, 56, 59, 68, 78, 81. Бу характер эгалари турғун аффект ҳолатига кўп тушишади. Аффект ҳолати кўпинча шахс қизиқишларига танқид пайдо бўлганда учрайди. Ижтимоий ноҳақлик кўринишлари олдида босиқ, ўзига ортиқча ишонч, катта гапириш ҳолатлари учрайди. Бу характер эгалари ижобий ва салбий хусусиятларнинг ўзида баравар мавжудлиги билан ажралиб туришини алоҳида топшириқлар бераётганда инобатга олиш маъқул. Улар мақсад

йўлида катта самара беради, лекин ўзига рақобатдошлар пайдо бўлганда атрофдагиларга босим ўтказиши мумкин.

IV. В омили - № 8, 20, 30, 42, 52, 64, 74, 86.

Жуда импульсив, низоли вазиятларни тез келтириб чиқаради. Ўта бесабр, ҳаракатларида кескинлик, тезлик мавжуд. Арзимаган нарса учун катта жанжал кўтариши, қўпол, тўнг агрессив бўлиб, ўз ҳаракатлари учун жавоб беришмайди. Таъсир доирасида сўздан „иш" га, яъни қўл жангига киришиб кетади. Жамиятнинг ахлоқ меъёрлари уларни қизиқтирмайди. Ҳаракатларининг асосланмагани гоҳида намоён бўлади. Бошқаларнинг фикри билан қизиқмайди.

Темперамент омиллари:

V. Г омили - № 1, 11, 23, 33, 45, 55, 67, 77.

Ўта фаол, оптимист, ҳаётдан хурсанд тип. Тушкун кайфиятдан осон чиқади. Фаолият иштиёқи ижодий ёндашишга, изланишга, фикрлашга ундайди. Улар эшитадиган одам бўлса, тўхтамай гапириши, ҳикоя қилиши мумкин. Бундай тип эгалари жамоат ишларини осонлик билан бажаришади.

VI. ДИ омили - № 9, 21, 31, 43, 53, 65, 75, 37.

Жуда қатъий, вазиятнинг салбий тарафларини кўпроқ инобатга олишади. Ҳаракатларининг сустлиги билан ажралиб туришади. Умумий мулоқот пайтида бундай одамалар иложи борича иштирок этишмайди, ўз дунёси ичида. Ўзининг қатъий ахлоқ позициясини эгаллайди.

VII. АЛ омили - № 6, 18, 28, 40, 50, 62, 72, 84.

Бу тип эгалари ўз кайфиятларининг беқарорлиги, яхши кайфиятдан салбийсига тез тушиб қолиши, ёмон таъсир доирасидан тезда яхшисига ўтиб олиш хусусияти билан ажралиб туради. ДМ, 3 ва В факторлари билан бирга, уларда импульсивлик, хавфли можароларга тушиш, ассоциатив ҳаракатларни ўрганиш мумкин.

VIII. АЭ омили - № 10, 32, 54, 76.

Воқеа-ҳодисаларга кучли ташқи кўриниш таъсири билан жавоб беради. Тил, спорт, табиат фанларига кўпроқ қизиқади. Ўта таъсирчанлик, арзимаган нарсаларга берилиш (дўстлари ва ўртоқлари учун ташвишланиш), кўзғалувчанлик хос бўлган тип.

IX. Т омили - № 5, 16, 27, 38, 49, 60, 71, 82.

Бундай типлар ички ўзига ишончи йўқдиги, бир қарорга келиши қийинлиги билан ажралиб туришади. Ноҳаклик, шахс сифатларини хўрлаш каби вазиятларда ўзини ҳимоя эта олишмайди. ДМ ва 3 факторларини инобатга олган ҳолда фаол психокоррекцияни режалаштириш мумкин.

X. ЭМ омили - № 3, 13, 25, 35, 47, 57, 69, 79.

Жуда нозик, сезгир, дидли тип. Ўта кўнгилчанг, юввош. Уйи, ота-онаси, яқинларини эслаганда кўзига ёш келадиган тип эгалари. Улардан

қатъиятни, талабчанликни одамлар устидан бошқарувчанлик хусусиятларини кутиб бўлмайди.

Мантиқий, ҳис этувчи, иррационал – экстраверт
I - изланувчи

Кучли томонлари. Билиш қобилияти жуда яхши ривожланган. Кўп ўқиб, эслаб қолиш хусусиятига эга, қизиқувчан. Жуда сезгир, ҳис қилиш қобилияти тўғри йўлни танлашда доим ёрдам беради. Қилинадиган иш ва фикрнинг келажакдаги муваффақияти ва талафотини олдиндан кўра олади. Турли ахборотларни ҳар томонлама кўриб чиқиб, атрофлича мулоҳаза қилиб, чуқур ўрганиш, изланиш ва ҳис қилиш орқали кўпчилик еча олмаган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини топа олади. Қийин шароитдан эҳтиётлик билан чиқиб кетиш йўлларини билади. Маромига етмаган фикрларни ривожлантириб, назарийлаштириб, бир қолипга сола олади. Умумийдан шахсийлашувчи яхши классификатор ва структурачи. Жуда интилувчан, принципиал, янги йўналиш ва изланишлар соҳасида кўпинча жалб қилиш хусусиятига эга. Хизмат вазифасини оиласи ва шахсий ҳаётидан устун қўяди. Ҳақиқатгўй, қатъиятли ва талабчан, хизмат лавозимини рўкач қиладиганларни ёқтирмайди.

Муаммолари. Бир хилдаги режа ва жуда қатъий кун тартиби асосида яшолмайди. Яхши ўюшмага, ишнинг қизиқ қисмига алаҳсиб, гоҳида энг асосий нарсаларга аҳамиятсизлик қилиб, ишини белгиланган муддатда тугата олмайди. Ўй-хаёлларига берилиб, мавзудан четга чиқиб кетиб, умуман бошқа нарса тўғрисида гапириши мумкин. Жуда қийинчилик билан ишини режалаштиради, иш жойи ҳам кўпинча бетартиб, ташқи кўринишига унчалик аҳамиятсиз. Хизмат ҳужжатларини тузишда хатога йўл қўйиши мумкин. Баъзида ўта соддадил, ҳамманинг гапига ишонаверади, берилувчан. Бир томони ишбилармонлиги, иккинчи томондан тез муомалага киришиб кета олмаслиги, одамлар орасида муроса қилишни қийинлаштиради. Жуда қатъиятли, ўзиникини бермайдиган, айниқса сиқувга олинганда ҳақлигига ишонса, ҳар қандай йўл билан сизни ишонтиришга ҳаракат қилади.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

— фикрларининг доимо амалий бўлишини, аниқ иш ба-жарилишини;

— ишни бир бошдан бошлаб уни якунлашни, ҳар доим иш жойида тартиб бўлишини;

— кундалик ишларни сидқидилдан бажаришни;

— суҳбатдошга мулойимлик билан киришиб кетишни.

Психокоррекция усуллари — низоли вазиятларда эътибор бермаслик, ўзига келиб олгандан сўнг таъсир ўтказиш тавсия этилади. Муаммоли ҳолатларда кайфиятига қараб йўл тутиш маъқул.

Улар учун энг маъқул йўналиш. Имконият бўлса, яхшиси эркин кун тартиби тузиб бериш керак. Шу билан бирга қилинадиган ишни ўзига қўйиб бериш керакли ишнинг яхши бажарилишини кафолатлайди. У ғайрат ва шижоат билан катта ҳажмдаги турли-туман ахборотлар йиғиндиси билан ишлашни яхши кўради (агар бу иш унда қизиқиш уйғотса). Ўзининг қобилиятларидан унумли фойдаланиши учун энг яхшиси унга илмий билиш соҳасида ишлагани маъқул. У назарий ишлаб чиқарилган фикрларни, билимларни, чуқур маъноли ўзгаришларни талаб қиладиган ерларда яхши йўлга қўя олади. Жуда ҳаракатчан, ғайратли. Янги таассуротларга ўч, бундай ишчи бажонудил кўп ҳаракат талаб этиладиган ишларни бажаради. Меҳнат сафарларига юришни жуда ёқтиради.

Патруль-пост хизмати, профилактика инспектори, кадрлар бўлими, эксперт криминалист, тезкор хизмат;

— техник муҳандис, ахборот маркази, диспетчерлик маркази, навбатчилик қисми.

Дидли, сезгир, иррационал – интроверт. 2 – даллол

Кучли томонлари. Яхши дидли, меъёрни биладиган, барча маҳсулотларнинг сифатини яхши баҳолаб, унинг қайси томонлари сизга тўғри келиш-келмаслигини майда-чуйдаларигача изоҳдаб беради. Одамларга нисбатан эътиборли ва жонкуяр, уларга яхши шароит яратади. Мулозаматли, ҳар қандай одамни керакли ва фойдали ишга жалб эта олади. Ҳордиқ чиқаришни яхши кўради. Ҳаёт қувончларидан лаззатланишни қадрлайди. Қиладиган иши қизиқарли, ёқимли ва катта ҳақ тўланадиган бўлса, у ишни аъло даражада, сифатли қилиб, дид билан, чин дилдан бажаради. Ҳар қандай вазиятда меъёрни йўқотмасликка ҳаракат қилади. Кўп нарсага ўзининг кучи билан эришишни яхши кўради. Бошқа одамларнинг аҳволини, ҳолатини яхши ҳис қилади ва суҳбатдошига **осон** мослашади. Доим очиқ кўнгиллик билан киришиб кетувчи, жуда эътиборли шахс. Яхши таъминланган ҳаётга интилиб яшайди. Ўзининг иродавий ҳаракатларини бировга юклашни ёмон кўради. Танқидни, бировларни ғийбат қилиб орқасидан гапирадиганларни ёқтирмайди.

Муаммолари. Қатъий ишбилармонлик фаолиятига қийинчилик билан эришади, ҳар доим ҳаракатда бўлишни ёқтирмайди. Бироз бўшангроқ, тарқоқ фикрли бўлиши мумкин. Тез хафа бўлиб, „ичимдагини топ" хилидан. Агар тинчи бузилса, ўз қаршилигини очиқ кўрсатади. Бундай пайтда жаҳли чиқиб, гап қайтариши мумкин. Бироз дангасароқ (айниқса қиладиган ишига қизиқиш уйғонмаса, унга фойдаси тегмаса) фақат айёрлик қилиши мумкин (пайсалга солади). Бекор ҳаракат қилиб, вақт кетказишни ўзига эп билмайди. Кўпиртириб ошириб-тоширишни ёмон кўради, кўпроқ аниқ далил ва фактларга суянади. Бошлиқларидан узоқроқ

юришга, зерикарли ва ишга аҳамияти йўқ суҳбатлардан нарироқ бўлишга ҳаракат қилади. Сал иродасизроқ. Қатъият билан айтганини қилдира олмайди, қилинадиган ишни фойдасига ҳал қилиши қийинчилик билан кечади. Ёмон кайфият унинг ишлаш қобилиятини сусайтиради. Ҳар доим ўзини билаган, қўлидан ҳамма иш келадиган қилиб кўрсатиши мумкин.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

— доимий юқори иш фаоллигини;

— ишнинг бир бошдан, ташкилотчилик билан олиб борилишини;

— муросасизлик билан ишни ўз фойдасига ҳал қилишни;

— кўпчиликни бошқариш ва вазифаларни аниқ бўлиб беришни;

— қийин ва хавфли вазиятларда иш олиб боришни.

Психокоррекция усуллари — ўзини босиб олган, тажрибали жамоадошлар орасида ишлаш, ютуқларига эътибор бериш Ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш.

Улар учун энг маъқул йўналиш.

Улар ўзини ижтимоий муҳитда яхши намоён қила оладилар. Аниқ ва конкрет равишда алоҳида олинган одамга хизмат қилишда (ҳайдовчи, котиб) яхши натижаларга эришиши мумкин.

— алоқачи, диспетчер, ижтимоий-педагогик фаолият вояга етмаганлар билан ишлаш хизмати, таъминот бўлими (тиббий бўлим, молия);

— ЖИЭМ, ХЧК ва умумий йўналишларда бир маромда бажариладиган, иш ҳажми меъёрлаштирилган, тезкор хизмат билан боғланмаган, жавобгарлик кам талаб этиладиган фаолият.

Дидли, сезгир, рационал – экстраверт. 3 –интузиазист

Кучли томонлари. Ҳаракатчан, ҳаётга илғор назар ташлайди. Одамларга эътиборли ва ҳамдард. Маънавий ва моддий қийналганларга ёрдам беришга тайёр. Бошқаларнинг ҳиссий аҳволини яхши тушунади. Иш юзасидан ва шахсий муносабатларда танишлар орттиришга уста. Вақтни бекор ўтказишга қарши. доим кейинга қолдириб бўлмайдиган ишлар билан банд. Келажаги порлоқ, келгусида йўлга қўйса бўладиган фикр ва ишламалар билан қизиқади. Жуда дидли. Суҳбатдошини ўзига қарата оладиган, хушмуомала ва хушфеъл. Ҳаётда ҳеч кимга ишонмайди. *„кўп нарсага ўз кучи билан эришишни"* мақсад қилиб олган. Ҳар қандай ишни тез ва гувоҳларсиз бажаришни ёқтиради. Жуда қатъиятли, ишонч билан ҳаракатланади (айниқса экстремал) вазиятларда, унга қарши ҳужум уюштирилганда ва вақт тиғизлик қилганда). Одамларнинг маслаҳат ва насиҳатларини маъқуллайди-ю, лекин ўз билганидан қолмайди. Ҳар қандай амалий ишни муваффақиятли тугатади. Лекин қилган иши ва топқирлигини қадрлашларини ёқтиради. Касбдошлари ва ёр биродарларига жонкуяр.

Доим бир маромда, яхши таъминланган ҳаётга, хизматдошлари орасида ҳурмат қозонишга интилади.

Муаммолари. Кўпинча ёмон таассуротлари, ҳиссиётларини йиғиб юради, эсидан чиқара олмайди. Агар кўп йиғилиб кетса (кетма-кет иши юришмаса), ўзидан чиқиб кетади, кўп сиқилади, олишиб кетиши мумкин, кейин шунинг орқасидан касал бўлади. Ҳиссий тўлқинланишсиз (ҳиссиётсиз) суҳбатдоши билан кўп суҳбатлаша олмайди. Шунинг учун *„сув тошса тўпиғига чиқмайдиган"* одамлар билан муроса қилиши қийин кечади. Серҳаражат, ҳар доим қиладиган ишини олдиндан фойдали, кераклилигини ҳисобга олиб ҳаракат қилади. Вақтини яхши ҳисобга олмайди, ўзини ортиқча қийнаб, кўпинча энг муҳимидан иккинчи даражалигини қийинчилик билан ажратади. Ўзининг ишбилармонлик хусусиятларини яхши баҳолай олмайди. Кутишни жуда ёмон кўради, унга қолса ишни тезроқ бошлаб, тезроқ тугатса.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

— совуққонликни, ҳар доим ақл билан, ҳар томонлама ўйлаб иш қилиш ва одамларга тўғри муносабатда бўлишни;

— ўзгарувчан хулқ-атвор ва шароитга тез мослашишни;

— одамлар билан қатъийлик билан муросасиз муносабатда бўлишни;

Психокоррекция усуллари — ўзига ишонч ҳиссини шакл-лантириш, бошланғич босқичда фаолият натижасини назорат қилиш орқали фаолият самарасини ошириш мумкин.

Улар учун энг маъқул йўналиш:

— тезкорлик, вазиятда аниқ йўналиш ола билиш талаб эти-ладиган хизмат йўналишлари;

— ташкилий ишлар билан шуғулланиш, ижтимоий сўровлар соҳасида, таъминот бўлимида.

Мантиқий, ҳис қилувчи, рационал – интроверт. 4 – аналитик

Кучли томонлари. Мантиқий фикрлаш, изланиш қобилиятига эга. Ўрганилаётган нарсаларнинг энг муҳим ва иккинчи даражалиларини тезда ажратиб олади. Ҳамма нарсани умумий-лаштиришни ёқтиради, схема, тизим, классификацияларни яхши тушунади. Қилинадиган ишнинг натижасини олдиндан била туриб ҳаракат қилади, имкониятларини қўлдан чиқармаслик учун, келиб чиқиши мумкин бўлган шароитларни кўрқмасдан дангал кўрсатиб беради. Тартиб ва интизомга раҳбарнинг тазйиқи остида эмас, балки шахсий масъулият иймон, виждон қонунларига асосланиб эришиш тарафдори. Аслида жуда

меҳрибон бўлгани билан хизмат вазифасини шахсий ҳаётидан устун қўяди. Гапининг устидан чиқадиган шахс ҳар доим ва ҳар қанақасига ҳақиқат, тартиб, интизом ўрнатишга ҳаракат қилади. Яхши маърузачи, фикрини тингловчига аниқ ва дангал қилиб етказа олади. Бировга қарам бўлишни ёмон кўради, лекин ширин сўз ва яхши муомала билан йўлга солиш мумкин. Вақтга тежамкор. Маросим ва учрашувларга доимо вақтида келади. Жуда эҳтиёткор, бўладиган хавфни олдиндан сезади. Кўпинча асабийлашиб, тез жаҳли чиқади. Тўғрисўз ва турли хил дунёқарашларга сабр-тоқатли.

Муаммолари. Ўзаро муносабатларда бўйсунмайди. Ўзига маъқул мавзуда суҳбатлашишни ёқтиради, уни қизиқтирмаган мавзуларни эътиборсиз ўтказиб юборади. Жуда бўлмаган пайтларда вақти йўқлигини айтиб, ўзини четга тортади. Бараварига бир неча ишни қилишни хоҳламайди. Қайсарлик қилиб, муросага келиши қийин. Устидан хўжайинчилик қилишганига чидолмайди, совуққонлик билан иродавий босимларни четлаб ўтади. Эркинлигини чегаралашганини ёмон кўради, асоссиз талаблар қўйиши мумкин.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

— катта амалий куч-ғайратни;

— суҳбатдошга ҳиссиёт билан киришиб кетишни;

— ўзи учун қизиқ бўлмаган кундалик вазифаларни тоқат билан яхшилаб бажаришини;

— уддабуронликни; .

— ҳар қанақасига „йўл топиш" хусусиятини.

Психокоррекция усуллари — билағонликка йўл қўймаслик, етакчилик қилишга имкон яратиш, маданийлик хусусиятларини шакллантириш.

Улар учун энг маъқул йўналиш:

— илмий билиш, изланиш соҳасида (мураккаб ўзгаришлар, объектлар), амалиётда қўлласа бўладиган янгиликлар, ихтиролар яратиш, техник-илмий таъминот;

— тизимли текширув ва ўрганиш талаб қилинадиган ишлар, экспертиза бўлими, назорат бўлими (молия);

— тергов хизмати, ХЧК, ПГХ, ЙГХда мустақил қарор қабул қилиш мумкин бўлган фаолият йўналишларида;

— тезкор қидирув, тезкор хизмат соҳаларида махсус топ-ширириқлар билан банд этиш мақсадга мувофиқ.

Мантиқий, сезгир, иррационал – экстраверт. 5 – лидер

Кучли томонлари. Одамлар орасида ҳар томонлама устунлик қила олиш қобилияти билан фаркланади. Иродали, маълум нарсага бор кучини қарата

олади. Тезкорлиги ва чидамлилиги уйғунлашади. Кўпчиликни бошқари олиш хусусиятига эга, ўзгарувчан вазиятларда тез мослашувчан. Муҳим зарурий ечимларни жойида ва тез қабул қила олади. Имкониятлари тезкор, яқин орадаги мақсадларга қаратилган, мослашувчан ва принципиал. Ҳаракатчан ва ишбилармон, ишни амалга ошириш давомида жуда катта самарадорликка эга бўлади. Бебаҳо аклий тафаккур эгаси. Ўзи ва яқинларининг талаблари ва хоҳишларини амалга оширишда талабчан. Яхши таъминланган яшаш шароитига интилиб яшайди. Кенгроқ ва кўпроқ ҳаракат қилиш тарафдори, ҳар томонлама ўйлаб, ақлан ишлаб чиқиб, қатъий режа асосида иш юритади. Мақсад сари интилувчан, амалиётда устамон. Ақл билан иш кўрибгина яшаши мумкин, ишини шахсий манфаатларидан устун қўяди. Ўзини ҳар қандай вазиятда яхши тутиб тура олади, кутилмаган вазиятлардан осон чиқиб кетади.

Муаммолари. Жуда қайсар, одамлар билан бир хилда, муроса қилиб муомала қилиш қийинчилик туғдиради. Беқарор, кўрқмасдан ҳаракат қилолмайдиган инсонлардан нафратланади. Буйруқ тарзида гапириладиган оҳангни ёмон кўради, агар бирорта одам унга қарши чиқадиган бўлса дарҳол қаттиқ чора кўриши мумкин. Ўзини жуда яхши кўради, жаҳли чиққанда бошқаларнинг хато ва камчиликларига тоқат қилмайди. Кўнглига ўтирмаган одамларига оғир шароит яратади. Шахсий ҳаётида бўш келмайди, ҳамма нарсани ўзининг кўнглидагидек қилишга ҳаракат қилади. Янги келган одамларга нисбатан эҳтиёткор, илмоқли саволлар бериб, уларнинг имкониятлари, ким ва нимага қодир эканликларини билиб олади. Ўз мақсади йўлида, бошқаларнинг хоҳишлари билан қизиқмайди. Кайфияти ва ишлаш қобилияти ўзгарувчанликка мойил. (гоҳида яхши, гоҳида ёмон).

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

— қилинадиган ишнинг кетма-кетлигини;

— юмшоқлик билан, жаҳл қилмасдан муроса қилишни;

— бекорга ниманидир қилишни;

Психокоррекция усуллари. Муомалада босиқлик ва аниқ фикр билдириш. Ташкилотчилик имконини яратиш, вазифаларнинг бажарилишини назоратдан қолдирмаслик.

Улар учун энг маъқул йўналиш:

— кўпчиликни бошқариш ва вазифаларни тақсимлаб беришга уста. Ташкил қилинмоқчи бўлган тизимни майда-чуйдаларигача ишлаб чиқиб, кетма-кетликда йўлга қўйиши мумкин. Нафақат ўз атрофига энг яхши ва устомон инсонларни амалда синаб кўриб йиғиб олиши, балки уларни кучли ирода ва ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам чизган чизиғида ушлашга ҳаракат қилади;

— ташкилий фаолият йўналишларида, қисм, бўлим бошликлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларида, айниқса шахсий таркиб билан

ишлаш бўлимида ўзларини тўлиқ намоён қила олишади;

— ППХ, ЙПХ, қўриқлаш ва бошқа хизматлар йўналишларида, тезкор хизмат, штаб бўлими, катта ва ўрта таркибдаги гуруҳларни назорат қилиш ва иш тақсимлаш билан боғлиқ йўналишларга тавсия қилинади.

Дидли, ҳис қилувчи, иррационал – интроверт. 6 – лирик

Кучли томонлари. Ҳиссиётли, ўзига одамларнинг эътиборини тортувчи, кўнгли бўш, одобли шахс. Оламни нозиклик билан идрок қила олади. Кўпинча гуманитар қизиқишлари кучли ривожланган бўлади. Инсонларга нисбатан зийрак, эътиборли, ҳамма билан бир хилда муносабатда бўлишга ҳаракат қилади. Одамларнинг камчиликларига сабр-тоқат билан муносабатда бўлади. Келажакка ишонч билан илғор назар ташлайди. Бироз хаёлпарастроқ, келишувчан, матонат билан сабр қила олади, кечиримли. Олдиндан кўра олиш хусусиятига эга. Қиладиган ишининг келажагидан ташвишланади, лекин сиртдан кўрсатмасликка ҳаракат қилади. Аниқ кўрсатмалар бера оладиган обрў-эътиборли ва салобатли одамларни ҳурмат қилади. Қилинадиган ишнинг манфаати юзасидан яхши дипломатик хусусиятларини намоён қилиб, камтарлиги ва хуш-муомалалиги билан одамларни ўзига қарата олади. Дилкаш ва яхшигина ҳазилкашдир. Истаган одамини ўзига лол қила олади. Ҳар қандай одамнинг кўнглига алоҳида йўл топади. Хатти-ҳаракатларидаги кўркамликни, гавда тутишини, яхши муомаласини очиқ намоён қилади.

Муаммолари. Ички хафачилик билан доим ўзига ўзи қарши чиқади. Унчалик ўзига ишонмайди, бирор муаммони ҳал қилишда хавфсираш ва иккиланишга мойил. Уни ишга қизиқтириш керак, ҳар доим иқтисодий, ижтимоий ва руҳан қўллаб-қувватлаб туришга муҳтож. Паришонхотирлигидан берган ваъдасини доим эсидан чиқариб қўяди. Иш қилаётганида майда-чуйдаларига алаҳсиб кетиб, кўпинча ишини ўз муддатида бажара олмай қолади. Қатъий қоидалар, ахмоқона кўрсатма ва йўрикларга бўйсунишни ёмон кўради. Тежамкорлик ва зийракликка қийинчилик билан эришади. Иш жойи ва уйида кўпроқ „ижодий" тартибсиз. Эзма, майда-чуйдаларга қизғанчиқлик қилиб, ўралашиб юрадиганларни ёмон кўради. Қилган ишини танқид қилишганини кўтара олмайди. Ҳаёти, уйдаги ташвишлари тўғрисида ҳаммага гапиришни, ўзига ҳамдард, ҳамфикр бўлишларини, ачинишларини истайди.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

— доимий иш унумдорлигини;
— ривожланган аниқликни; .
— тез ва аниқ ишлашни;
— аҳволни яхшилаб таҳлил қилишни;
— кўпчиликни бошқариш ва вазифаларни тақсимлашни.

Психокоррекция усуллари — қўйилган вазифаларнинг аҳамиятли тарафларини намоён қилган ҳолда топшириқ бериш.

— ***Улар учун энг маъқул йўналиш:***

— гуманитар йўналишда ишлагани маъқул. У кўпчилик одамлар билан мулозаматли мулоқотда бўладиган жойда ўз ўрнини топади. Улардан яхши котиблар, таржимонлар, кутубхоначилар, журналистлар, матн муҳаррирлари етишиб чиқади;

— танланган йўналишда, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимида, ижтимоий-педагогик фаолиятда, ЖИЭМ, ички ишлар идораларида, ўқув юртларида иш юритувчи, котибиятда, таъминот бўлими (молия, тиббиёт, гараж,омборхона) йўналишларида мувафаққиятли фаолият олиб боришади.

Дидли, ҳис қилувчи, рационал – экстраверт. 7 –устоз

Кучли томонлари. Ҳиссиётли, атрофдагиларнинг кайфиятларини нозик ҳис қила олади. Товуш ўзгартириш ва нозик қарашлар билан ўз ҳиссиётларини якқол намоён қила олади. Ҳис-туйғулари билан одамларни лол қолдириб, ортидан муайян руҳий ҳолатга тушириши мумкин. Маълум вазиятларда келиб чиқадиган муаммолардан хавфсирайди, уларнинг олдини олиш мақсадида олдиндан чоралар кўриб юради. Жуда эҳтиёткор ва узоқни кўра олади, маросимларни вақтида ва жойида ташкиллаштира олади. Одамларнинг чексиз қобилиятлари ва имкониятларига ишонади. Инсонларни ўзини нега шундай тутишларига қараб, хулқ-атворини тушунишга ҳаракат қила-ди, руҳан қўллаб-қувватлаб, уларга устоз, тарбиячи сифатида ёрдам беришга интилади. Масъулиятли ва жуда аниқ ҳаракат қилади. Вазифаларни тақсимлаш ва бажарилишини кучли на-зорат қилади, ўзи шахсий намуна бўлишга ҳаракат қилиш ор-қали қўл остидагиларни фаолиятга ундай олади. Қалтис вазиятларда муросасиз, ишни шахсий ҳаёти, ўз манфаатларидан устун қўяди, атрофдагиларидан ҳам шуни талаб қилади. Хотираси жуда яхши ривожланган, кўрган-эшитган нарсаларини эсидан чиқариши қийин, айниқса одамларни хулқи, хатти-ҳаракатларига нисбатан жуда яхши шаклланган.

Муаммолари. Ички хотиржамликка қийинчилик билан эришади. Воқеаларни ортиқча кўпиртиб юборади. Ўзини кўпроқ яхши кўрадиган, тез хафа бўладиган, ҳар доим ўзи унга мулойим муносабатда бўлишларини талаб қиладиган, ёмон хотираларини кўпинча эсидан чиқариб юбора олмайдиган нуқсонлари бор. Гапини ярмидан бўлишларини, шошириб, халақит қилишларини ёмон кўради. Омадсизлик ва кўнгил қолдирадиган воқеалардан кейин узоқ вақт ўзига кела олмайди. Айтган гапи ва хулосаларида жуда қатъий туриб олади, бу борада муроса қилишни ёмон кўради. Ҳақиқий аристократ, гоҳи кийимкечагида озроқ экстравагантлик ва

майда-чуйдаларга аҳамиятсизликка йўл қўяди. Ҳамма ишни бирданига ва тез қилишни ёмон кўради. Текшириб, синалмаган ахборотларга ишонмайди. Уст-боши, хулқининг муҳокама қилинишига чидолмайди. Нимага астойдил киришса, тез ва сифатли бажариши мумкин.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

— ўзгармайдиган илғор назарни;

— ишда тезкорлик ва изчилликни;

— соф, ҳар томонлама ўйлаб, ҳиссиётга берилмай хулоса чиқаришни;

— вазиятни ишонарли тарзда изоҳлаб беришни.

Психокоррекция усуллари — низоли вазиятларда эътибор бермаслик, ўзига келиб олгандан сўнг таъсир ўтказиш тавсия этилади. Муаммоли ҳолатларда кайфиятига қараб йўл тутиш маъқул.

Улар учун энг маъқул йўналиш:

— кимнингдир фикри, ғояси, дунёқарашини илгари суриш талаб этиладиган фаолиятда;

— ташкилий фаолият, шахслар билан кўп мулоқот ўрнатиш талаб этиладиган йўналишларда;

— ХЧК, ЖИЭМ, ППХ, ЙПХ йўналишларида етакчилик, бошқарув тизимида фаолият юритиш тавсия қилинади.

Мантиқий, сезгир, рационал – интроверт. 8 – назоратчи

Кучли томонлари. Жуда яхши ташкилотчи ва вазифасини сидқидилдан бажарувчи шахс. Масъулиятсиз ва пала-партиш инсонларга нисбатан муросасиз. Қилиниши керак бўлган иш ва қарорларини қадам-бақадам, бошидан охиригача бажармай қўймайди. Ҳар бир ишда тартиб, аниқлик ва равшанликни хуш кўради. Доим аниқ ва текширилган ахборот манбаларига таянади. Тор соҳа ва ноёб муаммоларда жуда яхши изланувчи. Қиладиган ишида ҳеч бир нарсани четда қолдирмайди, ҳатто майда-чуйдаларигача эътиборга олади. Ҳужжатларни тартиб билан олиб боради, сабабларини аниқлаштиришни яхши кўради. Ўзи билган аниқ тавсияларни мурожаат этган кишиларга жон дилидан тушунтириб беради. Келажакда маъмур шахс даражасига етеа, унда топширилган вазифаларнинг бажарилишини талаб қиладиган, тартиб ва аниқ иш олиб борилишини назорат қилувчи инсонни кўриш мумкин. Ишни ўз шахсий манфаатларидан устун қўяди, ёрдам қўлини чўзишга доимо тайёр, ўзига ва қўл остидагиларга иш юзасидан жуда талабчан. Ўз билимларини амалда исботлаш тарафдори. Ҳар бир ишни олдиндан узоқ тайёргарлик кўриб, сўнг амалга оширади, дабдурустдан, қўққисдан бошланган ишни сифатли деб тан олмайди.

Муаммолари. Принципиал, муҳим вазифаларни бажаришда муросасиз. Кўпинча ўзига ортиқча масъулият ва оғирликни юклайди. Бошқаларнинг фикрлаш доираси билан ҳисоблашмайди. Инсонларга ёндашишда уларнинг

шахсий қобилиятларини инобатга олмайди. Унга нисбатан қарши чиққанларни, ўз фикри ва ишлаш услубини ўтказмоқчи бўлган инсонларни ёқтирмайди. Ўз таассуротлари ва изланишлари тўғрисида гапиришни ёмон кўради. Бошқа одамларнинг ўзига нисбатан муносабатини фарқлай олмайди. Бирхиллик ва чуқур ўзгаришлардан чўчийди. Унинг нарсалари ва ишига аралашганларни ёқтирмайди.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

— нозиклик билан одамларга киришиб кетишни;

— одамларнинг шахсий қобилиятларини доим ҳам инобатга олишни;

— вазиятга осон ва тез мослашишни;

— принципиал вазиятларда юмшоқлик ва муросага келишни;

— концептуал ғояларни умумлаштиришни.

Психокоррекиця усуллари — ўзаро муносабатларни ҳурмат ва юқори даражада тартиблилик хусусиятларини намоён қилган ҳолда ўрнатиш. Камчиликларни енгил ҳазил тариқасида айтиб ўтиш кўпроқ самара беради. Лидерлик имкониятини яратиш.

Улар учун энг маъқул йўналиш:

— тизимлилик, аниқлик, синчковлик талаб қилинадиган соҳа йўналишларида, вазифаларни тақсимлаш ва уларнинг бажарилишини кузатувчи сифатида яққол намоён қила олади. 8—10 кишилик гуруҳларни яхши жамлай олади;

— бўлим бошлиғи, раҳбар ўринбосари, инструктор, хизмат хужжатларини текширувчи инспектор, терговчи, кадрлар бўлимида булар ўзларининг бор қобилиятларини самарали намоён қила оладилар.

Мантиқий, ҳис қилувчи, рационал – интроверт. 9 –тадбиркор

Кучли томонлари. Жуда ҳаракатчан ва ишбилармон инсон. Доим вақт етишмаслигидан, қанчадан-қанча ишлари қолиб кетаётганидан норози юради. Меҳнаткаш, фойдали ишдан ҳеч ҳам қочмайди. Қизиқувчан, амалда қўлласа бўладиган янгиликлардан доим хабардор. Ишбилармонлик соҳасида жуда тадбиркор. Ишнинг фойдали ёки фойдасизлигини, корхонанинг келажаги бор-йўқлигини олдиндан кўра олади. Унумдорликни ошириш мақсадида энг маъқул йўлни кўриш хусусиятига эга, шунинг орқасида ўзини хавфга қўйиши мумкин. Ҳар доим ишнинг аниқ, тез тугалланишига ҳаракат қилади. Тайёргарликсиз, таваккалига иш қилишни ёқтирмайди. Маросим ва тадбирларга олдиндан тайёргарлик кўради. Чалғитиш ва ёлғон билан иш қилишни ёктирмайди, ҳар иккала томонга маъқул, ўзаро фойда асосда иш кўради. Кўпинча ўзини бошқарувчи ва ҳомий сифатида намоён қилади. Керак бўлса бирмунча қулайликларсиз ҳам яшаши мумкин. Жуда қийналган пайтларида ҳам

ҳаётдан нолимайди. Соғлом умр кечириш, дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори.

Муаммолари. Унинг ҳар доим ўзгартишлар киритилиб турадиган, жуда қатъий қонун-қоидалар асосида ишланадиган кун тартибига кўпчилик чидай олмайди. Ўзининг иш суръатини ҳаммага тиқиштиради. Қиладиган ишларини тоғдек уйиб оладида, бажаришга келганда қийналиб қолади. Кўпга борадиган, лекин охиригача ўйлаб кўрилмаган фикрларни илгари суради. Шубҳали ишларни бажаришга ошиқади ва ўзини хавф остига қўяди. Сергап, кўрганлари ва эшитганларини одамларга гапириб, мунозара қилишни яхши кўради. Кийимларига унчалик эътибор билан қарамайди, тикилиб қараганларни таъби кўтармайди. Сабрсиз, шундан ҳам кўпинча эҳтиётлик талаб қиладиган, нозик хизмат қоғозларини тузишда хатога йўл қўяди. Муҳим вазифаларни бажаришда ўзини қатъиятли ва муросасиз тутади. Гоҳида бироз кўпол ҳазил қилиши мумкин. Шифокор кўригига боришни ёқтирмайди.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:.

— оғир-босиқлик билан бир хулосага келишни;

— кундалик ишларни чидам билан бажаришни;

— доим кўркам, озода ташқи кўринишни;

— психологик сезгирлик ва муомалада устомонликни.

Психокоррекция усуллари — муомалада босиклик ва аниқ фикр билдириш. Ташкилотчилик имконини яратиш, фақат вазифаларнинг бажарилишини назоратдан қолдирмаслик.

Улар учун энг маъқул йўналиш:

— ўзини кўпроқ кенг дунёқараш ва ишга бир қолипга тўғри келмайдиган ёндашув талаб этиладиган йўналишларда;

— назарий ғояларни амалга ошириш, изчиллик ва илғор ғояларни қўллаш имкони мавжуд соҳада;

— ЖИЭМ, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимларида ўрта ва кичик бошликдар лавозимларида;

— ҳаракатчанлиги ва юксак иш унумдорлигини ҳисобга олиб, уларни кўпроқ хизмат сафарларига йўллаш мумкин.

Дидли, сезгир, рационал – интроверт. 10 – жонкуяр

Кучли томонлари. Одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхши фарқлаб, ҳал қила олади. Виждонли ва ўта масъулиятли, ўз вақтида берган ваъдасига содиқ, ҳар қандай вазифани олдиндан тайёрланиш, қатъий кетма-кетлик асосида бажаради. Яхши ва ёмон кунларда доим мададкор. Ишини тартибга солиш учун вақти ва кучини аямайди. Керак пайтда ўзини қизиқ бўлмаган ишларни бажаришга мажбур қила олади. Жуда яхши

иқтисодчи, қарздорликни ёмон кўради, шунинг учун маблағини яхшилаб ўйлаб, режалаштириб ишлатади. Кучли ирода ва ўз-ўзини бошқара олиш кучига эга. Қатъиятли, керак бўлса куч ишлатиб бўлса ҳам ўзи ва яқинларини ҳимоя қилади. Одатларига боғланиб қолган. Оиласи ва яқинларигасодиқ. Ўзини оқлаган иш услуби бўйича ишлашни, унда пала-партишлик ва дангасалик аломатларини бўлишини ёқтирмайди. Қийин шароитга тушиб қолганларга бажонидил ёрдам қўлини тутади. Ҳар турли маросимларга кеч қолганларни ёқтирмайди. Ишларини вақтига караб мўлжаллайди, доим нима биландир банд бўлади. Ишда ҳам уйда ҳам меҳнатга жонкуяр.

Муаммолари. Адолатсизлик ва мавҳумликни ўзига яқин олади. Таъсирчан тез кўнгли хира бўлади. Унга нисбатан қандай муносабатда бўлсангиз, шундай жавоб оласиз. Бировларнинг камчиликларини тез кўради, кескин баҳо бериб, кўпинча сўз билан эмас, кўз қарашлари ва овозини ўзгартириш билан маълум қилади. Одамлар билан муносабатда уларни „ўзиники" ва „бегона"ларга ажратади. Хиёнатни кечира олмайди. Кўп нарсани ўзига олади, мавҳумликка чидай олмайди, ўзгарувчан шароитга мослаша олмайди. Одамларнинг асл қиёфасини кўришда бироз қийналади, шунинг учун ҳаммага бир хилда юксак маънавий талаблар қўяди. Қилган ишига баҳо беришларини ёмон кўради, ҳар доим ҳам қилган ишидан қониқмайди.

Ундан қуйидагиларни талаб қилиб бўлмайди:

– ҳаётга доимий равишда яхши кўз билан қарашни;
– ҳар қандай қолипга тушмайдиган муносабатларга бефарқликни;
– ўз баҳо ва қарашларида кескин ўзгаришни;
– кутилмаган қарорларга ҳозиржавобликни.

Психокоррекция усуллари — билағонликка йўл қўймаслик, мустақил фаолият юритишга имкон яратиш, ижтимоийлик хусусиятларини шакллантириш.

Улар учун энг мақбул йўналишлар:

– бевосита одамлар билан мулоқот қилинадиган соҳалар;
– диққатни жамлашни талаб қиладиган, сергаклик ва тиним билмайдиган ишларда бу шахслар ўз ўринларини топишлари мумкин;
– таъминот бўлими (молия ва тиббиёт), хизмат кўрсатиш соҳаси (пул ва кийим, буюмларни сакдаш, тарқатиш, ҳайдовчи, инструктор);
– ЁҲХда муҳандис, ўт ўчирувчи лавозимларида, техник воситалар билан ишлаш, бир турдаги диққатталаб вазифаларни бажариш шароити мавжуд ишларда муваффақиятли фаолият юритишади.

Дидли, сезгир, иррационал – экстраверт. 11 – сиёсатчи

Кучли томоплари. Жуда дипломат, олди-сотди муносабатларида ўткир.Чорасиз ҳолда ўзини тез ўнглаб олади. Ўзига ишонган, қатъиятли ва довюрак, шу билан бирга жуда сахий. Ҳар доим нима қилмокчилигини яхши билади. Номигагина маслаҳатлашадию, ўз билганидан қолмайди. Бўладиган, бўлган воқеаларни ипидан-игнасигача билишни ва уларнинг марказида бўлишни истайди. Муомалали, одамлар ишочини қозонишга уста, бирпастда одамнинг дилини яйратадиган муҳитни яратишга қодир. Хушфеъл, доимо ўзини эркин ва кенгкўламли тутади. Соғлиғи ва ташқи кўринишига аҳамият беради. Чиройли, дид билан ҳар доим ҳар хил кийинишни ёқтиради. Одамижон, яқинлари тўғрисида кўп қайғуради, уйда осойишталик ва қулайликликни хуш кўради.

Муаммолари. Анча бетартиб, ишда аҳамиятсиз нарсаларга алахсиб кетади. Маълум бир нарсага фикрини жамлаш унга қийинчилик туғдиради. Танлаш имконияти туғилганда иккиланиб қолиши мумкин, кўпинча бу ички шубҳаланиш ва ўйланишларга олиб келишини беркитади. Унинг ҳақиқий ишончини жуда камчилик оқлаган. Янгиликларга нисбатан ўзига хос хусусиятга эга, янгиликни ўзлаштириши, қабул қилиши ва ушбу технологиянинг ҳаклигига ишониши учун унга маълум вақт талаб этилади. Дар томонлама чуқур ўрганиб, солиштириб чиққанидан сўнгтина таваккал қилиши мумкин. Одамларнинг индивидуал хусусиятлари ва қарашларини умумлаштирувчи, ҳамманинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари тарафдори. Озодлигини чегаралашса, ўзларини важоҳатли тутишади. Кайфиятини бошқаларга ўтказишта қодир.

Ундаи қўйидагиларни талаб қилиб бўлмайди:

– мажбуриятли ва аниқ ҳаракатланишни;
– мантиқан ишда ва шахсий ҳаётда умумийликни;
– вазифаларни тўғри тақсимлашни;
– ваъдасининг устидан чиқишни.

Психокоррекция усуллари — муомалада босиклик ва аниқ фикр билдириш. Ташкилотчилик имконини яратиш, фақат вазифаларнинг бажарилишини назоратдан қолдирмаслик.

Улар учун энг маъқул йўналишлар.

Ижтимоий соҳада:

– ижтимоий-педагогик фаолият, котибият, таъминот бўлими;
– моддий ресурслар билан таъминлаш;
– маданий-маърифий соҳаларда маросимларни ташкил қилиш;
– танланган йўналишда, қўриклаш, ЁХҲ йўналишларида имкониятларини тўлиқ намоён этади.

Мантиқий, ҳис қилувчи, иррационал – интроверт. 12 – тақризчи

Кучли томонлари. Яхшиликка интилади. Камхарж, ҳисоб-китоб асосида иш кўради, ишбилармон, ҳақиқатгўй. Кўп ўқийди ва кўп ўйлайди. Ўқиган ва эшитганларини эсида яхши сақлаб қолади ва мазмунли қилиб айтиб бера олади. Олдиндан сезиш қобилияти яхши ривожланган, шуни орқасидан қилинадиган ишнинг охирини кўра олади. Хавф даражасини яхши ажратади, кутилмаган хатарли воқеаларнинг олдини олиш учун кўпинча эҳтиёткорлик билан ҳаракатланишни маслаҳат беради. Ҳар қандай тизимда мантиқий фикрлай олади. Талаб қилинса, жуда пунктуал бўлиши мумкин. Кийим-кечак, уй, иш жойида озодалик тарафдори, шу билан бир қаторда қулайлик яратиш учун. Муомалада жуда мулойим. Ҳазилкаш, одамларни юпата олади.

Муаммолари. Ҳаётда жуда скептик, атроф оламдаги ҳамма камчилик ва қаршиликларни кўради. Кўпинча зиддият ва фикридан қайтиб қолишга мойил. Ички дунёсини мўътадиллаштиришга кийналади. Кайфиятини бошқара олмайди, гоҳи ҳамма нарсага ўзгача қараши, кўп гапириши, гоҳида эса ҳаддан зиёд сергап ва сахий бўлиши мумкин. Унинг ҳиссиётлари ёнверидагиларга таъсир қилади. Ҳафсаласизлигидан бошлаган ишини охирига етказа олмайди. Янгиликларга нисбатан эҳтиёткор ва бир қарорга келиши қийин. Шошилиб, иккиланишни сқтирмайди, ҳаммадан илгарилаб кетадиган, ўзини кўрсатадиган одамларга ишонмайди. Ўзининг ҳаклигига ишониб, фикрини фактлар билан исботлаб берган тақдирида уни бошқа бир нарсага чалғитиш жуда қийин. Тўғридан-тўғри иродавий таъсирларга бўйсунмайди. Мақташни ёмон кўради, энг тўғри йўл одамнинг камчилигини кўрсатиш деб ҳисоблайди. Атрофидагиларга ўз таъсирини ўтказишта қийинчилик билан эришади, кимнидир, нимагадир ишонтира олмайди, киришимлилик хусусияти яхши ривожланмаган.

Қуйидагиларни ундан талаб қилиб бўлмайди:

- ишда тезкорлик ва уддабуронликни;
- қурқмасдан тасодифий вазиятларда бир қарорга келишни;
- ғамхўрлик ва меҳмоннавозликни;
- ҳиссиетларини очиқ намоён қилишни;
- инсонлар билан тўғридан-тўғри муносабатга киришиш талаб этиладиган соҳаларда ўзини намоён қилишни.

Психокоррекция усуллари — дўстона муносабатлар ўрнатиш, иродавий ва ҳиссий ҳаракатларини ривожлантириш, ўзини кўрсатишига имкон яратиб бериш. Иложи борича атрофдагиларга нисбатан ижобий ҳиссий хусусиятларни вужудга келтириш. Ўзига ишонч, масъулият ҳисларини шакллантириш.

Улар учун энг маъқул йўналишлар:

- кутубхона ва архив ишлари, маъмурий фаолият;
- дастурлаштириш, илмий изланиш соҳасида иш юритиш.

Кучли томонлари. Фаол ва талабчан. Воқеани сезгирлик билан баҳолайди ва амалий қарор қабул қилади. Жуда моҳир маъмур — сифатли *иш ҳолатини ташкил қилади. Бўлим ва турли одамларнинг фаолиятини* бошқара олади. Жуда прагматик, одамларнинг аҳволи ва фаолиятини ўз фойдаси нуқтаи назаридан баҳолайди. Ҳар бир ишда асосли ва ишончли баҳолашни яхши кўради. Пулга тежамкорлик ва эҳтиётлик билан қарайди. Кийим-кечакларда чидамлилик ва мўъжазликни, ҳар қандай шароитда тартибни қадрлайди. Ҳар қандай аҳволда қарздорлик ҳиссини туяди. Вақтдан унумли фойдаланади ва уни бўлар бўлмасга сарфламайди. Қиладиган ишини олдиндан режалаштиради, қаердан бўлмасин ўз вақтида келади. Бекорга ҳар нарсага ўзини қурбон қилмайди. Қаерда бўлмасин ҳамма нарсага бошқарувчилик қилади. Ҳаётда ўзини йиғиштирилган тутади.

Муаммолари. Ўз диди ва одатларида консерватив, ўз хатоларини тан олиш ва муроса қилишни ёмон кўради, танқидни ҳатто, ҳазил тарзида бўлса ҳам тан олмайди. Муомалада дипломатик муносабатда бўла олмайди. Ўзининг танқидий мулоҳазаларида жуда ҳам кескин. Яхши-ёмонни баравар муҳокама қилади. Сертакаллуфлардан нарироқ юришга ҳаракат қилади. Қилинган яхши иш учун мақташ жоиз деб билади. Маза-бемаза мавзуларда узоқ гапиришни ёмон кўради, қатъий тарбия тарафдори. Қилинаётган ишга дахли йўқ одамлар шу иш хусуси-да мунозара қилишса, уларга нисбатан ғазаби қайнайди. Яқинларига ўзининг муҳим аҳамиятга эгалиги ва бу борада талабчан эканлигини доим таъкидлаб туради. Ғазабланганида ўзини бошқара олмайди, шу боис нуқул ноаниқлик ҳолатига тушиб қолади. Бошқа нарсаларга алаҳсиб ўз ишини вақтида бажара олмайди ва тушкунликка тушади. Етарли миқдордаги исботни топмагунича фикрини ўртага ташламайди. Иш пайтида чалғитишганини ёки бу ишни тезроқ қилишга ундашганини ҳеч ҳам тўғри қабул қила олмайди. Умумий қабул қилинган қоидаларга риоя қилиш кераклигини доимий равишда атрофдагиларига уқтириб туради. Ваҳоланки, кутилмаган бир ҳолда сабрсизлик билан тез жаҳли чиқиб, қуюшқондан чиқиб кетиши мумкин.

Қуйидагиларни ундан талаб қилиб бўлмайди:

- шароитга қараб ўз хулқини ўзгартиришни;
- одамлар билан юмшоқ ва дипломатик муносабатда бўлишни;
- чорасизликда совуққон ва сабр-тоқатли бўлишни;
- етмаган ғояларни охирига етказишни.

Психокоррекция усуллари — билағонликка йўл қўймаслик, етакчилик қилишга имкон яратиш, ижтимоийлик — интеллектуал хусусиятларини шакллантириш, жамоат ишлари билан банд қилиш.

Мувафаққиятлари учун тақдирлаш тавсия этилади. Барча ҳаракатлар мавжуд хислатларидан ижобий фойдаланишга қаратилиш лозим.

Улар учун энг маъқул йўналишлар:

– тезкор ва тезкор қидирув йўналишларида зўр етакчи ва илғор ходим;
– бошқарув, одамлар ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
– техник жараённи кузатиш (таъмирлаш, фойдаланиш).

Дидли, ҳис қилувчи, рационал – интераверт. 14 - гуманист

Кучли томонлари. Одамларнинг ўзаро муносабатларини яхши ҳал қила олади. Доим олдинга интилиб, ўрганиш, изланиш, мукаммалланиш йўлида. Маънавий-фалсафий муаммоларга қизиқади. Тинчлик ва хотиржамлик учун муросага келиши мумкин. Одамларни қандай бўлишса, шундайлигича қабул қилади, камчиликларини кечириб, уларнинг дунёқарашларини куч билан ўзгартиришга ҳаракат қилмайди. Одамижон, тез кўникиб қолишади. Бошқаларнинг ўз ҳиссиётларини намоён қилишларига тўғри кўз билан қарайди. Кўнгилга тез йўл топиб, овутиб, тўғри маслаҳат бера олади. Агар ёрдам беролмаса, сабр-тоқат билан ўзингизга келишингизни кутади. Ҳамма нарса яхшилаб, ўринли бажарилиши тарафдори. Жуда меҳнаткаш. Очиққўнгил, дангалчи ва виждонли. Ҳақиқат ва интизом қоидаларига асосланиб яшашга интилади.

Муаммолари. Таъсирчан ва тез хафа бўлиб қолади. Келишмовчиликлар ва асабга тегадиган воқеаларни оғир кечиради. Жуда нозиктаъб, бошқаларни ўзининг оғирлиги билан қийнашни эп кўрмайди. Кўпинча қилинадиган ишни майда-чуйдаларигача яхшилаб бажариб, ўзини қийнаб қўяди. Қилган ишининг сифати ва унга кетган вақтни тўғри баҳолай олмайди. Ишонувчан, тўғрисўзлигидан гоҳида хафа бўлади, чунки кўпчилик унинг шу томонидан фойдаланишади. Ҳаракатлари ўзгармас, кам фикр билдиради, ўзига, ҳаракатларига ишонади. Унинг қизиқиши доирасидан ташқаридаги нарсалар билан унчалик қизиқмайди.

Қуйидагиларни ундан талаб қилиб бўлмайди:

— ишда тадбиркорлик билан тез ҳаракатланишни;
— кутилмаган вазиятларда керакли йўлни танлашни;
— ҳар қандай пайтда тезлик билан мослашишни;
— ташкилий хусусиятларни.

Психокоррекция усуллари — муомалада босиқлик ва аниқ фикр билдириш. Ташкилотчилик имконини яратиш, қалтис вазиятларда атрофдагиларга таъсир ўтказиш хусусиятидан фойдаланиш.

Улар учун энг зарур йўналишлар:

— ижтимоий, илмий-педагогик фаолият, ортиқча зўри-қишларсиз бир турдаги тарбиявий таъсирни амалга ошириш имконияти мавжуд;

— вояга етмаган ўсмирлар билан боғлиқ фаолиятда;
— қўриқланадиган объект постида, ЁХХ инспектори лавозимларида самарали;
— маъмурий фаолиятда;
— кутубхона, котибиятда.

Дидли, ҳис қилувчи, иррационал – экстраверт. 15 – маслаҳатчи

Кучли томонлари. Жуда киришимли ва ҳиссиётли. Керак бўлса, хоҳлаган одамининг кўнглига йўл топа олади. Бунда унга табиий кўркамлиги ва мулозаматлилиги ёрдам беради. Одамларни мақташ, уларга яхшилик қилишни хуш кўради. Одамдарнинг қобилият ва хусусиятларини яхши ажратади. Кўз илғамас камчиликлари ва ҳиссиётларини тез ҳис қилади. Ҳаттоки атрофидагиларнинг хатти-ҳаракатларини олдиндан айтиб бериши мумкин. Сирли ва мавҳум нарсалар, одамлар билап қизиқади. Қандайдир ғоя билан қизиқиб қолса, жон-жаҳди билан уни оммавийлаштира бошлайди. Таъсирчан ва ғамхўр,жамики нарсаларга меҳрибон, ҳаётий қийин муаммоларда ёрдамлашиш, маслаҳат беришни яхши кўради. Тезкор вазиятларда тез мослаша олади. Оғир-босиқ, кучли қаршилик кўрсата олади. Омадсизликка учраганда қаттиқ қайғурадию, тез эсидан чиқаради. Ҳамма яхши нарсаларни яхши кўради, чиройли кийинишга, одамларнинг кўзига ташланишга ҳаракат қилади.

Муаммолари. Ҳамма билан яхши муносабатда бўлишни хоҳдайди. шу билан бир қаторда ўзини ортиқча қийнаб қўяди. Табиатан ишонувчан, суҳбатда кўпинча ортиқча нарсаларни ҳам гапириб қўйиши мумкин. Яхши кўрган одамларидан тез ҳафсаласи пир бўлади. Ҳамма нарсага бўлган муносабати кайфиятига боғлиқ. Эркин ҳаракатланишини чеклаб қўядиган кун тартиби ва қонун-қоидаларнп четлаб ўтади. Ақлсизларча бўйсунишни ёмон кўради. Ишбилармонликда жипслашмаган. Кўпинча ишнинг асосийсидан иккинчи даражалигига ўтиб кетишга мойиллигидан қиладиган ишини муддатида бажара олмайди. Озроқ сабр-қаноат етишмаслигидан кўп ҳолларда бошлаган ишини охирига етказа олмайди. Қўпол, тарбиясиз одамларни муҳокама қилади. Ўзиям юҳида ўзнни тутолмайди, жаҳл қилиши мумкин.

Ундан қуйидагиларни талаб қилиб бўлмайди:
— алоҳида зътибор талаб этадиган ишларни сифатли бажаришни;
— хизмат ҳужжатларини бир тизим асосида юритишни;
— юқори даражадаги уюшқоқликни;
— кўпчиликни бошқаришни, вазифаларни бўлиб беришни;
— келишмовчилик юзага келган вазиятда совуққонлик билан иш кўришни;

Психокоррекция усуллари — қўйилган вазифаларнинг аҳамиятли тарафларини намоён қилган ҳолда топшириқ бериш, вазифаларни бажаришда жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.

Улар учун энг маъқул йўнашишлар:

— ўта киришимли хусусиятларини инобатга олган ҳолда фуқаролар билан ишлаш йўналишларида илғор ходим бўлади;

— ХЧК, ЙПХ, ППХ, ЁХХ, умумий йўналишларда назоратчи инспектор, кадрлар бўлими, шахсий таркиб билан ишлаш бўлимларида алоҳида топшириқларни бажарувчи ходим сифатида;

— педагогик фаолият (ўқитувчи, тарбиячи);

— профилактика инспектори.

Мантиқий, сезгир, рационал – экстраверт. 16 – уста

Кучли томонлари. Фойдали ва керакли ишларни юритишда уддабурон. Янги гояларни амалда йўлга қўйиб, энг юқори фойда даражасини кўрсата олади. Кўзга ташланмасдан, оҳисталик билан мақсадга интилиш, бошлаган ишини охирига етказиш, камтарликка мойил. Ўзига ёққан иши ва ҳаракатларида изланувчан. Қурби етадиган доирада иш ва дам олишни уйғун ташкиллаштира олади. Фаросатли, тўлалигича ўзининг дидига ишонади. Нима чиройли, нима ёмон, қаерда дидсизлик, қайда уйғунлик бўлиши мумкин, деганда ўзининг ягона қатъий фикрига эга. Дўстликни қадрлайди. Мабодо ёрдам сўрашса, вақтини аямасдан ёрдам беришга ҳаракат қилади. Ўзининг нуқтаи назарини уқтиришга уринмайди, барибир охирида ўзи хоҳлаганидек бўлиб чиқади. Қилган ишини фойдаси тегаётганидан хурсанд бўлади, ичиқоралик қилмайди. Учрашувларнинг узоқ вақт давом этишини ёқтирмайди, аниқ ва конкретликни афзал деб билади. Ўзини бошқара олади, хатарли вазиятларда совуққонлик билан иш кўради. Хавф ҳақида огоҳлантиришса, бу ҳол унда қўрқув эмас, балки қизиқиш уйғотади, ўзини синаб кўргиси келади.

Муаммолари. Ўзига ҳеч нарсани юқтирмайди, ҳазилкаш, ҳамма нарсани текширишга иштиёқманд. Таъсирчанлигига қарамасдан, одамларнинг олдида ўз ҳиссиётларини намоён қилмайди. Ҳамма нарса кайфиятига боғлиқ, кайфияти йўқ пайтида иш унумдорлиги ошади. Ўзи билан ўзи овора, жаҳли чиққанда ҳар қандай одамни жойига қўйиб қўяди. Буйруқ оҳангидаги гапларни тан олмайди, қанақасига маъқул кўрса, шундай иш тутади. Росманасига куч-ғайрат билан фақат яхши натижалар бериб, роҳат бағишлайдиган ишни бажариши мумкин, шунинг учун ҳам гоҳида уни дангаса деб ўйлашади. Мақсадсиз ишни қилишга ошиқмайди. Сузилиб, гапни айлантириб гапирганларни.ёқтирмайди. Аниқ, лўнда, ўзига ишонган оҳангда гапиради.

Қуйидагиларни ундан талаб қилиб бўлмайди:

— бошқаларни омадсизликда айблаидиган одамларга раҳм қилишни;

— яхши ишта тушмаган лойиҳаларни тўғри қабул қилишни;

— бўлаётган воқеани ҳис қилиш.

Психокоррекция усуллари — ўзаро муносабатларда ҳурмат ва юқори даражадаги интизомни талаб этиш. Камчиликларини кўрсатиб, тушунтириш орқали муваффақиятга эришиш мумкин.

Улар учун энг маъқул йўналишлар:

— танланган йўналишда ташкилий бошқарувчилик соҳаларида етакчилик қилиш;

— хўжалик юритиш, аниқ техник воситаларни бошқариш;

— ХЧК, ПТХ, айниқса ҲООҲ ва ЖИЭМ йўналишларида муваффаққиятли фаолият юритиши мумкин.

Умумий йўналишдаги оммабоп тестлар

Кучли характер эгасимисиз?

1.Сизнинг ҳаракатларингиз атрофдагиларга қандай таъсир ўтказаётгани тўғрисида ўйлаб кўрганмисиз?

А) жуда кам; С) гоҳида;

В) кам; *В)* кўпинча.

2.Ўзингиз ишонмаган нарсалар тўғрисида гапирганмисиз (масалан: кимгадир аччиқ қилиб, ёки атайин).

А) ҳа; В) йўқ.

3.Қуйида келтирилган характер хусусиятларининг қайсиларини инсонларда қадрлайсиз?

А) қатъият; В) тафаккур кенглиги; С) ўзини кўрсата олиш.

4.Педантизмга мойиллигингиз борми?

А) ҳа; В) йўқ.

5.Сиз билан юз берган нохушликларни тез унутасизми?

А) ҳа; В) йўқ.

6.Қилган ҳаракатларингизни таҳлил қилишни ёқтирасизми?

А) ҳа; В) йўқ.

7.Сизга жуда яхши таниш бўлган инсонлар орасида:

А) шу даврага мослашасиз;

В) қандай бўлсангиз шундайлигингизча қоласиз.

8.Янги вазифага қўл уришдан олдин, сизни кутадиган қийинчиликлар тўғрисида ўйламасликка ҳаракат қиласизми?

А) ҳа; В) йўқ.

9.Қуйида келтирилган тавсифларни қайси бири сизга кўпроқ мос келади?

А) хаёлпараст; В) омадли йигит; С) меҳнатда тиришқоқ;

Д) пунктуал, озода; Е) “файласуф”.

10.Маълум бир масалани муҳокама қилганда:

А) бошқаларнинг фикрига мос келмаса ҳам ўз фикрингизни айтасиз;

В) ўз фикрингизга эга бўлсангиз ҳам жим туришни маъқул кўрасиз;

С) ўз фикрингизда қоласиз, шу билан бирга кўпчиликнинг фикрига ҳам қўшиласиз;

Д) ўйлаб ўтирмасдан илғор фикрга қўшиласиз.

11.Бошлиғингизнинг қайси ҳиссиёти ғазабланишни уйғотади:

А) асабийлик; В) хавотир; С) ташвишланиш; Д) ҳеч қандай ҳиссиёт.

12.Судда ҳимоячингиз бирданига сизга қарши чиқиб қолса, нима қиласиз?

А) унга қарши чиқаман; В) ушбу фактни юзига соласиз; С) атайин жаҳл қиласиз; Д) танаффус қилишни сўрайсиз.

13.Қилга ишингиз хато чиқса:

А) жаҳлингиз чиқади; В) уяласиз; С) ғазабланасиз;

14.Агар қийин вазиятга тушиб қолсангиз кимни айблайсиз?

А) ўзингизни; В) омадсизликни; С) объектив воқеликни.

15.Атрофингиздагилар, раҳбарларингиз, қўл остингиздагилар билим ва ҳаракатларингизни тўғри баҳолашмайдигандек туюладими?

А) Ҳа; В) йўқ.

16.Яқин танишларингиз, ҳамкасбларингиз қўпол ҳазил қилишса:

А) улардан жаҳлингиз чиқади;В) ён босишга ҳаракат қиласиз;

С) жаҳлингиз чиқмайди, ҳазиллаша бошлайсиз;

Д) ҳеч қандай ҳиссиётларсиз кулги билан жавоб берасиз.

17.Шошиб турганингизда керакли нарсангиз (сумка, зонт) топилмй қолса, нима қиласиз?

А) индамай қидиришни давом этасиз;

В) қидиришда давом этиб, уйингиздагиларни бесаранжомликда айблайсиз; С) ўша нарсасиз чиқиб кетасиз.

18.Нима кўпроқ сизга таъсир қилади?

А) қабулхонада одамларнинг кўплиги; В) транспортдаги тиқилинч; С) бир ишни бир неча марта қилиш.

19.Баҳс тугагандан кейин ҳам ўз фойдангизга фактлар келтириб миянгизда баҳсни давом эттирасизми?

А) ҳа; В) йўқ.

20.Тез бажариладиган ишга ёрдамчи танлаш имконияти бўлганда кимни танлаган бўлардингиз?

А) фақат иш берадиган, фикрини айтмайдиган;В) билимли, қайса ва баҳсга мойилини;С) қобилиятли, лекин дангасароғини.

Жаво блар	Саволлар																			
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
A		0	1	2	0	2	2	0	0	2	0	0	2	2	0	0	2	1	0	0
B	1	1	1	0	2	0	0	2	1	0	1	2	1	0	2	1	0	0	2	1

15 баллдан кам. Бўш характер эгаси, ўзини жамлай билмайдиган, беташвиш инсон. Қийинчилик ва хатоларда ўзидан бошқа ҳаммани айблаш хусусиятига эга. Сизга на ишда, на дўстликда ишониш қийин. Бунинг устида ўйлаб кўришингиз зарур.

15 дан 25 баллгача. Сиз бир мунча қатъий характер эгасисиз. Сиз ҳаётга теран назар ташлай оласиз, лекин ҳамма ҳолатларда эмас.Гоҳида сизда ўзини тутаолмаслик ҳолати учраб туради. Жамоада одилсиз, феъларингизга чидаса бўлади.Лекин баъзи характер хусусиятларингизни йўқотиш тўғрисида ўйлаб кўришингиз керак.

26 дан 38 баллгача. Сиз талабчан ва жавобгарлик ҳисси юқори инсонлар қаторидасиз. Ўз фикрларингиз аҳамият касб этсада, бошқаларнинг ҳам фикрини инобатга олиш кераклигини эсингиздан чиқарманг. Турли вазиятларда тўғри йўналиш олиб, тўғри қарор чиқара оласиз. Булар кучли характердан далолат беради, ўзингиздан ғурурланишни бас қилинг, куч шафқатсизлик дегани эмас.

38 баллдан юқори. Биз сизга ҳеч нарса дея олмаймиз. Нега? Чунки бундай идеал даражадаги характер эгаси борлигига ишониш қийин. Ёки бундай балл — ўзингизни объектив баҳолай олмаслик натижасимикин?!

"Муваффақиятга эришиш мотивациясини аниқлаш" тести.

Йўриқнома: *қуйида берилган 41 та саволга „ҳа" ёки „йўқ" деб жавоб беринг.*

1. Иккита ишдан бирини зудлик билан бажариш ёки уларни танлаш керак бўлса, яхшиси тезда унга киришиб, бажариб қўя қолган афзал.
2. Берилган топшириқни 100% бажара олмаётганлигимни сезсам, жуда қайғураман.
3. Ишлаётган вақтимда берилиб ишлайман, гўёки ҳамма нарса шунга боғликдай.
4. Муаммоли вазият пайдо бўлганда, мен қарор чиқаришга шошилмайман.
5. Икки кун сурункали ишсиз қолсам, ҳаловатимни йўқотаман.
6. Баъзи кунлари менинг муваффақиятсиз кунларим кўпайиб кетади.
7. Мен ўзимга бошқаларга қараганда анча талабчанман.
8. Мен бошқалардан кўра саховатли, меҳрибонроқ одамман.

9. Қийин топшириқни бажаришдан бош тортган пайтларимда, одатда ўзимни койийман, чунки ўша ишга киришганимда бажарган бўлардим.

10.Ишлаш давомида тез-тез дам олиб туришга эҳтиёж сезаман.

11.Тиришқоқлик ва тинмаслик — мендаги асосий сифат эмас.

12.Менинг меҳнатдаги ютуқдарим ҳар доим ҳам бир хил эмас.

13.Менга бевосита ўзим бажараётган иш эмас, балки бошқа ишлар кўпроқ ёқади.

14.Мақтовдан кўра, танқид мени кўпроқ ишлашга мажбур қилади.

15.Мени ҳамкасбларим ишчан деб ҳисоблашларини яхши кўраман.

16.Ишдаги қийинчиликлар менинг қарорларимни янада қатъийлаштиради.

17.Менинг нафсониятимга тегиш жуда осон.

18.Кўпчилик ташаббуссиз ишлаётганимни сезади.

19.Бирор ишни бажараётганимда бошқаларнинг мададига таянмайман.

20.Баъзан ҳозир қилишим мумкин бўлган ишни кейинга қолдираман.

21.Одам фақат ўзига ишониши керак деб ҳисоблайман.

22.Ҳаётда пулдан ҳам муҳим нарса йўқ.

23.Муҳим топшириқни бажариш керак бўлганида ташвишларимни унутаман.

24.Мен кўпчиликка қараганда иззатталаб эмасман.

25.Таътил охирида ишга чиқишимни ўйлаб қувонаман.

26.Иш менга ёқса, уни бошқаларга нисбатан яхшироқ бажараман.

27.Ишга берилиб кетадиган кишилар билан тил топишим осон.

28.Ишим йўқ пайтларда ўзимни беҳаловат сезаман.

29.Масъулиятли ишларни бошқаларга нисбатан кўп бажараман.

30.Қарор чиқариш масъулияти менга юкланса, вазифани яхшироқ бажараман.

31.Дўстларим мени дангаса деб ҳисоблашади.

32.Маълум маънода менинг ютуқларимда ҳамкасбларимнинг ҳиссаси бор.

33.Раҳбарнинг раъйини қайтаришдан фойда йўқ.

34.Баъзан қандай иш бажариш кераклигини ҳам билмайман.

35.Ишим юришмай қолган пайтлар бетоқат бўлиб безовталанаман.

36.Одатда ўз афт-башарамга кам эътибор бераман.

37.Кўпчилик ичида ишлаётганимга ютуқларим кўпроқ ва сезиларлироқ бўлади.

38.Бўйнимга олган кўпгина ишларни охирига етказа олмайман.

39.Иши жуда кўп бўлмагаи одамларга ҳавас қиламан.

40.Мен ҳокимиятга интилган амалпарастларга ҳавас қилмайман.

41.Ўз йўдимнинг тўғрилигига шубҳа қилмасам. уни амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан тоймайман.

Калит: қуйидаги саволларнинг ,,Ҳа" жавоблари учун 1 баллдан ҳисобланг: 2, 3,4, 5, 7, 8,9,10,14, 15, 16, 17, 21, .22, 25, 26. 27, 28, 29, 30, 32, 37, 41.

6, 13, 18, 20, 24, 31, 36, 38, 39 саволларнинг „Йўқ" жавоби учун ҳам 1 баллдан ҳисобланг 1, 11, 12, 19, ,23, 33, 34, 35, 40 саволларга берилган жавоблар ҳисобга олинмайди. Тўплаган балларингизни ҳисобланг.

Натижа:

1 баллдан 10 баллгача —*муваффиятга нисбатан жуда паст мотивация*

11 баллдан 16 баллгача — *ўрта даражадаги мотивация;*

17 баллдан 20 баллгача — *анчагина юқори мотивация;*

21 баллдан юқори — *муваффақиятга нисбатан ўта юқори мотивация.*

Паришонхотирмисиз?
„Ҳа" ёки „йўқ" деб жавоб беринг?

1. Бирор бир ўйин ўйнаётганда диққатннгизни тўплай олмасдан ютқазган пайтларингиз булганми?
2. Танишларингиз ҳазил қилиб сизни лаққилатиша олганми?
3. Бир пайтнинг ўзида ишдаб туриб атрофингиздагилар нима тўғрисида гапиришаётганини эшита оласизми?
4. Қачондир кўчадан пул ёки бирор қимматбаҳо нарса топиб олганмисиз?
5. Кўчадан ўтаётганда атрофга диққат билан назар ташлайсизми?
6. Оддинги ҳафта кўрган киноингизни майда деталларигача эслай оласизми?
7. Бирор ишни бажаришингизда халақит қилишса ёки чалғитишса асабийлашасизми?
8. Қайтимини доим текширасизми?
9. Сизни уйқудан уйғотиш осонми?
10. Кўчада кетаётганингизда чақириб қолишса, чўчиб кетасизми?
11. Қарзларингиз эсингиздан тсз чиқиб кетадими, айниқса кимга нима берганингиз ?
12. Ёмғир сизни ташвишга соладими?

2, 3, 4, 5, 6, 8, 9- саволлардаги „Ҳа" жавоби ва 1, 7, 10, 11, 12 саволлардаги „йўқ" жавоби учун 1 баллдан.

10 баллдан кўп. Сиз жуда эътиборлисиз ва майда нарсаларни ҳам кўздан қочирмайсиз. Сизни алдаш жуда қийин.

4 дан 8 баллгача Ишнинг муваффақияти учун етарлича диққат-эътибор сарфлай оласиз, лекин ҳар доим ҳам эмас Бир оз паришонхотирсиз, хаёл суришни яхши кўрасиз.

4 баллдан кам Сиз ўта хаёлпарастсиз, шунинг учун ҳам диққатингизни бир ерга жамлай олмайсиз. Ёқимсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун бироз эътиборли бўлишга ҳаракат қилинг.

Ахлоқий-этик хусусиятларингиз

Ҳа - 3, "Йўқ"- 2, „менимча ҳа" 1. "менимча йўқ"- 0 балл

Қўл остимдагиларнинг ўз хатоларини тан олишларини кутмайман.

Иш қилиш учун баъзан контракт шартларини, хавфсизлик чораларини бузишга тўғри келади.

Ҳеч қачон ҳисоботда аниқ чиқимларни кўрсатиб бўлмайди, шунинг учун тахминий сонлар кўрсатилади.

1. Ёқимсиз ахборотни шерикларимдан беркитишим мумкин.
2. Юқори турадиган раҳбарларнинг буйруқлари тўғри бўлмасада, буюрганларидек бажараман.
1. Гоҳида иш вақтида шахсий ишларим билан шуғулланишимга тўғри келади.
2. Қўл остимдагиларнинг ҳаракатини ошириш мақсадида керагидан ортиқ вазифаларни юклатишга ҳаракат қиламан.
3. Мен учун зарур буюртмани олиш керак бўлса унинг бажарилиш муддати масаласида алдашим мумкин.
4. Хизмат телефони бўш бўлса ундан шахсий мақсадда фойдаланишга рухсат бераман.
10. Мен ҳар доим аниқ мақсадга интиламан шунинг учун ҳам мақсад сари ҳаракатларим эҳтиёжларимни қондиради.
11. Агар катта буюртма олиш учун зиёфат уюштириш, фирманинг сиёсатига ўзгартириш киритиш керак бўлса, бажонидил қабул қиламан.
12. Шаклланган кўрсатма ва фирма сиёсатини ўзгартирмасдан яшаш қийин.
13. Қолган товарларнинг ҳисоботини тузаётганда унда „етишмовчи" ва „ортиқча" товарлар сонини кўрсатиб тузиш керак.
14. Нусха кўчирувчи аппаратдан ўз эҳтиёжлари йўлида вақти-вақти билан фойдаланиб турса бўлади.
15. Корхонага тегишли баъзи нарсалар (қалам, ручка, қоғоз)ни уйда фойдаланиш учун олиб кетса бўлади.

13 баллдан кам. Ахлоқий-этик хусусиятларингиз жуда яхши ривожланган. Сиз билан муомала қиладиган одамларга ҳавас қилса арзийди.

13 дан 30 баллгача. Сизда ўртача ахлоқий-этик хусусиятлар жамланган. Яхши тарбия топганлик аломатлари мавжуд бўлиб, уларни ривожлантириш сизнинг қўлингизда.

30 баллдан юқори. Сизнинг ахлоқий-этик хусусиятларингиз жуда паст. Ўз маънавий қиёфангиз тўғрисида ўйлаб кўришингиз ва уни ўзгартиришингиз талаб этилади. Сиз билан шериклик муносабатларини ўрнатиш қийин. Сизни на „бошлиқ" на „бўйсунувчи" сифатида қабул қилиш мумкин.

„Таваккалга тайёрлик даражасини аниқлаш" методикаси

Йўриқнома. *Сўралаётган ҳаракатларни амалга оширишга тайёргарлик даражангизни баҳоланг. Қуйида берилган 25 та саволга ушбу чизма бўйича балл қўйиб жавоб беринг:*

2 балл — тўлиқ қўшиламан, тўлиғича „ҳа"; + **1 балл** — „йўқ" дан кўра кўпроқ „ҳа"; + **0 балл** — „ҳа" ҳам эмас, „йўқ" ҳам эмас, иккаласининг ўртаси;

—**1 балл** — „ҳа" дан кўра кўпроқ „йўқ" дейиш мумкин;

—**2 балл** — тўлиғича „йўқ".

1. Оғир дардга чалинган одамга тезроқ ёрдам кўрсатиш учун белгиланган тезликни нормадан оширишингиз мумкинми?
2. Агар жуда яхши маош тўлашни ваъда беришса, узоқ муддатли ва хавфли экспедицияга боришга розилик берармидингиз?
3. Қочиб кетаётган хавфли душман, қуролланган ўғрининг йўлини тўса оласизми?
4. Соатига 100 км тезлик билан ҳаракатланаётган поезднинг ёнида машинангизда кетишга қўрқмайсизми?
5. Уйқусиз ўтказган кунингизнинг эртасига нормал ишлаб кетаверасизми?
6. Совуқ дарёни биринчи бўлиб олдинда сузиб ўта оласизми?
7. Қайтариб беришига тўла ишонмаган тақдирда ҳам дўстингизга катта миқдорда пул қарзга бериб тура оласизми?
8. Сизни хавфсиз деб ишонтиришган тақдирда шерни ўргатувчиси билан бирга шернинг қафасига киришга журъат қиласизми?
9. Ташқаридан қўллаб туришган пайтда жуда баландликка тирмашиб чиқа олармидингиз?
10. Машқсиз елканли қайиқни бошқара оласизми?
11. Югуриб кетаётган отнинг жиловидан ушлашга журъат қиласизми?

12. Ўн стакан пиво ичиб олган такдирда велосипедни бошқариб кета оласизми?

13. Парашютдан сакрай оласизми?

14. Зарурат бўлиб қолса, Тошкентдан Москвагача билетсиз кета оласизми?

15. Яқиндагина автоҳалокатда оғир жароҳатланган танишингиз билан, у рулда бўлгани ҳолда автотурнирга чиқишга журъат қила оласизми?

16. Ўт ўчирувчилар тентига ўн метрлик баландликдан сакрай оласизми?

17. Узоқ муддат мобайнида тўшакда ётишни талаб қиладиган касалликдан қутулиш учун мураккаб операцияга розилик билдира оласизми?

18. Соатига 50 км тезликда ҳаракатланаётган юк вагонидан сакрай оласизми?

19. Олти кишига мўлжалланган лифтга шошиб турган пайтингизда еттинчи киши бўлиб чиқиб олишингиз мумкинми?

20. Катта пул эвазига кўзингиз боғлиқ ҳолда серқатнов кўчадан ўта оласизми?

21. Ҳаёт учун хавфли, лекин юқори маошли ишга розилик берармидингиз?

22. Кучли маст қилувчи ичимлик истеъмол қилгач, фоизларни ҳисоблай оласизми?

23. Бошлиқнинг юқори кучланишли симни ушлай оласизми?

24. Қисқа муддатли тушунтиришлардан сўнг вертолётни бошқара олармидингиз?

25. Қўлингизда билетингиз бўла туриб, лекин емиш ва пулсиз Москвага кета оласизми?

Калит. Юқоридаги кўрсатмага кўра балларни ҳисобланг.

— **50дан + 50гача** бўлган ораликда тўплаган балингизнинг қийматини аниқланг, ўртачадан қайси томонга оғишига қараб, хулоса чиқаринг. Жавобларнинг ижобийлиги таваккалчиликка мойиллигингиз борлигидан дарак беради.

— **30 дан паст** — *жуда эҳтиёткорсиз;*

— **10 дан +10 оралиғи** — *ўртача кўрсаткич;*

+ 20 баллдан юқори — *таваккалчиликка мойилсиз.*

Таваккалчиликка тайёрликнинг юқори кўрсаткичи одатда *маглубиятдан кочиш* мотивациясининг паст кўрсаткичи билан уйғунлашган (ҳимоя паст). Таваккалчиликка тайёрлик йўл қўйилган хатоликлар билан тўғри пропорционал равишда баҳоланган. **Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундайларда:**

> ёш ўтиши билан таваккалчиликка мойиллик пасаяди;

> тажрибали кишиларда таваккалчилик кўрсаткичи анча паст бўлади;

> аёлларда, эркаклардан фарқди ўлароқ, айрим ҳоллардагина намоён бўлади;

> ҳарбий қўмондонлар ва раҳбарларда, талабалар билан солиштирилганда, таваккалчилик установкаси юқорироқ намоён бўлади;

> рад этилган ички низоси бор шахслар таваккалчилик юқорироқ;

> гуруҳ шароитида, якка ҳолдагидан фарқли ўлароқ, таваккал ишга мойиллик яққолроқ ва тезроқ намоён бўлади ва бу гуруҳий кўринишларга ҳам боғлиқ.

Асабиймисиз?

Жудаям — 3 балл, унчалик эмас — 1 балл, йўқ — 0 балл.

Асабингизга тегадими?

1. Ўқимоқчи бўлган газетангизнинг саҳифаси ғижим бўлиб кетгани.
2. Қари аёлнинг ёш қизлардай кийиниб олгани.
3. Суҳбатдошингизнинг Сизга яқин туриб олиши. Масалан, транспортда.
4. Кўчада чекаётган аёлни учратсангиз.
5. Кимдир Сиз тарафга қараб йўталса ёки акса урса.
6. Кимнингдир тирноғини тишлаётганини кўриб қолсангиз.
7. Бекордан-бекорга кулаётган одам.
8. Кимдир Сизга нимани қандай қилиш кераоигини ўзича ўргата бошласа.
9. Яқинларингиз, танишларингизнинг бирортаси доим кеч келса.
10. Кинотеатрда олдинги қаторда ўтирган одам тинч ўтирмасдан, кино воқеаларини айтиб ўтирса.
11. Ўқимоқчи бўлган китобингизни кимдир сизга гапириб беришни бошласа.
12. Сизга керак бўлмаган нарсани совға қилишса.
13. Кимдир жамоат транспортида баланд овозда гаплашаётган бўлса.
14. Жудаям кучли атир ҳиди келиб турса.
15. Гапираётган пайтида имо-ишорани кўп ишлатадиган одам.
16. Сизга тушунарсиз тилдаги сўзларни кўп ишлатадиган сафдошингиз.

40 баллдан юқори. Сизни сабрли ва босиқ одамлар тоифасига киритиб бўлмайди. Сизни ҳамма нарса асабийлаштиради. Жаҳлингиз жуда тез чиқиб кетиши мумкин, бу ўз ўрнида асаб тизимингиз ишдан чиқишига олиб келади.

12 баллдан 39 балгача. Айни дамдаги кайфият ва ҳолат юзасидан кўпинча ёмон кайфиятда бўлсангиз, асабийлашишингиз мумкин. Бошқа ҳолларда Сизни ўртача даражадаги асабийлик тоифасига алоқадор қилиш мумкин.

11 баллдан кам. Сиз босиқ ҳаётга реал назар ташлайдиган одамлар тоифасига кирасиз. Жаҳлингизни чиқариш жуда мушкул.

Қанчалик одобли ёки низолисиз?

а — 2 балл, б — 1 балл, в — 0 балл

1. Жамоат транспортида баҳс бошланди, сизни ҳаракатингиз:

а) иштирок этмайман;

б) ким ҳақ бўлса, уни ҳимоялаш учун сўз айтаман;

в) баҳсда фаол иштирок этишга ҳаракат қиламан.

2. Мажлисларда ёки сафдошларингиз билан бошлиғингизни танқид қилишингиз мумкинми?

а) йўқ;

б) сабаби бўлса, танқид қиламан;

в) нафақат бошлиғимни, балки уни ҳимоя қилаётганларни ҳам танқид қиламан.

3. Яқинларингиз билан кўп баҳслашасизми?

а) агар улар хафа бўлмайдиганлар қаторида бўлишса;

б) фақат энг муҳим масалалар бўйича;

в) бахслашишни яхши кўраман.

4. Навбатда турганингизда кимдир навбатсиз суқилишга ҳаракат қилса:

а) ичимда жаҳдим чиқса ҳам индамайман;

б) танбеҳ бераман;

в) олдинга ўтиб, тартиб ўрнатишта тушаман.

5. Олдингизга тузсиз овқат олиб келишди:

а) эътибор бермасликка ҳаракат қиламан;

б) индамасдан ўзим тузини ростлайман;

в) жаҳлим чиқиб, овқат ичишдан бош тортаман.

6. Транспортда оёғингизни босиб олишди:

а) жаҳл билан қарайман;

б) танбеҳ бераман;

в) ичимдаги бор гапларни айтишдан қайтмайман.

7. Яқинларингиздан кимдир сизга ёқмайдиган нарсани сотиб олган:

а) индамайман;

б) оғриқсиз изоҳ бераман;

в) бекордан-бекорга пул сарфланганидан жаҳлим чиқиб, уришаман.

8. Лотереяда ютқазиб қўйдингиз:

а) бефарқ бўлишга ҳаракат қиламан, ичимда бошқа ўйнамасликка сўз бераман;

б) ҳафа бўлганимни беркитмайман, ҳазилга буриб юбораман;

в) бу анчагача кайфиятимни бузиши мумкин.

10 баллдан қуп. Сиз баҳс ва низоли вазиятлардан осон чиқиб кета оласиз, уйда ва ишхонада қалтис вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қиласиз. Мослашиш даражангиз жуда юқори. Вазиятга объектив ёндашмасангиз, „иккиюзламачилигингиз" билиниб қолади.

6 баллдан 10 баллгача. Сиз бошқа йўл топа олмаганингизда низоли вазиятга тушишингиз мумкин. Ўз фикрингизда қаттиқ туриб олиб, унинг иш фаолиятингизга ва дўстона муносабатларингизга қандай таъсир қилишини ўйламайсиз. Ўзингизни ерга уриб, ахлоқ меъёрларидан чиқмаслигингиз учун сизни ҳурмат қилишади.

6 баллдан кам. Баҳс ва низоли вазиятлар сизнинг жону дилингиз, уларсиз ҳаётингизни тасаввур қила олмайсиз. Сизга қарата айтилган танбеҳни эшитиб қолсангиз, у одамни „тириклай ютиб юборишингиз" мумкин. Сиз билан ишлаш жуда қийин, ўзингизни тута олмаслигингиз ва кўполлигингиз сизни одамлардан четлаштиради. Шунинг учун ҳам ростмана дўстларингиз йўқ. Ўзингизни бошқариш орқали характерингизни ўзгартиришга ҳаракат қилинг.

Қатъиятлимисиз?

(„ҳа" ёки „йўқ" деб жавоб беринг?)

1. Эски иш жойингизда сиз ўрганиб қолган шароитдан бошқача шароитга осон мослаша оласизми?

2. Янги жамоага тез мослаша оласизми?

3. Раҳбарларингиз фикрига тўғри келмаса ҳам ўз фикрингизни айта оласизми?

4. Агар сизга юқори ойлик билан иш фаолиятингизни ўзгартиришни таклиф қилишса, ишингизни ўзгартирармидингиз?

5. Қилинган хатода ўз айбингизни инкор этиш учун турли баҳоналарни топасизми?

6. Рад жавобингизни тўғри, ортиқча айлантиришларсиз, баҳоналарсиз айта оласизми?

7. Жиддий гап-сўзлардан кейин у ёки бу масалага нисбатан ўз фикрингизни ўзгартирасизми?

8. Кимнингдир ишини ўқиётганингизда (хизмат юзасидан) фикр йўналиши тўғри, лекин ёзилиш услуби сизга ёқмаса, уни ўз фикрингиз асосида ўзгартиришларига астойдил ҳаракат қиласизми?

9. Дўкон витринасида Сизга жуда ёқадиган нарсани кўриб қолдингиз, у сизга жуда керак бўлмаса ҳам олган бўлармидингиз?

10. Сизда илиқ таассурот уйғотган яқин танишингиз таъсири остида фикрингизни ўзгартирасизми?

11. Таътилингизни олдиндан режалаштирасизми ёки нима бўлса бўларми?

12. Берган ваъдаларингизнинг устидан доим чиқасизми?

Савол	1	2	3	4	5	6	7	8	9	1 0	11	12
Ҳа	3	4	3	2	0	2	3	2	0	0	1	3
Йўқ	0	0	0	0	4	0	0	0	2	3	0	0

10 баллдан кам. Сиз ўта қатъиятсизсиз, „ҳа" ва „йўқ" ларни узоқ солиштириш хусусиятига эгасиз. Муаммони бошқа одамга юклата олсангиз, ўзингизни бахтиёр сезасиз. Бирор қарорга келишдан олдин жуда кўп маслаҳатлашасиз ва қисман қарорга келишни маъқул деб биласиз. Мажлис ва йиғилишларда индамай ўтирасиз, лекин бир чеккада „сўзга чечансиз". Бунинг ҳаммасини эҳтиёткорликка йўйманг, бу қўрқоқлиқ. Сиз билан яшаш ҳам, ишлаш ҳам жуда қийин. Сиз жуда катта интеллектуал билим, тажриба соҳиби бўлсангизда, қатъиятсизлигингиз уларнинг даражасини сусайтириш имкониятига эга. Сизга ишониш қийин, сиз одамларнинг ишончини оқлай олмайсиз. Қарорларингизни имкониятларингиз билан солиштирган ҳолда қабул қилишта ўрганинг, улар сизни адаштирмайди.

11 баллдан 18 баллгача. Сиз эҳтиёткорлик билан қарор қабул қиласиз, тезкорлик талаб қиладиган муаммоларда ўзингизни йўқотиб қўймайсиз. Муаммони ҳал қилиш учун вақт кўп бўлса, турли хил фикрлар исканжасида иккиланиш, имкониятни қўлдан чиқариб юбормасликка интилиш йўлида ўз имкониятларингиз даражасида бўлса, ҳам юқори турувчи раҳбарлар билан маслаҳатлашига интиласиз. Сиз кўпроқ ўз тажрибангизга ишонган ҳолда қарор қабул қилишга ҳаракат қилинг. Иложсиз ҳолларда маслаҳатлашишингиз мумкин, лекин бу ҳолат фақат ўз фикрингизнинг тўғрилигини исботлаш мақсадида намоён бўлиши керак.

19 баллдан 28 баллгача. Сиз жуда қатъиятлисиз. Сизнинг тажрибангиз, масаланинг моҳиятини ечишда, мантиқий фикр юритишингиз, муаммоларни тез ва осон ҳал қилишингизга ёрдам беради. Баъзида шошилинч қарорлар чиқаришингиз ва адашишингиз мумкин, лекин бу жуда кам учрайдиган ҳолат. Қабул қилган қарорларингизни охирига етказмагунча қўймайсиз, нотўғрилигини англаган ҳолингизда ҳам курашишни бас қилмайсиз. Сиздан қарор қабул қилишда холис бўлиш талаб этилади. Имкониятингиздан ташқари масалаларда маслаҳатлашишни нотўғри деб ҳисобланг.

28 баллдан юқори. Қатъиятсизлик сизга ёт нарса, сиз ўзингизни барча соҳаларда лаёқатли билимга ега деб ҳисоблайсиз ва бошқаларнинг фикри билан қизиқмайсиз. Қарорларингизнинг муҳокама қилиниши сизни қаттиқ асабийлаштиради ва сиз буни оширишга ҳаракат қилмайсиз. Атрофдагилар олдида ўз фикрингизни тасдиқлаш учун баъзи жўяли

фикрларни рад қилишингиз мумкин. Ўзингизнинг ҳақлигингизга қаттиқ ишониб қолишингиз сиздаги асосий камчилик ҳисобланади. Бундай ишлаш услуби қўл остингиздаги ходимларни эркин фикрлаш ва иш юритиш ҳуқуқидан маҳрум қилади, мустақил иш юритишга имконият қолдирмайсиз, ўзингиз билмаган ҳолда уларда қатъиятсизликни тарбиялаб борасиз. Бундай ҳолат фаолият муваффақиятига кучли таъсир қилиб, жамоанинг руҳий муҳитига зарба бериши кутилади.

Сиз билан муомала қилиш ёқимлими?

1. Сиз кўп гапиргандан кўра эшитишни маъқул деб биласизми?
2. Сиз гаплашиш учун мавзуни ҳаттоки нотаниш одам билан ҳам топа оласизми?
3. Суҳбатдошингизни доим диққат билан тинглайсизми?
4. Маслаҳат беришни яхши кўрасизми?
5. Суҳбат мавзуси ёқмаса, буни суҳбатдошингизга кўрсатасизми?
6. Сизни эшитишмаётганлигидан асабийлашасизми?
7. Ҳар бир фикрга ўз нуқтаи назарингиз мавжудми?
8. Агар суҳбат мавзуси сизга нотаниш бўлса, давом эттира оласизми?
9. Сиз диққат марказида бўлишни ёқтирасизми?

Ҳеч бўлмаганда уч хил йўналишда пухта билимга эгамисиз?

Сиз яхши нотиқмисиз?

1,2,3,6,7,8,9,10,11- саволлари учун „ҳа" жавобига 1 баллдан, 4 ва 5-саволларга „йўқ" жавоби учун ҳам 1 баллдан ҳисобланг.

4 баллдан кам. Сизни гап олиб бўлмайдиган камгап инсон деб бўлмайди, ёки жуда сергаплигингиздан сиздан қочишга ҳаракат қилишлари ҳақиқат. Сиз билан мулоқот қилиш жуда қийин ва оғир. Бунинг устида ўйлаб кўрмасангиз бўлмайди.

4 дан 9 баллгача. Сиз унчалик муомалали эмасдирсиз, лекин доим эътиборли ва ёқимли суҳбатдошсиз. Кайфиятингиз йўқ вақтида хаёлингиз паришон бўлиши мумкин, лекин сиз ҳеч қачон атрофингиздагилардан бундай вақтларда алоҳида эътибор талаб қилмайсиз.

9 баллдан юқори. Сиз мулоқотда энг ёқимли инсон ҳисобланасиз. Дўстларингиз сизсиз ҳеч нарса қила олмайдилар. Бу жуда яхши, фақат бир савол туғилади: сизга ўйнаётган ушбу ролингиз доимо ёқадими ёки сиз худди актёрлардек саҳна ўйинчисимисиз?

Ҳаётда фаолмисиз?

Орамиздаги аксарият одамлар ўз фаолияти даражасини баҳолай олиб, уни шахсий баҳосидан келиб чиққан ҳолда намоён этишга қодир. Шу билан бирга, табиатан катта ҳаётий фаолликка эга инсонлар ҳам бор, аммо улар фаоллик ҳақида умуман тушунчага эга эмасдирлар. Қуйидаги тест саволларига жавоб бергач, ўзингиз ҳақингиздаги фикрингизга тасдиқ топасиз ёҳуд янги бир нарсани кашф этасиз.

1. Инсоннинг ривожланиши ва жамиятда маълум бир ўринга эга бўлиш учун „ҳаёт мактаби" зарурми?

а) ҳа; б) йўқ.

2.Ҳар дақиқадаги кураш, мусобақа, ғояларни амалга ошириш муҳитида ўзингизни бардам ҳис этасизми?

а) ҳа; б) йўқ.

3. Замонавий сиёсий етакчиларнинг қайси вазифаларидан бирини муҳим деб биласиз?

а) амалий вазифалар ечимини;

б) инсон шаъни ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини.

4. Агар дўст танлаш имкониятига эга бўлсангиз, ким билан дўстлашган бўлар эдингиз?

а) ишбилармон, меҳнатсевар, амалий ақл-заковатга эга инсонни;

б) фикрлай оладиган, орзу-ҳавасли кишини.

5. Йўлингизда учраётган ғовларни енгиб ўтиш учун куч-қувватингиз етарлими?

а) ҳа; б) йўқ.

6. Ҳозирги фаоллик даврида яшаётганимиз учун қувонишимиз мумкин деб ҳисоблайсизми?

а) ҳа; б) йўқ.

7. Оловга тикилиб ўтиришни ёқтирасизми?

а) ҳа; б) йўқ.

8. Қуйидаги бурж белгиларидан бирининг остида туғилганмисиз: қўй, арслон, ёй.

а) ҳа; б) йўқ.

9. Илтимосингизни бажаришнинг имкони йўқлигини билсангизда, рад жавобини эшитгач, хафа бўласизми?

а) ҳа; б) йўқ.

10.Тиним билмай гапиришни ёқтирасизми?

а) ҳа; б) йўқ.

11.Ҳар бир йўл мақсадлар сари олиб боради, деган ақидага амал қилиб яшайсизми?

а) ҳа; б) йўқ.

12.Тезликни талаб этадиган ҳаракатларни яхши кўрасизми?

а) ҳа; б) йўқ.

Энди балларни жамлаб кўринг. 3,4-саволлардан ташқари, барча саволлардаги „ҳа" жавобига 5 баллдан ва 3-саволдаги „а" жавобга, 4-саволдаги „б" жавобга 5 баллдан қўшиб чиқинг.

40 дан 60 баллгача. Сиз қувноқ феълингиз билан ажралиб турасиз, одамлар билан осон ва келишган ҳолда яшайсиз. Сизда раҳбар хусусиятининг маълум бир кўринишлари мавжуд. Сиз ҳаракатчан ва фаолсиз. Бошқалар (масалан, раҳбарлар) ердамига муҳтож бўлиб қолишни ёқтирмайсиз. Ҳаётда нимаики билсангиз, бу шахсий изланишларингиз самараси деб биласиз. Чунки, сиз самарали меҳнатга қарашларингизни атрофдагиларга сингдириш қобилиятига эгасиз. Атрофдагиларни ҳаракатчанлигингиз ва зудлик билан бир қарорга келиш хусусиятингиз туфайли ортда қолдирасиз, масъулиятни бўйнингизга ола биласиз. Ўз даврангизда сизни авваламбор ғаройиб фаоллигингиз сабабли ёқтиришади.

0 дан 35 очкогача. Афсуски, сизнинг куч-қувватингизни кучли хусусиятингиздан бири деб бўлмайди. Сиз тезда чарчайсиз, масъулиятни ўз бўйнингизга олишни истамайсиз. Фикрингизни ошкор этмасликка уринасиз. Атрофдагиларга нисбатан лоқайдли ва эҳтиёткорлигингиз ҳаддан зиёд. Қолаверса, зўрма-зўр бир қарорга келасиз. Сизнинг қувватингиз, шунингдек, ҳаракатланиш қобилиятингиз, тасаввурларингиз ва қўрқувларингизга боғлиқ. Қалбингизни очишга урениб кўринг.

Диққат ва ирода хусусиятларини аниқловчи тест

„Ҳа" — 2, „билмайман" — 1, „йўқ" — 0 балл.

1. Сиз қизиқмайдиган, лекин, вақти-вақти билан дам олиб ишлаш имконияти мавжуд бўлган ишни охирига етказа оласизми?
2. Катта қийинчиликларсиз ички қаршилигингизни енга оласизми (масалан, дам олиш кунида нарядга тушиш)?
3. Зиддиятли вазиятга тушиб қолганингизда ўзингизни қўлга олиб, вазиятга теран, холисона қарай оласизми?
4. Агар сизга парҳез буюрилган бўлса, турли-туман егуликлардан ўзингизни тия оласизми?
5. Кечқурун режалаштирганингиздек, ҳар кунгидан вақтлироқ тура оласизми?
6. Нохуш воқеа-ҳодиса юз берган жойда гувоҳлик бергани қоласизми?
7. Хатларга тез жавоб ёзасизми?
8. Самолётга чиқиш, тиш докторининг қабулига кириш олдидан пайдо бўладиган қўрқувни осон енга оласизми?

9. Врач тавсия этган бадхўр дорини қабул қила оласизми?

10. Вазият тақозо этиб, аччиқ устида берган сўзингизни устидан чиқа оласизми, агар у сизга зиён келтирса ҳам?

11. Нотаниш шаҳарга хизмат сафарига ўйланиб ўтирмасдан кета оласизми?

12. Кун тартибига қатъий риоя этасизми?

13. Кутубхонадан қарздор сафдошларингизни оқламайсизми?

14. Жудаям қизиқ телекўрсатув сизни муҳим ва тезкор ишингиздан чалғита оладими?

15. Қарши томон сизни қанчалик ҳақоратлаб, хафа қилса ҳам, жанжални тўхтатиб, жим бўла оласизми?

8 баллдан кам. Диққат хусусиятларингиз яхши ривожланмаган, кўпинча бошлаган ишингизни охирига етказа олмайсиз, ваъдангизнинг устидан чиқа олмайсиз, муҳим ишни ҳам ташлаб кетишингиз мумкин.

8 — 13 баллгача. Сиз оддий, керак бўлса диққатли, иродали бўлишингиз мумкин, кундалик ҳаётда ўз камчиликларингизга йўл берасиз.

14 — 18 баллгача. Иродалисиз, ўз камчиликларингизга йўл қўймайсиз, масъулият ҳисси юқори, сизни ҳеч ким айтмоқчи бўлганингиздан қайтара олмайди.

18 баллдан кўп. Жудаям иродали ва диққат хусусиятларингиз яхши ривожланган, лекин одамлар билан муносабатда келишувчанлик, меҳрибонлик одамийлик хусусиятларингиз яхши ривожланмаган.

«Ўзгаларни тинглай оласизми?»

1. Сизнингча суҳбатлашишдан мақсад нима?

а) суҳбатдошни яхширок ўрганиш; б) бирор масала бўйича ўз фикрини билдириш; в) фикр алмашиниш ва муҳокама қилиш.

2. Сизга болалар «Булутлар қаерда ухлайди?», "Бувилар кичкина бўлишганми?" тарзида саволлар беришадими?

а) ҳа, тез-тез; б) ҳеч қачон; в) баъзан

3. Эрталаб ишга ёки ўқишга кетаётиб, қўшиқ хиргойи қиласизми?

а) ҳа, доимо бир хил ашулани; б) ҳа, одатда ҳар хил ашулани; в) йўқ, ҳеч қачон

Йиғилиш охирида маърузачига саволлар берасизми?

а) ҳа, доимо ниманидир сўрашга тўғри келади;

б) баъзан, унинг фикри билан қўшилмаганимда; в) ҳеч қачон

5. Дўстингиз ёки касбдошингиз билан суҳбатлашгандан сўнг ўша муаммо юзасидан ўз қарашларингизни ўзгартирганмисиз?

а) кўпинча шундай бўлади; б) баъзан; в) ҳеч қачон

6. Ким биландир суҳбатлашаётганда:а) кўпроқ сиз гапирасиз; б) кўпроқ суҳбатдошингиз гапиради; в) иккалангиз тенг гапирасиз

7. Нархи бир хил бўлганда сиз нимани харид қилишни афзал кўрасиз?

а) китобни; б) грампластинкани; в) кинога паттани

8. Шеригингиз Сизга алоқаси бўлмаган ўз муаммоси хусусида гаплашмоқчи. Сиз нима деб ўйлайсиз?

а) «қимматли вақтни йўқотдим-а»; б) «энди унга таъсирим кучлироқ бўлади»; в) «унга ёрдам бераяпман»

9. Қуйидаги жумлаларнинг қай бири сизнинг нуқтаи назарингизга тўғри келади? а) айни муаммо юзасидан мутахассисгина аниқ фикрга эга бўлиши мумкин; б) чиройли гапиришни билган одам хоҳлаган мавзусида ҳам гапириши мумкин.

в) кўпинча мутахассисларга ўз муаммолари ва ғояларини баён этиш учун нотиқлик малакаси етишмайди.

10. Суҳбат чоғида хаёлингиз чалғиб кетса, нима қиласиз?

а) гапираётганни тухтатиб, ўша ерини қайтаришни сўрайман

б) суҳбат охирида сўраш учун ўзим учун ноаниқ жойни эслаб қоламан; в) умуман менга ҳамма нарса аён.

11. Эрталаб радио орқали эшитган ахборот ёки қўшиқни қайтара оласизми?

а) ҳа, доимо; б) ҳа, лекин эсга тушириш учун вақт керак; в) эслай олмайман

12. Эстрада қўшиқчисида сизга кўпроқ нима ёқади?

а) овози; б) ташқи кўриниши; в) саҳнада ўзини тутиши

13. Концертларга тушиш сиз учун:

а) қониқиш ҳосил қиладиган ҳодиса; б) кўп қатори бўлиш;

в) яхши кўрган хонанда билан учрашув

14. Сиз меҳмондасиз, у ерда сиздан бошқа яна 5-6 киши бор. Сиз гап бошлаганингизда, кўпинча:

а) сизни ҳеч ким тингламайди; б) ҳамма сизга маҳлиё бўлади;

в) сиз суҳбатнинг ташаббускори эмассиз.

15. Сиз жамиятда рўй бераётган барча ҳодисалардан хабардорсиз. Чунки сиз: а) мунтазам телевизор кўрасиз; б) радио эшитасиз; в) газета ўқийсиз.

Тест калити:

Саволлар	Жавоблар ва баллар			Саволлар	Жавоблар ва баллар		
	а	б	в		а	б	в
1	2	1	3	9	1	2	3
2	3	1	2	10	3	3	1
3	2	3	1	11	3	2	1
4	2	3	1	12	3	1	2
5	2	3	1	13	3	1	2
6	1	2	3	14	2	3	1
7	3	1	2	15	3	3	1
8	1	2	3				

15-20 балл. Сиз ўзгаларни тингламайсиз. Балки сиз ўзгаларни тинглашдан оладиган фойданинг қадрини билмассиз, лекин сиз билим ва тажриба учун бу ишнинг фойдасини билишингиз зарур.

25-30 балл. Сиз ўртача тингловчисиз. Сиз учун суҳбат маълумот манбаи ва мулоқот учун етарли асос эмас. Сиздан кўп нарсани ўрганиш мумкин, лекин ўзингиз ҳам бошқаларда кўп нарса олишингиз мумкинлигини, танқид ва эътирозлар ҳам фойдали эканлигини унутманг, кўпроқ бошқаларни тингланг.

35-45 балл. Сизда ноёб сифат - ўзгаларни тинглаш ва меъёрида гапириш бор. Сиз билан суҳбатлашиш жуда яхши, чунки суҳбатдош сиздан доимо наф олади. Сиз ўзгаларнинг ҳолатларини тушунишга ҳам мойилсиз, ана шу ноёб сифатни сақланг.

Машинангизнинг ранги характерингизни билдиради

Киши руҳиятини ўрганишнинг турли-туман усуллари бор. Бироқ характернинг қандайлигини машинанинг рангига қараб бемалол айтиб бериш мумкин экан. Агар машинангиз бўлмаса, сизга қандай рангдаги машиналар ёқишини сўрашнинг ўзи кифоя.

Қора рангдаги машиналарни ёқтирувчи кишилар учун жамиятдаги нуфузи биринчи даражада туради. Улар соф вижяонли ва қатъиятли кишилардир. Уларнинг таниш-билишлари кўпчиликни, яқин дўстлари эса озчиликни ташкил қилади. Кундалик ҳаётда бундай кишилар ташкилотчи, уйда ва ишда тозалик, тартибни яхши кўрадилар.

Кўк рангдаги автомобилни маъқул кўрувчилар жуда самимий инсонлар бўлиб, ҳамма билан тез тил топишиб кетишади. Бироқ уларнинг тасаввурлари саёз, бирон янги фикр, ғояни ўйлаб чиқиш уларга хос эмас.

Бундай кишиларни бошқаларнинг улар ҳақидаги фикрлари жуда қизиқтиради, улар кўпинча, ўзларини бошқалардан устун қўядилар.

Яшил рангдаги автомобиль эгаллари тажрибали, бир сўзли ва узоқни кўриб иш юритувчи кишилардир. Уйи ва оиласини ишидан устун қўядилар, уларда рақобатлашиш ҳисси йўқ, шунинг учун дўстлари кўпчиликни ташкил этади.

Қизил автомобиль соҳиблари ҳамиша юқорига интилиб яшайдилар. Улар самимий, ҳозиржавоб ва очиққўл кишилардир. Уларнинг серғайратлиги, кўпинча, рақибларда ҳасад уйғотади, бироқ бу уларнинг ҳар қандай шароитдан чиқиб кетишларига халал бермайди.

Кулранг машинани маъқул кўрувчилар ҳар томонлама етук, ҳақиқатгўй кишилар ҳисобланади. Улар ҳар доим ўзларини кимдандир қарздор деб ҳис қилиб юришади. Бирон фирибгарликка дуч келиб қолишса, ҳақиқатни юзага чиқармагунча курашишади. Бундай кишилар кўпинча, соғлом турмуш кечиришади.

Қирмизи рангли машинани ёқтирувчилар жуда хаёлпараст инсонлардир, улар тез севиб қолувчи, нафосатли ва ёқимтой кишилар, лекин тажриба борасида бироз нўноқроқ. Шунинг учун касб танлаш ва фаолият юритишда қийналадилар. Улар гоҳида оилавий ҳаётда ҳам кўп тўсиқларга дуч келишади.

Оқ рангдаги машина соҳиблари ҳам жамиятда юқори нуфузни эгаллашга интиладилар. Бундай кишилар ростгуй, масъулият ҳис қилувчи ва бироз совуққон кишилар ҳисобланишади.Оқ рангли машина эгалари келажакни кўра оладилар, омадсизликлар уларни эсанкиратиб қўймайди.

Кумуш ранг автомобилни ёқтирувчилар жамиятдаги ўрнини туғри баҳолайдилар, бироқ мақтов ва олқишларни жуда хуш кўришади. Шу билан бирга, улар ўзларини қатъийлик билан назорат қилиб туришади. Улар ҳеч қачон ҳис-ҳаяжонга берилиб, ўзларини йўқотиб қўйишмайди.

Сариқ рангдаги машиналарга эга бўлишни истовчилар бироз беқарор кишилардир. Улар ҳаёти давомида туғма қобилиятларини аста-секин йўқота боришлари мумкин. Баъзан ўз кучи ва имкониятларига нотўғри баҳо бериб, қийин вазиятга тушиб қолишлари эҳтимолдан узоқ эмас. Улар одатда меҳрибон, самимий ва очиқ кўнгил кишилар бўлиб, оғир дамларда уларнинг ёрдамига бемалол ишониш мумкин.

Пушти рангдаги автомобиль соҳиблари енгил табиатли бўлганликлари учун кўпинча, кулгили ҳолатга тушиб юрадилар. Ўзларига ортиқча ишониб юборганлари учун омадсизликларни тез-тез бошдан кечириб турадилар.

14-МАВЗУ. РЕСПУБЛИКАМИЗДА АХБОРОТ СОҲАСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУН ВА ҲУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ 11.12. 2003 й. 560-II

АХБОРОТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

1 - модда. Ушбу Қонуннинг мақсади
2 - модда. Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
3 - модда. Асосий тушунчалар
4 - модда. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати
5 - модда. Ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш
6 - модда. Махсус ваколатли орган
7 - модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими
8 - модда. Ахборотни ҳужжатлаштириш
9 - модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқи
10 - модда. Давлат ахборот ресурслари
11 - модда. Ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тоифалари
12 - модда. Ахборот ресурсларидан фойдаланиш
13 - модда. Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари
14 - модда. Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши
15 - модда. Миллий ахборот тизими
16 - модда. Ахборот тизимларидан битимлар тузишда фойдаланиш
17 - модда. Ахборот тизимларининг техника воситаларини сертификатлаштириш
18 - модда. Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши
19 - модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш
20 - модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш
21 - модда. Халқаро ахборот тармоқларига уланиш
22 - модда. Низоларни ҳал этиш
23 - модда. Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборотлаштириш - юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни;

ахборот ресурси - ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;

ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори - ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгаси - қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёҳуд ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборот технологияси - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар;

ахборот тизими - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

4-модда. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш;

давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

5-модда. Ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган орган амалга оширади.

6-модда. Махсус ваколатли орган

Махсус ваколатли орган:

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ахборотлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади;

давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари яратилишига кўмаклашади;

ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади;

ахборот тизимлари ва ахборот технологияларининг техника воситалари ҳамда хизматларини сертификатлаштириш ишларини ташкил этади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимлари муҳофаза этилишини таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини ривожлантиришга кўмаклашади;

ахборотлаштириш соҳасида маркетинг тадқиқотлари ва мониторингни ташкил этади;

ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб ахборот хавфсизлигини ҳамда ахборот тизимларидан устувор фойдаланилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими қуйидагиларни белгиловчи нормалар билан аниқланади:

- ахборотни ҳужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартибини;
- ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини;
- ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича тоифасини;
- ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартибини;
- ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартибини.

8-модда. Ахборотни ҳужжатлаштириш

Ахборотни ҳужжатлаштириш ахборотни ахборот ресурсларига киритишнинг мажбурий шартидир: Ахборотни ҳужжатлаштириш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсларида сақланадиган ва ишлов бериладиган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ахборот электрон ҳужжат бўлиб, қоғоз ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга.

Электрон ҳужжатни ва электрон рақамли имзони шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар қонун билан тартибга солинади.

9-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасида ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари оммавий ҳамда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келишига қуйидагилар асос бўлади:

ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимларининг давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ёки қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилиши;

ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқининг ўзга шахсга ўтиши шартларини ўз ичига олган олди-сотди шартномаси ёки бошқа битим;

мерос олиш.

Қонунда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқи вужудга келишининг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

10-модда. Давлат ахборот ресурслари

Давлат ахборот ресурслари қуйидагилардан шакллантирилади:

давлат органларининг ахборот ресурсларидан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган ахборот ресурсларидан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат сирлари ҳамда махфий ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурсларидан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда тақдим этиладиган ҳужжатлаштирилган ахборотидан.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун тегишли давлат органларига белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳужжатлаштирилган ахборотни мажбурий тақдим этиши тартиби, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш учун масъул давлат

органларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат сирлари ва махфий ахборот жумласига киритилган ахборотни тақдим этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

11-модда. Ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тоифалари

Ахборот ресурслари улардан эркин фойдаланиш тоифалари бўйича ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларига ва эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига бўлинади.

Чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборот ресурслари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидир.

Давлат сирлари тўғрисидаги ахборотни ва махфий ахборотни ёки эркин фойдаланилиши ахборот ресурсларининг мулкдорлари томонидан чеклаб қўиилган ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига киради.

Ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгалари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидан юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқ асосида эркин тарзда фойдаланишини таъминлаши керак.

Ахборот ресурсларини эркин фойдаланиш тоифаларига киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот ресурсларининг мулкдори томонидан аниқланади.

12-модда. Ахборот ресурсларидан фойдаланиш

Ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга, эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурслари бундан мустасно.

Ахборот ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда ҳақ олиниши мумкин.

Ахборот билан таъминлашга доир ахборот ва хизматлар рўйхатларини, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тартиби ҳамда шартлари ҳақидаги маълумотларни ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгалари фойдаланувчиларга бепул тақдим этади.

Юридик ва жисмоний шахслар қонуний асосларда ахборот ресурсларидан ўзлари олган ахборотдан ахборот манбаини албатта ҳавола этган ҳолда ҳосила ахборот яратиш учун фойдаланишлари мумкин.

Ахборот ресурсларидан ахборот олиш тартибини ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда аниқлайди.

13-модда. Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари

Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборот махфий ахборот тоифасига киради.

14-модда. Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши

Юридик ва жисмоний шахслар ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш, мазкур маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда тўғрилигини таъминлаш мақсадида уларга аниқликлар киритиш ҳуқуқига эга.

Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши қонун билан чекланиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахсларга ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишни ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси рад этганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

15-модда. Миллий ахборот тизими

Миллий ахборот тизимига давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари киради.

Миллий ахборот тизими давлат бюджети маблағлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилади.

Миллий ахборот тизими унинг таркибига кирувчи ахборот тизимларининг халқаро ахборот тизимлари билан бир-бирига мослигини ҳисобга олган ҳолда яратилади.

Миллий ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда ахборот алмашиш шартнома асосида амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

16-модда. Ахборот тизимларидан битимлар тузишда фойдаланиш

Юридик ва жисмоний шахслар ўртасида битимлар тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

17-модда. Ахборот тизимларининг техника воситаларини сертификатлаштириш

Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

18-модда. Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши

Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

19-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга бширилади:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;

ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралашишларнинг олдини олиш;

ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва махфий ахборотни сақлаш.

20-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёҳуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

21-модда. Халқаро ахборот тармоқларига уланиш

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўз ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улаши мумкин.

Эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши фақат зарур муҳофаза чоралари кўрилганидан кейин амалга оширилади.

22-модда. Низоларни ҳал этиш

Ахборотлаштириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23-модда. Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 6-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ
22.11.2005 й. N 256

АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўҒрисида" 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорини бажариш юзасидан ва "Ахборотлаштириш тўҒрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўҒрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги белгиланган тартибда:

уч ой муддатда базавий давлат ахборот ресурсларини ҳам ўз ичига оладиган давлат ахборот ресурсларининг рўйхатини ҳамда давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республика Бош вазири Ш.Мирзиёев

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 47-48-сон, 355-модда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ 25.12.2007 й.

АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШ СОҲАСИДА ҚОНУНГА ХИЛОФ ҲАРАКАТЛАР СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси
2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси
3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N 9, 144-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 9-10, 165-модда; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда, N9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 314-модда, N 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, N 6, 261-модда, N 12, 656-модда; 2007 йил, N 4, 158, 166-моддалар, N 6, 248-модда, N 9, 416,422-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **174-модда** чиқариб ташлансин;

2) қуйидаги мазмундаги **XX-1 боб** билан тўлдирилсин:

"XX-1 боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар
278-1-модда. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш

Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

278-2-модда. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш

Компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278-3-модда. Компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш

Ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш -

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

278-4-модда. Компьютер ахборотини модификациялаштириш

Компьютер ахборотини модификациялаштириш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлҒон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша харакатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, -

бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузаташ ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278-5-модда. Компьютер саботажи

Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажи) -

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, -

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузаташ ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278-6-модда. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш

Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш -

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, - икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 12, 269-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда, N 7-8, 217-модда; 2001 йил, N 1-2, 11, 23-моддалар, N 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 5, 67-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 12, 418-модда; 2006 йил, N 6, 261-модда; 2007 йил, N 4, 166-модда, N 6, 248, 249-моддалар, N 9, 422-модда) **345-**

моддасининг бешинчи қисмидаги "168-174" ва "266-278" рақамлари тегишинча "168-173" ва "266-278-6" рақамлари билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўҒрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 9, 193-модда, N 12, 269-модда; 1996 йил, N 5-6, 69-модда, N 9, 144-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 4-5, 126-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 3, 38-модда, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда, N 7-8, 217-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, N 1, 20-модда, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда, N 5, 67-модда, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 5, 90-модда, N 9, 171-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 312-модда, N 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, N 6, 261-модда, N 9, 498-модда, N 10, 536-модда, N 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, N 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, N 9, 416, 421-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киртилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **155-1-модда** билан тўлдирилсин:

"155-1-модда. Компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг ушбу тизимдан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиши компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилишига, тўсиб қўйилишига, модификациялаштирилишига, компьютер ускунаси ишлашининг бузилишига сабаб бўлса, - фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса - етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик ўта муҳим ахборот мавжуд бўлган компьютер тизимидан фойдаланиш вақтида содир этилса, - фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса - ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

2) **245-модданинг биринчи қисми** "155" рақамидан кейин "155-1" рақами билан тўлдирилсин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов

---

*) *Ушбу Қонун "Халқ сўзи" газетасида 2007 йил 26 декабрда эълон қилинган.*

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 52-сон, 532-модда.

ГЛОССАРИЙ

Очиқ ахборот тизимлари (ОАТ) - ахборот агентликлари, газеталар, журналлар, журнал тарзидгаи нашрлар, бошқа нашр маҳсулотлар, радио, телевидение, аудио ва видеомаҳсулотлар ҳисобланади. Интернет, матбуот хизмати, жамоатчилик билан алоқалар, давлат, жамоатчилик ва бошқа ташкилотлар ва муассасалар, реклама агентликлари бўйича тузилмалар ҳам шулар жумласидандир.

ОАВлари - вақтли матбуот, ахборот тарқатишнинг аудио ва видео воситалари, ахборот агентликлари, интернет-журналистика ҳисобланади. ОАВ ОАТнинг муҳим асосий қисмини ташкил этади.

Жамоатчилик фикри - бу ҳозирги пайт учун долзарб бўлган турмуш муаммоларига кишиларнинг муносабатини ифода этувчи ижтимоий онг шаклидир. Аслида тезкор бўлган онгнинг бу шакли юқори даражада жамият турли институтлари томонидан кўрсатилаётган таъсир остидадир. Демак, бу манипулятив таъсирга ҳам чалингандир.

Жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш (чалғитиш) - муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Бунда манипуляция қилиш (чалғитиш) тушунчасининг нисбийлиги ҳақида айтиб ўтиш керак, чунки исталган томон жамоатчилик фикрига ҳар қандай таъсирни манипуляция деб баҳолаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги жамиятда ягона бўлган ижтимоий фикр эҳтимоладн йироқдир. Демократиянинг тамойилларидан бири мана шудир.

Ижтимоий онг - айрим ижтимоий гуруҳлар, бутун жамият турмуши ва онгининг намоён бўлиш шаклидир. Ижтимоий онгнинг мавжуд бўлиш шакллари бўлиб, сиёсий ғоялар, ҳуқуқ, фалсафа, аҳлоқ, дин, фан, эстетика ва бошқалар ҳисобланадилар. Афсуски, маълумотнома ва махсус адабиётларда ижтимоий онгга анъаналарми, одатларми, турли маросимларни, турмуш тарзими, алоҳида-алоҳида ёки биргаликда бу қадриятлар барчаси биргаликда кўпроқ таъсир ўтказиши ҳақида лом-мим дейилмайди. Ваҳоланки, булар оқибат натижада ҳар бир кишининг, этнос, элат ва миллатнинг ўзлиги (менталитетини) белгилайди.

Ахборот - моддий дунёнинг организмда ёки организмлар жамоасида акс этган ҳамда улар томонидан атроф-муҳит ўзгаришларига мослашиш учун фойдаланиладиган моддий дунё объектларининг аксидир. У маълумотлар, хабарлар шаклида намоён бўлади. Маълумотлар моддий дунё объектлари организатцияси акси натижада ҳосил бўлади. Хабарлар эса бошқа организмларга хабар етказиш учун юзага келади.

Очиқ ахборот тизимларида "хабар" термини кишилар, ижтимоий гуруҳлар, умуман жамият қуршаб турган оламда мўлжал топа билиши учун ижтимоий аҳамиятга эга хабар маъно ифодасини беради.

Шунингдек, муайян жамият ижтимоий табиати белгилаб берадиган маънавий қадриятларни қарор топдириш учун хизмат қилади.

Миллий манфаатлар - давлат томонидан тан олинган ҳамда шахс, жамият ва давлат ижтимоий манфаатларининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган мутаносиблашган мажмуидир. Буларни амалга ошириш муайян тарихий шароитда миллатнинг мавжудлиги, хавфсизлиги ва кафолати ҳисобланади.

Жамият манфаатлари – жамият ривожланишидаги кучли зиддиятларни ҳал этишда, миллий ўзига хосликни сақлашда намоён бўладиган жамият эҳтиёжи ҳисобланади.

Давлат манфаати – жамият ишларини бошқаришни сифатли амалга оширишга, миллий ўзига хосликни сақлашга бўлган давлат эҳтиёжини намоёни ҳисобланади.

Ўзини намоён эта билишлик, жамият ишларида қатнашишлик, этник ўзига хосликни сақлаш шахсий эҳтиёжларни намоён бўлиши-шахснинг ижтимоий манфаатларидир.

Жамиятнинг ахборий хавфсизлиги унинг маънавий, иқтисодий, сиёсий соҳаларига, маданий қадриятларига, инсонлар хулқ-атворини ижтимоий тартибга солувчиларга, ахборот инфратузилмаларига ва булар ёрдамида узатилаётган хабарларга зарар етказиш мумкин эмаслигидан иборатдир.

Давлатнинг ахборий хавфсизлиги предмети ахборот ва жамият ахборот инфратузилмаларидан ташкил топган жамият ишларини бошқаришни бажариш бўйича давлат фаолиятига зара етказиш мумкин эмаслигидан иборат.

Тазйиқ бу ўзаро муносабатлар объектлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни объектлардан бирининг салбий томонга куч билан ўзгартириш критиш мақсадида зарар етказиш йўли билан ҳал этиш усулидир.

Миллий манфаатларга тазйиқ - мамлакат миллий манфаатларини амалга оширнишга тўсқинлик қилувчи миллий қадриятлар ва миллий турмуш тарзига хавф туғдирувчи шарт-шароитлар мажмуи тушунилади.

Ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга тазйиқ - ахборот соҳасида ва манфаатларни амалга ошириш бўйича фаолиятда миллий манфаатлар объектларига зарар етказиш хавфини туғдирувчи шарт-шароитлар мажмуи англашилади. Яъни ахборий фаолият соҳасида инсон ва фуқаро ҳуқукий мавқеини амалга оширишга, ахборотлар, ахборий инфратузилмага, шунингдек, мазкур объектлар билан боғлиқ миллий манфаатларни амалга ошириш бўйича фаолиятга зарар етказиш тазйиқидир.

Ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига тазйиқ - инсон ва фуқаронинг очиқ ахборотга эга бўлиши, қонун билан таъқиқланмаган

фаолиятни амалга оширишда фойдаланишаг бўлган ҳуқуқини чеклаш тушунилади. Булар эса шахсий хавфсизлик маънавий ва ақлий ривожланишни таъминловчи ахборотлар ҳисобланади. Бундан ташқари индивидуал, "вертуал ахборот" майдонини, унинг руҳий фаолиятига таъсир этиш технологияларидан фойдаланиш имконини шакллантириш ҳисобига жамоатчилик онгини чалғитиш имконини кенгайтириш шахснинг манфаатларига бўлган энг хавфли тажовуз ҳисобланади.

Ахборий қарама-қаршилик - бу аудиторияга атроф дунёдаги бирор ҳодисага нисбатан муносабатда бўлишга ўз қарашлари, фикрини тиқиштириш ҳамда қарши томон ғояси ва нуқтаи назарини инкор этиш роли билан таъсир этишга интилишдир.

Ахборий психологик кураш - бу бошқа мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳида мавжуд ижтимоий тузумни бўшаштириш, жамият ахлоқини издан чиқариш, ривожланиш миллий программасига путур етказиш, шунингдек ўз қадриятлари ва турмуш тарзини тўғридан-тўғри экспорт қилиш мақсадида ахборот хизмати ва қўпорувчилик билан шуғулланувчи хизматларни ўзаро ҳамкорлигидир.

Ахборот (лотинча "informatio"-тушунтирмоқ, баён этмоқ) замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири; дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ ёзма ёки бошқа шаклларда узатилган маълумот: XX асрнинг ўрталаридан бошлаб инсонлараро, инсон-автомат, автомат-автомат ўртасидаги маълумот ҳамда ҳайвонлар ва ўсимликлардаги сигнал алмашинуви, хужайрадан-хужайрага муайян белгиларнинг узатилиши ва шу кабиларни англата бошлади.

Ижтимоий ҳаётга татбиқан ахборот-кишилар, предметлар, фактлар, ҳодисалар, жараёнлар ва шу кабилар ҳақидаги маълумотлар мажмуини англатади.

Ахборотлаштириш - ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисобига фуқаролар, давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органлари, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг ахборот соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш, ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида оптимал шароитларни яратиш учун ташкил этиладиган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараёнлар мажмуи.

Информацион жараёнлар - ахборотни қидириш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва тарқатиш жараёни.

Ахборот тизими (информацион система) - информацион жараёнларни амалга оширувчи тартибга солинган хужжатлар ҳамда ахборот технологиялари мажмуи.

Ахборот ресурслари - муайян (кутубхона, архив, фонд, маълумотлар банки каби) ахборот тизимларидаги алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатлар мажмуи.

Ижтиомий-сиёсий ахборот - ижтимоий ва сиёсий ҳаёт борасида жамият аъзолари, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий ташкилотлар ўртасида алмашинув предмети ҳисобланган ва улар ўз фаолиятида фойдаланиладиган билимлар, маълумотлар ва хабарлар мажмуи.

Ижтимоий-сиёсий ахборотлар инсонлар ўртасида алоқалар, сиёсий жараёнлар, жамиятни бошқариш, илмий, ўқув ва тарбиявий ишларни ташкил этиш, тарғибот ва ташвиқотни амалга оширишда тобора муҳим ва устувор аҳамият касб этмоқда. Тўлалиги, асосланганлиги ва ишончлилиги муҳим аҳамият касб этадиган ижтимоий-сиёсий ахборотларни ишлаб чиқишда фан, уларни тарқатишда ОАВ муҳим роль ўйнайди.

Ахборот маданияти - техник-технологик ва ижтимоий-маданий жиҳатларга эга. Техник-технологик жиҳатдан ахборот маданияти ахборотни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва етказиб беришга хизмат қиладиган техник-ахборот воситалари ва улардан оқилона фойдаланиш усуллари ҳақидаги билимлар тизимини англатади.

Ижтимоий-маданий маънода ахборот маданияти инсоннинг муайян маънавий-аҳлоқий, сиёсий, ҳуқуқий ва эстетик қадриятларни ўзлаштирилган ҳолда ахборот майдонида ҳаётий фаолият кўрсатишини англатади.

Ахборот истеъмоли маданияти - ахборот дунёсидан ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи маълумотларни саралаб олиш боасидаги билимлар, қобилият ва малакани ўзида ифода этади.

Ахборотлашган жамият - кишилик жамияти ривожланишининг ҳозирги босқичида шаклланаётган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот ҳамда информатикадан оқилона фойдаланишга асаосланган сифатий ҳолатини тавсифловчи тушунча.

Ахборот - манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир.

Ахборот мулкдори-ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Ахборотни муҳофаза этиш - ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари.

Ахборот ресурслари - алоҳида ҳужжатлар, ҳужжатларнинг алоҳида тўпламлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналардаги, архивлардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидаги ва бошқа ахборот тизимларидаги) ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг тўпламлари;

ахборот соҳаси-субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳаси.

Ахборот борасидаги хавфсизлик - ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати.

Ахборот эгаси - қонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ва жисмоний шахс.

Махфий ахборот-фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот.

Оммавий ахборот-чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар.

Ҳужжатлаштирилган ахборот-идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот.

Усуллар - бу яширин ахборотни ҳимоя қилиш йўлида қуйилган мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган куч ва воситаларнинг тартиб қоидалари.

Электрон рақамли имзо - электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда хосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

Электрон рақамли имзонинг очиқ калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш - электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилиги ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа.

Электрон ҳужжат - электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошка реквизитларига эга бўлган ахборот.

Ахборотлаштириш - юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот

технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни.

Ахборот ресурси - ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси.

Ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори - ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгаси - қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёҳуд ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Ахборот технологияси - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар.

Ахборот тизими - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003.

2. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

3. “Ахборот воситаларини рўйҳатга олиш тартиби тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Низоми.

4. “Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

5. “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

6. “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантирш Давлат қўмитасининг “Рекламани жойлаштириш тўғрисда”ги Қарори.

8. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекстон Республикаси Қонуни.

9. “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

10.“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 36-85 б.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 274–359 б.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштириш йўлида // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 175–366 б.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 31–261 б.

15. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // ўзбек халқи ҳеч қачон. ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2005. 174–222 б.

16.И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т.: “Шарқ”, 1998, 33-бет.

17.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. - Т., Ўзбекистон. 2005.-Б. 301-302

18.Миллий истиқлол ғояси. Т., “Ўзбекистон”, 2005.

19. Миллий истиқлол ғояси: 50 савол ва жавоб Т., "Ўзбекистон", 2002.

20. Законодательные акты Р.У, составляющие правовую основу государственной политики в информационной сфере.

21. Анвар Бобоев «Ахборот асрида информацион хуружлар» мақоласидан «Ўзбекистон матбуот журнали» 2006 йил, 6-сон, 12-13-14-бетлар

22. Бабаева ЮМ., Войскунский А.Е. Одаренный ребенок за компьютером. М., 2003.

23. "Иқтисодий ва ахборот хавфсизлик замонавий муаммолари" мавзуидаги ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Нашр учун масъул Н. Бахадиров. Тошкент.: ЖИДУ, 2006 – 137 б.

24. Ермаков Ю.А. Манипуляция личностью: Смысл, приемы, последствия-Екатеринбург, 1995

25. Грачев Г.В. Информационно-психологическая безопасность личности: состояние и возможности психологической защиты - М 2002

26. Войскунский А Е. Исследования Интернета в психологии. // Интернет и российское общество. / Под ред. И. Семенова. М. 2002

27. Жўраев Н.Қ. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Тошкент, "Маънавият", 2008.

28. Иванов П.И., Зуфарова М.Г. Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. Тошкент, 2008. 474-бет.

29. Информация. Дипломатия. Психология. М.:"Известия", 2002 – 616 б.

30.Хозиков В.И. Информационное оружие. Санкт-Петербург. Издательский дом "Нева", 2003.

31. Лопатен В. Н. Информационная безопасность в России. Изд. МВД России и Санкт-Петербургского университета. 2000 – 311б.

32. Политология: Энциклопедический словарь/Общ.ред. и сост.: Ю.И.Аверянов.-М.:1993

33. "Ўзбекистон матбуоти" журнали 1998 йил, №5 сон.

34. Россия федерациясининг "Ахборот хавфсизлиги тўғрисида"ги доктринаси.

35. Рашидова Д. Н. Муратова. Интернет журналистикаси Т.: 2007 й. 9-бет.

36. Самаров Р. Ахборот хавфсизлигининг назарий ва методологик асослари. Т.: "Академия", 2010.

37. Сафаев С.С. «Глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари» Т. 2005, 1-бет

38. Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация.- Фарғона, 2000. - Б.37

39. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 11 май сони.

40. Мусахоний А. Ахборот макони пайдо бўлиши мумкинми? // Жамият ва бошқарув, 2006 й. №1.

41. Жаҳон тарққиёти ва глобаллашиш жараёнида информацион хавфсизлик муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари, 2006 йил ноябр, Т.: 2007й.2-жилд, 40-бет.

42. Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. Тошкент. Академия, 2005, 5-бет.

43. Мўминов Ф. "Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий тараққиёт". Ўзбекистон матбуоти журнали, 2007 йил, №6

44. Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. 2 - нашр. М.: Горячая линия – Телеком. 2006,

45. Пахрутдинов Ш. Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. Т.: "Akademiya", 2006. 73 б.).

46. Қосимов С.С., Ахборот технологиялари. Т.: Ўзбекистон, 2005й.

47. Фозилов М., Ахборотлар хавфсизлиги ҳақида. /Info.com.uz журнали, №2, 2005 й.

48. Каримов М.М. Ахборот хавфсизлиги масалалари. Тошкент.: Ахборот технологиялари нашриёти, 2006 й. 4-7 б.

49. Ярочкин В. И. Информационная безопасность. Учебник для студентов ВУЗов М.: Фонд "Мир", 2003 – 640 б.

50. ICTNEWS ахборот-коммуникация технологиялари янгиликлари журнали. Тошкент. 2010. №01. 11-бет.

Интернет сайтлари:

www.press-servis/ .uz.
www. Iscs.uz
www. Ziyo net. Uz
www. Uza.uz
www.press-uz.info.
www.gzt.uz
www. Gov.uz.
www. Edu.uz.
www. Typ.uz
www.jahon.tiv.uz.
www.uzreport.com.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ 3
1-МАВЗУ. ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК КУРСИГА КИРИШ 5
1.1. Очиқ ахборот тизимларида хавфсизлик муаммолари 5
1.2. Курснинг предмети, мақсади ва вазифаси 9
1.3. Ахборот–психологик хавфсизлик курсининг асосий тушунчалари 13
1.4. Резюме 16
2- МАВЗУ. АХБОРОТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ: МУАММО ВА ЮТУҚЛАР 17
2.1. Ахборотлашув жараёнининг жамият тараққиётига таъсири 17
2.2. Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш – давр талаби сифатида 19
2.3. Ахборотлашган жамиятда ёшлар психологиясига таъсир этувчи омиллар. (Интернет мисолида) 22
2.4. Ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий асослари 27
2.5. Резюме 30
3-МАВЗУ. АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛЛАШУВ. ЗАМОНАВИЙ ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ТАВСИФИ 31
3.1. Глобаллашув тушунчасининг таснифи 31
3.2. Глобаллашув ва ахборотнинг психологик хавфсизлиги 40
3.3. Глобаллашув таъсиридаги ахборот хуружи 47
3.4. Глобаллашув жараёнида оммавий ахборот воситалари хавфсизлиги 50
3.5. Резюме 57
4-МАВЗУ. ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ 58
4.1.Ахборот хавфсизлиги манбаалари 58
4.2,Таҳдидлар ва уларнинг таснифи 61
4.3.Ахборот–психологик хавфсизликнинг шахсга таъсир этувчи восита ва усуллари 67
4.4. Шахс ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг шаклланиш омиллари ва унинг таъсир доираси 68
4.5. Резюме 68
4. 6. Назорат учун саволлар: 69
5-МАВЗУ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ 70
5.1. Дунёда ахборот ўлчовларининг ўрганилиши 70
5.2. ОАВ ахборот-психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида 71
5.4.Ахборот уруши ва ахборот қарама-қаршилиги 74
5.4. Хориж матбуоти, телевидения, радио ва интернетнинг асосий қадриятлари. Хориж ОАВнинг аҳолига таъсир кўрсатиш йўллари, шакл ва услублари. 76
5. 6. Резюме 77
5.7. Назорат учун саволлар: 77

6-МАВЗУ. АХБОРОТ СОҲАСИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ 78
6 1. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг мазмун ва моҳияти ҳамда зарурияти 78
6.2. Миллий ахборот тизимларини такомиллаштириш муаммолари 81
6.3. Ахборот тизимидан кириб келаётган салбий таъсиротларга қарши курашиш усуллари 82
6.4. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси 83
6.5. Резюме 84
6.6. Назорат учун саволлар: 85
7- МАВЗУ. АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАЛАРИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ 86
7.1. Ахборотнинг инсон ҳаётига таъсир ўтказиш омиллари 86
7.2. Ахборот соҳасида "шахс – жамият - давлат" ҳамкорлиги 88
7.3. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий, дастурий-техник ва ташкилий-иқтисодий усуллари 89
7.4. Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси 92
7. 5. Резюме 98
7. 6. Назорат учун саволлар: 99
8-МАВЗУ. ОЧИҚ ОММАВИЙ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ШАРОИТИДА ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ЎЗ-ЎЗИНИ ҲИМОЯЛАШИ 100
8. 1. Шахс руҳий кечинмаларининг ижтимоий борлиқ қадриятларига боғлиқлиги 101
8.2. Шахс онгида ғоя ва фикрнинг пайдо бўлиши. Мафкура ва психологик хавфсизлик муаммолари 102
8.3. Очиқ ахборот коммуникация тизимида инсоннинг ахборот таҳдидларини баҳолаш ва хавфсизлигини таъминлаш имкониятлари 104
8.4. Турли ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий хулқи. Психологик ҳимоя тушунчаси. 107
8.5. Шахснинг маънавий-аҳлоқий такомили, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва бошқариш имкониятлари 108
8.6. Таълим билан қамраб олинмаган аҳолига зиёлилар орқали соғлом ғояларни етказиш усуллари 110
8.7. Резюме 113
9-МАВЗУ. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ – ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ 114
9.1. Жамоатчилик фикри тушунчаси 114
9.2. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизликни таъминлаш 117
9.3. Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари 119
9.4. Конфиденциал ахборотнинг тарқалишини тўхтатиш 122
9.5. Резюме 124
9.6. Назорат учун саволлар: 125

10- МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ 126
10.1. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг 127
мақсади 127
10.2. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш вазифалари ва йўналишлари 127
10.3. Давлат ахборот сиёсати ва уни амалга оширишнинг шакл ва усуллари 130
10.4. Ўзбекистон Республикасида маълумотларни ҳимоялашнинг меъёрий-ҳуқуқий ва қонунчилик асослари 137
10.4. Резюме 140
10.5. Назорат учун савол ва топшириқлар 140
11-МАВЗУ. АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ВА ИНТЕРНЕТ .. 141
11.1. Компьютер, интернет ортидаги муаммолар 141
11.2. Ахборот хуружлари ва унда интернетнинг ўрни 145
11.3. Интернет тармоқларида техник бузилиш муммолари 148
11.4. Интернет ва ундан фойдаланиш маданияти 152
11.5. Резюме 156
11.6. Назорат учун саволлар: 156
12-МАВЗУ.АХБОРОТ СОҲАСИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТЛАР ВА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ТАҲДИД 157
12.1. Электрон оммавий ахборот воситаларида ахборот психологик хуружларини олдини олишнинг айрим чора-тадбирлари 157
12.2. Глобал тармоқ: ахборотнинг информацион характери ва психологик тажовуз 162
12.3. Резюме 167
11.4. Назорат учун саволлар: 167
13-МАВЗУ.ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАР ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ БАҲОЛОВЧИ МЕЗОН СИФАТИДА 168
Умумий йўналишдаги оммабоп тестлар 203
14-МАВЗУ.РЕСПУБЛИКАМИЗДА АХБОРОТ СОҲАСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУН ВА ҲУЖЖАТЛАР 222
ГЛОССАРИЙ 239
АДАБИЁТЛАР 245

БАХРИДДИН МЕНГБОЕВИЧ УМАРОВ
МУЯССАР ХОДИМАТОВНА АХМЕДОВА

ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК

Ўқув қўлланма

Тошкент - 2013

Муҳаррир *И.Турсунова,*
Техник муҳаррир *С.Хамидова*
Саҳифаловчи *Б.Хайдаров*

Босишга рухсат этилди 14.03.2013 й. Бичими 60x84 1/16
Офсет қоғози. Ризограф усулда. Times гарнитураси.
Шартли босма табоғи 14.6. Нашр. ҳисоб табоғи 13,0.
Адади 500 нусхада. Буюртма № 3-14

"CHASHMA PRINT" МЧЖ нашриёти.
100071. Тошкент, Комолон кўчаси, 13.

"RELIABLE PRINT" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Фурқат кўчаси, 2 уй.